Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли муштараклиги. Ўзбекистоннинг қандайдир бечора, кимнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмаслиги. Демократик жамият қурилишида миллий ва умумбашарий қадриятларга таяниш истиқболлари. Дунёда жамият қуриш тажрибасини бойитишда Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлининг аҳамияти. Унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузининг ортиб бориши.

II БҮЛІМ: ФАН БҮЙИЧА ИШЧИ ДАСТУР

**ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Ўзбекистонда демократик
жамият қуриш назарияси
ва амалиёти” кафедраси**

**«ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ
ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ» фанидан**

**ИШЧИ ДАСТУР
(барча йўналишлар учун)**

Тошкент - 2007

Ишчи дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси томонидан 2005 йилда ишлаб чиқилган ва тасдиқланган наъмунавий дастур асосида тузилган.

Тузувчи: доц. Г.Ж.Туленова

Ишчи дастур «ЎзДЖҚНваА» кафедраси йиғилишида (20 июнь 2007 йил, 39 - сон мажлис баённомаси) муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Кафедра мудири доц. Г.Ж.Туленова _____

Факультет декани _____

Талабларнинг умумий иш ҳажми:

1 бўлим – ЎзДЖҚНваА

Маъруза - 30 соат

Амалий машғулоти - 16 соат

СЎЗ БОШИ

Мазкур курснинг мақсади - ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамият иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий соҳалардаги ўзгаришларни чуқур ўрганишни кучайтиришдан иборат.

Ушбу курсни ўқитишда асосий эътибор сиёсат, сиёсий ҳаёт, сиёсий тартибот, сиёсий ҳокимият каби масаларга ҳамда ҳозирги дунёнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий-маънавий тузилиши ва хилма-хиллигини ўргатиш, талаба ёшларда сиёсий онг ва сиёсий маданиятни шакллантириш, давлат ва ҳокимият тўғрисидаги тўғри тушунча ва тасаввурларни ҳосил қилиш ва шу каби масалаларга қаратилади.

Мазкур курсни ўрганиш, унинг мазмунини мукамал ўзлаштириб олишда талабалар, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, маъруза ва нутқларида олға сурилган ғояларни чуқур ўрганиб чиқишлари зарур, чунки улар мазкур курснинг илмий-назарий асосини ташкил этади. Асарларда Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг назарий ва амалий йўллари батафсил кўрсатиб берилган. Президентимиз асарларида Ўзбекистонда янги демократия ва адолат жамият қуришининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар, уларнинг истиқболлари, миллий манфаатлар устиворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатнинг мақсад ва йўналишлари кўрсатиб берилган.

Шунингдек,, асарларда иқтисодий ислохотларнинг босқич ва устивор йўналишлари, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари билан боғлиқ бўлган масалалар, миллий мерос, маданият, кадриятларимизни тиклаш ва янада ривожлантириш муаммолари ўрин

олган. Талабалардан эса ана шу жараёнларни чуқур тушуниб олиниши талаб қилинади.

Курсни мукамал ўзлаштириб олишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Президент қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари муҳим манба бўлиб ҳисобланади ва талабалар ҳам уларни пухта атрофлича ўрганиб чиқишлари зарур.

Йил давомида мазкур курс бўйича талабалар алоҳида Мавзуни танлаб маъруза (доклад, ишларни) тайёрлаб келишлари керак. Қўйилган талабларга тўла жавоб берган талабаларгина якуний назорат топширишга қўйиладилар.

«Ўзбекистон янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти», курснинг предмети доирасига кирадиган муаммолар билан “Политология”, “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Иқтисодиёт назарияси”, “Маънавият асослари”, “Фалсафа”, “Социология” ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлари ҳам шуғулланади. Лекин улар бир-бирларини такрорламайдилар.

Мазкур фанлар ўртасида маълум даражада умумийлик ҳам, фарқ ҳам мавжуд. Булар ўртасидаги умумийлик қуйидагилардан иборат.

Биринчидан, барча жамиятшунослик фанлар, шу жумладан, “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» битта умумий ўрганиш объектига эга. Буларнинг ҳаммасининг объекти — жамият, унинг ривожланиш қонуниятлари ташкил этади.

Жамият — бу инсонларнинг онгли фаолияти туфайли ташкил топган ижтимоий муносабатларининг йиғиндиси, мажмуасидир.

Ижтимоий муносабатлар сермазмун ва хилма-хил бўлиб сиёсий, иқтисодий, хусусий, маданий-маънавий, ижтимоий-этник ва бошқа шаклларда намоён бўлади. Мана шу кўп қиррали ижтимоий муносабатлар

жамиятшунослик туркумига кирадиган барча фанларнинг умумий объектини ташкил этиб, уларни маълум даражада бирлаштиради.

Иккинчидан, жамиятнинг барча соҳаларидаги ҳодисаларини, жараёнларни акс эттириш, ифодалаш учун барча жамиятшунослик фанлари, шу жумладан, “Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” бир хил тушунчалар, категориялар тизимидан фойдаланишади. Бу ҳам жамиятшунослик фанлари ўртасидаги умумийликдан далолат беради.

Учинчидан, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий, миллатлараро муносабатлар, ташқи сиёсат ва бошқа соҳалардаги жараёнларни илмий тадқиқот қилишда барча олимлар томонидан умумэътироф этилган усуллар туркумидан фойдаланади.

Усул — илмий билишнинг таркибий қисми бўлиб, унинг объекти, таҳлил Мавзуси, тадқиқот вазифалари, уларни этиш учун зарур бўлган воситалар ва йўллари ифодаланади. Ҳар бир фан ўрганадиган объектларининг ўзига хос аниқ изланиш усули бўлиб, бу усул хусусий, умумий ва энг умумий усул бўлиши мумкин.

Мазкур усуллар нафақат табиат фанлари, балки ижтимоий-гуманитар фанларда ҳам самарали ишлатилиб келинмоқда. Бу ҳам ҳар хил фанлар ўртасидаги умумийликни ифодалайди.

Шундай қилиб, «Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курси ҳамда бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар умумий, ўрганиш объекти, умумий тушунчалар таркиби, умумий илмий услуб ва усуллар тизимига эгадир.

«Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курси бошқа фанлардан фарқ қилувчи хусусиятларга ҳам эга. Бу курсда жамиятнинг умумий тузилиши, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий, миллатлараро ва давлатлараро муносабатларнинг шаклланиш ва тараққий этиш қонуниятлари билан

шуғулланади. Шу сабабли у бошқа жамиятшунос фанларга нисбатан кишиларни кенг кўламли маълумотлар билан қуроллантиради. Мана шу хусусият билан «Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курси жамиятшунослик фанлар тизимида ажралиб туради.

ФАННИНГ МАЗМУНИ

МАВЗУ НОМИ	МАЪРУЗА	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ
Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.	2	
Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари.	2	2
Мустақиллик ва демократик жамият қурилишининг «Ўзбек модели».	2	2
Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда ўтиш даврининг зарурлиги. Унинг хусусиятлари.	2	
Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва кадриятлари.	2	2
Қонун устуворлиги демократик, фуқаролик жамияти қуришнинг асоси.	2	2
Миллий-маънавий негизларга таяниш — демократик жамият қуришнинг зарурий шарти.	2	
Фуқаро эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш — демократик жамият қуриш омили.	2	2
Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш.	2	2
Оила демократик жамият қурилишининг асосий бўғини.	2	
Демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари.	2	2
Демократик жамиятни барпо этишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг ўрни.	2	
Демократик жамият қурилишида кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари.	2	2
Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорлигида демократик тамойилларга асосланиши.	2	

1- Мавзу: “ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ” КУРСИНИНГ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МУАММОЛАР ДОИРАСИ- 2 соат

Жамиятнинг кўп асрлик тараққиёти жараёнида шаклланиб, доиморивожланиб келаётган ҳар бир фаннинг ўзига хос предмети мавжуд. Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси бундан истисно эмас.

Мазкур курснинг предметини Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, демократик, фуқаролик жамият асосларини шакллантириш, бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодий қарор топтириш, жамиятимизни маънавий қайта тиклаш ва юксалтириш, Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати назарияси ва амалиёти ташкил этади. Бундан яққол кўриниб турибдики, «Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» бир бири билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги беш туркум муаммолардан таркиб топган.

1. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши муҳим ижтимоий-сиёсий, тарихий ва оламшумул воқеа ҳисобланади. Бунга биз тасодифий равишда ёки бўлмаса оппа-осонгина эришганимиз йўқ. Уни ҳеч ким бизга ҳади этган ҳам эмас. Мустақилликка халқимиз кўп йиллар давом этган жиддий ва машаққатли курашлар эвазига эришди. Авлодаждодларимиз томонидан олиб борилган курашлар бўлмаганда биз ҳеч қачон мустақилликка эришмасдик.

2. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият асосларининг барпо этилиши ва хусусиятлари.

Республикамизнинг мустақил давлат деб эълон қилиниши билан жамиятимизда сиёсий ислохотлар авж олиб кетди. Ўзбекистонда

демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг назарий асослари ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш йўллари ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, республикада эски маъмурий-буйруқбозликка асосланган ҳокимият тизимидан миллий давлатчилик тизимига ўтиш механизми яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти барпо этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятлари ташкил этилиб уларнинг ваколатлари белгилаб берилди. Демократик институтлари ва фуқаролик жамиятни қарор топтириш сиёсати ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Сиёсий партиялар, нодавлат жамоа ташкилотлари ва бошқа жамоат бирлашмаларнинг Ўзбекистон республикаси ҳаётидаги ўрни асослаб берилди.

3. Иқтисодий ислохотлар, бозор муносабатларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Мазкур муаммолар туркумига Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли, унинг асосий тамойиллари ва хусусиятлари, иқтисодий ислохотлар ва бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш, кўп укладли иқтисодиёт ва мулкдорлар синфининг шаклланиши, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кабилар кирди. Мазкур масалаларни чуқур ва атрофлича англаб олиш жамиятимизда содир бўлаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини онгли равишда идрок этиб фаолият кўрсатишнинг муҳим омилдир.

4. Жамиятимизнинг маданий-маънавий тикланиши ва юксалиши билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Мустақилликни қўлга киритгач, дастлабки кунларданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят

улкан, бебахо маънавий ва маданий меросимиз, миллий кадриятларимизни тиклаш-давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига айланади. Натижада халқимизнинг ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий кадриятларнинг, маданиятининг соҳибига айланади.

Давлатимиз томонидан маънавий тикланишнинг ижобий, бунёдкорлик моҳиятини кучайтиришга қаратилган, бир-бирини тулдирадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилди. «Ушбу дастурлар, — дейди И.А.Каримов, — биринчи навбатда, қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндашишга, энг муҳим, умуминсоний кадриятлари бойитадиган ҳамда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб берадиган, ахлоқ жиҳатдан аҳамиятли анъаналарни, урф-одатларини танлаб олиш заруриятига асосланган эди».

5. Ўзбекистоннинг миллий манфаатлар устиворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир. Шунининг эътиборига олган ҳолда Республикамиз ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтиришга қаратилган ташқи сиёсати, уни амалга ошириш йўллариини белгилаб олди.

2-Мавзу: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ДАСТЛАБКИ ҚАРАШЛАР ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ- 2 соат

Ўзбекистон замида адолатли жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар. Унинг манбалари ва ривожланиши. «Авесто»да халқчил, инсоний ва адолатли жамиятда яшашга доир қадриятлар.

Ўзбекистон ҳудудида дунёга келган илк давлатчиликда бошқарув негизлари. IX-XII асрларда Ўрта Осиё мутафаккирларининг қарашларида давлатни бошқариш ва адолатли жамият қуришга доир ғоялар. Амир Темурнинг давлат ва жамият ишларини ташкил этиш тузуклари. Унинг адолатли салтанат ва жамият бошқарувида қонун устуворлигига доир қарашлари. М.Улуғбек, М.З.Бобур, А.Навоий, Х.В.Кошифий, Ж. Давоний ва бошқаларнинг адолатли давлат, одил жамият, инсон эркинлиги, эзгулик, маърифат тўғрисидаги ғоялари.

XV-XIX асрларда давлат ва жамият қурилишининг ижтимоий-сиёсий ҳолати. Миллий давлатчилик негизларидан маҳрум бўлиш сабаблари. Уни тиклашга бўлган уринишлар. Жадидларнинг миллий давлатчилик ва адолатли жамият қурилишига доир маърифатпарварлик ғоялари.

Ўзбекистонда давлат ва жамият қуришнинг «Советча кўриниши. Ягона партия ҳукмронлиги. Марказлашган маъмурий бошқарув. Демократияни синфий тушуниш. Тоталитаризм ва унинг оқибатлари. Унинг демократик жамиятга зидлиги.

Миллий мустақиллик ва демократик ўзгаришлар сари йўл тутилиши. И.А. Каримов — янги, мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти. Унинг асарларида Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг методологик асослари ишлаб чиқилишининг аҳамияти.

3-Мавзу: МУСТАҚИЛЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНИНГ «ЎЗБЕК МОДЕЛИ» - 2 соат

Демократик жамият қурилишининг турли хил миллий моделларининг мавжудлиги. Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг ўзига хос хусусиятлари ва «Ўзбек модели». Унинг моҳиятан ўзаро муштарақлиги. И.А.Каримов томонидан «Ўзбек модели»да демократик жамият қуришга доир тамойиллар: Иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги. Давлат бош ислохотчи, қонун устуворлиги. Кучли ижтимоий ҳимоя ва босқичма-босқич ривожланиш. «Дунёвий давлат» ва «миллий давлатчилик» тушунчалари.

«Ўзбек модели»нинг жамият ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаёт соҳаларида намоён бўлиши. Унинг Ўзбекистонда демократик жамият қуриш хусусиятларига мослиги. Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши жараёнларида инсон эркинлиги, ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлиги.

4-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШДА «ЎТИШ ДАВРИ»НИНГ ЗАРУРЛИГИ ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ- 2 соат

Ўтиш даври тушунчаси. Унинг мустақилликни қўлга киритган барча мамлакатлар учун зарурлиги ва моҳияти ҳамда умумий қонуниятлари. Унинг ҳар бир давлат учун хос бўлган хусусиятларининг мавжудлиги. Ўтиш даврининг: «классик», «инқилобий», «эволюцион» йўллари. Демократик жамият қуришда ўтиш даврини «анъанавий» ва «инқилобий» тушунишнинг бир томонлама талқин этилиши ва унинг чекланганлиги. Ўзбекистонда «Ўтиш даври»га ёндашишнинг ўзига хос жиҳатлари. Эволюцион, тадрижий ривожланиш йўлининг моҳияти. Унда ҳар бир мамлакат ва халқларнинг ўзига хос менталитети, турмуш тарзини ҳисобга олиш зарурлиги. Демократик жамият қуриш вазифаларининг босқичма-босқич амалга оширилиши.

Ислом Каримов томонидан Ўзбекистоннинг «эволюцион тадрижийлик» асосида демократик жамиятга ўтишга доир назарий, концептуал, методологиясининг ишлаб чиқилиши. Ўзбекистоннинг тоталитар мустамлака мамлакатдан демократик жамиятга ўтишда ўзбек халқининг ўзига хос хусусиятлари, урф-одат, анъана ва кадриятлари. Демографик жараёнлар, миллий таркиби, геостратегик хусусиятларига асосланиши ва ҳисобга олиш зарурлиги.

Ўзбекистонда «эволюцион-тадрижий ривожланишнинг реал ҳаётга татбиқ қилиниши. Бугунги кунда «эволюцион-тадрижий» йўл билан ўтиш афзалликларининг жамиятимиз ҳаётида кўринишлари. «Ўтиш даври» нинг муаммоларини ҳал этишнинг ўзига хос йўллари.

5-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ, УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ- 2 соат

Демократик жамиятнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва кадриятлари тушунчаси. Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида миллий ва умумбашарий тамойилларга таяниш тўғрисида.

Миллий тамойиллар ва кадриятларнинг демократик жамият қуришда ақс этиши. Унинг тарихийлиги ва замонавийлиги. Демократик жамият барпо этишда миллий тамойилларга бўлга зарурат. Демократияни миллий манфаатларга зид қўйиб, «зўрма-зўракилик» билан жорий қилиб бўлмаслиги. Миллий кадриятлар ва демократия тамойиллари ўртасидаги мутаносибликка эришишнинг жаҳон тажрибаси.

Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда миллий ва умумбашарий кадриятларнинг уйғунлашуви. Демократик тамойилларга амал қилиш шарт-шароитлари. Дунёда турли халқлар, турли маданиятлар бор жойда демократия ўзига хос миллий хусусиятларга, кадриятларга таянса, ўзининг амалий самарасини бериши мумкинлиги. Унинг маҳаллий, мил-

лий, минтақавий ва умуминсоний кадриятларда намоён бўлиши Терроризмнинг демократик жамият қуришга қарши қаратилган хавф-хатар эканлиги. Ўзбекистонда адолатли, демократик жамият барпо этишда миллий тамойиллар ва кадриятларнинг умуминсоний тамойиллар билан уйғунлаштирилишнинг аҳамияти.

6 – Маъзу: ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ АСОСИ- 2 соат

Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти қурилишида қонун устиворлиги тамойилининг мустақамланиши. Ўзбекистон Республикаси вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек,, Қорақалпоғистон Республикасидан иборат. Ўзбекистон Республикаси билан Қорақалпоғистон Республикаси ўзаро муносабатлари. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси ўртасида тузилган шартномалар ҳамда битимлар билан тартибга солинди. Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида адолат, инсон манфаатлари устиворлиги. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар, фуқароларнинг Конституция ва қонунларга мувофиқ фаолият юритишлари. Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги. Унинг Конституция ва қонунларга мослигини назорат қилиниши ва таъминланиши. Қонунчилик палатаси ва Сенат. Президентлик институти. Вазирлар Маҳкамаси. Суд мустақиллиги. Давлат органларининг ваколатлари.

Конституцияга ва демократияга зид бўлган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг бекор қилиниши лозимлиги. Қонун устиворлиги тамойилининг Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамиятини қурилишидаги аҳамияти.

**7- Маъзу: МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ НЕГИЗЛАРГА ТАЯНИШ —
ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ
-2 соат**

Мустақиллик ва Ўзбекистонда жамиятни маънавий негизларнинг ўзгариши. Маънавий янгиланиш тушунчаси. Унинг зарурлиги ва сабаблари. Унга янгича муносабат. Мустақиллик демократик жамият қурилишида миллий-маънавий меросининг янгича маъно ва мазмун касб этиши. Миллий-маънавий негизлар тушунчаси. Унинг мазмун ва моҳияти. Миллий-маънавий негизларга таяниш ва уларни тиклашга бўлган заруратнинг сабаблари. Демократик жамият қурилишида халқимизнинг кўп асрлик давлатчилик ва жамият қурилишидаги анъаналарнинг ҳисобга олиниши.

Агрессив миллатчилик: шовинизм ва экстремизм ва терроризмнинг демократия ва миллий-маънавий негизларига зидлиги. Маънавият ва илм-маърифатнинг бош мезони — инсонийлик, унинг асосий мақсади — Ватанга садоқат билан хизмат қилиш. Миллий маънавий негизларнинг демократик жамият, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қурилишидаги ўрни. Демократия, миллий-маънавий негизлар ва барқарорлик.

Маънавий янгиланишнинг демократик жамият қурилишидаги аҳамияти. Баркамол шахс демократик жамият мезони.

Миллий-маънавий ўзгаришларнинг давлат ва жамият қурилишида ақс этиши. Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик, фуқаролик жамияти қурилишининг маънавий янгиланиш билан боғлиқлиги. Унинг демократик жамият қурилишидаги аҳамияти ва истиқболлари.

**8- Мавзу: ФУҚАРО ЭРКИНЛИГИ ВА ФАОЛЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ — ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ
ҚУРИШ ОМИЛИ - 2 соат**

Фуқаро эркинлиги фаоллиги тушунчаси. Унинг ижтимоий-сиёсий тафаккур тарихидаги талқинлари. Абу Наср Фаробий комил инсон ва фозил жамоа тўғрисида.

Инсон фаоллигининг асосий мезонлари. Инсон салоҳияти демократик ўзгаришларнинг энг фаол ва бунёдкор омили эканлиги. Инсон ва жамият. Ҳозирги давр демократиясида инсон, жамият ва давлатнинг ўзаро муносабатлари.

Президент И.А.Каримов демократик жамият қуришда инсон эркинлиги ва фаоллигини юксалтириш тўғрисида. Ўзбекистонда инсон фаоллигини ошириш демократик жамият қуришнинг асосий омили эканлиги. Фуқаролар фаоллиги ва масъулиятини оширишнинг барқарор жамият ва фаровон ҳаёт барпо этишдаги ўрни. Фуқаролар эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш-демократик ислохотларнинг бош мақсади.

Фуқаролар ижтимоий фаоллигини ошириш эркин ва фаровон ҳаётни барпо этишнинг зарурий шарти. Инсоннинг ижтимоийлашув ва фаоллашуви жараёни.

**9-Мавзу: ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ
ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ- 2 соат**

Демократик жамиятда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш тушунчаси ва мазмуни. Тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тузум иқтисодиётидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш. Эркин бозор иқтисодиёти ва демократик жамият тамойилларининг ўзаро боғлиқлиги.

Иқтисодий эркинлаштириш шароитида давлат бошқарувини, ваколатларини чеклаш ва вазифаларини номарказлаштириш. Маъмурий ислохотлар ва иқтисодий тараққиёт.

Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг ижтимоий-иқтисодий негизи. Мулкчиликнинг хилма-хил шакллари. Хусусий мулк ва мулкдор. Истеъмолчилар ҳуқуқлари ва танлаш эркинликларнинг устунлиги. Тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги. Рақобатнинг демократик жамият барпо этишдаги ўрни.

Ўзбекистонда иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш босқичлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари. Бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш. Эркин иқтисодий тамойилларини жорий этиш. Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш.

Бозор инфратузилмасини шакллантириш. Хусусий сектор миқёсларини кенгайтириш. Кичик бизнес ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш. Ташқи иқтисодий фаолиятни ва валюта бозори. Ҳақиқий мулкдорлар қатламини шакллантириш. Тадбиркорлик ва иқтисодий фаолият эркинлигини таъминлаш — демократик жамият ривожининг зарурий шарти.

10-Маъзу: ОИЛА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ- 2 соат

Демократик жамиятда оила институтининг ўзига хослиги. Истиқлол даврида Ўзбекистон оилаларидаги ўзгаришлар. Оилада демократик онг, тафаккур ва ҳаётнинг дастлабки шаклларида қарор топиши. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила масалалари. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов оиланинг демократик жамиятдаги ўрни ва роли ҳақида. Оилага давлат ва жамият эътиборининг кучайиши. Ўзбекистондаги оилаларнинг таркибий тузилиши. Ривожланган

давлатларда оилаларнинг таркибий жиҳатлари ва унинг оила фаровонлигининг демократик жамият барпо этишдаги таъсири.

Ўзбекистон оилаларида меҳр-мурувват масаласи. Ўзбек оилаларининг ўзига хос жиҳатлари. Оила институтининг баркамол шахс ва демократик қадриятлар шаклланишидаги ўрни. Оилада тотувлик. Оилада ота-она, ака-ука, опа-сингилларнинг ижтимоий маъқеи. Оиладаги ўзаро муносабатларда шарқона ва умуминсоний тамойиллар уйғунлигини таъминлашдаги шарт-шароитлар ва омиллар. Демократия тамойилларини тушунишда ўзбек оилаларига хос қадриятларнинг ҳисобга олиниши. Оиланинг жамоа, маҳалла, жамият ва давлат барқарорлигига таъсири. Оилада онанинг роли. Фарзандлар тарбиясига нисбатан турлича ёндашувлар. Оилада фарзандларнинг ўз инсоний ва фуқаровий ҳақ-ҳуқуқларини ўрганишдаги аҳволи. Оила муҳитида фикрлар бирлиги ва плюрализм. Оилада коллегиаллик кўринишларининг демократик жамият ҳаётида ақс этиши. Ўзбекистонда демократик жамият қуришда оила ролининг ошиб бориши.

11-Маъзу: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ШАКЛЛАНИШИДА МАҲАЛЛА ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ- 2 соат

Ўзбекистонда демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларининг ўрни. Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари. Мамлакатимизда маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг шакллари. Уларнинг фуқаролик жамияти қурилишидаги роли. Маҳалла — фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда демократик тамойиллар асосидаги ўзини-ўзи бошқариш тизимининг тикланиши. Президент И.А.Каримов Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари

ва уларни ислоҳ, қилишнинг асосий йўналишлари тўғрисида. Маҳалланинг фуқароларни демократик қарорлар қабул қилишда иштирокини таъминлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдаги ўрни. Маҳаллий давлат ҳокимияти айрим ваколатларини ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич бериб бориш мақсадлари. Унинг демократик фуқаролик жамиятини барпо этишдаги аҳамияти.

***12-Маъзу:* ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШДА НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ЎРНИ – 2 соат**

Нодавлат, нотижорат ва жамоат бирлашмалари тушунчаси. Унинг маъно ва мазмуни. Президент И.А.Каримов асарларида Ўзбекистонда ҳуқуқий, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини куриш жараёнида нодавлат, нотижорат ташкилотларнинг ўрни ҳақида. Фуқаролик жамияти куриш Ўзбекистоннинг пировард стратегик мақсади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларида нодавлат, нотижорат ташкилотлар фаолиятининг ҳуқуқий асослари кафолатланишининг яратилиши. Ўзбекистондаги нодавлат, нотижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва сиёсий партиялар фаолиятининг^п асослари. «Нодавлат, нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонун.

Кўппартиявийлик — демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарти. Ўзбекистондаги сиёсий партияларнинг жамиятни демократлаштиришдаги ўрни. Ўзбекистон “Халқ демократик партияси”, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий Тикланиш» демократик партияси, «Фидокорлар» миллий демократик партияси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – “Ўзбекистон Либерал-демократик партияси”, «Халқ бирлиги», “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати.

Мамлакатимизда халқаро ва хорижий нодавлат ташкилотлар фаолияти. Ўзбекистонда "Кучли давлатдан кучли жамият сари" концепциясининг амалга оширилиши фуқаролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти.

13- Мавзу: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ- 2 соат

Ўзбекистонда демократик жамият қурилишида кучли ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат тамойиллари тушунчаси. Унинг мазмун ва моҳияти. «Адолат» ва «тенглик» тушунчаларини янгича тушунишнинг зарурлиги. Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий адолат ва ҳимоя ҳақидаги ғоялари.

Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимояни жамиятда тартиб, уйғунлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш омили сифатида қаралишининг асослари. Президент И.А.Каримовнинг мамлакатимизда нафақат демократик давлат, балки адолатли жамият барпо этиш тўғрисидаги концепцияси. Ижтимоий ҳимоя ғоясининг адолат ва либерал демократия ғоялари билан боғлиқлиги, ҳимояга муҳтож социал гуруҳларнинг ижтимоий ҳолати. Ижтимоий адолат ва бозор муносабатлари. Демократик жамиятда адолат ва ижтимоий ҳимоянинг муштараклиги. Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати: унинг мақсади, босқичлари, хусусиятлари, ривожланиши.

Ўзбекистонда ижтимоий адолат принциплари ва уларнинг амал қилиш хусусиятлари. Ижтимоий ҳимояга нисбатан амалиётда турлича муносабат (меркантал, уталитар, патерналистик ва б.). Унинг Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги кўринишлари. Ижтимоий адолатнинг макро (оила, маҳалла, жамоалар) ва микро даражалари.

Жамоатчилик фикрида адолат туйғуси, ижтимоий ҳимоя тушунчасининг турли социал ҳолатлар, шароитлар ва гуруҳларда акс этиши. Демократик жамиятда турли қатламлар, гуруҳлар манфаатларини уйғунлаштиришда ижтимоий адолат мезонлари ва ижтимоий ҳимояни кўллашнинг барқарор тараққиётни таъминлашдаги аҳамияти.

14-Мавзу: ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ - 2соат

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Ўзбекистоннинг Халқаро ҳамжамиятга қўшилишидаги демократик тамойиллари ҳақида. Демократик тартиботлар ва унинг асосий йўналишлари. Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти муносабатларининг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий асослари.

Жаҳон ҳамжамияти ва демократок жараёнлар. БМТва Ўзбекистон Республикаси. Ўзбекистон — АҚШ стратегик ҳамкорлиги. Ўзбекистоннинг Европа, Осиё давлатлари билан ҳамкорлиги. Халқаро ташкилотлар билан алоқаларда демократик институтларнинг ривожланиши. МДҲ давлатларидаги демократик ислохотлар ва давлатлараро муносабатлар. Ўзбекистон Россия муносабатлари.

Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотидаги ўрни. Унинг халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашида ўзаро ҳамкорликнинг аҳамияти. Марказий Осиёдаги демократик жараёнлар ва давлатлараро ҳамкорлик. Марказий Осиёда давлатлари ҳамжиҳатлиги. Унга жаҳон ҳамжамиятининг эътибори. Фуқаролик жамияти асосларини ривожлантиришда демократик ҳамкорлик. Жаҳон ҳамжамияти билан ҳамкорликда миллий манфаатларнинг устуворлиги. Халқаро терроризмнинг демократияга ва жаҳон ҳамжамияти ҳамкорлигига таҳдид солувчи куч эканлиги. Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигининг истикболлари.

Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти муносабатларининг ҳуқуқий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, илмий асослари.

2.2 Амалий машғулотлар мавзулари

1. Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари - 2 соат
2. Мустақиллик ва демократик жамият қурилишининг «Ўзбек модели» -2 соат
3. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятлари -2 соат
4. Қонун устуворлиги демократик, фуқаролик жамияти қуришнинг асоси - 2 соат
5. Фуқаро эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш – демократик жамият қуриш омили - 2 соат
6. Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш - 2 соат
7. Демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари - 2 соат
8. Демократик жамият қурилишида кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари - 2 соат

ЖАМИ: 16 соат

АДАБИЁТЛАР

1. АСОСИЙ АДАБИЁТ

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. — Т.: Ўзбекистон, 2003. 32 бет.

2. Ўзбекистон Республикаси “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни — Т.: Адолат, 1998. 31 бет.

3. “Давлат тили ҳақида”ги (янги таҳрир) Ўзбекистон Республикасининг қонуни. — Т.: Ўзбекистон, 1997. 22 бет.

4. “Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни. — Т.: Ўзбекистон, 1989. 30 бет.

5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. — Т.: Адолат, 1996. 263 бет.

6. Ўзбекистон Республикасида масофавий таълим тизимини яратиш ва ривожлантириш концепцияси (Лойиҳа) // Хабар, 2004 йил 20 февраль.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳр ва мурувват йили” дастури тўғрисида қарори // Ўзбекистон овози. 2004. 29 январь.

8. “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2004. 28 (112)-сон, 5-8-бетлар.

9. “Меҳр ва мурувват йили” дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссиясини тузиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши // Халқ сўзи. 2003. 13 декабрь.

10.Каримов И.А. Халқимизнинг оташқалб фарзанди //Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.1—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1996.364 бет.

11.Каримов И.А. Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўли//Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.1—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1996.364 бет.

12.Каримов И.А. Ҳаллоллик ва фидойиллик – фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин //Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1996. 380 бет.

13.Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1996. 366 бет.

14.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида//Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1996.- 366 бет.

15.Каримов И.А. Тараққиётнинг қудратли қаноти//Бунёдкорлик йўлидан. 4—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1996.349 бет.

16.Каримов И.А. Минтақада хавфсизлик ва ҳамкорлик учун// Бунёдкорлик йўлидан.4—жилд — Т: Ўзбекистон.- 1996.349 бет.

17.Каримов И.А. Янгича тафаккурга кенг йўл//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.6- жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1998. 429 бет.

18.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари//Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.6—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1998. 429 бет.

19.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. — Т.:Ўзбекистон, 1998. 686 бет.

20.Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. — Т.:Ўзбекистон, 1999. 47 бет.

21.Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз// Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1999. 410 бет.

22.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1999. 410 бет.

23.Каримов И.А. Жамятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин//Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.7—жилд. — Т.: Ўзбекистон, 1999.410 бет.

24.Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ //Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.7—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 1999,410 бет.

25.Каримов И.А. Миллий истиқлол мафқураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз.8—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 2000, 528 бет.

26.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз //Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз.8—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 2000. 528 бет.

27.Каримов И.А. Ўзбекистон Конституциясининг 8 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқи. //Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 2001, 432 бет.

28.Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида//Хавфсизлик ва тинчлик учун қурашмоқ керак.10—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 2002, 432 бет.

29.Каримов И.А. Ватанимиз тинчлиги ва хавфсизлиги ўз қучқудратимизга халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ. // Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз қучқудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродаимизга боғлиқ.12—жилд. — Т.:Ўзбекистон, 2004, 400 бет.

30.Каримов И.А. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ижтимоий катлами Ўзбекистон сиёсий майдонида ўз ўрнини эгаллаши лозим (Президентнинг янги тузилаётган сиёсий партия ташаббус гуруҳи аъзолари билан учрашувдаги нутқи) // Ўзбекистон овози. 2003 йил. 9 октябрь.

31.Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. —Т.:Ўзбекистон, 2005. 96 бет.

2. ҚЎШИМЧА АДАБИЁТ

1.Абдунабиев А. “Авесто” – ўлкан маънавий мерос. — Т.:ТЭАИ, 2001.28 б.

2.Абдуллаев Ю. Ваххобийлик илдизлари.- Ф.:Фарғона, 1998. — 64 бет.

3. Абдурахмонов Ф. Мустақиллик ва миллий манфаатлар.- Т.:Фан, 1994. 108 бет.

4.Абзалов Э. Правовая культура и правонарушения молодёжи (отв.ред. У.Таджиханов). —Т.:Академия МВД РУз, 1997.21 с.

5.Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар.- Т.:Фан, 1989. 365 бет.

6.Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. —Т.:Фан, 1965. 537 бет.

7.Акрамов А. Халқлар ленинча дўстлиги байроғи остида. — Т.:Ўзбекистон, 1976. 206 бет.

8.Алишер Навоий. Лисонут тайр. —Т.:Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 346 бет.

9.Алиқулов Х.А. Из истории суфизма: источники и социальная практика. —Т.:Фан, 1991.146 бет.

- 10.Аликулов Х. Этические воззрения мыслителей Средней Азии и Хорасана (XIУ-ХУвв) . —Т.:Фан, 1992. 98 с.
- 11.Аликулов Х. Шарқ мутафаккирлари ахлоқ ҳақида. —Т.:Фан, 1978. 48 бет.
- 12.Аль-Фараби. Избранные трактаты. — Алматы:Гылым, 1994. 448 бет.
- 13.Ачилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. — Т.:Ўзбекистон, 2004.133 бет.
- 14.Ачилдиев А.Миллий ғоя, инсон ва замон. —Т.:Янги аср авлоди, 2001.96 бет..
- 15.Ачилдиев А. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. — Т.:Янги аср авлоди, 2000.32 бет.
- 16.Аҳмедов Б. Тарихдан сабоқлар. —Т.:Ўқитувчи, 1994. 164 бет.
- 17.Бегматов А. Маънавият фалсафаси ёхуд Ислом Каримов асарларида янги фалсафий тизимнинг яратилиши. —Т.:Шарқ, 2000.96 бет.
- 18.Бердимуратова А.К. Философско-методологический анализ экологического кризиса на пороге XXI века (на материалах Приаралья). —Т.:Фан, 1999.173 с.
- 19.Бети Радон. Бағрикенглик: тинчлик сари олға қадам. — Т.:ЮНЕСКО, 2002. 164 бет.
- 20.Васильев Л.С. История религий Востока. —М.: Книжный дом “Университет”, 1999. 432 с.
- 21.Ғойибов Н. Амир Темур даври маънавияти: Бадиа. —Т.:Ғ.Ғулом номидаги Абадиёт ва санъат нашриёти, 2001. 48 бет.
- 22.Дженшенкулов А. Новые независимые государства Центральной Азии в мировом сообществе. — М.:Научная книга, 2000. 264 с.
- 23.Доклад о человеческом развитии. —Т.: Ўзбекистон, 1997.194 с.

24. Дробижева Л. Социальные проблемы межнациональных отношений в постсоветской России. — М.: Центр общечеловеческих ценностей, 2003. 376 с.
25. Дўланов А. Иқтисодий ислоҳотлар ва ёшлар маънавияти. — Қарши: Нафас, 2000. 72 бет.
26. Ёқубов А. Ўзбекистонда Янги сайловлар. — Т.: Маънавият, 1999, 16 бет.
27. Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. —.: Ўқитувчи, 1994. 312 бет.
28. Жалилов Ш. Кучли давлатдан кучли жамият сари. — Т.: Ўзбекистон, 2001. 160 бет.
29. Жалолов А. Демократия - машаққатли сурур. — Т.: Университет, 2000. 349 бет.
30. Жалолов А. Мустақиллик масъулияти. — Т.: Ўзбекистон, 1996. 256 б.
31. Жалолов М. Ўзбекистон: Мустақиллик, маънавият, мафкура: фалсафий-сиёсий мусохабалар ва мақолалар). — Т.: Ўзбекистон, 1994. 96 б.
32. Жалолов А. Истиқбол уфқлари. — Т.: Ўзбекистон, 1998. 148 б.
33. Жаринов К. Терроризм и террористы. — Мн.: Ҳарвест, 1999. 606 с.
34. Жумаев Р. Давлат ва жамият: демократлаштириш йўлида. — Т.: Шарқ, 1998. 143 б.
35. Жўраев Н. Ўзлигини англаш мавриди. — Т.: Ўзбекистон, 1990. 126 б.
36. Жўраев Н. Гоявий иммунитет ёки маънавий ҳамкорлик туйғуси. — Т.: Ўзбекистон, 2002. 64 б.
37. Зокиров Х. Правовая культура и правосудие (Под ред. У. Таджиханова). — Т.: Академия МВД РЎз, 1998. 28 с.
38. Закурлаев А. Гоялар кураши. — Т.: Мовароуннахр, 2000. 63 б.

- 39.Ибрагимов Х. Институт ответственности государства перед гражданами (Под ред.У.Таджиханова). —Т.:Академия МВД РУз, 1997.23 с.
- 40.Камилова С. Диний эътикод, акидапарастлик, сиёсат. — Т.:Ўзбекистон, 1999.23 б.
- 41.Карелин Е. Катастрофическое сознание в современном мире в конце XX века. —М.:Наука, 1999.382 с.
- 42.Кемеров В. Введение в социальную философию. —М.:Аспект-пресс, 1996.215 с.
43. Кемпбелл Д. Справочник по социализации. — М.:Наука,1969.189 с.
- 44.Комилов Н.Тасаввуф ёки инсон ахлоқи. — Т.:Ёзувчи, 1996. 272 б.
- 45.Конфуций. Я верю в древность. —М.:Наука, 1995. 296 с.
- 46.Левитин Л. Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида. —Т.: Ўзбекистон, 2001. 367 б.
- 47.Маскакова Л.П. Миграция населения Ўзбекистана. —Т., 2000. 115 с.
- 48.Махмуд Асъад Жўшон. Тасаввуф ва нафс тарбияси. —Т.:Чўлпон, 1998. 80 б.
- 49.Махмудов Т. Авесто ҳақида. —Т.:Шарқ, 2000. 178 б.
- 50.Мусурмонова О. Оила маънавияти —миллий ғурур. — Т.:Ўқитувчи, 2000.200 б.
- 51.Назаров Қ. Қадриятлар тизимининг барқарорлиги ва ўзгаришлари. —Т., 1999. 86 б.
- 52.Ортиқов Н. Маънавият: миллий ва умуминсоний қадриятлар. — Т.:Ўзбекистон, 1997.48 б.
- 53.Ортиқхўжаев М. Маънавий уйғунлик. —Т.:Ўзбекистон, 2004.64 б.

- 54.Пахрутдинов Ш. “Таҳдид” тушунчаси:назария ва амалиёт. —Т.: Абу Али Ибн Сино, 1998.63 б.
- 55.Рахимов Ф. Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари. —Т., 2004.96 б.
- 56.Раҳмонов Д. Миллий муносабатлар ва уларнинг сиёсий-ҳуқуқий бошқарилиши (Ҳозирги замон амалиётидан). —Т.:Фан, 1990.232 б.
- 57.Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. — Т.:Ўқитувчи, 1996.112 б.
- 58.Саидов А. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ҳаётга татбиқ қилиш муаммолари. —Т.:Ўзбекистон, 1995.175 с.
- 59.Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. — Т.:Шарқ,2000. 160 б.
- 60.Саралиев У.К. Международное обхение: теория и практика. — Т.:Меҳнат,1999. 217 с.
- 61.Шониёзов К.Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. —Т.:Шарқ, 2001. 464 б.
- 62.Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафқуралар, маданиятлар. —Т.:Шарқ, 1998.160 б.
- 63.Ахмедов Ғ., Сатторов А. Ўзбекистон: Инсон ҳуқуқлари ва қонунлар. —Т.:Адолат, 1999.176 б.
- 64.Бекмурадов М., Бематов А. Миллий менталитет ва маънавият. — Т.:Адолат, 2002.79 б.
- 65.Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. —Т.:Янги аср авлоди, 2001.479 б.
- 66.Жўраев У,Саиджонов И. Дунё динлари тарихи. —Т.:Шарқ, 1998. 74 б.
- 67.Туленов Ж., Ғофуров З. Миллатлараро ҳамжиҳатлик давлатимиз бойлиги. —Т.:Ўзбекистон, 1999.21 б.

- 68.Туленов Ж., Исмоилов Ф. Замон ва ёшлар. —Т.:Ёш гвардия, 1978.104 б.
- 69.Ата-Мирзаев О, Гентшке В., Муртазаева Р. Ўзбекистон многонациональнўй: историко-демографический аспект. —Т., 1998. 160 б.
- 70.Туленов Ж., Қодиров Б., Ғофуров З. Маънавий юксалиш сари. — Т.:Меҳнат, 2000.191 б.
- 71.Отамуротов С., Мамашокиров С., Ҳолбеков А., Лафасов М. Марказий Осиё: ғоявий жараёнлар ва мафкуравий таҳдидлар. —Т.:Ижод дунёси, 2002.31 б.
- 72.Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н. Ўзбекистон тарихи: Давлат ва жамият тараққиёти. —Т.:Академия, 2000. 271 б.
- 73.Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар Қ.Назаров, М.Баратов, Ҳ. Алиқулов, О.Файзуллаев ва бошқ. —Т.:Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004.472 б.
- 74.Культура межнациональных отношений Ж.Туленов, З.Ғофуров. —Т.:Меҳнат, 1995.180 с.
- 75.Маънавиятимизнинг ҳаётбахш кудрати Б.Қодиров, Ж.Тўланов, Ф. Исмоилов таҳрири остида. —Т.:Меҳнат, 1999. 175 б.
- 76.Мафкура ва ёшлар. —Т.:Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2003.196 б.
- 77.Миллатлараро муносабатлар маданияти ва байналминал дунёқараш С. Камилова, З.Ғофуров ва бошқ.. —Т.:Ўзбекистон, 1993. 135 б.
- 78.Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар Ўзбекистон файласуфлари миллий жамиятининг ишчи гуруҳи. — Т.:Ўзбекистон, 2000.77 б.
79. Туленова Г.Ж. Баркамол ёш авлод – истиқлол таянчи. —Т.:Фан ва технология,2004.

80. Гуленова Г.Ж. Истиқлол ва миллатлараро муносабатлар тараққиёти. —Т.:ТАТУ,2005.

81. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан тест топшириқлари. —Т.:ТАТУ,2003.

82. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” курсидан амалий машғулотлар режалари. —Т.:ТАТУ, 2005.
(лотин ёзувда)

83. “Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти” фанидан семинар режалари ва тест топшириқлари. —Т.:ТАТУ, 2001.

84. Семинарские задания по курсу “Теория и практика строительства демократического общества в Ўзбекистоне”. —Т.:ТАТУ, 2004.

85. Соғлом авлод-мустақил Ўзбекистон пойдевори. —Т.:ТЭАИ, 2000.

86. Ўзбекистон Республикаси сиёсий партиялари. —Т.:Академия, 2007.

III. БЎЛИМ: МАЪРУЗА МАТНЛАРИ

МУНДАРИЖА

I Мавзу: Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	71
II Мавзу: Демократик жамият тўғрисидаги дастлабки қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари.....	83
III Мавзу: Мустақиллик ва демократик жамият қурилишининг «Ўзбек модели».....	102
IV Мавзу: Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишда ўтиш даврининг зарурлиги. Унинг хусусиятлари.....	113
V Мавзу: Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий, умумбашарий тамойиллари ва қадриятлари.....	138
VI Мавзу: Қонун устуворлиги демократик, фуқаролик жамияти қуришнинг асоси.....	150
VII Мавзу: Миллий-маънавий негизларга таяниш — демократик жамият қуришнинг зарурий шарти.....	163
VIII Мавзу: Фуқаро эркинлиги ва фаоллигини таъминлаш — демократик жамият қуриш омили.....	169
IX Мавзу: Жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштириш ва демократлаштириш.....	185
X Мавзу: Оила демократик жамият қурилишининг асосий бўғини.....	216
XI Мавзу: Демократик жамият шаклланишида маҳалла ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари.....	229
XII Мавзу: Демократик жамиятни барпо этишда нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг ўрни.....	244
XIII Мавзу: Демократик жамият қурилишида кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари.....	261
XIV Мавзу: Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти	278

***I - Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ,
МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ***

Режа

1. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиётини ўрганиш зарурлиги.

2. Демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанининг предмети, объекти ва муаммолар доираси.

3. Миллий давлатчилик ва демократик жамият.

Жамиятнинг кўп асрлик тараққиёти жараёнида шаклланиб, доимо ривожланиб келаётган ҳар бир фаннинг ўзига хос предмети мавжуд. Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси бундан истисно эмас. Мазкур курснинг предметини Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши, демократик, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш, бозор муносабатларига асосланган кўп укладли иқтисодий қарор топтириш, жамиятимизни маънавий қайта тиклаш ва юксалтириш, Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати назарияси ва амалиётини ташкил этади. Бундан яққол кўриниб турибдики, Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фани бир - бири билан ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги беш туркум муаммолардан таркиб топган.

1. Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши ва унинг тарихий аҳамияти билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Ўзбекистон давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши муҳим ижтимоий-сиёсий, тарихий ва оламшумул воқеа ҳисобланади. Бунга биз тасодифий равишда ёки бўлмаса, опа-осонгина эришганимиз йўқ. Уни ҳеч ким бизга ҳадя этган ҳам эмас. Мустақилликка халқимиз кўп йиллар

давом этган жиддий ва машаққатли курашлар эвазига эришди. Аждодларимиз томонидан олиб борилган курашлар бўлмаганда, биз ҳеч қачон Мустақилликка эришмасдик.

Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги – бу жамиятимизнинг олдинги тараққиёти томонидан тайёрланган, босқичма-босқич жиддий курашлар туфайли содир бўлган объектив ва қонуний жараёндир.

Халқимизнинг асрий орзуси бўлган Мустақилликни қўлга киритишда Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хизматлари катта. Юртбошимизнинг ўзбек халқини озодликка чиқариб, сиёсий ва иқтисодий инқироз ботқоғидан олиб чиқиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини бутун дунё эътироф этди.

Мустақилликка эришиш тарихини батафсил ўрганмасдан туриб мазкур ходисанинг моҳияти ва аҳамиятини тўғри англаб олиш мумкин эмас.

2. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг барпо этилиши ва хусусиятлари.

Республикамизнинг мустақил давлат деб эълон қилиниши билан жамиятимизда сиёсий ислохотлар авж олиб кетди. Ўзбекистонда демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг назарий асослари ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари ишлаб чиқилди. Шунга мувофиқ, республикамизда эски маъмурий буйруқбозликка асосланган ҳокимият тизимидан миллий давлатчилик тизимига ўтиш механизми яратилди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинди. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти барпо этилди. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари – вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятлари ташкил этилиб, уларнинг ваколатлари белгилаб берилди. Демократик институтлар ва фуқаролик жамиятини қарор топтириш сиёсати ишлаб чиқилди ва ҳаётга жорий этилди. Сиёсий партиялар, нодавлат жамоа

ташкilotлари ва бошқа жамоат бирлашмаларнинг Ўзбекистон республикаси ҳаётидаги ўрни асослаб берилди.

Шунингдек,, давлат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ислохотлар ҳуқуқий асосларини яратиш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий онгни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган назарий ва амалий тадбирлар ишлаб чиқилди. Мазкур масалалар «Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курснинг асосий муаммолари деб ҳисобланади.

3. Иқтисодий ислохотлар, бозор муносабатларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Мазкур муаммолар туркумига Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш йўли, унинг асосий тамойиллари ва хусусиятлари, иқтисодий ислохотлар ва бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш, кўп укладли иқтисодиёт ва мулкдорлар синфининг шаклланиши, тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кабилар қиради. Мазкур масалаларни чуқур ва атрофлича англаб олиш жамиятимизда содир бўлаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳиятини онгли равишда идрок этиб фаолият кўрсатишнинг муҳим омилдир.

4. Жамиятимизнинг маданий-маънавий тикланиши ва юксалиши билан боғлиқ бўлган муаммолар. Мустақилликни қўлга киритгач, дастлабки кунларданок аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросимиз, миллий қадриятларимизни тиклаш-давлат сиёсатининг муҳим йўналишларига айланди. Натижада халқимиз ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий қадриятларнинг, маданиятининг соҳибига айланди.

Давлатимиз томонидан маънавий тикланишнинг ижобий, бунёдкорлик моҳиятини кучайтиришга қаратилган, бир-бирини тўлдирадиган сиёсий, иқтисодий ва маданий дастурлар мажмуаси ишлаб чиқилди. «Ушбу дастурлар, — дейди И.А.Каримов, — биринчи навбатда, қайта тикланаётган меросга фарқлаб ёндашишга, энг муҳими, умуминсоний қадриятларини бойитадиган ҳамда жамиятимизни демократиялаш ва янгилаш талабларига жавоб берадиган, ахлоқ жиҳатдан аҳамиятли анъаналарни, урф-одатларини танлаб олиш заруриятига асосланган эди».

Мазкур дастурнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилиши натижасида маънавий ҳаётимизда муҳим ўзгаришлар рўёбга чиқди. Миллий меросимиз, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз тикланди, динга муносабатимиз ўзгарди, она тилимизга давлат мақоми берилди, миллий ифтихори ўсди. Таълим-тарбия соҳасида, кадрлар тайёрлаш тизимида муҳим ўзгаришлар бўлаётир. Миллий қадриятларимиз мазмунан бойиб жаҳон маданиятига қўшилишда воситачилик роль ўйнаб келмоқда.

Жамиятимизнинг маънавий ҳаётидаги туб сифат ўзгаришларни синчиклаб англаб олиш Ўзбекистонда демократик жамият қуриш жараёнини илмий асослаб беришда катта аҳамият касб этади.

5. Ўзбекистоннинг миллий манфаатлар устуворлиги ва тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсати билан боғлиқ бўлган муаммолар.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол ташқи сиёсатни амалга ошириш — давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шarti ва ғоят муҳим воситасидир. Шунинг эътиборга олган ҳолда Республикамиз ўзининг халқаро обрў-эътиборини

қозониш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтиришга қаратилган ташқи сиёсати, уни амалга ошириш йўлларини белгилаб олди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлаш, унга таҳдид солиб турган минтақавий можаролар, диний экстремизм ва фундаментализм, буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро зиддиятлар, коррупция ва жинойтчилик, маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик, экологик муаммоларнинг олдини олиш, жамиятимизда тинчлик, барқарорликни сақлаб қолиш, Ўзбекистоннинг хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқалари, МДХ, Марказий Осиё мамлакатлари билан кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорлиги кабилар ташкил этади.

Мазкур масалалар ҳам Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси муаммолари доирасига киради.

Юқорида кўрсатиб ўтилган йўналишларга дахлли бўлган муаммолар бир-бири билан узвий боғланган, шунинг учун ҳам уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб қараш мумкин эмас.

Шуни ҳам аҳолида эслатиб ўтиш жоизки, «Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» курсининг предмети, муаммолар доираси ҳаётининг эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда мазмунан бойиб, ўзгариб туради. Шу тариқа, эски муаммолар ҳал этилгандан кейин унинг ўрнини янги муаммоларнинг қалқиб чиқиши табиий ҳолдир. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, мазкур курсни ўзлаштиришда ҳар бир масалага ижодий ёндашиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти предмети доирасига кирадиган муаммолар билан Давлат ва ҳуқуқ асослари, Иқтисодиёт назарияси, Маънавият асослари,

Сиёсатшунослик, Фалсафа, Социология ва бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ҳам ўқитилади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси жамиятнинг умумий тузилиши, унинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий, миллатлараро ва давлатлараро муносабатларининг шаклланиши ва тараққий этиш қонуниятлари билан шуғулланади. Шу сабабли у, бошқа жамиятшунос фанларига нисбатан кишиларни кенг қўламли маълумотлар билан қуроллантиради. Мана шу хусусияти билан Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти курси жамиятни фалсафий тушунишга ёрдам беради. Лекин мазкур курс фалсафанинг ўрнини боса олмайди. Чунки, Фалсафа Ўзбекистонда янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанига нисбатан нафақат жамият, балки табиат, инсон тафаккурининг энг умумий алоқадорлик ва ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган фандир. Шунинг учун ҳам у барча табиий ва ижтимоий фанларнинг умумий методологик асосини ташкил этади.

Ўзбекистонда демократик жамият қуриш каби олий мақсаднинг танланиши мустақиллик билан боғлиқ. Мустақиллик қўлга киритилмаганида, Ўзбекистон ўз тараққиёти йўлини ўзи танлай олмас эди. Мустақилликнинг қўлга киритилиши Ўзбекистон олдига маъсулиятли вазифани қўйди.

Ўзбекистонда қандай давлат қурилади? Дунё жамоатчилиги ҳам бунга алоҳида эътибор билан қаради. Ўзбекистоннинг истиқлоли ва инсонларнинг тақдири ҳам, уларнинг қандай ҳаёт тарзига эга бўлиши, миллий-маънавий мерос билан умумбашарий тамойилларнинг уйғунлигини таъминлаш ҳам, унинг олдида кўндаланг бўлиб турган давлатчилик қурилишининг қандай асосда амалга оширилиши билан бевосита боғлиқ эди.

Ўзбекистон исломий давлат қуриш эмас, дунёвий давлат қуриш йўлини танлади. Бунинг ҳам ўзига хос сабаблари мавжуд. Бунинг учун дунёвий давлатнинг исломий давлатдан фарқли жиҳатлари шундан иборатки, Ўзбекистон Ўрта Осиёда исломга эътиқод қилувчи энг қадимий заминлардан бири бўлиш билан бирга, мусулмончилик илмининг ислом оламида ҳамма тан олган анъаналарига ҳам эга. Ислом маданияти бир неча асрлар давомида ўзбек халқи маънавиятининг асоси бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Шу билан бирга, Президент И.А.Каримов, Ўзбекистон учун мамлакатни дунёвий асосда ривожлантириш, дунёвий давлат қуриш йўлидан боришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу демократик давлат қурилишида муҳим. Бу масалада И.Каримов шундай дейди: “Биз, дин бундан буён ҳам аҳолини энг олий руҳий, ахлоқий ва манавий қадриятлардан тарихий ва маданий меросдан баҳраманд қилиши тарафдоримиз. Лекин биз ҳеч қачон курашга, сиёсат, иқтисодиёт ва қонуншуносликка аралашиб учун байроқ бўлишга йўл қўймаймиз. Чунки бу ҳолни давлатимиз хавфсизлиги, барқарорлиги учун жиддий хавф-хатар деб ҳисоблаймиз”.

Ўзбекистон Конституциясида «дунёвий давлат» деган атама йўқ бўлсада, унинг моҳияти бир қанча моддаларда берилган деб айтиш мумкин. Бунга мисол қилиб қуйидаги фикрни кўрсатиш мумкин:

“Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган... Давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди” (61-модда), “...Диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳам жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади” (57-модда), “...Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас” (12-модда).

Дунёвий давлат қандай тамойилга таянади:

— инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига асосланади;

- демократия ва ижтимоий адолатни эътироф этади;
- халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлиги тан олинади;
- фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш мақсади;
- инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлайди;
- ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таянади.

Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилишининг ҳуқуқий асослари унинг Конституциясида белгилаб қўйилади ва унга таяниб иш олиб боришни англатади. Мустақиллик Ўзбекистон халқи ҳаётида янги тарихий даврни бошлаб берди. Ўз мустақиллигини, эркини қўлга киритган ҳар бир халқ ўз тараққиёти йўлини излайди, янги жамият бунёд этишда ўз андозасини ишлаб чиқишга ҳаракат қилади.

Ўзбекистон ҳам ўзининг миллий давлатига хос бўлган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолот ва тараққиёт йўлини белгилаб олди. Бу бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга асосланган демократик ҳуқуқий давлатни, фуқаролик жамиятини барпо этиш деган ғояда ўз ифодасини топди. Ҳамда бу жамиятнинг олдида турган мақсадни таъкидлар экан И.А.Каримов шундай дейди: “Биз қурадиган жамият Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланишини, инсоннинг маънавий ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак”.

Бу ерда гап умуман демократик жамият қурилиши тўғрисида кетмаётганлигини аниқ ҳисобга олиш муҳим. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон қурилаётган демократик жамиятнинг бошқа жамиятлардан фарқли жиҳатлари ҳамда умумий томонларини ҳам аниқлаш муҳим.

Масалан, Ўзбекистон демократик жамият қуриш йўлини танлар экан, собиқ тоталитар тузумидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси:

- коммунистик мафкурага таянилмаганлиги билан;
- синфийлик, партиявий тамойилларидан мутлақо бегоналиги билан;
- инсон-энг улуғ неъмат деган фикрга асосланилганлиги билан;
- “давлат-жамият-фуқаро” муносабатидан тубдан фарқ қиладиган “фуқаро-жамият-давлат” ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий асосига қўйилганлиги билан ажралиб туради.

Демократия Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаёти тарихида тушуниш қийин бўлган концепциялардан биридир. Ўзбекистон миллий давлатчилиги тарихида “демократия” тушунчаси учрамайди. Лекин 3000 йиллик тарихга эга бўлган бугунги Ўзбекистон учун, унинг кўринишлари, демократик тамойилларнинг негизлари бўлган деган хулоса келиб чиқмайди.

“Авесто” (милл.авв. VII-VI), Беруний, Хоразмий, “Сиёсатнома” (XI аср), “Қобуснома”, “Ҳидоя”, “Қутадғу билиг”, Темур тузуклари, “Шайбонийнома”, “Хоразм шажараси”, Навоий асарлари, Улуғбек “Тўрт улус тарихи” да ва ҳ.к.

— Чор Россиясининг истилоси (1860-1917) давридаги ижтимоий ҳаёт;

— мустабид Совет даври. Сохта демократия даври бўлди (1918 йилдан 1991 йилгача);

— мустақиллик — янги Ўзбекистон давлатининг ташкил топиши (1991 йилдан ... ҳозиргача);

— “демократия” халқ ҳокимияти, деган луғавий маънони билдиради;

— демократиянинг вазифаси — фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган, уларнинг бурчларига риоя этиладиган ва бажариладиган жамиятни қуришдан иборат бўлган ва шундай бўлиб қолади. Лекин ҳозиргача ҳеч ким бунга мукамал эришмаган, фақат унга максимум ҳаракат қилган;

-демократик бошқарувда сиёсий ҳаётда иштирок этиш нафақат фуқароларнинг ҳуқуқи, балки уларнинг бурчлари ҳамдир.

Демак, демократик жамият-фуқароларнинг ҳуқуқлари тан олинадиган ва ҳимоя қилинадиган, уларнинг бурчларига риоя этиладиган ва бажариладиган, бошқарувда фуқаролар фаол иштирок этадиган жамиятдир.

Демократик жамият қўллайдиган тушунчаларни ўрганишда куйидаги учта жиҳатни ҳисобга олиш керак:

1) Ижтимоий гуманитар фанларга тегишли бўлган умумий тушунчаларни: масалан: жамият, цивилизация, эркинлик, ҳуқуқ, қонун, маданият, тараққиёт, демократия.

2) Ижтимоий сиёсий фанлар билан яқин бўлган тушунчалар ҳуқуқий давлат, хусусий мулк, фуқаролик жамияти, сиёсат, сиёсий ҳокимият, сиёсий ташкилотлар, сиёсий тизим, сиёсий режим, сиёсий плюрализм, сиёсий онг, сиёсий маданият ва бошқалар.

3) Кўпроқ Ўзбекистон билан боғлиқ ҳолда ишлатиладиган тушунчалар:

Ўзбекистонда демократик жамият қурилиши назарияси ва амалиёти фани ўрганадиган таянч тушунчалар: “Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли”, эркинлик, мустақиллик, демократия, қонун устуворлиги, “демократик давлатчилик”, “демократик жамият”, “демократия”, “демократик жамият тўғрисидаги қарашлар”, “демократик жамиятнинг миллий-маънавий”, “миллий-маънавий кадриятлар”. Ўзбекистон иқтисодий ҳаётининг демократлашуви,

ижтимоий ҳаёт ва демократия, сиёсий ҳаётнинг демократик тамойиллари, “демократик кадриятлар», “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қурилиши”, “Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт”, “Ўзбекистон ва жаҳон ҳамжамияти”.

Курснинг предмети — Ўзбекистон демократик фуқаролик жамиятининг шаклланиши, қарор топиши ва амал қилиши қонуниятлари:

Курс объекти: Ўзбекистон жамияти ҳаёти соҳалари.

Курс услублари: тажриба, қиёсий таҳлил, эмперик-социологик ва илм-фаннинг бошқа замонавий услублари.

Курс вазифаси: билиш, назарий, дунёқараш, тарбия, аксиология, сафарбар этиш.

Масалан: фалсафа онгининг инсонга хос хусусияти жамият ривожининг муҳим омили сифатида; социология гуруҳ онги муаммоси сифатида; Политология сиёсий онг; ҳуқуқшунослик ҳуқуқий онг; демократик жамият демократик онг кўринишида ўрганади.

Курс қонуниятлари: умумий қонуниятларга таянади ва хусусий алоҳидалиқни ҳисобга олади.

Масалан: Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг ўзига хос ва мос бўлиши қонунига қуйидагиларни киритиш мумкин:

— демократик жамият қурилишида миллий хусусиятлари ҳисобга олиш қонуни;

— демократик жамият қурилишининг миллий-маънавий кадриятлари билан боғлиқлиги;

— ўзига хос хусусиятларни Ўзбекистон иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан алоқадорлиги қонуни;

— Ўзбекистонда демократик жамият қурилишининг умумбашарий қонуниятлари.

Ҳозирги замон Миллий демократик давлатга хос жиҳатлар:

- демократик нормаларга таянадиган ҳуқуқий давлат;
- демократик зид бўлмаган ҳолда тарихий анъаналар ва жамият ҳаётининг муҳим соҳаларидаги миллий хусусиятлар сақланади;
- барча фуқароларнинг тенглигига асосланган миллий сиёсат олиб боради;
- унинг геосиёсий мавқеи иқтисодий, маънавий ва ҳарбий техник имкониятига, салоҳиятига мос бўлади;
- фуқаролар ижтимоий онгида демократик тафаккурига амал қилади;
- мустақил ички ва ташқи сиёсат олиб боради;
- ўз тараққиёти йўлини мустақил танлайди ва амалга оширади;
- ўз қобиғида яшаш мумкин эмаслиги қондасига таянади, очик демократик давлат ҳисобланади.

Жаҳон тажрибалари гувоҳлик беришича, инсон тараққиётининг ҳозирги босқичида давлат қурилишининг олий, маданий шакли демократиядир ва у қуйидаги тамойилларга асосланади:

- халқнинг эркин хоҳиш иродаси;
- фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги;
- инсон ҳуқуқларининг устуворлиги;
- ҳокимият органларининг сайлаб қўйилиши;
- уларнинг сайловчиларга бўйсунуши;
- тайинлаш йўли билан шаклландиган давлат органларининг сайлаб қўйиладиган органлар олдида ҳисоб беришга бурчлилиги;
- ҳокимият тармоқларининг тақсимланганлиги.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тамойилларни тушунтиришда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси дунё миқёсида энг мукамал демократик конституциялар сафидан ўрин эгаллаганлиги қонунларнинг устуворлиги, уларнинг инсон манфаатларини кўзлаб иш тўтишга қаратилганлиги илмий далилларга асосланганлиги муҳимдир.

Демократия шахс билан жамиятнинг уйғунлигини таъминловчи омилдир. Бу уйғунлик қанча такомиллашган бўлса, жамият тараққиёти шунчалик илдамлашади. Демократия шахс эркинлигини таъминловчи ва уни тартибга солувчи омилдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов Олий Мажлис қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир” Мавзусидаги маърузасида “Давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бу — қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, ижро ва суд тармоқлари Ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришишдан иборат”.

Хулоса қилиб айтганда, демократик жамиятда давлат идоралари эмас, балки жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар устувор бўлади. Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти фанини ўқитишда қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Президент И.А. Каримов асарларини фундаментал-илмий-назарий жиҳатдан чуқур ўргатиш.

2. Ўтиш даври Мавзусини тараққий этган мамлакатлар тарихий тажрибаларидан фойдаланиб кенг илмий далиллар асосида тушунтириш ва талабаларни имкон қадар дарсда фаол иштирок этишларига эришиш.

3. Фан бўйича тайёрланаётган маъруза матнлари ва ишчи дастурларини мунтазам янгиллаб бориш ва оммавий ахборот саҳифаларида чоп этилаётган янгиликлар билан бойитиш.

4. Дарсларни имкон қадар давлатимизда қўлга киритилаётган ютуқларга оид фильмлар ёрдамида илмий далиллар асосида тушунтириш.

5. Дарсларни эркин мулоқот тарзида ўтиш, талабаларни эркин фикрлашга ўргатиш.

6. Аудиторияни кенг кўламли ислоҳотлар жараёнига оид плакатлар билан жиҳозлаб, Мавзуларни мустақил ўзлаштиришлари учун талабаларга имкон яратиш.

2 - Мавзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА УНИНГ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Режа

1. Ўзбекистонда давлатчилик назариясининг пайдо бўлиш тарихи.
2. Давлатчилик ғояларининг назарий асослари ва уларнинг шаклланиши.
3. Ўзбекистонда демократик жамият қуришининг ривожланиш босқичлари.

Ҳар қандай давлат ўз жамиятининг тарихий маданий ва ахлоқий мероси негизлари асосида ривожланди. Бундай уйғунлик халқни ривожланишида янги босқичларга кўтаради, унинг истиқбол омилларини кенгайтиради. Аجدодларимиз томонидан яратилган ана шундай давлатчилик мероси инсоният тарихи ривожига улкан ҳисса қўшган.

Президент И.А.Каримов тарихчи олим ва журналистлар билан бўлган учрашувда — “Ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи ҳудуд, яъни бизнинг Ватанимиз нафақат Шарқ, балки умумжаҳон бугун тан олмоқда. Бу қадимий ва табаррук тупроқдан буюк алломалар, фозилу-фузалолар, олиму- уламолар, сиёсатчилар, саркардалар етишиб чиққан. Диний ва дунёвий илмларнинг асослари мана шу заминда яратилган, сайқал топган”, дейди.

Дарҳақиқат, Моварауннаҳр оралиғида пайдо бўлган улкан давлатчилик маданий мероси инсоният тарихи ибтидосида энг дастлабки ҳамда қадимий давлатчилик маданият сифатида маълум. Айни пайтда, бундай мерос мустақиллигимиз шарофати билан миллий давлатчилик тўғрисидаги таълимотларни ўрганиш имкониятларини очиб берди.

Маълумки, Ўзбекистонда миллий давлатчилигимиз тўғрисидаги энг қадимги манба “Авесто”дир. У эрамиздан олдинги 3 мингинчи йилларда аждодларимиз томонидан яратилган илк давлатчилик тўғрисидаги ижтимоий қараш ҳисобланади. Агар “Авесто”да илгари сурилган ғояларга эътибор берадиган бўлсак бугунги адолатпарвар демократик жамият барпо этишга қаратилган ғояларимиз билан ҳамоҳанг эканлигини кўраимиз.

Давлатчилик асосларини шакллантириш борасида “Авесто” деярли барча ижтимоий масалалар, қадимги географик тушунчалар, этник жамоалар, вилоят ҳудудлари, уларнинг номлари, қадимги мамлакатларнинг рўйхати, иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар, ижтимоий ва сиёсий тузум асослари, зардуштийларнинг фалсафаси, дунё тарихининг ривожланиши ҳақидаги маълумотларни ўз ичига қамраб олади.

Манбада, аввало, инсон эрки, комиллиги, рухий соғломлиги масалалари устувор қўйилади. Масалан: “Мен яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон – шавкат бахш этаман” дейилади Яснанинг 14 китобида. Ахура Мазда, инсонлар ўртасида бўлаётган муносабатлар ўзаро самимийлик, ҳурмат, беғаразлик, ёрдам ва оқибатли бўлиш зарурлигига, ёмон фикрлардан ҳоли бўлишга ишора қилади. Каттага ҳурмат ва кичикка иззат, сабр-бардош, ҳалоллик меҳр-оқибат ва бошқа бир қатор тамойиллар борки, миллий ғоямизнинг асосий тамойилларига уйғун келади.

Гояларнинг бундай тарзда кўйилиши дунё ана шу кучларнинг ёнма — ён яшашдан иборат, деган фалсафанинг моҳиятини англашга ундайди. Шу тариқа “Авесто” ўша замонда яшаган одамлар ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштиришда давлатга бўлган эҳтиёж ва зарурияти ўлароқ юзага келган манба бўлиб ҳисобланади.

“Авесто”да энг муҳим масалалардан бири бу — ҳуқуқий муносабатларнинг назарий жиҳатдан шаклланганлигидир. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳуқуққа асосланганлиги ҳақида маълумот бор. Ҳақиқат, яхши сўз ва мақсад, поклик ва эзгуликка интилиш, сув, ер, олов, хонадон ва чорвани асраб авайлаш ахлоқий бурч бўлиб саналган. Инсон ўзининг ишлари ва фикрлари билан, яхшилик ёруғлик ва бахт келтирувчи, ҳаёт ва ҳақиқат берувчи олий тангри Ахура Маздага ёрдамчи бўлиб хизмат қилади.

Оила ва жамоада берилган сўздан ёки қасамдан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган ахдномани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган: “О Спитама, шартномани бўзувчи киши бутун мамлакатни бузади, шу билан бирга Артага тегишли барча мулк-молларга путур етказди. О Спитама, ахдингни бузма...” (“Яшт”, X боб).

Тарихий ҳужжатлар асосида айтиш мумкинки, “Авесто”нинг “Ясна”, “Виспрат”, “Яшт”, “Видевдат” китобларида илгари сурилган ҳуқуқий таълимотлар Рим ҳуқуқидан қадимийроқ ҳисобланади, боз устига, улар кейинчалик ташкил топган давлатлар сиёсий тизимининг шаклланиши манба бўлиб ҳам хизмат қилган. Шу тариқа “Авесто” грек мутафаккирлари ва Рим ҳуқуқшунослари ижодига ўзининг ҳар томонлама мукамаллиги билан таъсир кўрсатган. Жумладан,, инсон ҳуқуқи, жисмоний ва ҳуқуқий шахс эркинлиги, инсон эркинлиги, эркак ва аёлнинг тенглиги масаласи, озчиликнинг ҳуқуқи, вояга етмаганлар ҳуқуқи, виждон, эътиқод ва дин эркинлиги, жамоа ва гуруҳларнинг ҳуқуқи, мол-ҳол ҳуқуқи, оила шартномаларнинг мажбурийлик ҳуқуқи, жиноятнинг

қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида содир этилган жиноят турлари ишлаб чиқилган, ўғрилик ёки босқинчилик фарқлари таснифланган, ҳимоя ҳуқуқи ва суд ишларини юритиш ҳамда ташкил этиш каби бошқа ҳуқуқий тамойиллар ўз ифодасини топган.

Бундан ташқари, “Авесто”даги адолатли қонунлар ва яхши ҳокимлар тўғрисида илгари сурилган ғояларга таяниб айтиш мумкинки, улар умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ бўлган демократик таълимотларнинг назарий кўринишлари сифатида ўз ифодасини топган.

Инсон табиатан эркинликка, эзгуликка интилиб яшайди. Бундай эҳтиёжларнинг барча учун умумий бўлган қоидаларини ва уларнинг тартиботларини ташкил этишда давлатга бўлган эҳтиёж вужудга келади. Мана шундай эҳтиёж маърифий ва маданий таълимотларнинг ҳосиласи сифатида умуминсоний қадриятларнинг мезонларини шакллантириб келган. Айни пайтда, кишилиқ жамиятининг ўзаро урушлар ва ихтилофлар билан боғлиқ даврларида янги маърифий таълимотлар халоскор ғоя сифатида вужудга келган, айнан IX ва XIII асрлар Ўрта Осиё тарихида шундай мураккаб давр бўлган.

Халқнинг ўз мустақиллиги учун курашиши, бунда ҳуррият ва инсон эркинлиги ғоялари миллатни маънавий юксалишига олиб келган. Бу даврда дунёга машҳур Хоразимий, Фарғоний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Низомулмулк каби файласуф, сиёсатчи тарихчи олимлар шу даврда яшаб ижод этдилар. Бу давр ўз мазмуни, салмоғи жиҳатидан Ўрта Осиё уйғониш даври деб тарихга киради. Уйғониш даври маданиятининг ўзига хос томонлари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат эди:

1. Дунёвий маърифатга интилиш, бу йўлда ўтмиш ва қўшни мамлакатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, айниқса, табиий-фалсафий, диний, тарихий ҳамда ижтимоий илмларни ривожлантириш.

2. Табиатга қизиқиш, табиатшунослик илмларининг ривожидан, рационализм, ақл кучига ишониш, асосий эътиборни ҳақиқатни топишга қаратилган фанларга бериш, ҳақиқатни инсон тасаввури, илмининг асоси деб ҳисоблаш.

3. Инсонни улуғлаш, унинг ақлий, табиий, руҳий бадиий, маънавий фазилатларини асослаш, инсонпарварли, юқори ахлоқий қонун ва қоидаларни намоеън этиш, комил инсонни тарбиялаш.

4. Универсаллик-қомусийлик барча табиат ҳодисалари билан қизиқиш ва унинг моҳиятига интилиш.

5. Давлат қурилиши ва бошқарувининг назарий негизлари адолат, ахлоқ тамойилларида шакллантириш, уларнинг ҳуқуқий ҳамда амалий асосларини ривожлантириш.

6. Давлат раҳбари ва хизматчиларининг фаолият даражалари таснифлари, масъулияти мезонлари тизимининг назарий негизларини яратиш.

Шу даврнинг йирик намоеъдаларидан бири Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида инсоният жамиятининг вужудга келиши ва ривожланишининг муайян табиий давлатга бўлган эҳтиёжларнинг пайдо бўлишини, унда адолат ва ахлоқнинг шаклланиши қонуниятларини назарий жиҳатдан таснифини яратганлиги билан машҳурдир. Шу тариқа олим давлат шакллари ва унда бошқарувнинг мунтазам, изчил сиёсий тизимини яратишга эришади. Масалан, фозиллар шахрининг (давлат назарда тугилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади. “Уларнинг ўзларидан сайланган раҳбар ёки бошлиқлар ҳокими мутлоқ бўлмайди. Улар одамлар ичидан кўтарилган, синалган энг олижаноб, раҳбарликка лойиқ кишилар бўладилар. Шунинг учун бундай раҳбарлар ўз сайловчиларини тўла озодликка чиқарадилар, уларни ташқи

душмандан муҳофаза қиладилар”, деб давлат бошқарувида демократик тамойилларни таъминлаш билан боғлиқ ахлоқий кадриятларни тизимлаштиради.

Эътиборли жиҳати шундаки, Форобий қарашларидаги “ҳоқимни мутлоқ бўлмаслиги”, “сайловчилар иродаси”, “озодлик” каби фикрлари нафақат шу даврда, балки бугунда ҳам инсоният маданиятининг — демократиянинг бош ғояси бўлиб хизмат қилади.

Айни пайтда, Форобий Фозил шаҳарнинг (давлатнинг) зидди бўлган шаҳарларнинг ижтимоий моҳиятини очиб берадики, бу тоталитар давлат тизимига хос келади. Масалан, разолат ва бадбахтлик шаҳри, обрўпарастлар шаҳри, амалпарастлар, ҳадимиятпарастлар шаҳри ва ҳ.к. турларини кўрсатади. Бундай шаҳарлар адолатли жамият қуриш тўғрисидаги таълимотларга зид эканлиги кўрсатилади.

Давлат ва унинг бошқарувида дахлдор масалалар Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам катта ўрин тутган. У “Кутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари, қоидалари ва сиёсий-ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга қаратилган қарашлари билан эътиборлидир. У давлат бошқаруви ва хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини таснифлайди, “Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғиладилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш укуви билан ҳам сийлайди”, дейди олим.

Айни пайтда, ана шундай истеъдоднинг таснифларини Форобий сингари 12 сифатларини кўрсатиш билан бирга унинг вазифа ва мажбуриятларини белгилайди. Бунда у жамият табақаларини 15 тоифага ажратиб, ҳар бирига кўрсатилиши лозим бўлган мурувватни адолатли давлатни мустаҳкамлашда ва унинг бошқарувини ташкил этишда муҳим омил эканлигига эътиборни қаратади. Масалан, у, зиёлилар тўғрисида

шундай дейди: “Ҳақиқий зиёли ҳақиқат таянчи бўлади. Агарки оламда донишлар бўлмаганда, ерда ризқ рўз унмас эди. Уларнинг зиёси халқ, йўлини ёритувчи машъалдир. Донишларга ширин сўз билан баҳра бер, моддий манфаатини қодирлишга ҳаракат қил”.

Унга замондош бўлган қомусий олим Ибн Сино Ўрта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрларнинг буюк намоёндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий таълимот тарихига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир. Ибн Сино фалсафани назарий ва амалий фалсафа сифатида иккига бўлади. Ижтимоий-сиёсий масалалар, давлат, инсон жамиятининг тузилиши, вазифалари, жамоани бошқариш, инсон уюшмаларининг фаолияти, инсоннинг хулқ-одатлари, ахлоқ, жамоа ва оиладаги ахлоқ мезонларини ўрганади.

У амалий фалсафани ўз вазифаси ва предметига қараб уч қисмга бўлади. Ахлоқшунослик — бу инсон шахсиятининг фазилатлари, ахлоқий тушунчалар, қоидалар; иқтисодиёт — оилани бошқариш, унинг талабларини, вазифа ва фаолиятини таъминлаб туриш учун зарур бўлган масалалар; сиёсат — бу давлатни идора этиш ва бошқариш, ҳукумат ва фуқароларни ҳамда давлатлар ўртасидаги муносабатларни таъминлаш масалаларини ўрганиши таснифланади. Унинг “Ишорат ва Танбихот”, “Рисодату тадбири манзил”, “қуш тили” каби асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига бағишланади.

Адолатли давлат бошқаруви, унинг мукамал тизимини яратиш борасида улкан илмий мерос қолдирган ўрта асрлар мутафаккири Низомулмулкнинг “Сиёсатнома” асари муҳим манба ҳисобланади. У амалдорларни ахлоқий фазилатларига қараб танлаш, адолат ва инсофни оёқ ости қиладиган кишиларни давлат ишларига аралаштирмасликни, давлатни бошқаришда кенгаш билан олиб бориш, фаолиятларни мунтазам назорат қилиш, итоат ижро ва сифатлари тўғрисидаги фикрлари билан аҳамиятлидир. Айниқса, Низомулмулкнинг “Кўпчилик бўлиб қабул

килинган тадбир энг савобли бўлади ва шундай йўл тўтиш керак”, деган қарашлари аждодларимизнинг давлат қурилишининг демократик тартиботларига нечоғли даражада аҳамият берганлигидан далолат беради.

Маълумки, ислом дини ижтимоий дунёқараш сифатида кенг тарқала бориши билан унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий томонларини ишлаб чиқишга эътибор ҳам тобора ортиб борган. Шу тариқа IX — XII асрларда Мовароуннаҳрда илм-фан, маданият, ислом фалсафасининг назарий жиҳатдан юксак даражада ривожланган даври бўлди. Улардан Имом ал-Бухорий, Имом Ат-Термизий, ал-Мотрудий, Муҳаммад Имом Раззолий, Маҳмуд аз-Замахшарий, Бурҳонуддин ал-Марғилоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Жалолиддин Румий каби буюк алломалар ўзларининг илмий тадқиқотлари билан жаҳон маданиятига улкан ҳисса қўшдилар.

Диний-илмий тадқиқотларда борлиқ, илоҳий қудрат, инсон комилиги, адолат, инсоф, диёнат, виждон, адолат каби ғоялар инсон руҳиятини поклаш орқали эркин жамиятга чорланади. Бу борада Ж.Румий шундай дейди: “Инсон буюк бир мўъжиза ва унинг ичида ҳамма нарса ёзилган. Бироқ, зулмат ва пардалар борки, улар ёзувларни ўқишга имкон бермайди. Зулмат ва пардалар, турли туман машғулотлар инсоннинг дунё ишлари борасида олган тадбирлари ва кўнгилнинг сўнгсиз орзуларидир”. Дарҳақиқат, Ж.Румийнинг қарашларида инсоннинг фарқи унинг комиллигига асосланади. Шунинг учун у дунёга ирқи, дини, миллати, табақасидан қатъий назар, барча инсонларга баробар мурожаат қилади. “Менга ваҳдаи майини тутгил, ўзгаларни ҳам ондин баҳраманд этгил, токи жамоат жам бўлиб, фақат суратда бўлмиш тафовутларни бартараф этайлик. Биз ҳаммамиз ягона оғочнинг бутоқлари, ягона қўшиннинг навкарларимиз”. Жалолиддиннинг башарият бирлиги ҳақида гапириши ўша давр учун мислсиз жасорат эди.

Ижтимоий-сиёсий таракқиёт ривожининг маънавий асосларини ўрганишда Ўрта Осиёда вужудга келган тасаввуфчилик оқимининг аҳамияти ҳам алоҳида муҳим ўрин тутди. Тасаввуф гарчи ислом бағрида ниш уриб, Қуръон ва Ҳадислар ҳикматидан озикланган, кўп ҳолларда шариат аҳкомига суянган бўлса-да, лекин у расмий диний ақидапарастлик ва мутаасибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшуишратларга фарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келди. Ушбу таълимотнинг эл орасида ёйилиб, фикрий янгиланишларга қаноат бергани, ҳақ ва ҳақиқатга ташна зиёлилар юрагини банд этганини сабабидир.

Тасаввуф таълимоти асосида адолат, ҳақиқат, тўғрилиқ, меҳр-шафқат, инсоф, имон, эътиқод, илм, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби умуминсоний ғояларни тарғибот қилувчи мурувватга асосланган бир канча диний сиёсий оқимлар пайдо бўлади. Улар жамиятнинг ахлоқсиз унсурларига ғоявий куч сифатида қарши қўйилади. Бу борада, А.Яссавий шундай дейди: “Шайх улдурким, ниёз олса, мустақимларга, ғариб, бечораларга бергайлар. Агар олиб ўзи еса, мурдор эт емишдек бўлғай. Агар тўн қилиб кийса, ул тўн тўнғўзча Ҳақ таъоло намоз, рўзасини қабул қилмағай ва агар олган ниёзидин нон қилиб еса, ҳақ таъоло они дўзахда турлук азобга гирифтор қилғай. Ва агар ондоғ шайхга ҳар киши эътиқод қилса кофир бўлғай”.

Яссавийнинг ҳикматларида раҳбар шахсларнинг сифатлари тўғрисидаги талқинлар деярли ижодининг асосини ташкил этади. Чунки, шу даврда халқ, орасида катта обрў-эътиборга эга бўлган сўфий шайхлар сиёсатга бевосита аралашиб келганлар. Бу борада Амир Қўлолнинг ўғли Амир Умарнинг қарашлари (1406 й. ўлган) сиёсатнинг назарий ва амалий моҳиятини очишда эътиборлидир. Унда сиёсатга шундай нисбат берилади: “Билгилким сиёсат — тутиб туриш ва тартибга солишдир..., ёмон кишиларни кўрқинч ва титроқда тутмоқ, яхшиларни тақдирламоқ

керак. Агар сиёсат бўлмаса, давлатнинг муҳим ишлари амалга ошмайди: агар тартибот жазо қонунлари бўлмаса давлат ишлари ҳам ўнганмайди, чунки ҳукмдорнинг, жамоанинг кўрки, давлат ва диннинг ривожини сиёсатдир”. Яъни дин орқали сиёсатда умуминсоний қадриятлар ифода этилиши ва бундай сиёсат эса бевосита давлат қонунлари орқали амалда ўз тасдиғини топишига эришмоқ лозим деб ҳисобланган.

XIII—XIV асрларда Ўрта Осиёни муғуллар томонидан истило қилиниши иқтисодий ва маънавий ҳаётга катта салбий таъсир кўрсатади. Мамлакатда жабр-зулм ва зўравонлик кучаяди, меҳнаткаш халқ, қаттиқ эзилади. Жуда кўп маданий бойликлар, илм масканлари, Мадраса ва кутубхоналар йўқ қилинади, санъат ва илм-фан вакиллари: олимлар, шоир ва ёзувчилар, мунажжимлар, меъморлар ва мусаввирлар ўлдирилади, омон қолганлари Шимолий Ҳиндистонга, ғарбий Эрон ва Хуросон вилоятларига қочиб жон сақлаб қоладилар.

Айнан мана шундай мураккаб даврда Амир Темурнинг (1370 йил) сиёсий саҳнага келиши ҳамда мустақил давлат барпо этиши Ўрта Осиё халқларининг мўғул истилосидан, ички ўзаро низолардан қутулишига олиб келади. Мамлакатда ўрнатилган барқарорлик марказий давлатнинг тез орада мустаҳкамланишига, сиёсий кучлар тарқоклигини бартараф этишга, айна пайтда, турли ислохотларнинг амалга оширилишига, илм — фан ва маданиятнинг ривожланишига туртки бўлди.

Бу даврда миллий давлатчилик тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишида Амир Темурнинг хизматлари катта бўлди. Унинг тузукларида давлат тизими, уни идора қилиш услублари ва воситалари, ундаги турли лавозим, вазифалар даражаси, табақаларнинг тоифаланиши, ҳарбий қўшинларнинг ташкил этилиши, жанг олиб бориш маҳоратлари, давлат хизматчилари рағбатини ташкил этиш омиллари, адолатли солиқ турларининг жорий этилиши, мамлакатни ободонлаштириш тадбирлари миллий давлатчиликнинг юксак маданий ва ҳуқуқий даражада

шакллантирилганлигидан далолат беради. Бундай сиёсатнинг асос — моҳияти адолатли давлат, инсонпарвар жамият негизларини қарор топтиришга хизмат қилади.

Бу борада Ибн Араб Шоҳ шундай дейди: “Темур тамғасининг нақши “рости расти” бўлиб, бу “ҳақгўй бўлсанг нажот топасан”, демакдир. Унинг отларидаги тамға, тангаю тиллоларига зарб бериладиган белги ҳам мана шундай уч халқадан иборат эди. Кўпинча унинг мажлисида уятсиз сўзлар, қон тўкиш, асир олиш, наҳбу ғорат қилиш ва ҳарам ҳақорат гаплар бўлмасди. Темур кўркмас, шижоатли, ботир кишиларни итоат қилдирувчан бўлиб, жасоратли кишиларни, довюрақ ва мардларни ёқтирар эди. У улар ёрдамида даҳшатли жойлар кулфатларини фатҳ этиб, одамлар шерларини ўлжа қилар, улар зарбалари билан баланд тоғлар чўққиларини вайрон қиларди. У беҳато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз (даражада) бахтли, улуғворлиги (ўзига) мувофиқ, қатъий азм билан сўзловчи, (бошига) кулфат тушганда ҳам ҳақгўй (киши) эди”.

Амир Темур ана шундай сифатлари соҳиби сифатида давлат бошқарувининг демократик асосларини яратишга эришади. У мамлакат ишларини доимо, кенгаш, машварад маслаҳат, хушёрлигу, мулоҳазакорлик эҳтиёткорлик билан амалга оширганлигини таъкидлайди. Айни пайтда, мамлакат ишларини Кенгаш асосида олиб бориш бу аслида фуқароларнинг ризолиги ва ихтиёри демак. Ундан чиқди бундай ёндашув бевосита давлат бошқаруви тақсимотининг илк кўринишлари тўғрисидаги қарашларнинг ривожланишига замин яратган.

Соҳибқирон ҳар бир ишда сиёсатни адолат билан амалга оширишга ва бунда турли воситалар асосида унинг изчиллигини таъминлашга эришади. Яъни адолатга қаратилган мақсадларни адолатли воситалар билан уйғунлаштириш асосида давлат бошқарувининг технологик таълимотларини амалий жиҳатдан бойитадики, салтанатда

адолатни таъминловчи мурувватлар юзага келади. Масалан, у, нафақат давлат хизматчиларининг қандай сифатга эга бўлишини, балки шундай сифатлиларни қандай қилиб давлат бошқарувига келишини таъминлашнинг чораларини ишлаб чиқади. Бу борада у шундай дейди: “Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп ҳалал ва зиён етгай. Демак ҳар кимнинг кадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак”. Шу тариқа, у, масаланинг назарий асосларини ойдинлаштириш билан унинг амалий тадбиғини ҳам ўз “Тузук”ларида амалга оширади. Жумладан,: “Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқлигини билсам, уни тарбиятимга олиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматларига яраша мартабасини ошириб борардим”, дейди.

Амир Темур ўз давридаги хизматларининг энг асосийси ва энг буюги — бу унинг давлат арбоби сифатида адолат ғояларига асосланган миллий давлатчилик таълимотларининг ҳуқуқий негизларини яратганлиги ҳамда уни тадбиқ этиб берганлигидадир. Шу тариқа у ўз сиёсий фаолиятини шундай хулосалайди: ҳар мамлакатнинг яхши кишиларига мен ҳам яхшилик қилдим, нафси ёмонлар, бўзуқлар ва ахлоқсиз одамларни мамлакатимдан қувиб чиқардим. Пасткаш ва разил одамларга ўзларига лойиқ ишлар топширдим, хайда хадларидан ошишларига йўл кўймадим. Улутларини ва шараф — эътиборли кишиларни ҳурматлаб, мартабаларини оширдим. Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим”.

Шу даврнинг йирик классик намоёндалардан бири — Алишер Навоийдир. У назариётчи ва амалиётчи сифатида давлат сиёсатининг адолатли асослари ва унинг маънавий мезонларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшади. Айниқса, адолатсизлик ва зулм давлатни таназзулга,

жамиятни жаҳолатга олиб келиши тўғрисидаги қарашлари ўз ифодасини топади: “...давлат иши билан машғул бўлган амалдорлик чоғларимда кўнгил мулкени турли одатларнинг хужуми булғалади. Гоҳ амирлик ўрнида ўтирдим ва ҳукумат маҳкамасида халқнинг арзодини сурдим ва гоҳ подшоҳ ёнида вазирлик қилдим ва менга умидвор назар билан қараб турган элга мурувват кўрсатдим”, — дейди.

А.Навоий адолат тўғрисидаги қарашларида инсон руҳияти билан борлиқ ижтимоий иллатларнинг моҳиятини излайди. Жамиятда ёвузликнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил этади. Адолатли жамиятга эришишда нафақат подшоҳнинг одиллиги, балки фуқаролар ўртасидаги муносабатларнинг адолатли, маънан соғлом бўлиши лозимлигига эътиборни қаратади: “Оламда бўлмиш ҳар нав одам билан кўришдим; катта- кичикнинг феълу атворини ўргандим: яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахл ва пасткашларнинг захмини, саҳоватли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди”, — дейди.

Айни пайтда, инсон руҳияти билан боғлиқ иллатлар моҳиятига шундай нисбат беради: “Яхшиликка мукофот — кўполлик одоб билан қилинган хушмуомала эвазига кеккайиш, такаббурлардан ўзгача муносабат кўрмайсиз. Бировга бир хизмат қилсанг, ундан ўн зарб ейишга тайёр турмоқ керак: кимгаки бир тавозеъ кўрсатсанг, минг кўполлик ва дилсиёҳликка ҳозир бўлиб турмоғинг лозим”. Шу тариқа, у, “Маҳбуб ул кулуб” асарида ҳар хил одамларнинг феъл-атвори ва аҳволи, яхши феъл ҳосияти ва ёмон хислат касофати ҳақидаги қарашлари асосида жамият ижтимоий муносабатларининг яхлит назарий тизими, фуқаро-жамият-давлат ўртасидаги ахлоқий мажбуриятларни умумлаштиришга эришади.

Адолат ғояси Навоийнинг жуда кўп асарларида турли тарзда ифодаланган. “Ҳайрат ул—аброр”, “Садди Искандарий”, “Фарҳод ва

Ширин”, “Саббъаи сайёра” дostonларининг, “Махбуб ул-кулуб” асарининг бош ғояси адолатдир. Яна шуни айтиш керакки, Навоийда инсондаги жуда кўп ижобий ҳислатлар, чунончи садоқат, вафо, ҳаё, саховат кабилар ҳам адолат билан боғлаб тушунтирилади. Зеро, кишида адолат туйғуси бўлмаса, унда бошқа сифатлар ҳам бўлмайди деб қарайди.

А.Навоий замондошлари — Арасту, Афлотун, Форобий, Ибн Сино, Насриддин Тусийнинг илмий мероси, асарларини кунт билан ўрганган, уларнинг илмий ва инсонпарварлик ғояларидан хабардор бўлиб, ўзи ҳам шу йўналишда катта мерос қолдирган ижодкорлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Ҳусайн Воиз Кошифий ва Жалолиддин Давонийлардир. Улар давлатшунослик, ахлоқшунослик адабиёт, таълим-тарбия, наср ва назм соҳаларида ижод қилган йирик олимлардир. Давлат бошқаруви ва унинг сиёсати билан боғлиқ бўлган ижтимоий-ахлоқий масалаларни Бобурнинг “Бобурнома”, Кошифийнинг “Ахлоқи Муҳсиний” асарларида атрофлича баён қилади.

Уларда жамиятнинг пайдо бўлиши, ижтимоий табакалар, давлат ва уни бошқариш йўллари, адолатли ва адолатсиз подшоҳлар, уларнинг фуқароларга муносабати, ахлоқ ва таълим-тарбия масаларини таҳлил этган. Давлат бошқарувига оид ижтимоий қарашлари ўз навбатида ўтмиш давлатчилик маданий меросимиз билан боғлиқ бўлган қадриятларимизни янада бойитишга хизмат қилган.

Юқорида таъкидлаганимиздек XIV—XV асрдаги ижтимоий ва маданий юксалиш ўз мазмун моҳияти билан IX—XII асрлардаги Ўрта Осиёдаги Уйғониш даврининг узвий давоми эди. Бундай маданий меросларнинг монандликка интилиши, унинг даврий уйғунлашуви халқлар ҳаётида тараққиёт ҳамда юксалишига пойдевор бўлган назарий таълимотларнинг ривожланиш босқичларини кузатамиз.

Аммо, Ўзбекистон халқлари давлатчилик тарихи ўз тараққиётида бир хилда ривожланган эмас XVI — XIX асрлар Ўрта Осиё ҳаётида

мураккаб ва кескин бурилиш даври бўлди. Унинг мураккаблиги, аввало Амир Темур империясининг парчаланиши ҳамда ворислар ўртасидаги низолар билан боғланади. Доимий ихтилофлар майдонига айланиб қолган Моварауннаҳр Шайбонийхон лашкарлари томонидан босиб олинади. Давлатда эгасизлик бошбодоклик ҳукм суради.

Мана шундай шароитда ҳақиқий илм ўрнини диний ақидавий қарашлар эгаллайди, натижада аниқса табиий фанлар қувғунга учрайди, айниқса, математика ва астрономия орқада қолади. Бунинг оқибатида илм-фан ривожининг даражаси кескин пасайиб кетади. Айни пайтда, бу давр олдинги мутафаккирларнинг илғор ғояларининг ўзаро фаол таъсири заифлашуви билан характерланади. Дин бевосита давлат сиёсатининг асосига, ҳокимият унинг раҳномалари қўлида манфаатларини ниқобловчи мафкурага айланади. Натижада жамиятда диний тазйиқ кучаяди. Дин пешволари давлат сиёсатига бевосита аралашishi оқибатида бир ёқлама мафкуравий зуғум ортиб боради. Ҳар қандай ижодий ҳур фикр таъқибга олинади.

Шунга карамай Ўрта Осиёда ижтимоий фикр, фалсафа адабиёт, тарих, мусиқа фанлари, меъморчилик, тасвирий санъат ривожланди, қатор Мадраса ва мачитлар қурилди. Жумладан, Ибн Муҳаммад Юсуф Ал-Қорабўғий, Муҳаммад Шариф, Машраб ва Суфи Оллоёр, Нодира, Увайсий, Дилшод, Комил Хоразимий, Аваз Ўтар, Бедил, Фузулий, Аҳмад Дониш, Муқимий, Огаҳий, Фурқат, Муқимий, Мулла Олим Маҳмуд Хожи ижодиётида илғор ижтимоий ғоялар яратилади.

Шу давр Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий қарашларини чуқур ўрганган олим И.Мўминов айниқса, Бедилнинг фалсафий ижодига катта баҳо беради. Бедил дастлаб ислом фалсафаси бўлган каломни, сўнгра машхур сўфийларнинг асарларни ҳамда ҳинд фалсафасини ўргангалигини қайд этади. Унинг ғоялари маърифатли бўлишга, билим ва ҳунарни ўрганишга, айни пайтда, ёвузликка мурасасиз бўлишга даъват

қилганлигини кўрсатади. Эътирофли жиҳати шундаки, шу давр ижодкорлари қайси соҳада ижод қилмасин, шахс ва зиёлийликка хос қудратда уларнинг асосий диққати халқ ва унинг турмуш дарди билан бевосита боғлиқ бўлганлигига амин бўламиз. Мулло Олим Маҳмуд Ҳожининг “Тарихи Туркистон” асарида шундай дейди. “Туркистон хонлари вақтидаги мусулмониялар ниҳоят даражада аҳволи олампидан хабарсиз бўлдилар. Золим ҳакамларга рост ва тўғри сўзни айтадурғонлар қолмай, золимлар учун беш-ўн тилло бадалига эртадан кечгача хушомад сўзлар айтиб, алар қандай сўз айтса маъқул дейдурғонлар бўлғон эдилар.

Илму-маорифда бўлса Туркистонда ўтган Ибн Сино, Форобий, Улуғбек Алиқушчи ўрнига ўлтурғон олим, файласуфи замон деганларимиз иззату нафс ва риёкорликга табдил бўлуб, жаҳл балосига мубтало бўлғон эдилар. Ҳакам ва улутларимиз фуқаролардин ўз жойига ва масрафиға сарф қилмай, ўз хоҳишлари ва йўшаъларира ҳарж ва сарф қилар эди. Ҳукумат ишида мутлақо мунтазам қоида ва қонун йўқ эди, фуқаролар уларнинг ўз молидек ҳисоб қилинур эди”.

Мавжуд манбаларни ўрганиш миллий давлатчилик тарихимизда таназзулга тортган сиёсий курашлар ва ўзаро ихтилофларнинг сабабларини ўрганиш билан бирга, ундан сабоқлар чиқариш имкониятларини беради.

Маълумки, Мовароуннаҳр давлатчилик тарихи ва унинг тараққиётини ислом фалсафасидан айри ҳолда кўра олмаймиз. Аждодларимиз дунёвий ва диний илмларни бевосита уйғун тарзда олиб боришган. У хоҳ диний хоҳ дунёвий йўналишда бўлмасин, унинг асосида инсон — жамият — давлат муаммоси ётади. Фақат бир ёқлама мафкурага асосланган мустамлакачилик босқичи сўнгра, собиқ шўро ҳукмрон сиёсати халқни маданий меъросидан маҳрум этишга ҳаракат қилди. Оқибатда маънавий мерос таъқиб остига олиниб миллий маънавий

меросни ўрганишда бўшлиқ пайдо қилинди. Фан ва таълимот ўз заминидан узилган ақидалар ва мавҳум ғоялар таъсирга тушиб қолди.

Аммо, тарихнинг ана шундай мураккаб даврида ҳам Ўзбекистонда хуррият билан йўғрилган ижтимоий-сиёсий қарашлар тўхтаган эмас. Аксинча, бундай истак ҳар бир ватандошимиз қалбида миллий истиқлол ғоясининг вужудга келишига туртки бўлди, Ўрта Осиё халқларининг мустамлакачилик сиёсатига қарши миллий озодлик кураши ва унинг асосий босқичларини шартли равишда уч босқичга бўлиб ўрганиш мумкин.

- а) Биринчи босқич: 1860— 1904 йиллар;
- б) иккинчи босқич: 1904—1918 йиллар;
- в) учинчи босқич: 1918—1991 йиллар.

Биринчи босқичда мустамлакачилик асоратига тушишнинг ижтимоий- сиёсий сабабларини очиб берувчи манбаларни ўрганиш орқали шу даврдаги миллий тарқоқлик давлат бошқаруви ишларида маърифатсизлик маҳаллий амалдорларнинг нафс ва рижкорлик ботқоғига ботишига эътибор қаратилиши муҳим.

Иккинчи босқич — Туркистон миллий давлат мустақиллиги учун курашда озодлик ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда шарт-шароитларини сиёсий жиҳатдан таҳлилига эътибор қаратиш. Бунда жадидларнинг мустақиллик учун ғояларининг пайдо бўлиш жараёнлари назарда тутилади.

Миллат озод бўлиб, ўзининг мустақил давлатини ўрнатмагунча, ижтимоий адолатни тиклаб бўлмайди. Бу Беҳбудий берган биринчи хулосалардан эди, айти пайтда, бундай ғоя миллий истиқлолчилик ҳаракатининг асосини ташкил этган.

Айти пайтда, жадидчилар асосий эътиборини жамиятда маънавиятни ривожлантиришга қаратадилар. Улар янги усулдаги мактабларни ташкил этиш, газеталар чиқариш, дарслик ва ўқув

кўлланмаларини нашр эттириш, ғарбнинг янги маданият ва технология услубларини жорий этиш заруриятини ҳамда уни Туркистонда тарғиб этиш орқали миллий — дунёвий таълимни юзага келтириш, маънавий ҳаётни янгилаш ва бойитиш орқали миллий ўзликни англашни юксалтиришга замин яратишга интилганлар.

Шу тариқа, Туркистонда мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш ва унинг ижтимоий-сиёсий асосларини ёритувчи манбалар Мунавварқори Абдурашидхон ўғли, Бехбудий, Фитрат, Авлоний, Хувайдо ва бошқа миллий истиқлол қаҳрамонлари асарларида атрофлича ёритилган.

Эътиборли жиҳати шундаки, ўз даврида жадиждлар миллий-маданий мухторият қурилиши тамойилларини ишлаб чиққан ва бунда ўлкани ривожлантиришнинг амалий дастурлари мавжуд бўлган. Туркистонда давлатчилик шакли ва уни бошқариш ваколатлари, барча соҳалар бўйича қонунларни жорий этиш, суд органларини ташкил қилиш, давлат тузилмаларини яратиш каби масалаларга эътибор берилган. Аммо, шу давр сиёсий шароити ҳамда ерли халқнинг тушунчасида Туркистонда мустақил демократик жамият қуриш тўғрисидаги қарашлари бир мунча чекланганлигини кўрамиз. Бехбудийнинг “Туркистон маданий мухторияти лойиҳаси” дастурида тўла мустақил демократик жамият тўғрисида эмас, давлатнинг автономия шакли назарда тутилади.

1917 йилдаги Умумтуркистон мусулмонларининг қурултойида ҳам давлатчилик қурилиши тўғрисидаги қарашлар демократик ёки федератив шакллари тўғрисида баҳс олиб борилади. Аммо, уларнинг демократия ва федерация тўғрисидаги қарашлари ҳам аслида конституцион монархия тузумидан ташқарига чиққан эмас. Туркистонда шу тариқа, миллий давлатчилик ғояларининг тикланишига бўлган уринишлар ва шу йўлдаги сиёсий ҳаракатларининг фаолияти тўғрисида Б.Дўстқораевнинг “Ўзбекистонда янги давлатчилик маърифати” номли мақоласидан танишиш мумкин бўлади.

Учинчи босқич — миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини тинч йўл билан амалга ошириш мумкин эмаслигини тушуниб етган маҳаллий халқ, вакиллари 1917 йил 26-28 ноябр кунлари Қўқонда ўлка умуммусулмонларининг фавқулотда қурултойига тўпланиб, “Қўқон мухторияти”ни ташкил этилганлигини эълон қилдилар. Лекин 1918 йил 23 январда Туркистон советларининг IV ўлка қурултойи Қўқон Мухториятининг Муваққат ҳукумати ва унинг аъзоларини қонундан ташқари, деб эълон қилишди ва қурол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган эски шаҳар тўплардан ўққа тутилиб 18 минг одамнинг қурбон бўлишига сабаб бўлади.

Айнан шу давр воқеа-ҳодисаларни баёни, тафсилотлари ҳамда муваффақиятсизликнинг сабабларига М.Чуқай “Истиқол жаллодлари” асарида қуйидагича таъриф беради: “Биринчидан, объектив омиллар: ...Биз курашга ўзимиз танлаган фурсатда эмас, Русия инқилоби жараёнини келтириб чиқарган вазият ижоботи билан киришдик. Иккинчидан, субъектив, яъни ўзимиздан бўлган омиллар: миллий манфаатлар йўлида курашиш лозимлигини билганлари ҳолда Туркистонликлар ўзаро кучли бирлик кўра олмадилар ва бунга улгурмадилар”.

Туркистон Мухториятининг ташкил топиши, унинг сиёсий фаолияти, сўнгра инқирози масалалари С.Аъзамхўжаевнинг “Туркистон Мухторияти” номли асарида тарихий-илмий маълумотлар асосида ифодаланган.

Миллий истиқлол учун кураш йўллари ва шу йўлдаги мақсад муштаракликда бўлган эмас. Мустақилликка эришиш курашлари афсуски, турлича англаган ва ёндашилган. Аммо, миллий озодлик ҳаракатининг мағлубияти ёхуд кўплаб зиёли намоёндаларнинг қатағон қилиниши, шаҳид бўлиши билан миллатнинг ҳурриятга бўлган интилишини бир сония ҳам тўхтаган эмас. Ўзбекистон зиёлиларининг мустақиллик учун

олиб борган кураши 30-40 йилларда ҳам сўнгра 50-60 йилларда ҳам турли сиёсий кўринишларда давом этиб боради.

XX асрнинг 80 йилларига келиб коммунистик мафкура зуғуми остида катагонлик сиёсати янги палласига кирди. Марказ ходимлари томонидан уюштирилган “ўзбеклар иши”, “пахта иши” билан 11 мингдан ортиқ Ўзбекистонлик раҳбарлар ва оддий фуқаролар таъқиб остига олинди, жазоланди. Халқнинг турмуши ниҳоятда оғирлашиб борди.

Ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг зиддиятлашуви ва ходисаларнинг кескинлашуви “қайта қуриш” йилларида ҳам ўз таъсир кўламини кенгайтириб келди. Натижада республикада жамият яхлитлигини парчалайдиган ҳамда вужудга келган эгасизлик ҳолати фуқаролар ўртасида парокандалик муҳитини юзага келтирди, миллатлараро зиддиятлар, баъзан тўқнашувлар, айниқса, давлат бошқарувида қонунсизлик парокандалик ҳолатлари вужудга келади.

Мана шундай қалтис вазиятда, 1989 йил 23 июнда И.А.Каримов Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари сифатида ўз фаолиятини бошлади. У қисқа вақт ичида Ўзбекистонда вужудга келган ижтимоий танглик шароитини барқарорлаштиришга қаратилган тубдан янги миллий сиёсатни шакллантиришга эришади. Натижада, сиёсий беқарорлик фуқаролар ва миллатлараро низолар олди олинди, давлат бошқаруви мустаҳкамланди, Ўзбекистонда мустақил давлат ташкил этишининг барча сиёсий ва ҳуқуқий заминлари яратилди.

1991 йил 31 август Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Аммо, мустамлакачилик сиёсатидан сўнг қолган сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий мерос билан мустақилликни мустаҳкамлаш ва унинг истиқбол йўлини аниқлаш, аслида унданда мураккаб вазифа эди. Бундай вазифа мамлакатда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишини таъминлаш бўйича

катъий ва изчил сиёсат юргизишдан иборат бўлди. Ўзбекистон ялпи янгиланишларнинг назарий жараёни икки ўзаро узвий боғланган йўналишларда амалга оширилди.

Биринчи йўналиш, мамлакатнинг ички дунёсида, яъни иқтисодиёт, маънавият, сиёсат, турмуш тарзида, халқ характери ва менталитетида режавий асосларда амалга оширилаётган янгиланишлар мажмуидан иборат.

Иккинчи йўналиш халқаро ижтимоий муҳит манзарасини такомиллаштириш, яъни қарама қарши кучлар ўртасидаги зиддиятларни барқарорлаштириш, коллизия муҳитида мураса, ҳамкорлик муносабатлари, тинчлик маданиятига ўтиш, миллатлараро, давлатлараро, конфессиялараро толерантлик муносабатларини чуқурлаштириш, инсониятга умумий хавф туғдирувчи терроризм, наркобизнес, экстремизмга қарши халқаро ташкилот тузилмаларига асос солиш ва бошқа фаолиятлар мажмуидан ташкил топади.

3 - Маъзу : МУСТАҚИЛЛИК ВА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ. ЎЗБЕКИСТОН МОДЕЛИ

Режа

1. Мустақиллик ва демократик жамиятга ўтишнинг ўзаро муштараклиги.
2. Демократик жамиятга ўтиш моделининг турли туманлиги.
3. Инсон эркинлиги ва манфаатларининг устуворлиги.

Ўзбекистонда мустақиллик эълон қилинганидан сўнг халқимиз ҳаётида жуда муҳим ўзгаришлар рўй берди. Шу тарихий санадан бошлаб, янги мустақил миллий ва замонавий давлатчиликни шакллантириш, унинг миллий тараққиёт стратегиясини белгилаш вазифаси кўндаланг бўлди. Маълумки, у ёки бу давлатнинг умумжаҳон тизимида эгаллаб турган

мавқеини белгилаш учун кўп йиллар мобайнида ўша мамлакатнинг аҳолиси, ҳарбий имконияти, ижтимоий инфратузилмаси ва алоқа воситалари ҳамда географик жойлашиши ҳисобга олинган.

XXI асрга келиб ер юзида шунчалик улкан силжишлар содир бўлдики, эндиликда, бу тўртта кўрсаткич давлатнинг жаҳон сиёсатида тутган ўрнини белгилашда бирдан-бир асос бўлмай қолди. Ер қурраси бугун ҳар доимгидан кўра мураккаб ва таҳдидлидир. Шу боис бундай пайтда дунёда ўз ўрнини белгилаш йўлида бекаму кўст иш олиб бориш зарур. Агар мустақиллигимизнинг дастлабки пайтларини кўз ўнгимизга келтирсак, бу мураккаб даврда ўз ўрнимизни аниқ белгилаш жараёнида баъзан ноаниқликлар билан тўқнаш келган пайтлар ҳам бўлди. Бу табиий, аммо кейинги тараққиёт йилларида Ўзбекистон ўз манфаатлари ҳавфсизлигини таъминлаш борасида зарур ҳулосалар чиқариш ва улкан марраларни қўлга киритишга эришди. Бу, ўз навбатида, халқаро миқёсда Ўзбекистоннинг обрў-эътиборини оширди.

Ўзбекистонимизнинг демократик жамият сари ўзига хос йўл билан илгарилаб бориши Президентимиз И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган моҳиятан тадрижий, таълимотига асосланиб, ҳозирги даврда демократик ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация ва ислох этиш ҳамда янгиланиш босқичини муваффақият билан бошдан кечирмоқда.

Ўзбекистон тажрибаси шунини кўрсатадики, у ёки бу мустақил давлатнинг жаҳон сиёсат майдонидаги ўрнини бошқа биров белгилаб бермайди. Бу йўлда жиддий муаммоларга эътиборини қаратган ва пайдо бўлган барча саволларга жавоб топган ҳолда дунё воқеаларининг шиддатли ўзгаришларига давлатнинг ўзи ҳар доим тайёр туриши керак.

Жамиятни ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётни янгилашнинг ўз йўли иккита ибтидоий асоснинг бирикувиға асосланади:

1. Жаҳон тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш, иқтисодий ислохотларни ўтказиш бўйича жаҳон тажрибасида тўпланган барча илғор ишларни кенг қўллаш.

2. Республиканинг ўзига хос шароитини, анъаналари, урф-одатлари, Ўзбекистон халқининг ҳаёт тарзини ҳар томонлама кенг ва тўла ҳисобга олиш.

Шу ўринда юртбошимиз таъкидлаганидек: “Бундай шароитда ўз ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўли ва андозасини танлаб олиш жуда катта аҳамиятга молик. Бу йўл ва андоза иқтисодиёти бозор муносабатлари асосига қурилган, ривожланган мамлакатларнинг кўп асрлик тажрибасига, шунингдек, Ўзбекистон халқининг миллий тарихий мероси, турмуш тарзи, анъаналари ва руҳияти хусусиятига таяниши лозим”¹.

Иқтисодий тараққиётнинг “Ўзбек модели”, “ўтиш даври”нинг асосий ҳаёт қонуниятига айланмоқда. Бугунги кунда содир бўлаётган барча ўзгаришларнинг ислоҳий асоси “эволюцион-тадрижий” йўналишдалиги, назарий фикрлари, Президентимиз И.А.Каримов томонидан 5 тамойил шаклида берилгани давр талабидир.

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон фуқароларининг ҳар бири учун олий неъмат бўлган мустақиллик тўғрисида сўз юритар эканлар, уни жамият ривожининг асоси, бугунги ва узоқ истиқболдаги тараққиётимизнинг шартини, барча ислохотларимизнинг мезони ва ниҳоят, барчамиз амал қиладиган бош тамойил деб атади.

Иқтисодиётни ислоҳ этишнинг тамойиллари қуйидагилардир:

1. Иқтисодиётни мафкурадан батамом ҳоли қилиш. Иқтисодиёт сиёсатдан устун турмоғи, унинг ички мазмунини ташкил қилмоғи керак.

2. Ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислохотчи бўлиши зарур. Давлат бутун халқнинг манфаатларини кўзлаб, ислохотлар жараёнининг

¹ Каримов И. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли.- Т.: Ўзбекистон, 1993.-.5-бет.

ташаббускори бўлиши, иқтисодий тараққиётнинг етакчи йўналишларини белгилаши, иқтисодиётда, ижтимоий соҳада ва суверен давлатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида туб ўзгаришларни амалга ошириш сиёсатини ишлаб чиқиши ва изчил рўёбга чиқариши керак.

3. Янгиликлар ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи зарур. Иқтисодий ўзгаришлар синалган, амалий кучга эга бўлган қонунга таянгандагина бу ўзгаришлар сезиларли натижа бериши, муқаррар бўлиши мумкин.

4. Демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чоратадбирларни амалга ошириш керак. Ижтимоий ҳимояланиш ва кафолатларнинг кучли, таъсирчан механизми мавжуд бўлгандагина ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда бозор иқтисодиёти саритинимсиз ривожланиб боришни таъминлаш мумкин.

5. Иқтисодий ислохотлар, бозор муносабатларини шакллантириш пухта ўйлаб босқичма-босқич амалга оширилиши лозим.

Миллат фаолиятининг ўзаги бўлган мустақиллик жамият аъзолари олдида муттасил янги-янги вазифаларни қўйиб боради ва бажарилишини талаб қилади. Тараққиётнинг ҳар бир босқичи бу — муаммолар ва уларни бартараф этиш йўлидаги янги вазифалар демакдир, деб таъкидлайди давлатимиз бошлиғи.

Катта ва кичик миллатлар, давлатлар ва қолаверса, халқаро ҳамжамият тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, вужудга келган муаммолар ечимида сусткашлик қимматга тушиши мумкин. Зотан, ҳар қандай муаммо бошқа қатор хавф-хатарларни келтирлб чиқарадики, бу ўз навбатида, ҳар қандай давлат тараққиётини анча мураккаблаштиради. Демак, мамлакат тақдири учун масъулликни ўз зиммасига олган ҳокимият

тузилмаси бу борада бир нафас ҳам беғамликка йўл қўя олмайди, доимо уйғоқ ва ҳаракатда бўлиши лозим.

Мустақиллик — том маънода инсон эрки, озодлиги ва ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган улкан қадрият. Ҳар қандай мустақил давлат ўзини сиёсий мустақиллигини бевосита фуқаролар тақдири билан боғлиқ бўлган эркин жамият ва озод шахс тимсолида кўрсатмоғи лозим.

Кўриб турганимиздек, мустақиллик миллий тараққиёт йўлини эркин танлаш учун беқиёс имконият яратдики, бу нуқтаи назардан мустақилликни демократия учун шарт-шароит, деб ҳисобласак бўлади. Бундай тарихий пайтларда бугун ва келажак бир-бирига чамбарчас боғлиқ икки муаммонинг аниқ ечимига бориб тақалади.

Биринчидан, у — демократия борасида жаҳон халқлари тажрибасини олиш ва **иккинчидан**, ундан омилкорлик билан фойдаланиш, яъни демократиядан миллат равнақи манфаатлари йўлида фойдаланиш билан боғлиқ вазифаларни ҳал қилиш керак.

Улардан бири, яъни жаҳон демократик тажрибасидан фойдаланиш масаласи ниҳоят даражада мураккаб, миллатдан улкан интеллектуал ва руҳий кудратни талаб қилишини инобатга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Зеро, бу масала бевосита миллатнинг демократияни жамият тараққиётининг муҳим воситаларидан бирига айлантириш қобилияти, салоҳияти билан ўлчанади. Демак, Ўзбекистонда бу масала қандай ечимни топди ва унда Ўзбекистоннинг ҳиссаси қандай бўлганлигига эътиборни қаратиш фойдадан ҳоли эмас.

Маълумки, ўзида дунё тажрибасини мужассамлаштирган жамиятни идора этиш услуби сифатида демократия инсоният тараққиётига беҳисоб ҳисса кўшди ва ўзининг афзаллигини ҳар доим исбот қилиб келган. Лекин бу уни шунчаки қандай бўлса шундай Ўзбекистонга тадбиқ этсак бўлаверади дегани эмас. Бу муаммони

муваффақиятли ечиш учун миллатнинг ақл-заковати иш бериши зарур эди. Хўш муаммо нимада?

Муаммо шундаки, давлат ёки миллат умрбоқийликка йўғрилиши учун аҳолиси ва жамият жойларидан ташқари, ўзига хос ва мос урф-одат ва ахлоқ қонунлари мажмуаси, бош қомус, яъни Конституция ҳамда уларга таяниб тузилган миллий бошқарув услуби яъни давлатчилик ва ҳаёт тарзини шакллантириш шарт. Демократияга нисбат қиладиган бўлсак, муваффақиятли фаолият юритиш учун Ўзбекистон айнан шу юқорида келтирилган омиллар билан у ҳамоҳанглик этиши зарур эди ва шундай бўлди. Натижада демократия “Ўзбекистон модели”га айланди, қизиғи шундаки, миллий давлат бу ерда, яъни сиёсий муқобилсизлик вазиятини бошидан кечирган.

Демократиянинг Ўзбекистон учун маъқул бошқарув услубига айланиши учун ҳисобга олиниши зарур бўлган социомаданий хусусийликлар эса вазминлик, бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва мурувват, инсофлилик, атроф-муҳитга фалсафий муносабат, донолик, ўз қарори ва аждодлар ўғитига содиқлик ва жамоачилик кўникмаларидан таркиб топади. Демократиянинг “Ўзбекистон модели”нинг юртимизда равнақини таъминлаш учун, қолаверса географик жойлашув, унга монанд ҳолда асрлар оша шаклланган хўжалик юритиш воситалари ва кўникмалари ҳамда инсонлараро алоқалар ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Ана шундагина, демократия халқимизга беминнат хизмат қилиш мумкин.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Ўзбекистонда “ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун” тамойили илгари сурилди ва у изчиллик билан амалга оширилди. Яъни ҳар қандай ислоҳот, янгиланишлар энг аввало инсон онги ва тафаккури, қалби ва туйғулари орқали амалга оширилмоғи лозим. Бунинг учун дастлаб одамларни ислоҳотларга тайёрлаш, унга бутун имкониятларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш эркинлик бериш зарур эди. Бу ўз ўзидан жамиятни

эркинлаштириш, демократик тамойилларини чуқурлаштиришни тақозо этади. Ана шу жиҳатларни назарда тутиб, Президент И.Каримов “Демократик ўзгаришлар ва янги демократик жараёнларни бошқаришни ва ҳаётга тадбиқ этишни ҳамда уларни ҳимоялашни жамиятнинг ўзи англамоғи даркор”, — деган эди.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда Ўзбекистон танлаган йўли инсон манфаатлари тўла ҳимоя қилинган, унинг эрки, озодлиги ҳар томонлама ҳуқуқий кафолатланган фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидир. Айтиш жоизки, Ўзбекистон тарихий тараққиёт тақозоси туфайли пайдо бўлган имкониятдан шу тариқа фойдаланди. Бу албатта, инсон онги ва тафаккуридаги мутелик ва тобелик руҳиятини ўзгартириш, турмуш тарзини янгилаш орқали очик жамиятни вужудга келтиришнинг яхлит ва тўлақонли тизимини ишлаб чиқишни, мазкур тизимни ижтимоий амалиётга йўналтириш йўриқларини барпо этишни тақозо этмоқда.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида инсон онги ва қалби билан боғлиқ бўлган, уни ислоҳ қилиш, янгилаш, маънавий-руҳий “таъмирлаш” каби сермашаққат йўлдан борди. Бу жуда катта сабр-бардош, сиёсий қудрат, сиёсий маданият ва сиёсий ирода талаб этадиган ижтимоий заруратдир.

Президент И.А.Каримов “Аҳолимизнинг сиёсий фаоллиги ҳали замон талаблари даражасида эмаслигини, ҳамон сушт эканлигини қайта-қайта айтишга тўғри келмоқда. Барча муҳим қарорлар юқоридан қабул қилиниб, бизларни бор - йўғи итоатли ижрочиларга, баъзан ўйланмай қабул қилинган қарорлар қурбонига айлантирган маъмурий-буйруқбозлик, мустабид тузум иллатларидан жудо бўлишимиз қийин кечяпти”, — деган эди. Бу жамиятни эркинлаштириш ва шу асосда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда энг катта ғов бўлаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳолатлардан биридир.

Миллий сиёсий маданиятнинг йўналиши, сиёсий онг даражаси жамият ҳаётида инсон иштирокининг қандайлигини белгилайди. Зотан, сиёсий маданият ва сиёсий онг юксак бўлган жойда одамлар ҳокимият ишида фаолроқ иштирок этишади. Қарорлар қандай қабул қилиниши, унинг ижроси қандай назорат қилинаётганлигини кузатиб боришади, муносабат билдиришади, ўз ҳаётларига даҳлдор бўлган маъмурий тадбирларга бепарқ қарашмайди. Аксинча, уларни тайёрлашда иштирок этишади, натижада қарорлар ижроси учун ўзлари манфаатдор сифатида масъулиятни ҳис қилишади.

Президент И.А.Каримов аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш, жамиятда манфаатлар ва қарама-қарши кучлар ўртасида мувозанатни таъминлайдиган кучли механизмларни шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бу механизм, энг аввало, жамиятни эркинлаштириш орқали одамларнинг сайловларга муносабатини ўзгартиришни яқин ўтмишимизга хос хусусият бўлган сохта сайловбозлик ва сиёсий ўйинлардан воз кечишни тақозо этади.

Одамлар ўз манфаатлари ва мақсадларини амалга ошириш, ҳақ - ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун сайловларда иштирок этиш зарурлигини англай бошладилар. Сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи ҳар бир фуқаро сиёсий фаоллигини, жамият тараққиётига даҳлдорлигини белгиловчи омил сифатида намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда сайловлар ўтказишнинг демократик тамойиллари жаҳон сайлов ўтказиш тажрибалари асосида дунёга келди ва шаклланмоқда. Фуқаролар эса уни тўла-тўқис қўллаб-қувватламоқда.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, унинг эҳтиёжларини қондиришда давлат қурилиши, бошқарув тизими ва жамиятни эркинлаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада Президент И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ мамлакатнинг стратегик мақсадларини аниқ ва равшан ифодалаб берди ва давлат

ваколатларини аста - секинлик билан, босқичма–босқич нодавлат ва жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказиш, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органларининг ролини ошириб бориш орқали демократик жараёнларни чуқурлаштириш зарурлигини айтган эди. Ана шу тамойилнинг ўзи фуқароларнинг бир жиҳатдан эркинлиги ва озодлигини таъмин этса, иккинчи томондан ўз ҳаётларини изга солишга, демакки, жамиятни бошқаришга иштиёқини кучайтиради.

Шахс ўзини жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларига даҳлдор, унинг олдида масъулиятли эканлигини англаб боради. Бу мамлакатда амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар сингари инсонни “ислоҳ” қилиш, янги жамият фуқаросини шакллантириш, эски тузумда туғилиб, дунёқарашлари чекланган инсонни “янгилаш”, тасаввурини кенгайтириш сингари “инсоний ислоҳотлар”нинг самарасини кўрсатади.

Президент И.А.Каримов тараққиётнинг Ўзбекистонга хос ва мос тамойилларни ишлаб чиқар экан, аввало, яратилажак жамият қандай бўлишига эътибор беради ва Ўзбекистонда бунёд этиладиган жамият барча “изм”лардан холи ва у қандай номланишидан қатъий назар, адолатли, халқчил, инсонпарвар жамият бўлмоғи лозим эканлигига алоҳида урғу беради.

Шунинг учун ҳам, мамлакат ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари натижада чинакам мустақил Ўзбекистонда янги, адолатли жамият барпо этишга қаратилди. “Республикада собитқадамлик билан халқчил, адолатли жамиятни бунёд этиш — бош вазифадир”, — деб уқтиради Президент. Бу борадаги фикрини давом эттириб у: “Ўзбекистон келажаги буюк давлат. Бу — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Бу -инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллат, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъий назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Халқ давлат ҳокимиятининг манбаидир”, — деган қоидани илгари сурди.

Ижтимоий ҳаёт, мамлакатда юз бераётган жиддий ўзгаришлар ва инсон ҳаёти дахлсизлиги омилининг чуқурлашуви шахснинг давлат ва жамиятга бўлган муносабатларига доир янгидан-янги муаммоларни келтириб чиқаради. Одамлар эса шу муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш жараёнида ўз эрки ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб бораверади.

Жамият тараққиётига мос равишда аҳоли “тарбияланиб”, шаклланиб, баркамоллашиб боради. Айни пайтда биз худди ана шундай жараёнларни бошдан кечираяпмиз.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб Президент И.А.Каримов мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришнинг янги концепциясини ишлаб чиқди. Унда куйидаги масалаларга алоҳида эътибор берилди:

— демократик институтлар фаолиятлари кўламларини кенгайтириш;

— аҳолининг сиёсий фаоллигини кучайтириш ва сиёсий маданиятини ошириш;

— жамиятда манфаатлар, турли хил қарашлар сиёсий ва эътиқодий рақобатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлаш;

— жамоат бирлашмаларининг ҳозирги босқичдаги ижтимоий мавқеини ошириш;

— сиёсий партия фаолиятини такомиллаштириш;

— иқтисодий ҳаётни эркинлаштириш;

— давлат қурилишини эркинлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

— ҳокимият бўлиниш принципнинг инсоният томонидан умумэътироф этилган тамойилларини амалда қўллаш;

— давлат ҳокимияти органларининг ваколатини нодавлат ва жамоат ташкилотчиларига ўтказиш ва бошқалар.

Ўтиш даврида кўп миллатли мамлакатда миллатлараро муроса муҳитини яратишнинг демократик тамойиллари катта ижтимоий-сиёсий аҳамията эга. Айниқса, Ўзбекистондан 130 дан ортиқ миллат ва элатга мансуб турли дунёқараш ва турмуш тарзига эга бўлган аҳоли яшайдиган, 10 дан ортиқ диний конфессиялар фаолият кўрсатаётган мамлакатда ижтимоий муроса муҳитини яратиш фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур муаммо мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ ҳал этилиши долзарб масала сифатида давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Дарҳақиқат, жамиятда турли диний ва ғоявий қарашдаги аҳоли табақалари интилишларини уйғунлаштириш, уларни мамлакат тараққиётини белгилайдиган ғоя атрофида бирлаштириб йўналтириш фавқулодда катта салоҳият тақозо этиши равшан. Айни чоғда умумий фикрларга келиш ҳар бир инсон эркинлиги шахсий талаблари ва рағбатини бўғиш ҳисобидан бўлмаслиги ҳам зарур. Зеро, инсон илоҳий ва табиий қисматига кўра мутлақ бетакрор ҳодисадир.

Абу Мансур ал-Мотуридий мазкур масалага алоҳида урғу бериб инсонга берилган муқаддас ҳуқуқлардан бири ихтиёрий танлов, меъёрий мувозанатга интилиш ва ҳақни ўз рағбатига кўра топа билиш салоҳияти эканлигини таъкидлайди ва барча амалларни, хусусан, меъёрлар, эътиқодлар, қоидалар фаолиятларни Аллоҳ яратади, аммо уларнинг барчасини инсон танлайди ва ўз ихтиёр қилиш жараёнларида инсоннинг масъулияти, эътиқодий жавобгарлиги намоён бўлади”, — дейди.

Дарҳақиқат, миллатидан, ирқидан ва дунёқарашидан қатъий назар мамлакат фуқароси ўз эҳтиёжларини қондириш учун барча имкониятларга эга бўлиши, ўз ҳаётини ихтиёрий танлов асосида йўлга қўйиши керак. Айни пайтда у жамиятда барқарорлик мувозанатини сақлаш, муросага келиш ва бир-бирини тушуниш, баҳсли томон далилларига адолат мезонлари билан ёндашиш, умумий ҳамжиҳатлик руҳини таркиб топтиришга ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Ана шу

ҳолатнинг ўзи жамиятдаги демократик тартиботнинг маънавий қиёфасини кўрсатади.

Миллат ўз-ўзини англаш, маънавий тикланиш жараёнларида миллий маҳдудлик ва худбинликка йўл қўймаслик муҳим аҳамиятга эгадир. Миллий уйғониш жараёнини бошдан кечираётган ҳар бир халқ ўзининг миллий қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан боғлиқ ҳолда ҳис қилиши лозим. Миллатнинг ўзини миллат сифатида англаши даставвал инсоннинг инсон сифатида ўз-ўзини англашидан бошланади. Акс ҳолда миллий маҳдудлик, миллий калондимоғлик, миллий мансублиги орқали ўзига бино қўйиш иллатлари авж олади ва натижада демократик тамойиллар барбод этилади.

Миллий қадриятлар инсоннинг инсон сифатида англаш, ўз-ўзини ҳимоя қила олиши, эришган зафар йўли ва мағлубиятлари, ситамли одамларининг ёдномаларидир. Ҳар бир халқ дунёга ўзининг ана шу тарихий дастури билан кириб келади.

Демак, инсон ўзини башариятнинг узвий бир бўлаги деб ҳис этиши орқали миллий биқиқлик, тор манфаатпарастлик, худбинлик ботқоғидан халос этади. Шундагина у олам ва одам ўртасидаги муносабатлар алоҳидалик ва умумийлик ўртасидаги боғлиқликлар ҳақида ўйлашга кодир бўлади. Ана шу маънавий, интеллектуал-руҳий, ахлоқий имкониятлар инсонни ҳар қандай тор доиралардан кенг дунёга олиб чиқади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ялпи янгиланишлар жараёнида демократик тамойиллар алоҳида ўрин тутаяди. У демократия жараёнларини чуқурлаштиришда, жамиятни эркинлаштиришда, фуқаролар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда туб ўзгаришларнинг "Ўзбек модели" сифатида жаҳон ислоҳчилик тажрибасида ўзига хос ва ўзига мос ҳисса бўлиб кўшилади. Бошқача қилиб айтганда, жамиятни эркинлаштиришнинг

бундай тамойиллари Ўзбекистонда вужудга келтирилди ва у ижтимоий бошқаришнинг халқаро андозаларига мувофиқ самарали йўналиши сифатида тан олинмоқда.

4- Мавзу: ЎТИШ ДАВРИ НАЗАРИЯСИ ВА УНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ЖАРАЁНИДА НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Режа

1. Ўтиш даври тушунчаси моҳияти ва зарурияти.
2. Ўтиш даврининг “модел”лар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Ўзбекистонда демократик жамиятга ўтишнинг ўзига хос хусусиятлари.

1. Ўтиш жараёни ҳақида жуда кўплаб илмий асарлар яратилган. Аммо “ўтиш даври” мустақил Мавзу сифатида илмий адабиётларда жуда кам ўрганилган. Бунинг асосий сабаби, унинг аниқ мезонини ва бошланиши билан “поёни” (охирги муҳлати) масаласини аниқ белгилаш мураккаблигича қолмоқда. Бундан ташқари, баъзи олимлар, жамият тараққиёти то фуқаровий жамият даражасига кўтарилгунча фақат “ўтиш даври” давом этади, у узлуксиз жараён, — деб ҳисобласа, яна бир хил олимлар “ўтиш давр”нинг муҳлати ва моҳиятидан кўра, ундаги жараёнларни ўрганиш муҳимроқ эканлигини таъкидлайдилар. Хуллас, уни ўрганиш ўсиб келаётган талаб даражасидан орқада қолмоқда. Чунки, унинг бошланиши ва охирги мезонларини аниқламасдан туриб у содир бўладиган, ёхуд содир бўлиши мумкин бўлган, жараёнлар ҳақида аниқ концептуал ғояларни ишлаб чиқиш ҳам қийин бўлади. Бу жараёнлар нега турли мамлакатларда турлича содир бўлади ва уларнинг муҳлати нега ҳар хил давом этади — деган саволларга жавобни фақат ана шу ўтиш

даврининг ўзини мустақил Мавзу сифатида ўрганиш орқалигина жавоб бериш мумкин бўлади.

Мазкур масалани ўрганиш бугун ўз бошида мураккаб “ўтиш даври”ни кечираётган Ўзбекистон учун ҳам назарий ва амалий аҳамиятга эгадир. Уни ўрганиш биз кураётган жамиятнинг даражаларини белгилаш ва унга етиб боришда содир бўладиган жараёнлар тўғрисида аниқ тасаввурлар бериш имконини беради.

1. Ўтиш даври тушунчаси моҳияти ва зарурияти.

Ўтиш даври барча давлатлар тараққиёти жараёнида содир бўладиган оралиқ ҳисобланади. У ҳар қандай давлат учун умумий қонуниятдир. Чунки, давлатлар вужудга келиши биланоқ юксак тараққиёт даражасига бирдан кўтарила олмайди, балки у аввало шаклланади ва маълум тараққиёт босқичларини ўз бошидан ўтказдилар.

Ҳар бир давлатнинг вужудга келиш, ривожланиш ва юксак даражасига кўтарилиш жараёнлари олимлар томонидан ўрганилган ва бугунги кунда ўрганиш давом этмоқда.

Аммо, ўтиш даври ўзи нима, нима учун ўтиш даври деб айтилади? — деган саволларга жавоб илмий адабиётларимизда жуда кам ўрганилган. Аммо, уни мукамал тарзда ўрганмасдан туриб мамлакатлар ривожланиш хусусиятларини аниқ тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, бугун юксак ривожланган ёки кам тараққий қилган ёхуд эндигина ривожланиш томон қадам ташлаётган мамлакатларнинг бир иқтисодий, ижтимоий-сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш жараёни айнан иккинчисидан такрорланмайди. Тўғри, ўтиш даври учун барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуниятлар ҳам мавжуд. Аммо, уларни амалга ошириш ҳам давлатлар ва унда яшаётган халқнинг минталитети билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Хўш, нега шундай? ўтиш жараёнида тайёр андозалардан “модел”дан фойдаланиб пировард мақсадни амалга оширишга киришилса бўлмайди-ми?

Худди ана шу саволга жавоб бериш учун ҳам ўтиш даври ҳақидаги қарашларни ўзида уйғунлаштирган концепцияни ишлаб чиқишга эҳтиёж ошиб бормоқда.

Айниқса, бу эҳтиёж мамлакатлар тараққиётида содир бўлаётган турли-туманлик, муаммоларнинг юзага келиши ва уларни ҳал қилиш омилларини ишлаб чиқиш жараёнида яна ҳам кучайиб бормоқда.

Аслида ўтиш даври назарияси деганда нимани тушунмоқ керак?

Ўтиш даври назарияси деганда мамлакатларнинг маълум бир ижтимоий тараққиётдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўлган оралик босқич, уни ўрганиш, тадқиқ қилиш натижасида шаклланган илмий асосланган қарашлар тизими тушунилади.

Албатта, берилаётган бу таъриф охирги ҳақиқат сифатида қабул қилинмаслиги мумкин. Чунки, ўтиш даврига бўлган қарашлар ривожланиб борган сари, бошқа олимлар томонидан тўлғазилиб борилади. Биз томонимиздан берилаётган таъриф ана шу йўналишдаги уринишларимизнинг натижаси сифатида шаклланди.

Ўтиш даврига муносабат билдирган Германиялик олим Леонид Левитин шундай ёзади: “Одатда, “ўтиш даври” сўзларини айнан тушуниб, уни ўтмиш ва келажак оралиғидаги бугун, деб ўйлайдилар. “Ўтиш даври”нинг пайдо бўлишида, бундай қарашларга кўра, ўтмиш — сабаб, келажак эса — мақсад тарзида воқеа бўлади”.

Бу келтирилган фикрдан кўриниб турибдики, “ўтиш даври”, “оралиқ” маъносини англамоқда. Албатта бундай қараш ҳам ўтиш даври назариясининг ишлаб чиқилишида муҳим асос бўлиши мумкин.

Ўтиш даври ҳақида турли фикрлар мавжуд, уларни аниқ тизимга солинган назариясини шакллантириш борасида уринишлар давом этмоқда. Аслида ўтиш даври кенг ва ўта мураккаб тушунча бўлиб, давлатлар тараққиётининг бир босқичдан иккинчи босқичига кириб бориши билан боғлиқ жараён ҳисобланади. Унинг кенглиги шундаки,

Ўтиш даври бошланишида юзага келадиган муаммоларнинг кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, уни уларни ечишда аниқ андозаларни яъни бир мамлакат тажрибаларини иккинчисидан айнан қўллаб бўлмаслиги, айнан ҳар бир мамлакат учун хос бўлган моделни ишлаб чиқиш ва уни реалликка айлантира билишда намоён бўлади. Унинг мураккаблиги шундаки, ҳар бир мамлакатнинг мавжуд ички имкониятлардан самарали фойдаланиш учун зарур бўлган вазиятнинг (барқарорликнинг юзага келиши) юзага келиши ва оммани уюшқоқлик билан мақсадга йўналтирилган вазифаларни изчиллик билан ҳал қилишга қодир бўлган уюшган интеллектуал бўлган эҳтиёжнинг ҳар доим ҳам юзага келмаслиги билан боғлиқ бўлади.

Худди ана шу жараён мамлакатлар юзага келган дастлабки пайтидан уларнинг кейинги босқичига ўтиши учун зарур бўлган умумий қонуният ҳисобланади. Чунки, ўтиш даври давлатчилик пайдо бўлиб унинг тараққиётнинг қулдорлик, феодализм ва капитализм каби ижтимоий — иқтисодий тараққиётга ўтиши учун ҳам зарур бўлади.

Тўғри, юқорида келтирилган тараққиётнинг босқичлари кейингиси олдингиси ичидан ўсиб чиққан. Аммо, ана шу “ўсиб чиқиш” жуда мураккаб кечган, у турли давлатларда турли кўринишларда бўлган ва ўсиб келаётган эҳтиёжни қондиришга қаратилган. Шунинг билан бирга ўтиш даврининг муҳлати (давомийлиги) ҳам турли мамлакатларда ўзига мос равишда содир бўлган. Шу маънода ҳам ўтиш даврининг муҳлатини олдиндан белгилаб бўлмайди.

Ўтиш даври мамлакатлар тараққиётининг бир ижтимоий-иқтисодий босқичдан иккинчига ўтиши умумий қонуният бўлиши билан бирга ана шу босқичларга ўтиш жараёни ҳам турлича намоён бўлади. Улардаги асосий умумийлик эскининг тараққиёт эҳтиёжларига жавоб бераолмаганлиги оқибатида янги босқичга ўтиш заруриятини келтириб чиқариши билан боғлиқ. Шу маънода ўтиш давридаги бош йўналиш

«орқага қайтиш» эмас, балки “олдинга” юриш, пастдан юқорига кўтарилиш ёки олдинги даражага қараганда тараққий қилиш томон кўтарилиш ҳисобланади.

Эски тузумни сақлаб қолиш йўлидаги турли уринишлар, қон тўкишлар, халқ бошига тушадиган турли фожиаларга қарамасдан уларнинг қайси даражадан содир бўлишидан қатъий назар барибир ўтиш даврининг бош йўналиши ўзгармас бўлиб қолаверади. Шу маънода Леонид Левитиннинг қуйидаги фикрига қўшилиш мумкин. “Посткоммунистик ўтиш даври — ўтиш даврининг кўринишларидан биридир ҳолос. Инсоният тарихида бундай даврлар озмунча юз бермаган. Улар ўзаро бир-биридан қанчалар салмоқли тафовутлар билан фарқ қилмасин, бироқ асосий маънолари битта – жамиятни унинг иқтисодини, сиёсатини, унинг маданиятини замонавийлаштириш”, деб ёзади.

Аммо, ана шу “замонавийлаштириш”ни қайси ўлчов мезонидан келиб чиқмоғи керак, — деган саволга жавоб топиш зарур бўлади. Зеро, “замон” ўзгарувчан, шиддат билан олдинга интилувчи жараён ҳолос. Агар ана шу нуқтаи назардан қараладиган бўлса, ўтиш даври қачон тамом бўлади, унинг тамом бўлиш мезонлари мавжудми ёки «замон» каби тўхтовсиз жараён ҳисобланадими? — деган саволлар юзага келаверади.

Аслида, юқорида бизнинг унга берган таърифимизда уни давлат тараққиётининг бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўладиган алоҳида босқич эканлиги ҳақидаги концептуал ғоямизга мувофиқ ўтиш даври шу маънода ҳам алоҳида босқички, албатта у маълум муҳлатдан кейин ўз поёнига етади ва жамият илгарига қараганда юқори тараққиёт босқичида яшай бошлайди.

Биз ана шундай жараённинг аниқ тасаввур қилишимиз ва тушунишимиз зарур бўлади. Акс ҳолда инсоният ўз бошидан ўтиш даврини ўтказиш билан яшайди ва бу охири йўқ бўлган жараён —деган нотўғри хулоса келиб чиқади.

Фикримизча бир ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумдан иккинчисига ўтиш учун зарур бўладиган “ўтиш даври” ёки аниқроғи “оралиқ” босқичининг муҳлати ана шу янги юзага келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузум ўз имкониятларини тўла юзага чиқариб барқарор тараққий қилиш жараёни юзага келиши билан тугайди.

Бу ердаги концептуал ғоя шундаки, инсоният фақат “ўтиш даври” билан яшамайди, балки унинг бошланиши бўлганидек поёни ҳам мавжуддир. Худди ана шу “поёни” тараққиёт даражаларини ёки тузумларнинг бирини иккинчиси билан фарқлаш имконини беради. “Поёни” ёки ўтиш даврининг охири янги тузумнинг нормал ишлаш таъминланганлиги шароити юзага келиши билан тугайди.

Бундай шароитда замоннинг эҳтиёжи ва ривожланиш даражаларида янги вужудга келган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий тузумнинг турли соҳаларида мавжуд бўладиган механизмларининг барқарор ишлашини амалга оширади. Яна ҳам аниқроғи, замон нуқтаи назаридан давлат ҳаётида барқарор тараққий қилиш жараёни содир бўлади.

Шу нуқтаи назардан ҳам Л.Левитининг ўтиш даври “замонавийлаштириш” мезони сифатида қараганлиги ҳақидаги фикрига кўшилиш мумкин. Унинг: “Бундай замонавийлаштириш муайян якун топгунча, яъни мамлакат барқарор иқтисодий ривожланиш, сиёсий барқарорлик даражаларига эришгунча бўлган давр “ўтиш даври”, деб аталади” — деган таърифига фақат замон нуқтаи назардан қаралсагина тўғри бўлади.

“Ўтиш даври”га фақат ана шундай қаралсагина инсоният ва жамиятлар ривожланиш жараёнларига тўғри баҳо бериш мумкин бўлади. Зеро, инсонлар эҳтиёжларининг тўла таъминланиши ва жамият тараққиётининг юксак даражага кўтарилиши фуқаролик жамияти курилгандагина амалга ошади. Аммо, фуқаролик жамиятини инсоният

эхтиёжларини қондира оладиган, жамиятнинг энг юқори поғонага кўтарилган ва унинг бундан кейин ривожланишига эҳтиёжи бўлмайдиган “охирги” “манзил” сифатида қараш ҳам илмий нуқтаи назардан тўғри бўлмайди.

Чунки, фақат эҳтиёжнинг юзага келишигина тараққиёт заруриятини келтириб чиқаради. У тўхтаган дақиқадан бошлаб тараққиёт ҳам тўхтайтиди. Аммо, инсониятнинг ҳали тўла маънодаги фуқаролик жамияти шароитида яшаётган маконни айтиш қийин. Шу маънода ҳам бугун уни инсоният ўзининг идеали сифатида қарамоқда ва уни қуриш учун фаоллик кўрсатмоқда.

“Ўтиш даври” ҳақида фикр юритганимизда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, фуқаролик жамиятигача бўлган барча тузумларнинг инсонлар манфаатлари ва эҳтиёжларини тўла қондира олмаслиги боис уларнинг биринчисидан иккинчисига объектив равишда ўтиши учун эҳтиёжни юзага келтириб туради. Бу ўз навбатида янги тузумга ўтиш даврини бошлаб беради.

Албатта, ибтидоийдан қулдорликка, ундан феодализмга, ундан эса капитализмга ўтиш жараёнларида мамлакатлар ҳаётида қандай алғов-далғовлар, инсонлар ҳаётида ҳам жуда катта қийинчиликлар, урушлар ва уларнинг оқибатида қон тўкишлар содир бўлганлигига қарамасдан бу ижтимоий-иқтисодий тузумларнинг бирининг ичидан иккинчисининг ўсиб чиқиши объектив зарурият сифатида содир бўлиб келган.

Аммо, капитализм демократик тамойиллар асосига қурилган жамиятга ўтиш бир қатор ўзига хос хусусиятлар билан фарқланади. Улар қуйидагилардир:

Биринчидан, айрим мамлакатларда демократик жараёнлар капитализм тузумининг ичида шаклланди ва бу унинг халқ учун фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги фаолиятида намоён бўлди. Тўғри, бу жараён ҳам силлиқлик билан амалга ошмайди, балки ўта мураккаб кечади, жуда

катта талофатларни ўз бошидан кечиради. Худди ана шу мураккаб муаммоларни ҳал қилишда тўғри йўлни танлашдаги яъни жамият тараққиётини халқ манфаатларига қаратилганлиги капитализмни халқ «капитализм»га унинг фаровонлиги тўла маънодаги ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи жамиятга айланишига олиб келади.

Иккинчидан, айрим мамлакатларда ҳали капитализм тўла маънодаги жамият сифатида ўз имкониятларини юзага чиқариб улгурмасдан куч ишлатиш йўли билан ғайри илмий, сохта халқ “фаровонлиги”ни таъминловчи коммунистик жамиятга ўтиш йўлидан борилди. Бу йўлнинг танланиши тажрибаси кўрсатдики; а) жамият тараққиётини сунъий равишда жадаллаштириб бўлмаслигини; б) куч ишлатиш, зўравонлик кўрсатиш жамият ҳаётини тубдан ўзгартирмаслиги ва уларнинг заминидан албатта айнан шу кўринишда бўлмасда бошқа кўринишларда пировард мақсадларга эришиш йўлида куч ишлатиш ва зўравонликни қўллаш давом этиши мумкинлиги кўрсатади; в) ўтиш даври муҳлатини сиёсий ҳокимият ҳукмронлигининг тўла таъминланганлиги билан эмас, балки халқ фаровонлигининг, унинг барча йўналишларда эркинлиги қайси даражада таъминланганлиги билан белгилаш асосий мезон сифатида бўлиши кераклигини тасдиқлайди; г) капитализмнинг барча имкониятлари юзага чиқмасдан туриб, демократик жамиятга ўтиб бўлмаслигини ва ўз навбатида капитализмнинг ўзини ҳам сунъий равишда жорий қилиб бўлмаслигини, албатта маълум ўтиш даври зарур эканлигини кўрсатди; д) капиталистик муносабатлари шаклланмасдан, унинг имкониятлари юзага келмасдан туриб феодализмдан демократик жамиятга ўтиб бўлмаслиги тажрибада тасдиқланди.

Мамлакатлар феодализмдан, ташқаридан кўрсатиладиган “беғараз” ёрдамлар билан капитализмни четлаб коммунизм даражасига кўтарила олмаслиги, омма манфаатларини “ифодаловчи” ва “фаровонлигини” таъминловчи сохта коммунистик жамиятга ўтиб бўлмаслигини, албатта

ана шу коммунистик жамият заминида капиталистик муносабатлар ривожланиб боришлигини ва бу ўз навбатида ўтиш даври мухлатининг чўзилиб кетишига олиб келишини тасдиқлади. Чунки, бундай шароитда нафақат ўтиш даври муаммолари, шунинг билан бирга капитализм тузумига тааллуқлили муаммоларини ҳам ҳал қилиш вазифаси юзага келади.

Ўтиш даври юксак даражадаги моддий имкониятларнинг юзага келиши билан тугамайди, балки уларнинг халқ фаровонлигини таъминлашга қайси даражада қаратилганлиги инсонларнинг эркинликларининг таъминланганлиги билан боғлиқ бўлган жараён ҳисобланади. Улар нафақат мамлакатларга боғлиқ шу билан бирга уларда яшаётган аҳолига, уларнинг жараёнлар билан ҳамоҳанг бора билишларига ҳам боғлиқ бўлади. Буларнинг ҳаммаси тарихий тараққиёт босқичларида шаклланиб ва ривожланиб келади.

Юқоридагилардан қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

Биринчидан, бугунги кунгача, ўтиш даврининг мустақил фундаментал назарияси ишлаб чиқилмаган. Бунинг оқибатида мамлакатларнинг маълум тарихий босқични босиб ўтмасдан уни “четлаб” демократик жамиятга ўтишга бўлган хатти-ҳаракатлари содир бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, улар ҳаётида айрим ҳолатларда катта фожиаларни келтириб чиқармоқда.

Иккинчидан, феодализм муносабатлари шароитида яшаётган мамлакатларга “четдан” демократик жараёнларни “экспорт” қилиб бўлмайди. Бундай уринишлар мамлакатларда беқарорликка, уни тараққиётдан орқага кетишига олиб келиши мумкин. Бу жараёнда яъни мамлакатларга демократия экспорт қилиниши керак эмас, балки унинг шаклланиши учун шарт-шароит юзага келишига имконият яратилишига қаратилиши лозим бўлади.

Учинчидан, ўтиш даври ижтимоий – иқтисодий, сиёсий тузум эмас, балки мамлакатларнинг уларга ўтиши учун зарур бўладиган заминларни шакллантириш кетадиган тарихий оралиқ босқич ҳисобланади. Унинг бошланиши мамлакатларда бўладиган, энг аввало, сиёсий ўзгаришлар ва унинг замида эса иқтисодий, ижтимоий ҳамда маънавий соҳалардаги ўзгаришлар билан боғлиқ бўлса, “поёни”, “охири” янги вужудга келган жамиятнинг ўз имкониятларини тўла юзага чиқара билиши, замон нуқтаи назаридан барқарор тараққиёт учун имкониятларнинг таъминланганлиги билан боғлиқ бўлади.

Тўртинчидан, ўтиш даври қанчалик турли туман бўлмасин, барибир барча ижтимоий – иқтисодий ва сиёсий тузумлар учун зарурдир. Чунки у ҳар бир янгидан вужудга келадиган жамият учун замин тайёрлаш имконияти ҳисобланади. Бу замин нафақат иқтисодий, шунинг билан бирга шу жамиятда яшайдиган инсонларнинг ўзларини ҳам янги жамиятга “мослаштириш”и учун ҳам зарур бўлади.

2. Юқорида ўтиш даврининг тушунчаси, моҳияти ва зарурлигининг умумий назария масалаларини кўриб ўтдик. Энди мамлакатларнинг турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тараққиёт босқичларидан демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатадиган жамиятга ўтишининг турли “модел”лари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари устида тўхталамиз.

Турли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий босқичлардан демократик жамиятга ўтиш ўта мураккаб жараён ҳисобланади. Унинг мураккаблиги, унеча содир бўлган тараққиёт босқичлари объектив эҳтиёж сифатида бирининг ичида иккинчиси шаклланиб келган, давлат ва унинг ижтимоий-иқтисодий муносабатлари шаклан ўзгарган бўлса ҳам, мазмунан у, барибир оммани итоатда ушлаб туришга, унинг устидан ҳукмронлик қилишга қаратилганлигича қолаверган. Улар яна бир хусусият омма

давлат учун деган тамойилнинг амал қилганлиги билан ҳам характерланади.

Демократик жамиятда эса, энг аввало, сиёсий тузум тубдан ўзгариб, халқнинг ҳокимияти бевосита ёки билвосита иштирокида бошқаруви амалга ошади ва омма давлат учун эмас, аксинча, давлат омма учун, деган тамойилнинг устуворлиги асосида давлат бошқаруви амалга ошади.

Шу маънода, ҳам демократик жамиятга ўтиш жараёни давлатларнинг барча соҳаларида туб ўзгариш ишларининг амалга оширилиши натижаси сифатида содир бўлади.

Демократик жамиятга ўтишда сиёсий соҳада, давлатнинг амалдаги механизмлари тугатилади, унинг ўрнига қурилаётган жамият манфаатларига жавоб бера оладиган механизмлари шакллантирилиб борилади, иқтисодий соҳада бозор муносабатлари қарор топади, тараққиёт омманинг ўз моддий манфаатдорлигини эркин қондира олиши асосида умумий иқтисодий ривожланиш содир бўлади, маънавий-маърифий соҳада инсон омили, унинг кадр-қиммати юксак кадрият даражасига кўтарилади, жамият юксак интеллектуал куч асосида ривожланиши реалликка айланади.

Ана шунинг учун ҳам бугунги кунда инсоният демократик жамиятга ўз идеали сифатида қарамоқда ва уни вужудга келтириш учун фаоллик кўрсатмоқда. Аммо демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун ягона бўлган аниқ андозалари, яна ҳам аниқроғи, “модел”лари йўқ ва у бўлиши мумкин эмас. Чунки ҳар бир мамлакатнинг нафақат ўз тузилиши, иқтисодий тараққиёт даражалари, имкониятлари, интеллектуал имкониятлари бири иккинчисидан фарқланади, худди шунингдек, ўз халқининг менталитети, турмуш тарзи, урф-одатлари ва кадриятлари билан ҳам фарқ қиладилар. Уларни ҳеч қачон бир қолипга солиб бўлмайди, бунга ҳаракат қилиш ҳеч қандай самара бермайди, балки

оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тарихий тажриба тасдиқлади.

Шунинг билан бирга, демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун умумий бўлган қонуниятлари ҳам мавжуд. Жумладан,, сиёсий тизимни ислоҳ қилиш, бозор муносабатларини шакллантириш, инсоннинг ўз ички имкониятларини юзага чиқариш учун шарт-шароитларни вужудга келтириш, жамият тараққиётида юксак интеллектуал салоҳият устуворлигини таъминлаш ва бошқа бир қатор қонуниятлар барча демократик жамият қуришга интилаётган мамлакатлар учун умумий ҳисобланади.

Демократик жамиятга ўтиш деганда мамлакатларнинг турли тузумлардан демократик тамойиллар асосида ривожланиши учун вужудга келтириладиган имкониятга кетадиган оралиқ вақт тушунилади. Худди ана шу вақт ичида демократик жамият учун зарур бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий имкониятлар яратилади. “Оралиқ” вақтнинг бошланиши ва унинг ўз поёнига етиши ўтиш даври масалалари қаторида энг муҳим аҳамиятга моликдир. Чунки бугун бу масала илмий адабиётлардан ўзининг илмий ечимини топганича йўқ. Унга аниқлик киритмаслик эса “ўтиш даврининг” боши ва охири қаердалигини билиб олиш имконини бермайди.

Тўғри, ўтиш даври энг аввало сиёсий ҳокимиятда пировардида демократик жамиятга олиб боровчи туб ўзгаришларнинг содир бўлиши ва унинг базасида иқтисодий ҳамда маънавий-маърифий соҳаларда олиб бориладиган ислохотларнинг бошланиши билан характерланади.

Ўтиш даврининг тугаши эса, демократик тамойилларнинг тўлалигича ҳаётий реалликка айланиши билан боғлиқ бўлади. Бугунгача демократик тамойиллар асосида ривожланаётган мамлакатларнинг унга ўтиш даври тажрибаларига асосланиб, ўтишнинг учта асосий йўли ёки “модел”и шаклланганлигини таъкидлаш мумкин.

Унинг биринчиси классик йўл ҳисобланади. Бу йўлнинг асосий хусусияти шундаки, у узоқ тарихий босқичда амалга ошади ва ўтиш даврида сиёсий соҳада қанча бухронлар содир бўлишига қарамасдан асосий ўтишнинг ислоҳотлари иқтисодий соҳада амалга оширила бошланади. Бу соҳадаги муҳим тадбир хусусий мулкчиликни қарор топтириш ҳисобланади. Худди ана шу тадбирнинг муваффақиятли амалга оширилиши, мамлакат ҳаётининг бошқа соҳаларини, хусусан, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маданий соҳаларида ҳам ислоҳотларнинг амалга оширилиши имконини беради.

Ўтиш даврининг классик йўлидаги бундай жараённинг характерли томони шундаки: иқтисодий соҳада хусусий мулкчиликнинг ривожланишидан аҳолининг аксарият кўпчилик қисми рози бўлмайди. Чунки асосий моддий бойлик бир қисм одамлар қўлида тўпланади, бошқалар эса унга қарам бўлиб қоладилар оқибатда мамлакат ички ҳаётида катта бухронлар, ҳатто фуқаролар урушлари содир бўлиши мумкин. Бу жараён мулк эгаларининг аҳоли фаровонлигини таъминлаш томон қиладиган ҳаракатлари ўзининг самарасини бера бошлаганича давом этади.

Бунинг самараси дастлабки пайтда айнан шу мақсадга йўналтирилмасдан, балки мулк эгалари ўзларининг моддий бойишини ривожлантириш йўлида, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги корхоналар куриш, уларни замонавий техника билан қуроллантириш, янги иш жойларни вужудга келтириш каби катта ишларни амалга оширадилар.

Бу йўлдаги муҳим томон шундаки мамлакатда барча олғов – далғовлар худди ана шу иқтисодий соҳадаги хусусий мулкчилик кучайишининг дастлабки пайтда содир бўлади. Чунки бу жараёндан аҳолининг норозилиги кучаяди, мамлакат ҳаётида беқарорлик ҳолати кучайиб боради, бунинг оқибатида катта ғалаёнлар содир бўлиши

мумкин. Худди ана шу жараёнлар заминиди аҳолининг сиёсий онги ҳам ўсиб боради. Уларнинг ўз ҳуқуқларининг таъминланишига эришиш интилиши кучаяди. Бу, ўз навбатида, мамлакат сиёсий ҳаётида демократик жараёнларнинг юзага келиши ва унинг ўсиб боришига ўз таъсирини ўтказди.

Ўтиш даври классик йўлининг бошланиши капиталистик муносабатларнинг юқори босқичи, унинг иқтисодиётда ислохотлар ўтказмасдан тараққий қилишига имконият етмай қолиши оқибатида юзага келади.

Бу йўлнинг классик (анъанавий) йўл дейилишига сабаб шуки, мамлакатларнинг демократик жамиятга ўтиши дастлаб худди ана шу кўринишда намоён бўлди ва бугун юксак тараққиётга эришган мамлакатларнинг аксарияти ана шу йўлдан бордилар.

Классик йўл муаммоларнинг кўплиги уларни ҳал қилишнинг мураккаблиги, аҳолининг бу жараёнга “кўникиб” бориши каби масалалар билан боғлиқ бўлганлиги учун ҳам Овропа мамлакатларида 2-2,5 асргача давом этди. Ана шу муҳлат ичида мамлакатларда иқтисодий соҳадаги ютуқларнинг заминиди демократик кадриятлар ҳам шаклланди ва уларда бугун фуқаролик жамиятини такомиллаштириш жараёнлари давом этмоқда.

Демократик жамиятга ўтишнинг иккинчиси инқилобий йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, давлатларда вужудга келтирилган катта иқтисодий салоҳият аксарият кўпчилик аҳолининг турмуш тарзи нисбатан юқори бўлганлигига асосланиб, дастлаб мамлакат сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар амалга оширилади. Яъни амалдаги ҳокимият шакли барбод бўлади ва унинг ўрнига янги — демократик жараёнларни ривожлантиришга мойил бўлган ҳокимият шакли ва унинг инфраструктураси вужудга келади. Улар, ўз навбатида, иқтисодий ҳаётда

кескин ислохотлар ўтказадилар, хусусан, амалдаги миллий валюта бекор қилинади (синдирилади).

Аҳолининг қўлидаги пул маблағлар ҳам ўз қийматини йўқотади ва мамлакат сиёсий ҳаётида бўлгани каби иқтисодий ҳаётда ҳам демократик жараёнларнинг ривожланиши содир бўлади. Инқилобий йўл учун зарур бўлган асосий омиллар қаторида:

а) собиқ тузум шароитида хусусий мулк куртакларининг сақланиб қолганлиги;

б) демократик қадрият куртакларининг мавжудлиги;

в) мамлакат ҳаётини демократик тамойиллар асосида қайта қуришга қодир бўлган интеллектуал салоҳиятнинг етарли бўлиши;

г) аҳолининг маълум бир қисми ана шу демократик жараёнга ҳеч бўлмаганида “мойил” бўлиши кабилар ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Уларнинг ҳар бири инқилобий йўл учун алоҳида аҳамият касб этади. Масалан, интеллектуалнинг ролини олиб кўрайлик. Улар мамлакат ҳаётида бўладиган ҳар бир ўзгаришни юзага келтирувчи асосий қудрат ҳисобланади.

Халқ ҳокимиятдан кўра уларга ишонади, уларга эргашади. Шу маънода ҳам улар оммани уюштиради ва демократик жараёнларга йўналтиради. Шунинг билан бирга интеллектуалнинг ўзи ҳам демократик жараёнларнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда бардош бера оладиган, уюшган куч даражасига кўтарилган бўлиши лозим.

Интеллектуалнинг характерли хусусияти шундаки у бошқа ижтимоий табақалардан кўра жамият ҳаётида юзага келадиган жараёнларни олдин билишга интилади ва бу ўзгаришларнинг бошида тура олади. Ёки аҳолининг маълум бир қисмининг мамлакатнинг ўтиш давридаги мураккаб шароитларга (мойиллиги) бўлиши зарурлиги омилини кўрайлик.

Ҳамма гап шундаки, аввало, аҳоли мураккаб муаммоларни ҳал қилишда кузатувчи эмас, уларни ҳал қилишда фаол иштирок қилмас экан, инқилобий йўл ҳеч қандай самара бермайди, аксинча, у мамлакатни тараққиётдан орқага кетишига олиб келади. Айниқса, улар интеллектуал билан яқдилликда ана шу кескин ўзгаришларнинг уюшган ташкилотлари ва ҳаракатлантирувчи кучларига айланиши лозим.

Агар ана шу омиллар етарли бўлса, инқилобий йўл ҳам ўзининг самарасини бериши мумкин. Бу йўлдан Европанинг собиқ социализм тузумида яшаган Польша, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Болгария ва Россия каби мамлакатлар бормоқдалар. Аммо, уларда ҳам ички зиддиятлар кучайди, омманинг аҳволи оғирлашди, улардан қатъий назар уларда инқилобий йўл билан ўтиш учун зарур бўлган юқоридаги омиллар қайсидир даражада мавжуд эди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятга ўтиш жараёни кескин ривожланиб кетди.

Унинг мазмуни шуки, сиёсий ҳаётда кескин бурилиш содир бўлди, у мамлакатлар сиёсий тизимида, бошқарувнинг моҳиятан бутунлай янги шакли, иқтисодиётда давлат мулкани хусусийлаштиришда, маънавий-маърифий соҳада эски мафкурадан воз кечишнинг кескин амалга оширилиши содир бўлди. Аммо улар ўзаро ички курашларнинг авж олиши, баъзи мамлакатларда қон тўқилишининг содир бўлишигача бўлган оғир жараёнлар шаклида амалга ошди. Шунга қарамасдан, юқорида кўрсатилган омилларнинг у ёки бу даражада мавжуд бўлиши инқилобий йўлнинг ҳам самара бераётганлигини ана шу мамлакатларда содир бўлган ва бўлаётган ижобий ўзгаришлардан кўриб турибмиз.

Бу йўл қанчалик мураккаб, мамлакат ҳаётида жуда катта бухронларга олиб келишини ҳисобга оладиган бўлсак, уни ҳар мамлакат ўз хусусиятлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолдагина амалга ошириши мумкин. Аммо, шуни ҳам ҳисобга олиш зарурки, юқоридаги омиллар мавжудлигининг ўзи ҳам мамлакатларнинг демократик жамиятга

инқилобий йўл билан ўтишига “мажбур” этади. Чунки ана шу омиллар жараёни тезлаштирувчи асосий қудрат ҳисобланади.

Демократик жамиятга ўтишнинг учинчи йўли — эволюцион ёки босқичма-босқич йўл ҳисобланади. Унинг характерли хусусияти шундаки, мамлакатда амалдаги сиёсий ҳокимият тугатилиб, унинг ўрнига янги ҳокимият вужудга келиши билан эски кескин, бир “зарб” билан тугатилмасдан босқичма-босқич, вазминлик билан тугатилиб борилади. Ҳатто уларнинг айрим имкониятларидан ҳам фойдаланиб борилади. Худди ана шу жараёнда иқтисодий ислохотларни олиб борилади ва бу йўналишда янги муносабатлар шакллантирилади.

Сиёсий ва иқтисодий ҳаётда ўтказилаётган ислохотлар билан ҳамоҳанг равишда маънавий-маърифий соҳалар ҳам янги эҳтиёжлар асосида ривожлантирилиб борилади.

Хўш нима учун аста - секин, босқичма–босқич ўтиш зарурияти туғилади? Агар аста-секин ўтиладиган бўлса, унинг классик йўлдан фарқли томони нимада, унда ҳам аста-секинлик билан демократик жамиятга ўтилган-ку? Албатта, эволюцион йўлнинг классик (анъанавий) йўлдан фарқли томонлари мавжуд ва улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, классик йўлда демократик қадриятлар мавжуд жамият ичида юзага келади ва у мавжуд тузумнинг тараққий қилиши, мулк эгаларининг ҳам, худди шунингдек, оддий халқнинг ҳам эҳтиёжларини қондиришга йўналтириб боради. Бундан ҳар икки томон ҳам манфаат кўради. Яъни демократик қадриятлар тараққиётнинг капиталистик муносабатларининг “маърифатлашиб”, халқ фаровонлигини таъминлаш омилига айланишнинг “меvasи” сифатида юзага келади.

Кўпчилик ҳолларда эволюцион йўл мамлакатларнинг тоталитаризм ёки диктатуралар ҳукмронлигининг барбод бўлиши ва унинг оқибатида демократияга ўтиши учун хос бўлиб, мамлакатлар

хаётида кескин ўзгаришларни амалга оширишнинг имкониятлари бўлмаганлиги билан боғлиқдир.

Аслида, тоталитаризм ҳам моҳиятан, капиталистик муносабатларнинг “маърифатлаша” олмаганлиги, мавжуд сиёсий тузумнинг зўрлик билан барбод қилиниши, мулкдорлар мулкининг тортиб олиниши ва уларнинг манфаатларига хизмат қилувчи маънавий-мафкуравий салоҳиятнинг юзага келтирилиши натижасида вужудга келган янги кўринишдаги капитализмдир.

Агар классик ўтиш даврига хос бўлган капитализм муносабатларида сиёсий тузум, иқтисодий муносабатлар ва маънавий-маърифий салоҳиятлардаги ўзгаришлар аста-секин умумманфаатлар йўлида демократик қадриятларга асосланган жамиятга “бўшатиб” бериш йўлидан борган бўлса, тоталитаризм мавжуд капиталистик муносабатларни зўрлик, куч ишлатиш йўли билан тугатилиб, унинг ўрнига янги - ўзига хос “капиталистик” муносабатларнинг шакллантириш оқибатида юзага келган жамият эди. Чунки, бу жамиятда давлат халққа эмас, балки халқ давлатга унинг тепасида шаклланган ҳокимиятни қўлида ушлаб турган элитага хизмат қиладиган даражага кўтарилган эди.

Иккинчидан, классик ўтиш йўлида омманинг дунёқараши мавжуд содир бўладиган ўзгаришларга мос равишда ўзгариб ёки тузумнинг ўзгаришига таъсир ўтказиб келган бўлса, тоталитаризм - омманинг онгини тўлалигича ўз манфаатларига бўйсундирган жамият эди. Уни бир “зарб” билан демократияга “мослаштириш” ҳам ниҳоятда мураккаб муаммо ҳисобланади. Чунки онгни ўзгариш қисқа вақтда амалга ошадиган жараён эмас, у жамият ҳаётида бўладиган ўзгаришларга мос равишда содир бўлади.

Айниқса, бу жараён саноат ишлаб чиқариши кам тараққий қилган аграр сектор етакчилик қиладиган мамлакатларда аста-секинлик билан амалга ошади. Чунки, бундай мамлакатларда аҳолининг тарқоқлиги,

сиёсий маданияти кескин ўзгартиришлар эҳтиёжларидан орқада қолган бўлади.

Учинчидан, классик ўтиш учун хос бўлган капиталистик муносабатлар шароитида демократияга ўтишда эски тузум хавф туғдирмайди, балки у ўрнини тараққий қилаётган янги демократик муносабатларга “бўшатиб” бера бошлайди.

Тоталитаризм эса янги демократик жараёнлар учун хавф туғдиради. Чунки унинг ҳукмронлиги даврида шаклланган ниҳоятда кучли муносабатлар, кучлар ва маънавий-маърифий салоҳият демократик жараёнлар ривожланиши учун қаршилик кўрсатиб туради. Буни албатта ҳисобга олмаслик мумкин эмас.

Шунинг билан бир қаторда, мамлакатнинг тараққиёт даражалари, халқнинг менталитети, урф-одатлари ва кадриятларини ҳисобга олиш эволюцион йўлининг катта имкониятлари бўлиб, бу ўтиш даврида нисбатан кам талофатлар содир бўлишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам бугун кўпгина олимлар эволюцион йўл бугунги ўтиш даври учун энг мақбул йўл сифатида қарамоқдалар. Жумладан, Россия Фанлар Академиясининг академиги, собиқ СССРда қайта қуриш назариясини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатган А.Н.Яковлев шундай ёзади: “... Инқилоб бу-боши берк кўча, йўлни йўқотиш демакдир. Ўзаро жанжал ва тўполонлар шароитида ҳам қуйидан, ҳам юқоридан бошланадиган жиноятлар авж олади. Шу тариқа Люпенлар жинояти ва ҳокимият жинояти бир-бирига аралашиб кетади. Инқилоб даврида шавқатсизлик мисли кўрилмаган даражага етади. У олға ривожланиш ҳақидаги ҳаётларни яратадию, охир оқибатда ўзи ана шу ҳаракат йўлида тўғаноқ бўлади.

Фақат табиий, тадрижий йўл инсонга қониқиш туйғусини, жамиятга эса ўз тараққиётини изчил пухта ўйланган, режали тарзда амалга ошириш имконини беради”.

Эволюцион йўлнинг яна бир афзаллиги шундаки, бугун инсоният жуда катта интеллектуал камолат даражасига кўтарилди, шунинг билан бирга унинг эҳтиёжлари ҳам унга мос равишда ривожланиб бормоқда. Ана шу икки жараённи уйғун ҳолатда ривожлантириш имкониятини фақат эволюцион йўлдан бориш билан ҳал қилиш мумкин бўлади. Бугун худди ана шу йўл фожиаларга олиб келувчи қарама-қаршилиқларнинг олдини олиш ва тараққиётга мураса-ю мадора йўл билан эришиш имконини беради.

Бу йўл бугун ўз мустақиллигини қўлга киритиб энди тараққиёт йўлига кираётган Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари учун ҳам самара берадиган йўл ҳисобланади. Улар ҳозир тараққиётнинг қайси босқичларида бўлишларига қарамадан, тараққиётнинг барча босқичларини ўз бошларидан кечиришлари умумий қонуният бўлганидек, демократик тараққиёт босқичига ҳам табиий тадрижий йўлдан боришни бош йўналиш сифатида белгилаб олсагина ва унга реал амал қилсагина пировард мақсадга эришишлари мумкин.

Аммо уларнинг ички ҳаётига аралашув, демократияни ташқаридан бир “зарб” билан киритишга бўлган ҳар қандай уринишлар кутилган натижа бермайди, балки ички зиддиятларнинг кучайишига, мамлакатни тараққиётдан орқага улоқтириб юборишга олиб келиши мумкин.

Хуллас, эволюцион йўл бугун дунё мамлакатларининг ривожланиши ва минтақаларда барқарорликнинг юзага келиши ҳамда умумий тараққиёт учун самара бера оладиган йўл сифатида намоён бўлмоқда.

3. Ўтиш даврининг умумий қонуниятлари Ўзбекистон учун ҳам умумийликка эгадир. Улар ўтиш даврининг бошланиши учун хос бўлган, амалдаги сиёсий ҳокимиятнинг тугатилиши, унинг заминида иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг амалга оширилиши учун замин тайёрлаш ва мавжуд маънавий - мафкуравий зўравонлигидан кутулиш кабилардир.

Улар қайси даражада бўлишидан қатъий назар демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган барча мамлакатлар учун умумий зарурият ҳисобланади.

Аммо, ҳамма масала ўтиш даврининг ичида амалга ошириладиган вазифалар стратегиясини белгилаш, уларни ҳал қилишнинг механизмларини ишлаб чиқиш ва уларни реалликка айлантириш кабиларда ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлади. Бир мамлакатнинг ёхуд бир неча мамлакатларнинг ўтиш даврида қўллаган тажрибаларини айнан иккинчи мамлакат қўллай олмайди. Чунки демократик жамиятга ўтишда нафақат мамлакатларнинг тараққиёт даражаларини белгиловчи аҳамиятга эга бўлади, худди шунингдек,, ҳар бир мамлакатда яшаётган халқнинг менталитетини ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга моликдир. Уни ҳисобга олмаслик эса пировард мақсадга эришиш имконини бермайди.

Худди ана шунинг учун ҳам Ўзбекистонда унинг ўзига хос ва ўзига мос бўлган эволюцион тадрижий йўли ишлаб чиқилди. Бу йўлнинг Ўзбекистон учун энг мақбул йўл эканлиги Президент Ислон Каримов томонидан илмий асосланди ва унинг концептуал ғояларини фундаментал тарзда босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Бу йўл Президент томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилда ўз ифодасини топди. Худди ана шу тамойилларни ишлаб чиқиршига қараб, Президент шундай таъкидлаган эди: “Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, сохта инқилобий сакрашларсиз, фожиали оқибатларсиз ва кучли ижтимоий ларзаларсиз, эволюцион йўл билан нормал, маданиятли тараққиётга ўтиш - танлаб олинган йўлнинг асосий мазмуни ва моҳиятидир”.

Бу бош ғояни Президент Ислон Каримов жаҳон мамлакатларининг тажрибаларини чуқур таҳлил қилиш асосида илгари сурди ва Ўзбекистонга хос ўтиш даври “модел”ини ишлаб чиқишда унинг

дунёдаги биронта ҳам давлатлардаги “модел”ларига айнан ўхшамаслигига асосий эътиборни қаратди.

У мамлакатимиз ўз мустақиллигини эндигина қўлга киритган ва мустақилликнинг хавфи ҳали батамом тугамаган шароитда 1992 йилда бу концептуал ғояни илгари сурди. У шундай ёзади: «Ўзбекистоннинг чинакам мустақиллигига эришишдан иборат ўз йўли республикани ривожлантиришнинг қуйидаги асосий ўзига хос хусусиятлари ва шарт - шароитларини ҳар томонлама ҳисобга олишга асосланади.

Аввало, у аҳолининг миллий-тарихий турмуш ва тафаккур тарзидан, халқ анъаналари ва урф-одатларидан келиб чиқади.

Чуқур илдизи ўтмишдаги анъанавий жамоа турмуш тарзига бориб тақаладиган коллективчилик асослари Ўзбекистон халқига тарихан хосдир. Катталарни ҳурмат қилиш, оила ва фарзандлар тўғрисида ғамхўрлик қилиш, очик кўнгиллилик, миллатидан қатъий назар одамларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлиш, ўзгалар қўлфатига ҳамдард бўлиш ва ўзаро ёрдам туйғуси кишилар ўртасидаги муносабатларнинг меъёри ҳисобланади. ўзбеклар диёрига, ўз Ватанига меҳр-мухаббат, меҳнатсеварлик, билимга, устозларга, маърифатпарварларга нисбатан алоҳида ҳурмат–эҳтиром Ўзбекистон аҳолисига хос фазилатлардир. Ички ва ташқи сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга ошириш чоғида ислом динини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эга. Одамларнинг турмуш тарзида, руҳиятида, маънавий-ахлоқий қадриятларни шакллантиришда, исломга эътиқод қилувчи халқлар билан яқинлашиш истагида ҳам шу омил намоён бўлмоқда.

Мазкур минтақанинг қадимий тарихи ва маданияти, бунда яшаб ўтган Шарқ мутафаккирлари ва файласуфларининг жаҳон маданиятини ривожлантиришга қўшган ғоят катта ҳиссалари ҳам бу ерда яшаётган одамлар турмушининг барча томонларига сезиларли таъсир ўтказмоқда. ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан - қанча авлодларнинг

маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмоқда.

Республикадаги ўзига хос демографик вазият — ғоят муҳим хусусиятлардан биридир. Республикада аҳоли ва меҳнат ресурслари ҳар йили юксак суръатлар билан ўсиб бормоқда. Аҳолининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди ва асосан, деҳқончилик билан шуғулланади. Аҳоли таркибида 60 фоиздан кўпроғи болалар, ўсмирлар, 25 ёшгача бўлган йигит - қизлардир.

Ўз аجدодлари қадимдан яшаб келган жойларга боғланганлик, кўчиб юришга мойилликнинг йўқлиги республика аҳолисига хос хусусиятдир. Республиканинг яна бир хусусияти — миллий таркибининг ўзига хослигидир. Этник таркибда туб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Шу билан бир вақтда республика ҳудудида ўз маданияти ва анъанасига эга бўлган юздан зиёд миллат вакиллари яшаб турибди. Ўзбекистоннинг миллий - маданий жиҳатдан ғоят ранг-баранглиги миллий ўзлигини англаш ва маънавий қайта тикланишнинг кучайиб бориши билан узвий бирликда жамиятни янгилаш, уйи “очик жамиятга айдантириш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилади ва республиканинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилиши учун қулай шароитларни вужудга келтиради.

Республика қулай геостратегик мавқега эга. Тарихан ҳозирги Ўзбекистоннинг ҳудуди шундай жой бўлганки, бу ерда жуда кўхна савдо йўллари (машҳур Буюк Ипак йўли) туташган, жўшқин ташқи алоқалар ва турли маданиятларнинг бир - бирини ўзаро бойитиши жараёни кечган, ҳозирги кунда Ўзбекистон ўзининг мустақил энергетика ва сув тизимларига эга бўлган собик совет Ўрта Осиёсининг марказида турибди, кўпгина масалаларда республикалар ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилмоқда ва хорижий мамлакатлар билан муносабатларни ривожлантиришда тобора фаол роль ўйнамоқда.

Ўзбекистонда ислохотларни амалга ошириш йўллари ва ёндашувларини танлашга табиий – иқлим шароитларининг ўзига хослиги белгиловчи таъсир ўтказмоқда. Республика қишлоқ хўжалиги аксарият сунъий суғоришга ва суғорма дехқончиликка асосланади. Ўзининг сув имкониятлари жуда чекланган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, бутун халқ хўжалиги таркибида пахтачилик етакчи ўрин тутади. Ўзбекистон мустақил Ўрта Осиё Республикалари орасида ғоят катта экспорт имкониятига эга бўлган жуда муҳим стратегик хом ашё — пахта ва ундан тайёрланган маҳсулотни етиштирувчи ҳамда етказиб берувчи асосий республикадир. Иқлим шароитлари мева сабзавот маҳсулотлари, пилла ва бошқа ғоят қимматли қишлоқ хўжалик хом ашёсини нафақат ўз эҳтиёжларини қондириш учун, балки бошқа мамлакатларга етказиб бериш учун ҳам зарур миқдорда етиштиришни таъминлайди.

Ўзбекистон Республиканинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини ҳимоя қилиш имконини берадиган етарли потенциалга эга. Ер бағрининг ғоят қимматли минерал хом ашёларга бойлиги чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириш, республиканинг жаҳон бозорига чиқишини таъминлайдиган тармоқларни ривожлантириш имконини бермоқда. Шу жиҳатдан халқ хўжалигининг, асосан, хом ашё етиштиришга йўналтирилганлигини бартараф этиш ва шу сабабли иқтисодиёт тузилмалари ҳаддан ташқари бир томонлама ривожланганлигига, собиқ марказ ўтказиб келган яккаҳокимлик сиёсатининг натижаси бўлмиш қарамликка, яъни технология ва ресурс жиҳатдан бошқа республикаларга қарам бўлиб қолишга барҳам бериш ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Кейинги ўн йиллар мобайнида маълум қадриятларга эга бўлган кишиларнинг муайян ижтимоий онги шаклланганлигини ҳам эътиборга олмаслик мумкин эмас. Бир томондан, бу ижтимоий тенгликка, қафолатланган меҳнат қилиш ҳуқуқига, ялпи бепул таълим ва тиббий

хизматга қатъий тарафдорликка интилишида намоён бўлмокда. Иккинчи томондан эса, яккаҳокимликдан иборат маъмурий – буйруқбозлик тизими келтириб чиқарган инсонни мулкка эгаликдан ва хўжайинлик туйғусидан бегоналаштирилганлиги, тайёрга айёрлик руҳияти юзага келтирилганлигида кўринмокда.

Юқорида қайд этилган ўзига хос шарт - шароитлар ҳам алоҳида, ҳам биргаликда ҳозирги босқичда Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради».

Президент Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган концепциядаги ана шу хусусиятларни ҳисобга олиш мамлакатимизда беқарорликни вужудга келишининг, социал зиддиятларнинг кучайиб кетишининг, аҳолининг мураккаб вазиятга тушиб қолишининг олдини олиш имконини берди. Улар ўз навбатида юзага келаётган янги ижтимоий - сиёсий ва иқтисодий қийинчиликларни собитқадамлик билан ҳал қилишда муҳим роль ўйнади ва бошланган ислоҳотлар ўз самарасини бера бошлади. Ўзбекистоннинг ўтиш даври муаммоларини ҳал қилишнинг ўзига хос стратегияси жаҳон жамоатчилиги томонидан эътироф этилиб уни «ўзбек» модели номи билан айтила бошлади. “Ўзбек” модели деганда ўзбек миллатининг ўзига хос металитети, урф - одатлари, анъаналари, қадриятларини, унинг демографик жараёнлари, аҳолининг миллий таркиби, Ўзбекистоннинг геостратик ҳолати ва бошқа бир катор омилларни ҳисобга олишга асосланган демократик жамият куришнинг шакли тушунилади.

Уларни ҳисобга олиш ислоҳотларнинг самара бериши учун замин тайёрлади. Ўзбекистоннинг бу танлаган йўлида яна бир муҳим салбий омилни олиш унинг нафақат ўзгаларга қарамлиги шароитида юзага келган йўқотишлари, ўтказилган зўравонликлар билан боғлиқ, шунинг билан бирга у мустақилликни қўлга киритган шароитда мавжуд бўлиб турган тоталитар тузумнинг кучли таъсири билан ҳам боғлиқдир. Чунки у

жамият ҳаётининг барча соҳаларида давлатнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилганлиги билан алоҳида ажралиб туради. Унинг мураккаблиги шундаки, бир томондан мавжуд тоталитаризм вакилларнинг осонгина ҳокимиятдан кетишни хоҳламасликлари, бўладиган ҳар қандай ўзгаришларга қаршилик кўрсатишлари содир бўлса, иккинчи томондан тоталитаризмда яшаб келаётган халқнинг ҳам юзага келаётган демократик ўзгаришларга ишончсизлиги, икқиланиши, шубҳа билан қараши, тезда кўника олмаслиги каби бир қатор ҳолатларнинг мавжуд бўлиши, нафақат демократик жараёнлар ривожланишини, худди шунингдек, мустақилликнинг қўлдан кетиб қолиш хавфини ҳам юзага келтиради. Чунки бу даврда ҳали ўзгаларни ўз қўли остида ушлаб туришга ўрганиб, ўз ҳукмронлигини, хоҳиш - иродасини ўтказиб келган собиқ марказ ва унинг тарафдорлари эндигина мустақилликни қўлга киритган ёш давлатларни яна ўзига қарам қилиш ниятидан воз кечмаган бўлади. Худди ана шу ҳолатлар нуктаи назардан ҳам демократик жамиятга ўтишнинг “Ўзбек” модели ўзининг ҳаётийлигини тасдиқлади.

Ўзбекистон мустақиллик йилларида демократик жамиятга ўтишнинг учта босқичини босиб ўтди. Уларнинг ҳар бири Президент Ислон Каримов томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи чақириқ VI сессиясида (1996 йил 29 август) “Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари”. Биринчи чақириқ ўн тўртинчи сессиясида “Ўзбекистон XXI асрга интилоқда” (1999 йил, 14 апрел) ва ниҳоят, иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида “Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари” (2003 йил) қилган маърузаларида кўрсатиб берилди.

Албатта, ана шу босқичлар бири иккинчисидан кескин фарқ қилмаса-да улардаги асосий ғоя демократик жараёнларнинг олға томон

ривожланишини ва маълум бир вақтга келганда бу жараёнга янги куч, кудрат ҳамда фаоллик бахш этишдир. Чунки, жараёнлар изчиллик билан таҳлил этилмас, ундаги асосий муаммо аниқланмаса ва истиқболдаги вазифалар белгиланмаса ривожланиш ҳам бўлмайди. Шу маънода ҳам Президент демократик жамият қуриш борасидаги вазифаларни “чуқурлаштириш” (1996 йил) “эркинлаштириш” (1999 йил) ва “чуқурлаштириш ва фуқаролик жамият асосларини шакллантириш” (2003 йил) каби концептуал ғояларида белгилаб берган.

Аmmo, бу дегани ўтиш даврининг мустақил равишда бир неча босқичлардан иборат экан, деган хулоса келиб чиқишига асос бўлмаслиги керак. Чунки, ўтиш даврининг ўзи мамлакатнинг турли тузумлардан демократияга ўтишдаги мустақил “оралиғи”, “кўприги” ҳисобланади. Юқорида кўрсатилган босқичлар ўтиш даврининг узлуксизлигини ифодалайдиган кўрсаткичдир.

Албатта, ўтиш даври ҳам мамлакатларнинг тараққиёти маълум босқичга етгандан кейин ўз поёнига етиши мумкин, айниқса, бу «поён»ни белгилаш демократик жамиятга ўтиш даври учун мураккаб ҳисобланади.

Бугунги кунда дунёда ана шу “поён”нинг мезонлари қуйидагилар амал қилишининг реалликка айланиши билан белгиланиши эътироф этилган:

1. Фуқароларнинг давлат ва жамият ҳаётига дахлдор қонунлар қабул қилинишидан қанчалик хабардорлиги;
2. Ана шу қонунларни қабул қилишда бевосита ёки билвосита иштирок қилишининг реал амалга ошганлиги;
3. Фуқароларнинг қабул қилинган қонунларнинг ижроси устидан назоратининг тўла ўрнатилганлиги амал қилиниши билан;
4. Оддий фуқароларнинг давлат ҳаётига дахлдор бўлган ва ўзини қизиқтирган маълумотларни (информацияларни) бемалол, ҳеч қандай тўсиқларсиз олиш имкониятларининг реалликка айланишлари билан

демократик жамиятнинг фуқаровий жамият даражасига кўтарилиши белгиланади ва ўтиш даври ўз поёнига етиб, фуқаровий жамиятни такомиллаштириш вазифаларини амалга оширилиши жараёни бошланади.

Бундан кўриниб турибдики, фуқаровий жамият демократик жараёнларнинг ривожланиши, унинг юксак даражага кўтарилишининг маҳсули ҳисобланади.

Бугун Ўзбекистон демократик жараёнларни чуқурлаштиришнинг вазифаларини изчиллик билан амалга оширишдан иборат бўлган ўтиш даврини ўз бошидан кечирмоқда.

5 - Маъзу: ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ МИЛЛИЙ ВА УМУМБАШАРИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

Режа

1. Миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги.
2. Эътиқод эркинлиги – жамият демократияси мезони.
3. Дунёвий давлат ва дин. Дин ва мафкура.

1. Миллий ва умумбашарий қадриятлар ҳақида гапирилганда, авваламбор, қадрият тушунчасига аниқлик киритишимиз керак. “Қадриятлар – борлик ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча”¹.

Кўпчилик кишилар қадрланадиган нарсалар, ҳодисалар, қимматбаҳо буюмларни қадрият дейишади. Аслида эса ана шуларнинг ижтимоий аҳамияти қадриятларнинг ҳақиқий баҳосини аниқлайди. Қадрият тушунчасининг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, асрлар синовидан ўтган, халқнинг турмуш тарзида барқарорлашиб қолган, ўтмишни келажак билан боғлашга хизмат қиладиган моддий ва маънавий

¹ Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат .-Т.: Шарқ, 1998. 279-бет.

бойликлар, санъат асарлари, диний маросим ва одатлар, оилавий анъаналар қадриятлар саналиши мумкин. Демак, ҳар қандай ижтимоий ходиса, ҳар қандай анъана, ҳар қандай инсоний ҳислат, одат қадрият бўлавермайди.

Тарихий ривожланиш ўта мураккаб, зиддиятли жараён дир. Бу жараён эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, улуғворлик ва пасткашлик каби қарама – қарши ҳодисаларнинг, ғояларнинг ўзаро таъсири ва курашидан иборат. Тарихий меросимизни, қадриятлар тизимини ўрганганимизда мана шу зиддиятли жараёнга эътибор беришимиз керак.

Юқоридаги зиддиятларни тан олиш масаланинг бир томони ҳолос, деганда нима тушунилади, деган саволга жавоб беришимиз керак. Унинг пайдо бўлиши шаклланиб, барқарорлашиб ёки маълум вақтдан сўнг истеъмолдан чиқиб кетиш сабабларини аниқлаш орқали биз тарихий ривожланишнинг маънавий асосларини аниқлашга эришамиз. Президентимиз таъкидлаганидек: “Тарих миллатнинг ҳақиқий тарбиячисига айланиб бормоқда. Буюк аجدодларимизнинг ишлари ва жасоратлари тарихий хотирамизни жонлантириб, янги фуқаролик онгини шакллантирмоқда. Ахлоқий тарбия ва ибрат манбаига айланмоқда”¹.

Шу ўринда миллий қадрият деганда, миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар тушунилади. “Ўз миллий қадриятига эга бўлмаган миллат ёки элат йўқ. Миллат — миллий қадриятларнинг яратувчисидир. Миллатнинг таназзули — миллий қадриятларнинг таназзулидир. Миллий қадриятлар миллатнинг тарихи, яшаш тарзи, келажаги, уни ташкил этган авлодлар, ижтимоий қатламлар, миллий онг, тил, маънавият ҳамда маданият билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади”².

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.: Ўзбекистон. 1996.140-бет.

² Мустақиллик изоҳли илмий-оммабоп луғат.- Т.: Шарқ, 1998.143-бет.

Эркин фуқаролик жамиятига дунёдаги кўпдан - кўп давлатлар асрлар давомида тўплаган тажриба ва демократик анъаналарни ривожлантира бориб, етиб келганлар.

Лекин бу гўзал орзуга эришмоқ учун тинимсиз интилиш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш, умуминсоний кадриятларни ижодий ўрганиб, ўз замонамизга татбиқ этишимиз лозим. Шу билан бирга миллий ўзимизга хослигимизни, асрлар синовидан ўтган анъаналаримизни, ҳамиша имон-эътиқод билан яшаш каби ҳаётий тамойилларимизни ҳам сақлаб, юксалтириб боришимиз зарур.

Демак, одамларнинг дунёқарашини бошқариш эмас, балки уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш ҳақида гап кетаяпти. Одамларнинг дунёқарашини бошқариш тоталитаризмга олиб боради, яъни одамларнинг онг тушунчасига тоталитар ғоялар зўрлаб сингдирилади.

Одамларнинг дунёқараши ва тафаккурини янги мазмун ва маъно билан бойитишда, биринчи навбатда, одамлар дунёқараши ва тафаккурининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олиш мутлақо зарур. Бунда энг таъсирчан ва самарали восита миллий истиқлол ғоясидир. Шунинг учун ҳам миллий истиқлол ғоясини ёшлар қалби ва онгига сингдиришда миллий омиллар билан бирга умуминсоний кадриятлар ролига катта эътибор бериш керак. Аниқроқ айтганда, миллий ва умуминсоний кадриятлар вобасталиги бу борадаги энг тўғри йўлдир. “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, — дейилади, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари – олий кадрият ҳисобланади”.

Фуқаролик жамияти инсон шахсиятини мукамалликка кўтаришга асосланган жамият ҳисобланади. IX – XII асрлардаги илк Шарқ уйғониши, Амир Темур давридаги Ўрта аср уйғониш даври XV – XVI асрлардаги ғарб уйғониш даврларида фуқаролик жамиятининг ўзига хос

шакллари қарор топиб, инсоннинг кадр-қиммати, унинг истеъдод ва қобилияти катта эътиборга молик бўлгани учун ҳам биз Ўзбекистонда қарор топаётган демократик жамиятда ҳам худди шу инсон омилини юқори кўтаришимиз керак. Бунда инсоннинг ички руҳий олами, маънавияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Инсоннинг ички руҳий оламидаги энг таъсирли хусусиятлар унинг гўзаллик ва хунуклик ҳақидаги тасаввурлари, ҳаётдан лаззатланиб яшаш кўникмалари асосида миллий қадриятлар шаклланиб боради.

Инсонинг ҳаяжонлар, изтироблари, ўй-хаёллари, орзу-умидлари, интилишлари ҳаётни ҳаракатга келтирувчи асосий омиллар ҳисобланади. Маълумки, юксак ҳиссиётларсиз, орзу-интилишларсиз, фаол ҳиссий ҳаракатларсиз ҳеч бир соҳада ривижланиш бўлмайди. Фанда, техникада, ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар, янгиликлар, юксалишлар инсоннинг руҳий бардамлиги, юқори кайфиятлари орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун қилган ҳаракатларисиз рўй бермайди.

Ҳаётда юқоридаги фикрларни тасдиқловчи мисоллар кўп. Чет эл фирмаларининг бирида шундай тажриба ўтказилади. Ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтариш, одамларнинг ишга бўлган муносабатини ўзгартириш учун кўплаб чора-тадбирлар, жумладан, иқтисодий рағбатлантиришлар ҳам синаб кўрилади. Аммо бу чора-тадбирлар кутилган натижаларни бермайди, самарадорлик ҳам, маҳсулот сифати ҳам аввалгидек паст даражада қолаверади. Яна бир тақлиф кўллаб кўрилади: маълум соат ишлагандан сўнг ишчиларга 20 дақиқалик танаффус эълон қилинади. Ана шундан сўнг ҳамма соҳада жиддий ўзгаришлар, жонланиш бошланади.

Буни қандай тушуниш мумкин? Ишчиларнинг чарчаб, шу 20 дақиқада жисмоний дам олишлари рўй бергани йўқ. Ҳамма гап руҳий омилда. Ишчилар 20 дақиқада бир-бирлари билан суҳбатлашиб, фикр

алмашиб, талашиб–тортишиб, рухий куч-қувват йиғиб оладилар. Рухий мулоқот ҳар қандай рағбатдан устун келади.

Инсоннинг ички, рухий олами қадриятлар тизимида муҳим ўрин тутди. Зотан, инсоннинг ўзи энг буюк қадриятдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз комил инсон тарбиясига эътибор бериб келмоқда, “эндиги асосий вазифа кишиларимизнинг мустақил фикрлашга ўрганиши, ўзига ишончининг орта боришидир”.

Бу ҳаётий ҳақиқат биз ҳамиша амал қиладиган тамойилга, жамият ривожининг асоси ва шартига айланиши ҳамда ўзида яхлит бир тизимни мужассам этмоғи лозим. Бу тизим марказида маънавият, одоб–ахлоқ, маърифат каби ўлмас қадриятлар турмоғи керак.

2. Комил инсон тарбияси, Ислом Каримов дунёқараши ва тафаккурининг, янги жамият барпо этиш борасидаги барча ғоя ва идеалларининг марказий муаммоси бўлиб келмоқда. Юртбошимиз ўзининг мустақилликнинг дастлабки йилларида яратган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида бу масалани аниқ равшан ифодалаб берган эди. “Ҳар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга кадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни сингдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқадами, ғайрат-шижоатига, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз меҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак”.

Аmmo шуниси борки, истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб И.Каримов миллий-маънавий тикланишга катта аҳамият берди. Зеро, “маънавий ўнгланишни амалга оширмасдан иқтисодий ўнгланиш мумкин эмас”, чунки “маънавий халқни, миллатни миллат қиладиган куч–удратдир”(И.Каримов). Юртбошмизнинг талай нутқлари, шунингдек, “Истиқлол ва маънавият”, “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка

тахдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари”, “Ўзбекистон XXI асрга интиломда”, “Биздан озод ва обод Ватан қолсин” номли китобларида маънавий масалалари кенг тушунтириб берилди.

Маънавий халқнинг қалби ва руҳи, унинг яратувчанлик, ижодкорлик истеъдоди нишонси, унинг фазилатлари, борлиғини белгилайдиган шаҳодатномасидир.

Модомики, демократия инсон курашиб қўлга киритган энг одил ва мақбул жамият тури экан, демак унда маънавий баркамоллик ҳам юқори бўлиши керак. Бошқача қилиб айтганда, маънавий баркамол инсонларгина биргаликда эркин, демократик жамият қура олади.

Бу ҳақиқатни Шарқнинг улуғ файласуфи Абу Наср Форобий X асрда аниқ исботлаб берган эди. Унинг “Фозил кишилар шаҳри” асари аслини олганда айни шу масалага бағишланган, улуғ олим шуни таъкидлайдики, жамиятни ташкил этувчи инсонлар қанчалик фозил, ахлоқли бўлсалар, имон- эътиқодлари мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунча мустаҳкам бўлади, бошқариш осонлашади, ҳокимият тепасига тасодифий одамлар чиқмайди.

Демократия туб маъноси билан эркин фуқаролик жамиятидир. Инсон қонунда белгиланган ҳуқуқ ва имкониятлардан бемалол фойдалана олади, ўз ҳаётини яхшилаш, эҳтиёжларини қондириш учун фаолият кўрсатади, ўз камолоти, фарзандлари камолоти учун нимаики зарур бўлса, қила олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Бироқ демократия ҳам ҳар қандай бошқа жамият тури каби ҳокимият бошқарувини, тартиб- интизомни, ижтимоий барқарорликни сақлашни тақозо этади. Яъни бу жамиятда ҳам итоат эттириш бор. Бусиз бўлиши мумкин эмас. Яъни қонунга ва кўпчилик иродаси билан сайланган ҳукуматга итоат этиш. Шундай қилиб, ҳокимият миллий ирода ифодачисига айланади. Ва миллат, халқ қанчалик маърифатли,

маданиятли бўлса, бу ирода шунчалик ҳаётбахш, самарали бўлиши мумкин.

Хуллас, миллатнинг маънавий камолоти демократик жамият куриш учун бош омилдир. Буни қайд этаётганимизнинг боиси шуки, қадимий бой маданиятга эга ўзбек халқи демократик жамият қураётган экан, айтилган вақтда ана шу шарқона анъаналар, маънавий сарчашмаларга таянади ва ундан озиқланади. Шарқ донишмандлиги, ислом таълимоти Ўзбекистонда курилаётган демократик жамиятнинг биринчи негизидир.

Аммо агар биз фақат ўз анъаналаримизга таяниб, дунё тўплаган тажрибага беписанд қарасак, мақсадга эриша олмаймиз. Биз шарқона миллий анъаналарни умумбашарий демократик ғоялар билан уйғунлаштириб бормоқдамиз. Шундай қилиб, умумбашарий ғоялар, кадриятлар – демократик жамият куришнинг иккинчи негизидир.

Аслини олганда, умуминсоний тафаккурнинг энг яхши жиҳатларини ижодий ўзлаштириб, давом эттириш ҳам қадимий анъанамиздир. VIII – XII асрларда шаклланган мусулмон Ренессанси, XV асрдаги маданий кўтарилиш, XX аср бошидаги миллий уйғониш дунёга очик кўз билан қараб, илғор фикрлардан таъсирланиш оқибатида юз берган ривожланиш эди.

Бироқ ҳозирги миллий уйғониш ва янги жамият куришнинг ўз хусусиятлари бор. Бунда тафаккурдаги эврилиш оғирроқ кечмоқда. Шўро мафкурасининг мунофиқона сиёсати, ёлғон ғояларни одамлар қалбидан сиқиб чиқариш, ҳаётни тўла маънода ислоҳ этиш жоиз бўлмоқда. Бунда мустақилликни мустаҳкамлаш ва шу билан бирга, бозор иқтисодиётига ўтиш, “обод ва озод ватан” бунёд этиш вазифаси қўйилмоқда. Ана шу маънода янги, демократик жамият куришнинг учинчи негизи (шарти) – ватанпарварлик ва фидойилиқдир.

Миллий анъаналарга содиқлик, яъни ўзликни англаш ғояси ҳам, уни умумбашарий кадриятлар билан уйғунлаштириш ғояси ҳам

ватанпарварлик туйғусини мустаҳкамлаши, кучайтириши лозим. Эркин шахс – ватан ишқида ёнган, “юртим деб, элим деб ёнадиган” одамдир. Бизнинг эркимиз ватан озодлиги билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон қанчалик фаровон, қудратли бўлса, унинг ҳар бир фуқароси ҳам шунчалик эркин ва қудратли бўлади, имкониятлари кўпаяди.

Демократик жамиятда, шундай қилиб, эркинликнинг жуда катта масъулияти бор. Инсон ҳамма вақт: а) ўзи олдида; б) ўзгалар олдида (оила, маҳалла, жамоа); в) Ватан олдида масъулдир. Агар киши ана шу масъулликни ҳис этмаса, маънавий етук бўла олмайди.

Маънавияти бой одам ўз халқини севиш билан бирга ўзга халқларни ҳурмат қилади, барча маданиятлар, илмий-маърифий ютуқларни ўзлаштириб олади. Маънавиятли одам учун қонун катта суянч ва ёрдамчи. Бунинг акси ўлароқ қинғирликка ўрганган, маънавий қашшоқ киши учун қонун душман, катта тўсикдир.

Демократик жамият – ошқоралик жамияти, демак фикрлар хилма – хиллиги ҳукмрон бўладиган соғлом муҳит. Бунда ҳам юксак маънавият эгалари асосий мавқени эгаллайдилар, чунки омманинг тафаккури баланд бўлмаса, ким ҳақ ким ноҳақлигини ажратиш, ростни ёлғондан фарқлаш кийин бўлади. Халқимиз буни айни ҳозирги кунларда ўз бошидан ўтказиб, ишонч ҳосил қилмоқда.

Яна шуни ҳам эсдан чиқармайликки, маънавият кенг маънода миллий мафкура учун асосдир. Маънавият маърифат, мафкура каби тушунчалардан кенгроқ маънога эга. Миллий маънавият худди тил каби халқни бирлаштириш ва уюштириш хусусиятига эга.

И.А.Каримов шу маънода таъкидлаган эди: “Ҳақиқатан ҳам демократия – фақат назария ва сиёсий жараёнгина бўлиб қолмай, шу

билан бирга халқнинг турмуш тарзи ва унинг бутун руҳияти, анъаналари, маданияти, психологиясининг хусусияти ҳамдир”¹.

Ислом Каримов демократияни “юқоридан тушириш”, зўрлаб тиқиштиришни эмас, балки аввало халқни унга тайёрлаш, халқнинг ўзидаги демократик қадриятларни тиклашни вазифа қилиб қўйди ва мунтазам равишда буни амалга ошириб келди.

Бугун халқимиз ўн йил олдинги халқ эмас, бугун у ўзини таниган, ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган халқ бўлиб шаклланмоқда. Бунга миллий-маънавий қадриятларни тиклаш сари олиб борилган ишлар жуда катта самара беради.

Тарихимизни ҳаққоний равишда қайта тиклаш, миллий ўзликни англаш, миллий ҳамжиҳатликни таъминлаш, маънавий қадриятларни тиклаш борасида кўп ишлар амалга оширилди. Улуғ аждодларимизнинг номи оқланди, улар меросини ўрганиш кенг йўлга қўйилди: тилимиз, динимиз ўз мақомига эга бўлди.

Шу заминда миллий ифтихор, ватани, аждодлари билан фахрланиш кучайди. Ўзбек кишиси бугун бошини баланд кўтариб, дунё халқлари билан бирга бардам қадам ташламоқда. Халқимизнинг руҳияти бутун борлиғи билан қайта тикланди дейиш мумкин.

Буларнинг ҳаммаси бизнинг ўзимизни ўзгартириб, фикрларимизни тозалашдан ташқари, жаҳон аҳлининг бизга муносабатини ҳам ўзгартирди. Чунки ўзини ҳурмат қилган миллатнигина бошқа миллатлар ҳурмат қилади.

Бироқ миллий маънавий тикланиш ўзгалардан афзалликка даъво қилиш, бошқаларни камситишга сабаб бўлмаслиги керак. Ўзбекистон кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Биз барча миллатлар ва дин вакиллари билан баҳамжиҳат ва ҳамкорликда бир маконда яшашга ўрганишимиз, сабру тоқатли халқ эканлигимизни намоён этишимиз

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.-Т.:Ўзбекистон, 1997.185-бет.

лозим. Диний ва миллий бағрикенглик бизнинг давлатимиз сиёсатининг муҳим қирраси бўлиб турибди. Бу барқарорлик ва тараққиётимиз омили ҳам.

Бироқ шуни айтиш керакки, бозор иқтисодиётига ўтиш маънавият соҳасида ҳам бир мунча мушкулликларни туғдирмоқда. Бу табиий. Зеро, жамиятнинг бош ўзак масаласи бу мулкчиликдир. Хусусий мулк тиклангач, у билан боғлиқ тушунчалар (фойда, манфаат каби) ҳам тикланади. Рақобат бошланади. Рақобат, бир томондан, ақлни пешлайди, шахсий ташаббус, тадбирликни рағбатлантиради, мен кимдан кам, деган савол ҳаракат мақсадига айланади. Натижада шафқат, андиша ва ҳоказо тушунчаларнинг маъноси ўзгаради. Рақобат шафқатни билмайди. Иккинчи томондан, соғлом рақобат айнан адолатнинг мезони бўлади: 1) тараққиёт юз беради; 2) инсонлар ўз кучига ишонадиган бўладилар; 3) истеъмолчи ютади. Ана шундай шароитда маънавий-ахлоқий тарбия биринчи даражали аҳамият касб этади.

Бунда маънавий кадриятлар, чунончи адабиёт ва санъат асарларининг роли ортади, диннинг тарбиявий кучидан фойдаланиш керак бўлади. Умуман, аجدодларимизнинг тарбия соҳасидаги тажрибаларидан кенг фойдаланиш фойда беради.

Ўзбекистон жаҳон бозорига чиқмоқда. Биз ўзликни тикладик. Аммо энди ўзлигимизни сақлашимиз ҳам зарур. Чунки миллий – маънавий қиёфани йўқотиш жуда осон. Шўро замонида бунга ҳаракатлар бўлди. Руслаштириш, ўз миллатига мансубликдан, ўз миллатдошлардан ор қилишлар кўринди. Тақлидчилик, бошқа миллатга мослашишга интилиш, афсуски ҳозир ҳам бор.

Кўшиқчилик санъатида айниқса, сийқа мешчанлик кайфияти устун. Жиддий, профессионал санъатнинг кадри тушиб кетгандай. Бироқ, назаримда бу ҳодисалар ўнгланиб боради, ҳақиқий санъат ўз кадр-қийматини тиклайди.

Зеро, демократия, бари бир адолат тантана қиладиган жамият. Нафақат ижтимоий адолат, балки руҳий-маънавий соҳада ҳам адолатни қарор топтиради. Яъни кимнинг ким эканлигини ошкор этади.

3. Дунёвий давлат ва дин. Дин ва мафкура.

Жуда кўп қадриятлар ислом дини билан боғлиқ. Рўза ва Қурбон хайитлари, турли маросимларни тиклаш, жой – жойига қўйиш Президентдан катта жасорат ва доноликни талаб қилди. У бутун халққа, дин пешволарига мана шундай мурожаат қилди: “Дин одамзотни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини ҳушёр бўлишга, ҳаром ишлардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради.

Биз динга бундан кейин ҳам барча шарт – шароитларни яратиб берамиз, диний расм – русумларга, байрамларга, диний тарбия ва таълимга доимо жиддий эътибор берилади. Айни замонда биз дин пешволарига, ўзимизга ўхшаган мусулмон биродарларимизга бир нарсани такрор ва такрор уқтирмақчимиз: дин ўз йўли билан, давлат ўз йўли билан ... Диний партиялар тузиб, ҳокимият талашиб юришлар худога ҳам ёқмайди”.

Юртимиз ҳали советлар исканжасида турган оғир кунларда Президентимиз халқ хоҳиш-иродасига кулоқ тутиб, унутилмас тарихий ҳужжатга имзо чекди. Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармасининг “Ўрта Осиё регионида истиқомат қилувчи 500 кишидан иборат бир гуруҳ мусулмонларни 1990 йилнинг 19 июнидан бошлаб 10 июлигача ҳаж қилувчилар сифатида Саудия Арабистонига юбориш тўғрисидаги илтимосига розилик берилади”.

Мусулмон ҳаётидаги кутлуғ саналар – Қурбон ва Рамазон хайитлари кунларини бундан буён доимий суратда байрам қилиш ва

уларни дам олиш кунлари деб эълон қилиниши ҳам айнан халқимиз кутган иш бўлди.

Ислом оламининг забардаст алломалари ватандошларимиз имом Абу Исо ат–Термизийнинг 1200 йиллиги, Маҳмуд аз–Замахшарийнинг 920 йиллиги, Нажмиддин Кубронинг 850 йиллиги, Баҳовуддин Нақшбанднинг 675 йиллиги ва Хўжа Аҳрори Валийнинг 600 йиллиги, Имом ал – Бухорийнинг 1225 йиллигининг кенг кўламда нишонланиши юртимизда имон, дину диёнат қайтадан юксалаётганига ёрқин далилдир.

Миллий ва умуминсоний кадриятлар ўртасидаги чегарани аниқлашга ҳаракат қилиш қийин ва самарасиз ишдир. Чунки миллий ва умумий кадриятлар амалда, ҳаётда шунчалик уйғунлашиб кетганки, миллий кадриятлар қаерда тугайдию, умуминсоний кадриятлар қаерда бошланади, деган фикрни асослаш машаққатли иш. Миллий кадриятлар ҳам аслини олганда умуминсоний аҳамиятга эга. Умуминсоний мазмун – моҳиятдан маҳрум кадриятлар миллат манфаатига хизмат қилмайди. Фақат миллий кадриятларни таҳлил қилиш орқали биз ҳар бир халқ , миллатнинг ўзига хос такрорланмас белгиларини аниқлашга мувофиқ бўламиз.

Давлатнинг дин ишларига аралашмаслиги, диннинг давлат ишларига аралашмаслиги – энг изчил, оқилона, собитқадам сиёсатдир. Бу динга берилган эркинликларнинг суъистемол қилинишига йўл бермайди.

Мустақиллик шарофати билан миллий ўзликни тиклаш миллий-маданий меросни қайта ўрганиш ва оммалаштириш, ўзбек халқининг сўниб қолган миллий туйғусини юқори кўтариш, миллий маънавиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш умуминсоний кадриятлар асосида олиб борилаётганлиги учун жуда кўплаб ривожланган мамлакатларнинг жамоатчилиги эътиборига тушмоқда. Бу нарса Президент Ислом Каримовнинг чуқур сиёсий фалсафасининг теран мазмунидан келиб чиқмоқда.

II БЎЛИМ. ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ БАРПО ЭТИШ АСОСЛАРИ

6- Маъзу: ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ДЕМОКРАТИК, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ҚУРИШНИНГ АСОСИ

Режа

1. Қонун устуворлиги тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Жинсий жазоларни либераллаштириш - қонун устуворлигининг муҳим шарти.
3. Қонун устуворлигини таъминлаш — ҳуқуқий давлат барпо этишнинг асосий мезони.
4. Суд ҳокимиятининг мустақиллиги қонун устуворлигининг асосий белгиси.

1. Маълумки, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ўзига хос бўлган тараққиёт йўлини — яъни бозор иқтисодиёти тамойилларига асосланган эркин, очиқ демократик давлат қуриш вазифасини асосий мақсад қилиб белгилаб олди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов таъкидлаб ўтганидек: «Биз шунчаки демократик жамият эмас, демократик одил жамият қурмоқчимиз... Адолат ва ҳақиқат ғояси ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олмоғи даркор. Адолат ва ҳақиқат ғояси қонунчилик фаолиятимизнинг замини, бош йўналиши бўлмоғи шарт.

Дарҳақиқат, адолат тушунчаси билан қонун устуворлиги тушунчаси чамбарчас боғлиқдир. Юртбошимиз белгилаб берганларидек, қабул қилинаётган қонунларимизнинг замирида адолат ётиши лозим. Адолатга асосланган қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши адолатнинг тантана қилишига олиб келади.

Демократик жамият куриш учун мамлакатда қабул қилинаётган қонунлар адолатли бўлиши, ўзида халқ манфаатларини ифода этиши шарт. Бундай қонунларга оғишмай итоат этилсагина, жамиятда демократия қарор топади ва мустаҳкам бўлади. Чунки барча демократик институтлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қонун воситасида жорий этилади.

Демократик жамиятнинг энг муҳим белгиларидан бири - жамият аъзоларининг қонун олдидаги тенглигини, Конституция ва қонунларнинг устунлигини таъминланганлигидир. Шу билан бирга Конституция ва қонунларнинг пировард мақсади инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдан иборат бўлмоғи лозим.

«Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофазасини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш ва ҳурмат руҳида тарбиялаш – бу ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган чинакам демократик, ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти куришнинг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарти ҳисобланади»¹.

Қонун устуворлигининг моҳияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қатор моддаларида белгилаб берилган. Конституциянинг III боби иккита 15 ва 16-моддаларидан иборат бўлиб, Конституция ва қонун устунлигига бағишланган.

Конституциянинг 15-моддасига мувофиқ «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади.

¹ Каримов И.А. Адолат қонун устуворлигида. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясидаги маъруза. 2001 йил 29 август. «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак» китобида, 10-ж., -Т., Ўзбекистон, 2002, 28-бет.

Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».

Ўз фаолиятини Конституция ва қонунларга мувофиқ амалга ошириш санаб ўтилган субъектларнинг конституциявий бурчи ҳисобланади. Агарда давлат органлари, нодавлат ташкилотлар, мансабдор шахслар ёки фуқаролар ўзларининг бу бурчларини бажармасалар, уларга нисбатан тегишли жавобгарлик чоралари қўлланиши мумкин.

Конституция ва қонунларга риоя этмаган шахсларнинг жавобгарлиги Конституциянинг ўзида ёки тегишли қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган бўлади. Масалан, Конституция 93-моддасининг 12-бандига мувофиқ Конституцияни, қонунларни бузган туман ва шаҳар ҳокимларини Республика Президенти ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.

Бу борада шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Конституциянинг нормаси бошқа қонунларнинг нормаларига нисбатан устунлик характерига эга. Чунки Конституция барча бошқа қонунлар учун пойдевордир.

Шунинг учун ҳам Конституциянинг 16-моддасида мустаҳкамланган қоидага биноан «Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмас». Агарда бирорта норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституцияга зид келадиган бўлса, у бекор қилиниши лозим.

Ўзбекистон Республикасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини таъминлаш механизми ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилади.

Хўш, Конституциянинг бу моддасига биноан қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг Конституцияга мослигини қайси орган назорат қилади, деган саволнинг туғилиши табиийдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қилишни унинг қайси босқичда амалга оширилишига қараб, қуйидаги икки турга бўлиш мумкин:

Биринчидан, дастлабки назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳа шаклида тайёрланган вақтида уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган қонунининг 18-моддасига мувофиқ «Ҳуқуқий экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаган органнинг ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қиладиган органнинг юридик хизмати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилиши мумкин».

Иккинчидан, кейинги назорат. Бу назорат норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганидан кейин амалга оширилади. Кейинги назоратнинг ўзини ҳам икки турга бўлиш мумкин.

а) Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганидан кейин, аммо у ҳали кучга киришидан аввал амалга ошириладиган назорат. Бу назорат ҳам Адлия вазирлиги томонидан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар қабул қилган умуммажбурий характерга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишдан аввал амалга оширилади. Бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейингина кучга киради.

Ўзбекистон Республикасида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умуммажбурий характердаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституция ва қонунларга мослигини таъминлаш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1993 йил 17 июнда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий-мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларининг ҳуқуқий экспертизаси ва уларни давлат рўйхатига олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» ва 1997 йил 9 октябрда «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида» қарорлар қабул қилди.

Бу қарорларнинг моҳияти шундаки, улар умуммажбурий характердаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилишининг мажбурийлигини таъминлаб берди. 1997 йил 9 октябрдаги қарорда белгиланишича, агар шундай ҳужжатлар давлат рўйхатидан ўтказилмаса, улар юридик кучга эга бўлмайди. Конституция ёки қонунга зид бўлганлари эса давлат рўйхатига олиниши мумкин эмас. Ана шундай йўл билан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ва қонунларга мослиги таъминланмоқда.

б) Кучга кирган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослиги юзасидан назорат. Бундай назоратни барча давлат органлари амалга оширадilar.

Умуман олганда, қонунларнинг ижро этилиши ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ва қонунларга мос бўлишини назорат қилиш қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органлари томонидан олиб борилади.

Қабул қилинган қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиб бориш Олий Мажлис фаолиятида ўзига хос ўрин тутади. Олий Мажлис томонидан қонунларга риоя қилинишини назорат қилиш, уларнинг таъсирчанлигини ўрганиш, қонун ҳужжатларидаги камчиликларни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги нуқсонларни ўз вақтида

бартараф этиш мақсадини кўзлайди. Олий Мажлис кўмиталари ва комиссиялари ҳар йили қарийиб 50 та қонуннинг ижросини ўрганадилар. Қонун ҳужжатлари талаблари қандай бажарилаётганлиги деярли барча вазирликлар ва идораларда, вилоятларда текширилади.

2. Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан парламент назоратини амалга оширишда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) институти муҳим рол ўйнайди¹. Ер юзидан инсон борки, у доимо ўз ҳуқуқи ва эркинлигини ҳимоя қилиш учун имконият излаган, Омбудеманнинг ташкил топиши эса, давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларга янада аниқлик киритди. Омбудеман фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, муносабатларни назорат қилувчи вакилдир. Омбудеман (Nombutsmen) шведча сўз бўлиб, ҳукумат идоралари фаолиятини тафтиш, назорат қилувчи мансабдор шахс ёки вакил маъносини англатади².

Ушбу фаолият турига оид маълумотлар ҳозирги замон ҳуқуқий адабиётларида кенг тарқалгандир. Бироқ жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда Омбудеман институтининг ўзига хос талқини ва тарихий илдизлари мавжуд. Шу нуқтаи назардан, америкалик мутахассис Дин Готтерернинг билдирган фикрлари диққатга сазовордир. У шундай деб ёзади: Омбудсман институтининг илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақалади. Омбудсманнинг тарихий илдизларидан бири Қуръони Карим ва ислом мафқурасининг бир қисми сифатида одиллик тамойилларидан келиб чиқади³. Ўша пайт инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мулкӣ, оила ва никоҳга оид ҳуқуқларни тартибга солувчи ҳамда

¹ Халилов Э.Х. Ўзбекистон Республикасининг Парламенти: Биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг фаолияти. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 11-17 бетлар

² Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. -Т.: Шарқ. 1998, 179-б.

³ Готтерер Д. Омбудсман ҳақида //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари.-1999, 1-сон, 27-б.

шикоятларни қабул қилиш ва низоларни ҳал қилиш учун мухтасиб мансаби дастлаб ҳалифа Умар томонидан ташкил этилган эди. Кейинчалик ана шундай мухтасиб мансаби Мовароуннаҳрдаги мавжуд хонликларда ҳам ташкил этилган бўлиб, улар асосан, фуқароларнинг шикоятларини адолат нуқтаи назаридан ҳал этишга интиланлар.

Шундай қилиб, Омбудсман институтининг илдизлари Дин Готтерер таъкидлаганидек, Шарқ мамлакатлари давлатчилигига бориб тақалади. Бироқ, Ер юзида расмий равишда эса, биринчи мартаба Омбудсман институти 1709 йил Швеция қироллиги ҳузурида ташкил топган. 1709 йили Швеция қироли Карл XII Полтава жанглирида мағлубиятга учраб, Туркия давлатига қочиб кетади. Қиролсиз қолган Швецияда тартибсизлик бошланади. Бундан хабар топган Карл XII Туркияда туриб, 1713 йил Швеция қироллиги ҳузурида Омбудсман ташкил қилиш ҳақидаги қонунга имзо чекади. Бугунги кунда деярли барча демократик мамлакатларда Омбудсман институти ташкил этилган. Омбудсманнинг муҳим хусусиятларидан бири унинг мустақиллигидир.

Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) демократик йўлдан бораётган жамиятимиздаги инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда фаол иштирок этмоқда. Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган қонунда берилган ваколатларига мувофиқ фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонуни 26-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид

келадиган қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан бекор қилинади».

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 1-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Президенти «фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг кафилидир».

Бу нормага кўра, Президент биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилаётганлигини, иккинчидан эса, уларнинг Конституцияга мослигини назорат қилиб боради.

Конституцияга кўра, қонунлар Республика Президенти томонидан имзоланади, бошқача қилиб айтганда, ўзининг расмий тасдиғини топади. Агар Президент қабул қилинган қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилмаган ёки у Конституцияга зид деб ҳисобласа, Конституция 93-моддасининг 14-бандига мувофиқ қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга кўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли. Агарда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат, масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарори, вазирнинг буйруғи, ҳокимнинг қарори Конституцияга ёки қонунларга зид бўлса, Республика Президенти шу модданинг 13-бандига мувофиқ уни тўхтатишга ёки бекор қилишга ҳақли.

«Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунни 26-моддасининг иккинчи қисмига мувофиқ «Ҳокимларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ҳукумат ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатларига зид келадиган ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан, Ўзбекистон

Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тўхтатилади ва бекор қилинади».

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, қонун устуворлигини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қонунчилик ташаббуси асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонунлар лойиҳаларининг киритилиши ҳам катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан инсонпарварлик, адолатпарварлик ғояларига асосланган жиноят, жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга, жиноий жазоларни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонун лойиҳалари Олий Мажлисга киритилди. Уларнинг қабул қилиниши мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида ўзининг самарасини бермоқда.

Масалан, Республикамиз Президенти томонидан лойиҳаси киритилиб, 2001 йил 29 августда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақиқида»ги Қонун билан жиноятларни таснифлаш енгиллаштириш маъносида такомиллаштирилди, ярашув институти жорий этилди, Жиноят кодексигаги ўлим жазосини назарда тутувчи моддалар сони кескин камайтирилди, мол-мулкни мусодара қилиш жиноий жазо сифатида бекор қилинди ва шу каби инсон ҳуқуқини ҳимоя қилишга қаратилган қатор чора-тадбирлар қўлланилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинган Қонунининг 20-моддасига мувофиқ «Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар,

муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши, шунингдек, улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги назорат предмети ҳисобланади».

3. Ҳуқуқий давлат тушунчаси демократик давлат тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, демократик, ҳуқуқий давлат куч, инқилоб билан эмас, балки табиий-тарихий эволюцион йўл билан барпо этилади. Албатта, ҳар қандай жамиятда ҳуқуқий давлат тушунчаси у ёки бу қонунларнинг мавжудлиги билан белгиланмайди. Негаки, қонунлар ҳуқуқий нормалар мажмуи сифатида ҳар бир давлатда мавжуд ва ҳар қандай ҳокимият улардан фойдаланади. Ҳамма гап ўша қонунларнинг қандайлигида ва уларнинг қандай бажарилишидадир.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов Иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузаларида «Ҳуқуқий давлатнинг мазмун-моҳиятини белгилайдиган амалдаги кодекслар, қонунлар, меъёрий ҳужжатларни танқидий баҳолаган ҳолда ҳуқуқий давлатни шакллантириш борасида биринчи галда қабул қилишимиз зарур бўлган янги қонун ва меъёрий ҳужжатларни аниқлаб олишимиз керак» деб таъкидлаб ўтдилар¹.

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашда юртбошимизнинг 1996 йил 31 октябрдаги «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази»ни тузиш тўғрисидаги фармони алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда. Бугунги кунда Миллий марказ

¹ Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. -Т.: Ўзбекистон, 29-бет.

мамлакатимиз ва бутун жаҳондаги инсон ҳуқуқлари, эркинликларини жаҳон халқаро ҳуқуқ нормалари асосида ҳимоя этишнинг таъсирли воситаси сифатида фаолияти ҳам ибратли бўлмоқда. Бироқ бу борада демократик тамойилларни ҳаётга тўлиқ жорий этилишида жиддий айрим муаммолар ҳам мавжуд. Улардан бири том маънодаги суд мустақиллигига эришишдан иборатдир. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Судлар том маънодаги мустақил бўлган ҳолдагина қонунларнинг катъий ижроси, уларнинг ҳақиқий устуворлиги сўзсиз таъминланади. Қаерда суд мустақил бўлмас экан, шу ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар»². Дарҳақиқат қонун устуворлигини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминламасдан туриб, демократик ва фуқаролик жамиятини қуриш ҳақида сўз юритишга ҳеч қандай асос қолмайди.

4. Судлар томонидан давлат органлари ҳуқуқий ҳужжатларининг Конституцияга ва қонунларга мослигини назорат қилиниши - суд органларининг ваколатларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 12-моддаси «Давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг ҳужжати ҳақиқий эмас деб топиш», деб номланган бўлиб, унинг биринчи қисмига мувофиқ «Давлат органларининг ёки фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахсларнинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқладиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкин».

Суд ҳуқуқий ҳужжатни ҳақиқий эмас, деб қарор чиқарган тақдирда, бу қарор ҳамма давлат органлари ва бошқалар учун ҳам

² Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. II. –Т.: Ўзбекистон, 2003, 31-бет.

мажбурийдир. Чунки Конституциянинг 114-моддасида «Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир», деб мустаҳкамлаб қўйилган.

Суд қарорига кўра ҳақиқий эмас деб эълон қилинган ҳуқуқий ҳужжат - юридик кучга эга эмас. Агарда бирон-бир ҳужжатнинг қонунийлиги тўғрисида суд қарори мавжуд бўлса, ўша ҳужжат юзасидан фуқаролар ёки ташкилотлар судга яна шикоят қилишлари мумкин эмас.

Қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг конституциявийлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий судига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 109-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган бошқа ҳужжатларнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларининг, Ҳукумат қарорларининг, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари қарорларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мослигини аниқлайди.

Конституциянинг ушбу моддасида кўрсатилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга ёки қонунларга мослигини умумий юрисдикция ёки хўжалик судлари назорат қилишга ҳақли эмаслар. Уларнинг Конституцияга мослигини аниқлаш Конституциявий суднинг мутлақ ваколатига киради.

Шу ерда яна бир савол туғилади. Конституциявий суд фақатгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигини назорат қиладими ёки норматив бўлмаган индивидуал ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳам Конституцияга мослигини назорат қиладими? Бу тўғрида Конституцияда ҳам, бошқа қонун ҳужжатларида ҳам аниқ кўрсатилмаган.

Аmmo, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунининг 13-моддасини охириги қисмига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал хусусиятга эга бўлган ҳужжатлар бундан мустасно) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади» деган норма мустаҳкамланган.

Агар шу норма асос қилиб олинандиган бўлса, фикримизга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди республика Президентининг индивидуал характерга эга бўлган фармонларининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг индивидуал характерга эга бўлган қарорларининг Конституцияга мослигини ҳам назорат қилмаслиги лозим.

Прокурор қабул қилган қарорлар устидан, шунингдек, республика Бош прокурори қабул қилган индивидуал характерга эга бўлган буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар устидан амалдаги қонун ҳужжатларига кўра, судга шикоят қилиш мумкин эмас. Чунончи, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 7-моддасида прокурор қабул қилган «қарор устидан юқори турувчи прокурорга шикоят қилиниши мумкин» деган қоида мустаҳкамлаб қўйилган.

Фикримизча, бу норманинг ўзи Конституцияга мос эмас. Конституциянинг 44-моддасида «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайри-қонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади», деб кўрсатилган.

Агарда умумий юрисдикция судларида ёки хўжалик судларида Конституциянинг 109-моддасида санаб ўтилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мослигига шубҳа бўлса ёки бу масалада фуқароларнинг шикоятлари бўлса, Олий суднинг раиси, Олий хўжалик судининг раиси ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг

Конституцияга мослигини аниқлаб беришни сўраб, Конституциявий судга мурожаат қилиши мумкин.

Бундай ҳолда улар Конституциявий судга мурожаат қилишлари шартми ёки бу уларнинг ҳуқуқларими, деган ўринли савол туғилади. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида»ги қонуниинг 19-моддасига мувофиқ бу уларнинг ҳуқуқларидир. Демак, улар хоҳласалар Конституциявий судга масалани кўриб чиқиш учун мурожаат этадилар, хоҳламасалар йўқ.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Конституцияга мослигини назорат қилишда кўрсатиб ўтилган органларнинг, жумладан,, Конституциявий суднинг ваколатлари муҳим аҳамият касб этади ва мамлакатимиздаги ислохотларнинг кейинги босқичларида яна ҳам такомиллашиб боради.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қонун устуворлиги қуйидаги учала ҳолат бўлгандагина, ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Биринчидан, қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа норматив-ҳужжатлар адолат принципига, инсон ҳуқуқи ва манфаатларидан келиб чиқиб, ижтимоий асосланган бўлиши шарт.

Иккинчидан, барча қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаби барча давлат органлари, мансабдор шахслар, нодавлат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан қатъий бажарилиши зарур.

Учинчидан, барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Конституция ва қонунларга мос бўлиши – қонун устуворлигини таъминлашнинг асосий механизмларини ташкил этади. Демократик жамиятнинг муҳим тамойили бўлган қонун устуворлиги мамлакатимизда барпо этилаётган фуқаролик жамияти қуришнинг асосидир. Албатта, демократик жамият қуриш фақат қонун устуворлиги билан чекланиб қолмайди, балки халқимизнинг миллий-маънавий негизларига таянишни тақозо этади ва зарурий шарти қилиб қўяди.

7-Мавзу. МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ НЕГИЗЛАРГА ТАЯНИШ –ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШНИНГ ЗАРУРИЙ ШАРТИ

Режа

1. Ўзбекистонда демократик жамият қуришнинг миллий-маънавий негизлари.

2. Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришларнинг жамиятнинг маънавий янгиланишига боғлиқлиги.

1. Мустақилликни мустаҳкамлаш жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий жабҳаларида туб тарихий бурилиш билан боғлиқ бир қатор муаммоларни ва вазифаларни ҳал этишни тақозо этади. Ана шундай улкан вазифа ва масъулият халқимиздан бир томондан, маънавий янгиланиш жараёнини тўлиқ идрок этишни, иккинчи томондан эса, демократик жамият қуришда унга таянишни тақозо этмоқда. Негаки, миллий-маънавий янгиланиш, юксалиш, тараққиёт омилига айланмоқда. Шу боис, мустақиллик йилларида жаҳон цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг меросини ҳам янгидан ижодий ўзлаштириш ҳаётий эҳтиёжга айланди. Айниқса, Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Бехбудий, Усмон Носир ва бошқа кўплаб буюк сиймоларимиз илмий-адабий меросини ўрганиш мамлакатимизда барпо этилаётган демократик жамиятнинг миллий-маънавий негизларини ташкил этмоқда. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, аждодларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш

давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.¹ Масаланинг худди шу жиҳатига урғу бериб, мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида баён этилган олти та устувор йўналишнинг бажарилиши керак бўлган улкан вазифалар пайдо бўлди. Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўзига хос миллий маънавият ва маданиятнинг соҳибига айланди.²

Ўзбекистон бугунги кунда том маънодаги асрга тенг буюк воқеаларни бошидан кечирмоқда. Тарихдан маълумки, бирор халқ ҳаётида туб бурилиш содир бўлаётган даврларда жамият янги истиқболлар сари бормоғи учун ижтимоий муносабатларни шунга мувофиқ ўзгартирмоғи лозим бўлади. Шу боис ижтимоий муҳитдаги ўзгаришлар шахснинг ва бутун жамиятнинг тафаккурида, дунёқарашида, маънавий оламида ўзгаришларни тақозо этади.

XX асрнинг улуғ гуманисти А.Швейцер: “Воқеликни шакллантирувчи кучлар ичида маънавият биринчидир”³, — деган эди. Биз бугун улкан имкониятлар даврида яшамокдамиз. Бироқ, уларни реал воқеликка айлантириш йўлидаги ғов ва хафв-хатарлар ҳам мавжудлигича қолмоқда.

Сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш учун аввало, инсонлар онгида туб ўзгаришлар юз бериши зарур.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.: Ўзбекистон, 1997, 137-138-бетлар.

² Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т.:Ўзбекистон, 1998. 125-бет.

³ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.П. -Т.: Ўзбекистон, 2003. 34-б.

Зеро, кишилар тафаккурини банд этган эски андозалардан, тор колиплардан, ўз умрини яшаб бўлган ақидалардан халос этмай туриб, янги давр, тарихий тараққиёт билан табиий равишда қўл ушлашиб келадиган янгидан-янги муаммоларни ҳал этиб бўлмайди.

Президент И.Каримов “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида мустақил тараққиётимизга хавф солаётган ташқи ва ички таҳдидлар ва уларнинг олдини олиш йўллари ҳақида батафсил фикр юритиб, маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англашнинг аҳамиятига алоҳида урғу беради: ва “Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантирмай туриб, ўз истиқболини тасаввур эта олмайди”¹, - дея алоҳида таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, жамиятни маънавий жиҳатдан янгиламай, кишилар тафаккурини ўзгартирмай туриб, демократик жамиятни қуриш, бозор иқтисодиётига ўтиш, умуман ҳеч қандай тараққиётга эришиш мумкин эмас. Зеро, демократик фуқаролик жамияти юксак маънавият ва кенг маърифат тантана қилган жамиятдир.

Юртбошимизнинг 1992 йилда эълон қилинган ва дастурий аҳамият касб этган “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” китобида “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб номланган алоҳида бобида кўрсатилган тўрт асосий негиз бунинг асосий мазмунини очиб берган:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. -Т.: Ўзбекистон, 1998. 125-бет.

Бу тушунчалар бир-биридан ажралмас ва бир-бирини тақозо этган ҳолда, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини қуришда мустаҳкам асос вазифасини ўтайди.

Шунинг учун ҳам Президент Ислоҳ Каримов 2002 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида яна бир бор бу масалага эътиборни қаратиб, шундай деди:

Хўш жамиятнинг маънавий янгилашиши, деганда нимани тушунмоқ керак? Маънавий янгилашишнинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Дарҳақиқат, демократия ҳар бир инсон учун олий қадриятга, жамиятнинг бойлигига айланмоғи керак. Бусиз у шунчаки назария ёки қоғозда қолган қонунлигича қолади, ҳолос. «Барча ислоҳотларимизнинг бош йўналиши ва самарадорлигининг пировард натижасини белгилаб берадиган инсон омили ва мезонидир.»¹ Негаки, бозор иқтисодиётини барпо этиш бирдан-бир мақсад эмас. Барча ислоҳотлар – иқтисодий, сиёсий ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад инсоннинг ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришдан иборат. «Шу сабабли — деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов — жамиятнинг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтишида бизга ислоҳот чоғида одамлар моддий аҳволи кескин ёмонлашадиган, ахлоқий қадриятлар, маънавий таянчлар барбод бўладиган, ўтиш даврининг барча қийинчиликлари аҳоли елкасига тушадиган андоза мақбул эмас»². Бинобарин, энг аввало, эркин фикрлайдиган одамгина ўз Ватанининг ҳақиқий фарзандига айланади. Чунки тафаккур озод бўлмаса, онг ва шуур тазйиқдан, қулликдан

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида баён этилган асосий вазифалар ва қоидаларни кенг юритиш бўйича ташкилий-маърифий тадбирлар дастури. -Т.: Ўзбекистон, 2002. 29 -бет.

² Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.І. -Т.: Ўзбекистон, 1996. –322 бет.

кутилмаса, инсон тўла озод бўлолмайди. Инсон озод эмас экан - жамият демократик тамойилларни қабул қилмайди.

Демак, инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароит, имконият яратиш орқалигина демократик жамиятни барпо этиш мумкин.

2. Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришларларнинг жамият маънавий янгилиниши билан боғлиқлигининг яна бир жиҳати бор. Ана шу боғлиқлик Президент И.А.Каримовнинг бир қатор рисолаларида ва маърузаларида алоҳида таъкидланган. У Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг умумий йиғилишида (1994 йил 7 июлда) сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Буюк аجدодларимизнинг беқиёс маънавий мероси, минг йиллик тарихимиз ва маданиятимизга асосланган маънавий ҳаётимизни тиклай бошладик. Динимиз ва тилимизга қайтдик, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримиз, хуллас, инсон маънавиятига дахлдор барча бойликларимиз қайтадан қад ростлаяпти»¹. Дарвоқе, Президентимизнинг маънавият, унинг моҳияти тўғрисида назарий-илмий фикрлари ғоят чуқур ва кенг қамровлидир. Шунингдек,, у маънавий тарбия - мамлакатимизда демократик жамият барпо этишнинг муҳим шарти эканлигига алоҳида эътибор беради. Дунё тарихида мустақиллик ва озодлик курашчилари тимсолига айланганлардан бири, XX аср буюк ҳинд давлат арбоби Махатма Ганди: “Инсоният – бу ягона оила, бўлинмас оила. Унинг ҳар бир аъзоси содир қилган жиноят учун ҳар биримиз жавобгармиз”, - деган эди. У ёки бу миллат, ёки давлат ана шу инсоният деган катта оиланинг ичидаги кичик оила. Ана шу оила аъзоларида баҳамжиҳатлик, маънавий муштараклик бўлмас экан, улар Ганди сўзларида акс этган маънавий бурч ҳиссаси билан яшамас экан, уруғ келажак ҳақидаги ўйлар хомхаёл бўлиб қолаверади. Зеро, демократик ривожланиш барқарорлик ва ижтимоий ҳамкорликка таянади.

¹ Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. -Т.: Ўзбекистон, 1994. 14-б.

Одамлар маънавият ришталари билан боғлангандагина, улар халқ, миллатга айланади. Чунки “маънавият - инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсон ички оламини бойитадиган, унинг иймон-иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган қудратли ботиний куч”дир.²

Маънавият мавҳум тушунча эмас. У миллат билан, миллий тафаккур билан, миллатнинг тарихи, асрлар мобайнида тўпланган билим ва тажрибаси, тушунчалари, тасаввурлари билан боғлиқ. Француз маърифатчиси Жан Жак Руссо Европа жамияти ҳаётида улкан силжишлар содир бўлаётган XVIII асрда халқда миллий характерни шакллантиришни биринчи вазифа, деб билган эди. Чунки унинг наздида “ҳар қандай яхши ўзгаришларнинг умумий мақсадлари ҳар бир давлатда маҳаллий шарт-шароит ва аҳолининг ўзига хос хусусиятлари асосида шаклланадиган муносабатларга мувофиқ шакл олиши керак”¹. Ж.Руссонинг фикрларини бугунги кун нуқтаи-назаридан талқин қилсак, демократик ўзгаришларни амалга ошириш, адолатли, маънавияти юксак инсонлар жамиятини куришда жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, аввало, миллий менталитетни инобатга олиш кераклиги маълум бўлади. Айни пайтда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда кечаётган демократик ўзгаришлар жамият маънавий янгиланишига боғлиқлигини фақат ўзбек миллати маънавияти билан боғлаш ва уни шундай деб баҳолаш адолатдан эмас. Балки унинг билан ягона бир мамлакат ҳудудида яшаётган турли халқ ва миллатга мансуб бўлган барча аҳолининг, турли этник бирликлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ҳам умумий бойлиги, деб қараш ҳақиқатга яқинроқ бўлади.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 17-бет

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. -Т.: Ўзбекистон, 1999, 17-бет

Демак, Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятини барпо этиш вазифасини маънавий янгиланишларсиз амалга ошириб бўлмайди. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Демократия - бу кишиларнинг биргаликда ҳаёт кечириши, муаммоларни баҳамжиҳатлик билан ҳал қилиши, шахсий манфаатларни жамоа, миллат, давлат манфаатлари билан уйғун кўриши, бир сўз билан айтганда, муроса қилиш маданиятидир.

1983 йили жаҳоннинг 29 минтақаси олимлари, жамоат арбобларидан иборат “Гуманитар муаммоларни ўрганиш бўйича Халқаро Комиссия” тузилди. Комиссия XX асрдаги гуманитар вазият ва уни такомиллаштириш устида изланди. Жазоир, Швейцария, Польша, Австрия, Хитой, Ҳиндистон, Мексика, Эрон, Швеция, Япония жами 29 мамлакатнинг маърифатпарварлари дунёдаги гуманитар муаммоларни амалий ўргандилар. “Инсоният ахлоқи”, “Глобал масалалар” (яъни экология, қашшоқлик, қуролланиш, терроризм, наркомафия), “Оммавий қирғин қуроллари”, “Қуролли тўқнашувлар”, “Дайди болалар”, “Озиқ-овқат инқирози”, “Чўл-саҳроларнинг кенгайиб бораётганлиги”, “Фавқулоддаги вазиятлар”, “Урушлар” каби ҳалокатли ҳолатларни келиб чиқиш сабабларини таҳлил этиб, барча муаммолар инсоний туйғуларнинг сусайиши, яъни маънавий кадриятларнинг кадрсизланиши билан боғлиқ, деган хулосага келдилар. Уларнинг тўрт йиллик меҳнати натижаси бўлган китоб “Инсоният инсонийлигини сақлаб қола оладими?” (Нью Жерси, 1989) деган ном билан жаҳон тилларида нашр қилинди.

8 - Мавзу :ФУҚАРО ЭРКИНЛИГИ ВА ФАОЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ—ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ ОМИЛИ

Режа

- 1.Фуқаро эркинлиги ва фаоллиги тушунчалари.
- 2.Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиш асослари.
- 3.Фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш – демократик жамият қуриш омили.
- 4.Фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги.

1.Бугунги кунда «фуқаро», «фуқаролик», «фуқаролик жамияти», «фуқаролик масъулияти», «фуқаро ҳуқуқлари ва эркинликлари» тушунчалари демократик ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бирига айланмоқда. Бинобарин, демократия ва фуқаро эркинлиги ҳамда унинг фаоллигини таъминлаш масалалари долзарб бўлиб қолмоқда.

Фуқаролик тушунчаси жамиятнинг ҳозирги давригача, яъни ҳуқуқий давлат томон ривожланишида катта йўлни босиб ўтди. У жамиятнинг демократик ривожланишида кўлга киритилган улкан ютуқлардан бири.

Фуқаролик тушунчаси қадимий Юнонистонда ва Римда мавжуд бўлсада, асосан, феодализм инқирозга учраб, жамиятдаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт демократия ва бозор муносабатлари заминига ўта бошлаганда, ҳозирги шаклида пайдо бўла бошлади ва илк бор «шаҳарлик» (французча «ситуайян», инглизча «ситезен», русча «горожанин-гражданин») деган маъноларни англаган. Мустақиллик эълон қилингандан сўнг, ўзбек тилида ўтмишдаги «гражданлик» сўзи ўрнига «фуқаролик» деган атама қабул қилинди.

Мустақиллик йилларида фуқаро эркинлиги ва унинг фаоллиги масаласи демократик жамият барпо этишнинг муҳим шартларидан бири сифатида эътироф этила бошланди. Шу ўринда, эркинлик тушунчасини аниқлаш ҳам зарурдир. Негаки, фуқаро эркин бўлган тақдирдагина, жамият тараққиётига эришади.

Ижтимоий-сиёсий фанларда ва фалсафада индивидлар эркинлига ва улар иродасининг эркинлиги бир-бирига ўхшаш тушунчалар деб қабул қилинади. Бунинг асосий сабабларидан бири, ҳуқуқнинг ўзи одамлар эркинлигининг алоҳида шакли, яъни улар иродасининг эркинлиги эканлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан «фуқаро эркинлиги» тушунчаси ҳам политологик, ҳам ҳуқуқшунослик фанларининг умумий категориялари сифатида ўрганилади. Демократия инсон эркинлигини қонунлар воситасида қафолатлайди. Демак, демократиянинг ўзи очик муҳокама, ижтимоий зиддиятларни ифода этиш ва бартараф қилиш усули сифатида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар декларацияларида қайд қилинган эркинликларсиз мавжуд бўла олмайди. Бу ерда сўз эркинлиги ва ўз фикрини эркин ифодалаш ҳуқуқи, эркин уюшмалар тузиш ҳуқуқи, ҳаёт тарзини ўзгартириш эркинлиги ва шахснинг хавфсизликка бўлган ҳуқуқи тўғрисида кетмоқда. Ушбу ҳуқуқлар демократиянинг асл моҳиятини ташкил қилгани боис, улар ҳимоя қилиниши керак.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният борлиқни ва ижтимоий ҳаётда эркинликни ифодалашнинг ҳуқуқдан ташқари бошқа бирон-бир шаклини ҳозиргача кашф этмаган. Бу мантиқан ҳам амалда ҳам мумкин эмас. Одамлар ўз тенглиги даражасида эркиндирлар ва эркинлиги даражасида тенгдирлар.

Ҳозирги давр ижтимоий-сиёсий фанларида «инсон» деганда Ерда яшаётган мавжудод турларидан бири тушунилади. Инсон алоҳида олинган тур (*Homo sapiens*) вакилини ифодаловчи умумий тушунчадир. Инсон, умуман зотнинг йиғиқ образи сифатида биоижтимоий мавжудод

бўлиб, у бир вақтнинг ўзида ҳам табиатга, ҳам ижтимоий ҳаётга мансубдир. Индивид — инсон зотининг алоҳида олинган нусхаси, унинг вакилларидан бири.

Шахс эса у ёки бу инсон сифатида намоён бўлиб, у маълум ва бетакрор индивидуалликка эга бўлади. Индивиднинг жамиятга кириш жараёнлари унинг ижтимоийлашувини таъминлайди. Ижтимоий муносабатларга киришиш натижасида индивиднинг жамиятдаги қадриятлар ва меъёрларни ўзлаштириб бориши учун замин яратилади. Бу жиҳатдан ёндашганда, у ижтимоий таъсир объектидир. Шунингдек, индивид ижтимоийлашув оқибатида жамиятдаги турли муносабатларда фаоллашади ва бунда у ижтимоий муносабатлар субъекти сифатида ҳаракатланувчи шахсга, субъектга, кучга айланади.

Инсоннинг пайдо бўлиши, унинг жамиятдаги ўрни ва моҳияти доимо ижтимоий фанларнинг муҳим ва баҳсталаб соҳаларидан бири бўлиб келди. Аристотелнинг таъкидлашича, «инсон — табиатан (моҳиятан) ижтимоий» эканлигини таъкидлаш билан бирга, «умумий маънода кимда-ким ҳокимият юритиш ва бўйсунушга тааллуқли бўлса, ўша фуқародир; ҳар бир давлат тузумида фуқаронинг моҳияти ўзгаради. Давлат тузумининг энг яхши турида кимда-ким маънавий қадриятлар талабларига мос ҳаётни назарда тутган ҳолда бўйсунуш ва ҳокимият юритишни хоҳласа ва унга қодир бўлса, ана ўша фуқародир».

Инсоннинг моҳиятини дастлабки ўрганган олимлардан бири Хитойдаги Конфуций ва унинг издошлари эди. Эрамиздан илгари 298-238 йилларда яшаган Конфуцийнинг издоши бўлган олим Сень-цзи шундай деб ёзган эди: «Туғма хусусиятлар, бу — самовий муносабатлар ҳосилидир. Уларга таълим ёки одамнинг ўзини яратувчилик ижоди воситасида эришиб бўлмайди. Инсон ёвуз табиатга эга. Инсондаги эзгулик манфаатлар учун орттирилган фазилатдир. Ҳозирги инсон туғилишидан бошлаб фойда олишга интилади. Бу шунга олиб келадики, кишилар ўзаро

рақобатлашадилар ва бир-бирларига ён бермайдилар. Шунинг учун ҳам тарбия йўли билан инсон табиатини ўзгартириш, яратилган қоидалар асосида таълим бериб, уларни адолатлиликка ва масъулиятликка ўргатиш лозим». Кўриниб турибдики, инсоннинг жамиятга уюшиши ёки унинг жамият аъзосига айланиши ва фаоллашуви учун у маълум даражада ташқи таъсирга ва ҳаётдаги ижтимоийлашувга эҳтиёж сезади.

Инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири — унинг ижтимоий мавжудод эканлигидир. Инсон ўзининг эҳтиёжларини қондириш мақсадларида ўзи каби инсонлар билан бирлашишга интилади. Инсоннинг ижтимоийлашуви суийий характер касб этиб, у шахс сифатида бошқа инсонлар ўртасидаги муҳитдагина шакллана олади. Агар у инсоний муносабатлардан ҳоли бўлса, ўзидаги ёвузлик ёки ҳайвоний табиатидан халос бўла олмайди. Инсондаги жамиятга уюшишга интилишнинг табиий тарзда кечишини Абу Наср Форобий қуйидагича ифодалайди: «Ҳар бир инсон ўз табиати билан шундай тузилганки, у яшаш ва олий даражадаги етукликка эришмоқ учун кўп нарсаларга муҳтож бўлади. У бир ўзи бундай нарсаларни қўлга кирита олмайди, уларга эга бўлиш учун инсонлар жамоасига эҳтиёж туғилади... Шу сабабли яшаш учун зарур бўлган, кишиларнинг бир-бирларига етказиб берувчи ва ўзаро ёрдамлашуви орқалигина одам ўз табиати бўйича интилган етукликка эришуви мумкин. Бундай жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва етукликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсон шахслари кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада инсон жамоаси вужудга келди». Анъанавий жамиятларда инсоннинг яратувчилик ижодий қобилияти анча чегараланди. Чунки анъанавий жамиятларда меҳнатнинг табиий тақсимооти ва ихтисослашуви адолат принципларига асосланмади. Шунингдек, бу жамиятларда шахслараро алоқаларнинг ўта табақалашуви, ўзаро ҳаракатлар ва муносабатларнинг норасмий

мувофиқлаштирилиши, жамият аъзоларининг бир-бирига тобелик, уруғчилик ва қон-қариндошлик муносабатлари билан боғлиқлиги натижасида шахс эркинлиги ҳам таъминланмади. Бошқарувдаги примитив тизимлар имтиёзсиз жамият аъзоларининг фаоллигини пасайтириб, бу ҳолат шахснинг ижодий фаолият кўрсатиш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга имкон бермас, натижада ўзаро муносабатлар биқик тарзда рўй берар эди.

Замонавий жамиятнинг пайдо бўлиши билан инсоннинг ижтимоий ва сиёсий муносабатлардаги ўрни юксалиб борди. Бу жамиятларда ўзаро муносабатларнинг бир-бирига таъсир этиш даражаси ва меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви рўй берди. Бу жараёнларнинг секинлик билан юксак таълим ва тажрибага, шунингдек, юқори касбий малакага асосланиши, ижтимоий муносабатларнинг қонунлар, меъёрлар, шартномалар асосида мувофиқлаштиришнинг расмий тизими яратилиши замонавий жамиятларнинг халқчил бўлишига замин яратди. Диннинг давлат ва бошқарувдан ажратилиши, ижтимоий институтларнинг кўпайиши ва ривожланиши каби омиллар натижасида инсонлараро муносабатлар юксалиб, сиёсий институтларни назорат этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш, жамиятда тенглик ўрнатиш имкониятлари пайдо бўлди. XX асрга келиб энг такомиллашган ва замонавий кишилик бирликларини фуқаролик жамияти деб аташ русумга кирди.

Маълумки, инсон ўзининг ижтимоий мавжудод эканлиги ва ўз моҳиятидан келиб чиқиб, табиий равишда сиёсий муносабатларда иштирок этишга интилади. Ижтимоий-сиёсий муносабатларда фаол иштирок этиш эҳтиёжлари ва зурурияти эса ҳар бир фуқарода манфаатларни фақат гуруҳий шаклдагина ифодалаш ва қондириш мумкин эканлигини англаб этишга замин яратади. Турли хил ижтимоий гуруҳлар ва табақаларнинг турлича манфаатларини ўзаро тўқнашувлар ва зиддиятларга киришиши, уларни ўзаро келиштириш ва мувозанатлаштиришсиз ҳал қилиб

бўлмаслигини англаш жараёлари табиий равишда халқчил жамият ва сиёсий ҳокимиятга бўлган эҳтиёжларни шакллантирди. Чунки турли манфаатлар мувозанатини таъминлашни фақат демократик жамият билан давлат ҳокимияти ҳамкорлигида амалга ошириш мумкин эканлигини тарихий тажрибалар исботлаб берди. Шу сабабли ҳам, сиёсий онг турли хил ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий институтлар ва сиёсий субъектлар билан ўзаро мулоқот ва муносабатларга киришиши учун зарурий эҳтиёжларни шакллантирди ҳамда расмийлаштирди.

Фуқаро ҳуқуқларини таъминлашда инсоннинг табиий ҳуқуқларини эътиборга олиш муҳим аҳамиятга эгадир. Қадимги антик файласуфлар талқинича, табиий ҳуқуқ табиатига боғлиқ ҳолда инсонлар туғилишлариданоқ бир хилдирлар. Ижтимоий шартномалар асосида қонун ва давлат пайдо бўлди. Аристотелнинг фикрича, инсоннинг туғилишидаёқ пайдо бўлган хусусий мулкка бўлган табиий ҳуқуқи унинг табиати ва унинг дастлабки ўзини-ўзи севишига асосланади. Қолаверса, ана шу табиий ҳуқуқни таъминлашга интилиш, хусусий мулк жозибаси, уни сақлаш ва кўпайтириш манфаатлари инсоннинг жамиятда тезлик билан ижтимоийлашувига ва фаоллашувига олиб келади.

Тор маънода, инсон ҳуқуқлари тушунчасига фақат давлат ҳимоя қиладиган ва қафолатланадиган ҳуқуқлар кириб, ҳозирги даврда уларни конституцион ҳуқуқий асослар ёки давлат чегаралари билан чеклаб қўйиш осон вазифа эмас. Бу ҳуқуқларга барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, яшаш ва жисмоний дахлсизлик ҳуқуқи, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ўзбошимчалик ва ноқонуний ушлаш ёки қамаш, виждон ва дин эркинлиги, ота-оналарнинг ўз болаларини тарбия қилиш ҳуқуқлари, зулмкорларга қаршилик қилиш ҳуқуқи ва бошқалар киради. Кенг маънодаги инсон ҳуқуқлари эса, ўзида шахс эркинлиги ва ҳуқуқларининг кенг мажмуаси ва турларини ифодалайди.

Барча инсон ҳуқуқларини ижобий ва салбий йўналишларга доир таснифлаш кенг тарқалган. Мазкур ҳуқуқларнинг бу каби бўлиниши эркинликнинг негатив ва позитив жиҳатларни ифодалашга асосланади. Маълумки, эркинликнинг негатив аҳамияти нуқтаи назарига биноан шахсга нисбатан мажбурлаш ва чеклашларнинг йўқлиги тушунилади. Позитив нуқтаи назардан эса танлаш эркинлиги, асосан, инсоннинг ўз мақсадларига эришиш қобилияти, унинг индивидуал ривожланиши ва умуман, унинг қобилиятлари пайдо бўлиши тушунилади. Эркинликларнинг мазкур бўлинишидан келиб чиқиб, негатив ҳуқуқлар деганда, давлат ва бошқа инсонларнинг индивидга нисбатан у ёки бу ҳаракатлардан ўзини тийиб туриши тушунилади. Бу ҳуқуқлар шахсни нохуш таъсирлардан, унинг эркинлигини бўзиши мумкин бўлган аралашини ёки чеклашлардан ҳимоя қилади. Бу ҳуқуқлар асос бўлувчи, муҳим ва мутлақ ҳуқуқлар сирасига киради. Мазкур ҳуқуқларни таъминлаш давлат ресурслари ёки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларига боғлиқ эмас. Негатив ҳуқуқлар шахс эркинлигининг асосидир.

Негатив ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ, позитив ҳуқуқлар фуқарога уни у ёки бу неъматлар билан таъминлаш, унинг маълум ҳаракатларини амалга ошириши учун давлат, шахслар ва ташкилотлар мажбуриятларини ифодалайди. Бу, масалан, ижтимоий ёрдам олиш, таълим олиш, соғлиқни сақлашни ҳимоя қилиш, муносиб яшаш даражаси таъминланиши ҳуқуқлари кабилардир.

2. Инсоннинг фуқаролик (шахсий), сиёсий иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари амалга ошиш йўналишларидан келиб чиқиб, негатив ва позитив ҳуқуқлар соҳаларига бўлинадилар. Уларнинг ичида фуқаролик ҳуқуқлари инсоннинг-табiiй, асос бўлувчи ва ажралмас негатив ҳуқуқлари доирасига киради.

Мустақиллик даврида Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларни таъминлашнинг ҳуқуқий асослари ривожланган мамлакатлар тажрибаси ва миллий кадриятлар талаблари даражасида шаклланди. Шунингдек, Конституция ҳамда қонунлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат талаблари даражасидаги мезонлари, меъёрларини ярата олди. Конституциянинг 24-моддасидаги «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», 25-моддасидаги «Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмас», 27-моддасидаги «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошқор қилиши мумкин эмас, 29-моддасидаги «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга...», 32-моддасидаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда-бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўз-ўзини бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширишади», 36-моддасидаги «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банкка қўйилган омонатлар сир тугилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади», 43-моддасидаги «Давлат фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди» каби фуқаролик жамияти қуришнинг демократик кадриятлари ва тамойиллари шаклланишини таъминлайдиган қонун ва қоидаларнинг киритилиши Ўзбекистонда демократик жамият барпо этишнинг келажак истиқболларини белгилаб берди. Фуқаро

эркинлигини таъминлаш унинг бурчлари билан мустаҳкам боғлангандагина, реал воқеликка айланиши мумкин. Ривожланган мамлакатларда фуқаро бурчларига қонунларга амал қилиш, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш, солиқларни тўлаш, ҳарбий мажбурият, табиат, атроф-муҳит, тарихий ёдгорликларни асраш кабилар киради. Баъзи мамлакатларда эса давлат ҳокимияти органларига сайловларда овоз бериш ҳам муҳим фуқаролик бурчларидан бири ҳисобланади. Демократик жамият қуриш тажрибалари кўрсатадики, қайси бир жамиятда мансаби, ирқи, жинси ва ижтимоий мавқеи қандай бўлишидан қатъий назар, фуқаролар конституция ва қонунлар билан мустаҳкамлаб қўйилган ўз бурчларини амалда бажарганларидагина, ўзларига тегашли бўлган эркинликлари ва ҳуқуқларидан фойдалана олишлари мумкин. Акс ҳолда, бу демократик кадриятлар қўпол равишда безилиб келинади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Конституциясининг IX бобидаги 6 та модда махсус равишда фуқароларнинг бурчларини мустаҳкамлаб қўйган. Хусусан, Конституциянинг 48-моддаси қуйидагича ифодаланади: «Фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар».

3. Демократик жамият барпо этишда фуқароларнинг ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиши энг муҳим омиллардан биридир. Бу ҳақида мамлакат Президенти И.А.Каримов қуйидаги фикрни билдиради: «Ҳокимият тузилмаларининг демократик мазмуни кўп жиҳатдан давлатни бошқаришда фуқароларнинг иштирок этиш масаласи қанчалик ҳал қилинганлиги билан белгиланиши маълум. Ўзбекистонда ушбу ҳуқуқнинг амал қилиши учун қонун асослари яратилган. Бироқ ҳали жамият ва фуқаролар давлатни бошқаришда иштирок этиш, ўзлари қандай бошқарилаётганлиги, ҳақида маълумот олиш ҳуқуқини англай

бошлашига ва ҳуқуқдан фойдалана оладиган бўлишларига эришиш керак. Шундай шароитда давлат ва унинг институтлари, мансабдор шахслар жамият ва фуқаро олидаги ўз масъулиятларини ҳис қиладилар. Бунинг учун фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш зарур. Барқарор, мустаҳкам тизимларда, агар фуқароларнинг сиёсий манфаатларини рўёбга чиқариш учун ҳамма ҳуқуқий, демократик шарт-шароитлар яратилган бўлса, аҳолининг ўзи ихтиёрий равишда, профессионал асосда мамлакатнинг сиёсий ҳаётида тобора кенг иштирок этади».

Фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни бекиёсдир. Ҳозирги даврда Ўзбекистон жамиятида 7 миллионга яқин фуқаролар касаба уюшмалари фаолиятида, 600 мингдан ортиқроқ фуқаролар эса сиёсий партиялар аъзолари сифатида жамоатчилик ишларида иштирок этадилар. Шунингдек,, миллионлаб фуқаролар ёшлар, хотин-қизлар, турли жамғармалар, нодавлат, ноижорат ташкилотлар фаолиятида иштирок этадилар. Мамлакат вилоятларида 661 та, туманларда 4564 та, шаҳарларда 831 та вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари депутатлари, 10 000 га яқин ўзини-ўзи бошқариш органлари ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар.

Мустақиллик даврида ёшларнинг ижтимоий- фаоллигини оширишга ҳам муҳим эътибор берилди. Мамлакатда Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати жамиятнинг барча йўналишларида кенг фаолият олиб бормоқда. Ҳаракат фаолиятининг асосий мақсади — ёшларни бирлаштириш, соғлом турмуши талаблари асосида тарбиялаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш йигит-қизларнинг ўз ақл заковати, куч-ғайратини тўла намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун шарт-шароит яратиб беришдан иборат, деб белгиланган. Ҳаракатга Ватан тараққиёти, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилиш ва курашишни ўзи учун ҳаётий эътиқод деб билладиган,

ўқишда, меҳнатда, ҳарбий хизматда, жамоатчилик ишларида бошқаларга ўрнак бўладиган ўн тўрт ёшдан йигарма саккиз ёшгача бўлган Ўзбекистон ёшлари аъзо бўлиши мумкин. Ҳаракатнинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимлари, мактаблар, лицей ҳамда коллежлар, олий ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, ҳарбий қисмларда бўлим ва бошланғич ташкилотлари фаолият олиб боради. Мамлакатда 14 ёшдан 28 ёшгача бўлган ёшларнинг сони 7 миллиондан ортиқроқни ташкил этади. Ҳозирги даврда ҳаракатнинг бошланғич ташкилотлари сони 20 мингдан ортиқроқни ташкил этиб, улар 4 миллиондан ортиқроқ ёшларни бирлаштиради. Шунингдек, ҳаракат таркибида унинг ҳомийлиги асосида ишлайдиган 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган ўқувчиларни бирлаштирган Болалар ташкилоти ўз фаолиятини тарбиянинг ўзига хос ёндашув ва усулларидан фойдаланган ҳолда, болалар дунёқарашига ватанпарварлик, ижтимоий тадбирларда фаол иштирок этиш, ўзини-ўзи бошқаришни ўрганишни сингдириш каби йўналишларга қаратган.

Ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишда сайловлар муҳим ўрин тутади. Унда аввало, сайловчиларнинг ихтиёрий равишда берган овозларига биноан сиёсий институтларнинг легитимлиги ошади. Қолаверса, сайловларда жамиятдаги турли хил гуруҳларнинг тинч рақобатдошлиги кутилганлиги сабабли ҳам сайлаш жараёнлари сиёсий зиддиятларни ҳал этишга олиб келади. Шунингдек, сайловлар аҳоли сиёсий манфаатларини ифода этувчи сиёсий партиялар, бошқа сиёсий ташкилотларнинг фаол ҳаракатлари туфайли турли экстремистик ҳаракатларни чеклаб туради. Шу билан бирга, сайловлар фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ижтимоийлашувига кўмаклашади. Сайловлар вақтидаги турли компаниялар, айти жараёнларни оммавий ахборот воситаларида ёритиш каби тадбирлар сайловчиларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиради, фуқароларнинг сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишига қулай имкониятлар яратади.

Ўзбекистонда фуқаролар ижтимоий фаоллигининг ўсиб бориши уларнинг мамлакат давлат органларига бўлган сайловлардаги иштирокида ҳам сезилмоқда. 1999 йил 5 декабрда иккинчи марта демократик тамойиллар асосида Олий Мажлисга бўлган сайловларда 12,5 миллиондан ортиқ сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 95,03 фоизи иштирок этдилар. Унда 250 та Олий Мажлис депутатлари сайланди. Шунингдек, 2000 йилнинг 9 январида Ўзбекистон Республикаси 11 президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Унда эса 12 миллион 123 мингдан кўпроқ сайловчилар иштирок этдилар. «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг номзоди Ислон Абдуғаниевич Каримов учун 11 миллион 147 минг 621, ёки сайловчиларнинг 91,90 фоизи овоз бердилар.

Мамлакатда ўтказилган сайловларни таҳлил этиш шуни кўрсатдики, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Мамлакат фуқаролари ҳозир мамлакатда амалга оширилмаётган сиёсий жараёнлар ва ислохотларга нисбатан бефарқ эмаслар. Айниқса, фуқароларнинг ўз манфаатларини ижтимоий фаоллик ва гуруҳий нодавлат ташкилотлар воситасида ифода этиш, уларни қоидаларга интилишлари ривожланиб бормоқда. Лекин, шу билан бирга, фуқароларнинг қарорлар қабул қилишдаги фаоллигини ошириш учун улар дунёқарашида демократик тамойиллар асосидаги сиёсий ва ҳуқуқий онгни сингдириш эҳтиёжлари сезилмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири, иқтисодий ҳамда сиёсий ҳаётни эркинлаштиришдир.

Жамиятни ташкил этиш қонуниятларига биноан маълум бир сиёсий тизим доирасида турган индивид ва ижтимоий гуруҳлар ижтимоий-сиёсий жараёнга бир хилда тортилмайдилар. Уларнинг баъзилари сиёсатга бефарқ қарайдилар, яна бошқалари баъзи пайтларда ижтимоий-сиёсий жараёнда иштирок этадилар, учинчилари эса доимо сиёсий курашга интиладилар. Ҳаттоки, сиёсий ва ижтимоий ҳодисаларда фаол роль

ўйнаётганлар ичида ҳам фақат уларнинг баъзилари ҳокимиятга ёки жамоатчилик фаолиятига жон-жаҳдлари билан интилади.

XX аср 90-йилларининг охири — янги аср бошларидаги сиёсий ислохотларнинг муҳим аҳамияти шунда бўлдики, бу пайтга келиб халқ оммасининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, сиёсий маданиятини юксалтириш, демократиянинг энг муҳим тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш учун шарт-шароитлар яратилди. Ўзбекистонда сиёсий жараёнларни демократлаштиришнинг ўзига хос қадриятлари шаклланди. Мамлакат Президенти И.А.Каримов мустақиллик давридаги тажрибаларни ва етакчи хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётини чуқур таҳлил этиб, фуқаролари сиёсий жараёнларда иштирок этишнинг демократик тамойилларини илгари сурди: «Жамиятда демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар — халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқаролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир...

Ўз-ўзидан равшанки, сиёсий тузум тўла-тўқис амал қилишимиз ва унинг янада эркинлашувини таъминлаш учун уни ташкил этувчи ҳамма тузилмалар, яъни мавжуд субъектлар — шахс, сиёсий институтлар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари ҳамда қатламлари ва ҳоказолар тўлақонли фаолият кўрсатишига уришиш зарур».

Кўриниб турибдики, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини юксалтириш, уларнинг қарорлар қабул қилишда бевосита ёки билвосита иштирок этиши мамлакатда фуқаролик жамиятини қуриш кафолатларидан биридир. Айниқса, собиқ тоталитар тузум мерос қилиб қолдирган маъмурий буйруқбозлик тизими асоратлари фуқаролар дунёқараши, сиёсий онг ва амалий ҳатти-ҳаракатида барҳам топмас экан, ижтимоий ҳаётни сиёсий жиҳатдан эркинлаштиришга доир ислохотлар ҳам қийин кечиши турган гап.

Маълумки, сиёсий онг ва сиёсий маданият юксалишида фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштирокининг аҳамияти беқиёсдир. Фуқаролар жамоат ташкилотларнинг фаолияти воситасида ёки бевосита қарорлар қабул қилиш жараёнида иштирок этар экан, уларда куйидаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар содир бўлиши кутилади:

—фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишдаги иштироки уларнинг сиёсий-ижтимоий фаоллигини уйғотади, ҳаракатга келтиради, бу йўналишда муайян кўникмалар шаклланади. Бошқача айтганда, ҳар бир фуқаронинг ижтимоийлашув жараёни амалга ошади;

—қарорлар қабул қилиш жараёнида фаол иштирок этиш оддий фуқароларнинг манфаатлари, эҳтиёжлари ва интилишларининг ҳисобга олинишига тўртки бўлади. Энг асосийси, бу жараёнлар фуқароларда сиёсий масъулият руҳини шакллантиради;

—фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишда турли ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини турли жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар воситасида ифодаланишидан қониқишлари уларни янада фаоллаштиради; натижада ўзаро манфаатлар келишуви оқибатида жамиятнинг барқарор бўлишига катта ҳисса қўшилади;

—бу жараёнларда иштирок ҳар бир фуқарога ўзлигини англашга, унинг жамиятда ўзига муносиб ўрин эгаллашига қулай шароит яратади, миллий ифтихор туйғуларининг юксалишини таъминлайди;

—давлат ҳокимияти жамиятдаги барча ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини ўз сиёсий қарорларида ифодалашига эришилади; мазкур қарорлар амалга ошиши натижасида сиёсий ҳокимият янада легитимлашади; давлат органларини, фуқароларни бошқариш, сиёсий қарорларни бажарилганини таъминлашга доир жараёнлар ва маъмурий тадбирларли амалга оширишда жамият ҳеч бир зўриқишсиз ва ихтиёрий равишда қабул қилади; шунингдек, бу фаолият фуқаролар томонидан кенг қўллаб-қувватланади;

—бу жараёнлар жамиятдаги кўлчилик фуқароларнинг иродасини ифодалашга имкон яратиб, жамият ва давлат ҳокимиятининг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиш салоҳиятини оширади.

4.Фуқароларнинг сиёсий маданияти ва фаоллига оширишда уларнинг сиёсат ва ҳокимиятга нисбатан шахсий муносабатларини билдиришлари муҳим аҳамиятга молик маънавий ходисадир. Бундай шахсий муносабат инсоннинг ўз фуқаролик бурчини англаб етган, сиёсий субъект сифатида фаолият кўрсата олишини ифода этади. Шунинг учун инсоннинг демократик, сиёсий кадриятларга нисбатан муносабатларининг турлича шаклда рўй бериши (масалан, ҳокимиятга, давлатга, партияларга ва институтлашмаган субъектларга нисбатан) сиёсий маданиятнинг муҳим тузилишини тавсифлаб боради.

Умуман, сиёсий маданият инсоннинг сиёсий ходисалар ҳақидаги кадриятларга доир тасаввурлари ва унинг амалиётда намоён бўладиган ҳулқининг ёки унинг сиёсий ҳокимият субъекти сифатидаги фаолиятининг кўринишидир. Шу маънода, сиёсий маданият фуқаронинг умуминсоний аҳамиятга молик бўлган сиёсий фаолият намуналарини қай даражада эгаллаганлигини намоёиш қилади. Шунингдек,, у инсондаги фикрлаш ва амалий фаолият меёрларини жамият маданияти, деб тан оладиган субъективлашиши қанчалик даражада ошира олганлиги ҳамдир.

Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ижтимоийлашув ва камолотга эришиш жараёнида ижтимоий-маданий мавжудод сифатида шакллалади. Шунингдек,, инсон жамиятда ҳукмрон бўлган ижтимоий-маданий тизимнинг асосий хусусиятларини ўзида уйғунлаштиради ва умумлаштиради. Айти пайтда, ҳар бир индивид сиёсий маданият ташувчи ҳисобланадигана шу сабабли ҳам сиёсий маданият сиёсий-маданий тизимнинг умумлаштирувчи, бирлаштирувчи қисми деб қаралади. Сиёсий

маданият, бу — муносабатлар тизими ва айни пайтда авлодлар алмашинуви натижаси, уни ташкил этувчи унсурларни ишлаб чиқиш ва қайта ишлаб чиқиш жараёнидир. Сиёсий маданият ривожланиб борувчи динамик ҳодисадир.

Инсонда дунёқараш шаклланганидан сўнг уни ҳимоя қилишга қодир ҳуқуқий маданият шаклланишига шарт-шароитлар яратиш зарурияти туғилади. Демак, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий ҳимоянинг мавжудлиги жамиятни демократиялашнинг асосий қафолатларидан биридир. Қолаверса, демократияни табиий равишда ривожлантириш учун фуқароларнинг умумий маданиятлилик даражаси ҳам юқори бўлиши лозим. Аниқроғи, демократик жараён билан инсоннинг маданиятлиги ўртасидаги мувозанат доимий характерга эга бўлиши керак. Фақат юксак маданиятгина жамиятни ҳақиқий демократик ривожланишга олиб келади. Шунингдек,, бу жараёнлар инкилобий эмас, балки тадрижий йўл билан бўлиши зарурлини ҳам муҳим аҳамият касб этади. Яъни, табиий ривожланиши йўли бошқа усулларга қараганда энг маъқулидир. Жаҳон тарихий тажрибаси бундай йўлни охириг ютуқ сифатида танлагани бежиз эмас.

Сиёсий маданият узоқ йиллар ва авлодлар алмашинуви натижасида таркиб топган сиёсий ғоялар, анъаналар, сиёсий амалист меъёрлари, турли ижтимоий институтлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир концепцияларни ўз ичига олади. У кишиларнинг ўзлари яшаётган мавжуд тизимга, ундаги институтларга ва хатти-ҳаракат қоидаларига, алоҳида шахс, жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тамойилларига нисбатан шаклланган интилишлари ва кўрсатмаларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Сиёсий маданият қадриятга оид меъёрий тизим ҳисобланади. У ўзида сиёсий тизимдаги таянч, эътиқодлар, кўрсатмалар, йўналишлар, интилишлар тимсолларини акс эттиради ва бирлаштиради. Америкалик сиёсатшунос

Д.Дивайннинг фикрича, сиёсий маданият маълум ижтимоий-сиёсий тизим аъзолари сақлайдиган, «кенг тарқалган, фундаментал сиёсий кадрятларнинг тарихий тизимидир». Сиёсий маданият «сиёсий мафкура», «легитиммен», «суверенитет», «қонун бошқаруви», «сиёсий партия» каби категорияларни ўрганишни ҳам тақозо этади. Сиёсий маданият маълум даражада жамият аъзолари олдида чегаралашлар қўяди. Сиёсий жараёнлар ва сиёсий ҳуққда намоён бўладиган эътиқодлар, ҳис-туйғулар, кадрятлар олдидаги бундай чегаралашлар ҳам ўз навбатида сиёсий маданиятнинг муҳим унсури ҳисобланади. Алоҳида шахснинг, гуруҳнинг ва бошқа ижтимоий бирликлар умумий дунёқарашининг таркибий қисми бўлган сиёсий дунёқараш сиёсий маданиятнинг энг муҳим компонентиدير.

Сиёсий маданиятни ташкил этувчи кадрятлар, йўналишлар, кўрсатмалар, стретинлар сиёсий тизимнинг шаклланиши ва сақланиб қолишида асосий ўринни эгаллайди. Жамият аъзолари ўзаро баҳам кўрадиган «ижобий» кадрятлар тизими миёдоран унинг алоҳида компонентлари ўртасидаги ўзаро муроасага келишувни белгилайди ҳамда унинг барқарорлиги, яшаб қолиш қобилятининг нечоғлик мустақил эканлигини аниқлаб беради.

Кишилар ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий манфаатлари ёки имкониятларини рўёбга чиқариш учун амалий жараёнларда иштирок эта бошлагандагина, сиёсий маданияг шаклланиб боради. Бундай маданиятни фақат сиёсий партиялар, манфаатлар гуруҳлари фаолиятида иштирок этиш орқалигина эгаллаш мумкин. Ҳеч бир инсон яққа ўзи ҳаракат қилиб, ўзининг моддий, сиёсий, ҳуқуқий манфаатини ёки эркин фикрлаш ҳуқуқини қўлга киритолмайди.

Сиёсий маданиятнинг тоталитар тури ижтимоий, иқтисодий ва маънавий ҳаётнинг принципиал бир хил бўлишига асосланади ҳамда ҳар қандай турли-туманлик, ранг-барангликни йўқотишга мойил ғояларга таянади. Собиқ СССРдаги маданиятнинг бу тури турли ижтимоий

гуруҳларнинг ўзига хос мақсад ва манфаатларини очиқ намоён қилишга йўл қўймаган. Шу билан бирга тоталитар режим фуқароларнинг сиёсий ҳаётдаги танлаш имкониятларини чегаралаб, ҳар қандай муқобилликни инкор қилар, битта мулкчилик тури, битта партия, бир ўринга битта номзод қабул чеклашларни олдиндан белгилаб берар эди. Бу ҳолат ўз навбатида тотал турғунликни, қолаверса, емирилишни ҳам келтириб чиқарди.

Сиёсий маданиятнинг плюралистик тури қуйидаги муҳим шарт-шароитлар яратилганидагина пайдо бўлиши, ривожланиши, алоҳида устуворлик касб этиши мумкин:

—иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда плюрализм мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиши, хўжалик юритишининг турли усулларини амал қилиши шарт;

—жамиyat ижтимоий таркиби қанчалик ранг-баранг бўлса, сиёсий маданият шаклланиши учун шунчалик кўпроқ замин пайдо бўлади.

—фуқаролик жамияти сиёсий институтларининг шаклланиши; давлат ҳокимиятини шакллантириш, асосан, сайловлар воситасида амалга ошириш, ҳеч ким, ҳеч бир гуруҳнинг бу ҳокимиятни на амалда, на ҳуқуқий жиҳатлардан ўз монополиясига айлантиришига йўл қўймаслик лозим;

—сиёсий партиялар ва ҳаракатлар ўртасида ижтимоий ривожланишнинг асосий қадриятлари, идеаллари ҳамда мақсадлари хусусида келишувга келишиш керак;

—шахс эркинлиги таъминланиши даркор.

9- Мавзу: ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИНИ ЭРКИНЛАШТИРИШ – ДЕМОКРАМИК ЖАМИЯТ ҚУРИШ АСОСИ

Режа

1. Ўзбекистонда жамият иқтисодий ҳаётини эркинлаштиришнинг мақсад ва босқичлари.

2. Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши.

3. Молия-кредит сиёсати, нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш.

4. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш сиёсати.

1. Ватанимиз мустақиликни қўлга киритгач, тараққиётнинг қайси йўлидан бориш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда қандай тамойилларга таяниш каби бир қарашда жўн кўринадиган, лекин хийла мураккаб ва зиддиятли, мамлакатнинг тақдири билан боғлиқ ўта муҳим муаммоларга дуч келди.

Мамлакат Президенти Ислон Каримов бу иқтисодий, ижтимоий – сиёсий муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат қурилиши ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг беш асосий тамойили (қоидаси)ни илгари сурди. Юртбошимиз Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати, янгилиниш ва ижтимоий тараққиёт йўлининг умумий принциплари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида дастлаб 1992 йилда «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» деб номланган рисоласида фикр юритган эди. Сўнгра 1993 йилда эълон қилинган «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асарида туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг бешта принципи (тамойили) ни чуқур ва атрофлича илмий асосланади.

Иқтисодиётни мафкура ақидаларидан ҳоли қилиш, давлат боши ислохотчи экани, бозор муносабатларига босқичма – босқич ўтиш зарурлиги, ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устиворлигини таъминлаш

лозимлиги, кучли ижтимоий сиёсат юрғизиш ана шу бешта асосий тамойилларни ташкил этади.

Бозор муносабатларига ўтиш бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти ушбу тамойилларга асосланган ёки уларни ривожлантиришга, ёхуд уларни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган. Бу қоидаларнинг нақадар тўғри эканини ҳаёт тўла тасдиқланади, шу боис, улар ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Зотан, беш тамойил бозор муносабатларига таянган мустақил, миллий иқтисодиётнинг асосий шакл ва шамойилларини таркиб топтириш ва уни иқтисодий юксалиш сари изчил ҳаракатлантириш имконини берди. Чунки улар мамлакатимизда янги, олдингисидан тубдан фарқ қиладиган ижтимоий-иқтисодий тизимни қарор топтиришнинг ўзига хос дастури эди. Бу қоидалар истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаган жамиятимизнинг бу йўлдан оғишмай илгарилаб бориши учун асос этиб қабул қилинди. Бу қоидаларнинг ривожлантирилиши ва ҳаётга тобора дадилроқ жорий этилиши ижтимоий – сиёсий барқарорликни янада мустаҳкамлади.

Мана масалан, биринчи қоида – иқтисодиётни сиёсий қобиклардан ҳолос қилишни таҳлил қилиб кўрайлик. Бу тамойил мамлакатимизда демократик бозор ўзгаришларини амалга оширишнинг асоси деб эътироф этилди. Иқтисодиётни яна сиёсатга, мафкуравий ақидаларга қурбон қилмаслик учун сиёсий мақсадларга эришиш воситаси деб қаралмади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ўзи ижтимоий устқурманинг пойдеворида бутун жамият миқёсида демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун асос, шарт – шароит ҳозирлайди. Бозор иқтисодиётининг ўзи барчага бир хил имконият (имтиёз) бериш билан иқтисодий демократиядир. Шу боис, энди мамлакат ичкарисида ҳам, унинг ташқарисида ҳам, ишлаб чиқариш муносабатларни бозор, бозор бўлганда ҳам тартибли асосга қурилган бозор белгилайдиган бўлди. Энди ким билан савдо – иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва

ривожлантириш, аксинча, ким билан эса бундай муносабатларга киримаслик юқоридан белгиланмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги иқтисодий ҳамкорларимиз орасида нафақат ҳамдўстлик мамлакатлари, балки янги ва эски дунё ҳам, ривожланган Европа ва ривожланаётган Африка ҳам, демократик Америка ва тоталитар Хитой ҳам, ўзаро низоли араб дунёси ва Исроил ҳам бор. Лекин, улар ўртасидаги нисбат ўрни алмашган бўлиши мумкин. Агар илгари мамлакатимиз, асосан, собиқ иттифоқ республикалари билан товар айирбошлаган бўлса, бугунги кунда 70 фоиз савдо – сотиқни юксак тараққий этган – АҚШ, Англия, Бельгия, Нидерландия, Жанубий Корея, Швейцария, Финландия каби давлатлар билан амалга оширяпти. Энди шерикларни бозорни ўзи танламоқда. Бу жараёнлар экспорт ва импорт таркибида жиддий ўзгаришлар билан содир бўлмоқда экспорт таркибида пахта толасининг ҳиссаси жиддий қисқарди. Машина ва асбоб ускуналар энергия тарқатгичлар, транспорт воситаларнинг ҳиссаси эса ортмоқда. Импортда озиқ- овқат маҳсулотларнинг ҳажми камайиб бормоқда.

Ташқи савдо айланмаси кўламнинг кенгайиши ва унинг таркибан такомиллашуви, жуғрофиясининг кескин ўзгариш натижасида ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришилди. Мамлакатга товар келтиришдан кўра, ташқарига мол чиқариш биринчи марта устун бўлди.

Иккинчи тамойилга мувофиқ бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи, ислоҳот тақдири учун жавоб берадиган асосий куч – қудрат, кафолат бўлишини кўзда тутар эди. Бу борада бошқа йўл ҳам бўлиши мумкинмиди? Йўқ бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатдан бошқа қудратли иқтисодий куч йўқ. Йирик корхоналар эски кооператив алоқаларнинг узилган, бозор шароитига ҳали мослашмаганлиги туфайли керакли маблағга эга эмасди. Чет эл банкларида катта маблағларимиз йўқ, океан ортида пулдор «тоға» ларимиз ҳам деярли йўқ, аҳолининг эса старт имкониятлари айтарли бир

хил, кичик ва ўрта бизнесни, оилавий тадбиркорликни молиялаштириш учун етарли эмасди. Давлат эса илгаридан мустақилликача катта иқтисодий мавқе ва қудратга эга, барча ишлаб чиқариш воситаларининг 90 фоизини бирлаштирган эди. Бундай уюшган, бир жойда жамланган улкан салоҳиятдан оқилона фойдаланмаслик хато бўлар эди, албатта. Бунинг устига ижтимоий йўналтирилган бугунги замон бозор иқтисодиётининг асосий унсурларини тез ва изчил қарор топтириш учун, бозорга ўтиш тўс – туполонидан иқтисодий, молиявий тизгинларни қўлдан чиқариб юбормаслик, аҳоли манфаатлари йўлида миллий даромадни тақсимлашни иложи борича одилона ва оқилона амалга ошириш учун ҳам давлат механизимидан фойдаланиш зарур эди. Бозор муносабатларига ўтишда, айникса, унинг дастлабки баосқичида давлат ислохотларда фаол иштирок этди, ислохотларни катъийлик ва изчиллик билан амалга оширди, ишбилармон ва тадбиркор кадрларни тайёрлашга бош – қош ҳам бўлди. Булардан ташқари халқ хўжалигида амалга оширилган бугунги туб таркибий қайта қуришни, кучли ва кўп тармоқли ишлаб чиқариш инфратузилмасини вужудга келтирилишни фақат давлатнинг кучи билан уддалаш мумкин эди. Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтишни йўлга қўйишда давлат ўзининг тарихий вазифасини бажарди. Энди бундан кейин бозор муносабатари мустақамланиб боргани сари давлатнинг иқтисодий роли сусайиб боради. Иқтисодий вазифаларнинг аксарияти йирик миллий корпорациялар, корхоналар, чет эл ишбилармонлари ва хусусий тадбиркорлик зиммасига ўтади. Тарихий тараққиёт тенденциясининг ўзи шуни тақозо этади.

Бу тенденция давом этаверади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги, савдо умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида давлатнинг улуши янада паст. Лекин бу давлат иқтисодий вазифа билан мутлақо шуғулланмайди, дегани эмас. Иқтисодиётда давлат сектори ҳукм суриши,

у станцияда қатнашиши, қулаётган корхоналарга жон баҳшида этиб, уни эна хусусий қўлларга ёки жамоага қайтариши мумкин, шунингдек, давлат бундан кейин ҳам ўзининг молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархни назорат қилиши ва бошқа дастаклар орқали иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни изга солиб туради.

Аммо, давлатнинг иқтисодий қудрати нақадар бўлмасин, бу қудратдан қанчалик оқилона фойдаланмайлик, барибир учинчи тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма – босқич ўтиши зарур эди. У асосий қоидалардан бири сифатида илгари сурилди бу борада шошма – шошарликка берилмаслик, «янгисини қурмай, эскисини бузмаслик» тарзида иш тутиш йўлидан борилди. Чунки луқмани бирданига ютаман деб тикилиб қолиш ҳам ҳеч гап эмасди.

Бозор муносабатлари кишиларнинг янгича дунёқараши, психологияси, кўникма ва хулқ – атвори, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт тарзи ҳамдир. Уларнинг қарор топиши ва ривожланиши учун эса маълум вақт, сабр – тоқат, изчиллик даркор. Шунинг учун дастлаб мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган шакллари – хусусий, оила, ҳиссадорлик, жамоа ва бошқа турларига асосланиб янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритиш усулларини қўллаб – қувватлаш йўли билан аралаш, кўп қиррали (уклади) иқтисодиётни шакллантириш йўлидан борилди.

Бу қадар залворли юмушларни бир ҳамла билан ҳал этилмайди. Бунинг ўзи бир жараёндир, жараённи эса, маълумки, сунъий равишда тезлаштириб бўлмайди. Бизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш шаҳобчаларидан бошланди. Бинобарин, авваламбор, кичик хусусийлаштириш амалга оширилиб, 1994 йил охирига келиб амалда иқтисодий ислохотларнинг биринчи босқичи яқунланди, кейини хийла кўлами ва мураккаб босқич сари йўл очилди.

Нархни белгилаш борасида ҳам шундай йўл тугилди. Нарх – наво тизгинини бирданига кўлдан чиқариб юбориш охир – окибатда пулнинг эплаб бўлмайдиган кадрсизланишига – гиперинфляцияга сабаб бўлиши муқаррар эди.

Иқтисодий ислохотларни босқичма – босқич амалга ошириш тамойили айниқса, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган устувор соҳаларни белгилашда халқ хўжалигини аниқ мақсадли инвестициялашда жуда самарали бўлди. Ёқилги – энергетика, машинасозлик, алоқа, транспорт, йўл курилиши, юксак даражада қайта ишлашга ўтиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ана шундай устувор соҳалар деб белгиланади. Қишлоқ хўжалигида бундай устувор соҳа дончилик (ғаллачилик) бўлди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши тақчил маҳсулотлар юзасидан мамлакатни ташқи бозорга қарамликдан ҳолос этибгина қолмасдан, унга катта миқдорда валютани тежаш имконини ҳам берди. Бу тежалган маблағ энди бошқа соҳаларни ривожлантиришга шарт – шароит ҳозирлаб, саноат умумий тараққиётини таъминламоқда. Тасаввур этинг, мустақилликнинг дастлабки йилларида зарур нефтнинг 80 фоизи четдан олиб келинар эди. Бу ҳол ҳали ўзини ўнглаб олмаган иқтисодиёт учун оғирлик қилар эди. Энди эса ўзимизни нефть ва бошқа энергетика воситалари билан тўлиқ таъминлаш имкониятига эгамиз.

Бугун қишлоқ хўжалигидаги ислохотларга муҳим эътибор берилмоқда. Лекин ривожланган саноатсиз ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлиши мумкин эмас. Гап шундаки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси саноатдан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари ва маъданли ўғитлар ишлаб чиқариш), саноат билан якунланади (юксак даражада қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш). Саноатда тежаладиган йирик сармоя маблағлари энди қишлоқ хўжалигига йўналтирилди. Бозор иқтисодиётига изчиллик билан босқичма – босқич

боришнинг маъноси ҳам шу. Бу соҳанинг давлат томонидан қўллаб - қувватланиши, уни ривожлантириши юзасидан қабул қилинган дастур, қонун ва қарорларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигини янада юкса поғонага кўтаради. Бу мамлакат қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳимоя қилинган; чет эл озиқ - овқатлари тўғридан – тўғри кириб кела олмайди. Минтақамиз табиат катаклизмларидан ҳам анча йироқ. Шунинг учун ҳам бугун бу соҳани саноатга монанд ривожлантириш шароитлари етилмоқда. Энди қишлоқ хўжалиги қолюқлик рамзи бўлмаслиги лозим.

Ижтимоий ислохотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий негизини шакллантириш, ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигига эришиш муҳим вазифалардан бўлиб, муносабатларига ўтиш жараёнида танланган тўртличи тамойил эди. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида амалда янги ҳуқуқий тизим яратилди. Бозор муносабатлари ўзини – ўзи бошқарадиган демократик тизимдир. Бу жараёнга билиб – билмай аралашш, маъмуриятчиликка, айниқса, ортиқча марказлаштиришга уриниш унинг имкониятларини чеклаши, охир – оқибатда эса обрўсизлантириши мумкин. Бозор иқтисодиётининг ўз қонуниятлари бор, унга аралашш валютаризимга йўл қўйиш, менсимаслик қўнгилсиз оқибатлар келтириши мумкин. Шу боис қонунга бўйсиниш бозор муносабатларига ўтишнинг етакчи тамойилларидан биридир, ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир.

Президентимиз кучли ижтимоий сиёсат юритишни иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишнинг ишончли қафолати, Ўзбекистоннинг янгиланиш ва тараққиёт йўлини намоён этувчи энг муҳим тамойиллардан бири деб билдилар. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бутун бир тизими яратилди. Кишиларнинг ижтимоий ҳимоялаш ва қафолатлашларнинг кучли механизми жамиятда яратилган миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдангина

иборат бўлиб қолмади. Бу вазифани ҳал этишда давлат манбаларидан ташқари меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва ҳайрия жамғармаларининг имкониятларидан кенг фойдаланилди.

Бозор муносабатларига ўтиш ҳеч қачон ва ҳеч қаерда силлик, ижтимоий қийинчиликларсиз кечмаган. Бу даврда аҳолини ижтимоий химоялашга, қўллаб - қувватлашга етарли эътибор бермаслик омма орасида ялпи қашшоқлашувни кучайтирган, люмпенлар, пауперлар (жулдурвоқилар) қатламининг пайдо бўлишига олиб келган бўлар эди. Люмпенлашган оломон учун муққадас нарсанинг ўзи йўқ, улар учун тўрт томони қибла. Президентимиз шунинг учун ҳам люмпенлашув ва пауперизмнинг пайдо бўлишига қарши ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш ғоясини илгари сурди. Кишилар чинакам мулкдор бўлгандагина пировард натижалар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва унинг харажатларини пасайтириш жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш учун курашади.

Ўзбекистон собиқ СССР республикалари орасида биринчи бўлиб дастлаб иқтисодий барқарорликка, кейин эса ўсиш ва юксалишга эришди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида пайдо бўлган тангликдан ривожланиш суръати билан чиқиб олди. Бундай ютуққа эришишда, шубҳасизки, ўша беш тамойилга изчиллик билан риоя этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

1995 йил Ўзбекистон иқтисодиёти учун бурилиш йили бўлди. Ўшанда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқиришнинг пасайиши кескин секинлашди, 1996 йилнинг бошидан то бугунгача ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ижобий динамикаси давом этмоқда; 1996 йилда унинг ўсиши 1,7, 1997 йилда 5,2 фоиз бўлди. Шундай қилиб мамлакатимиз 2000 йилгача ички маҳсулот ҳажмнинг 1990 йил даражасига эришади деб ҳисоблашга тўла асослар бор. Саноат ишлаб

чиқариши ҳажми бўйича бу даражага мамлакатимиз 1995 йилда тўла эришган эди.

Шуниси қувонарлики, бизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари аҳоли сони ўсиш суръатларидан устун бўлишига эришилди. Бу ўта муҳим сифат кўрсаткичи бўлиб, иқтисодиётимизда 1980 йилдан кейин қузатилмаган эди. Натижада ялпи ички маҳсулот миқдорини аҳоли жон бошига 3,2 фоизга оширишга муваффақ бўлинди. Бу эса, мамлакат иқтисодий қудрати ва аҳоли ҳаёт даражасини белилайдиган муҳим мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

1998 йилдан бошлаб ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётда банд бўлганлар соннинг кўпайиши, инфляциянинг паст даражаси, ялпи ички маҳсулот ҳажмидан жамғариш ва инвестициянинг юқори улуши ва бошқа сифат кўрсаткичлари билан бирга кечмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш даври Ўзбекистонда силиқ, қил суғургандек кечади, десак хато бўлар эди, албатта. Бу жараённинг мураккаблиги шундан иборат бўлдики, бозор таъсиридан иложи борича ҳоли бўлган мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш ва бозор муносабатларига ўтиш ҳам, макроиқтисодий барқарорлаштириш ва бозор қайта қуришлари ҳам бир вақтнинг ўзига тўғри келди. Натижада, макроиқтисодий барқарорлаштириш билан боғлиқ тадбирлар тизим бозор ўзгаришларига ижобий таъсир этибгина қолмай, шу билан бирга баъзи бир ҳолатларда бу жараён суръатини пасайтирди. Пул массасининг чекланган, айниқса, нақд пулнинг, хом ашё бозори ҳали етарлича мувозанатлашмаган бир шароитда кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш имкониятларини торайтириб қўйди. Тижорат банклари кредит имкониятлари чеклангани эса, корхоналарга айланма маблағларни тўлдириш учун қисқа муддатли қарз бериш имкониятини камайтирди. Пул массасининг етарли бўлмагани халқ хўжалигида корхоналар тўлов қобилиятининг пасайиб кетишига ҳам сабаб бўлди. Бу жараёнлар бозорга

ўтиш ва микроиқтисодий барқарорлаштириш жараёнларига биров салбий таъсир кўрсатади, аммо уларни тўхтатиб қола олмади. Бозор муносабатларига ўтишнинг иккинчи босқичида ҳар икки йўналишда ҳам кескин ижобий силжишлар юз берди.

Юқорида баён қилинган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ушбу беш тамойил юртимизда барқарорликни мустаҳкамлабгина қолмасдан, иқтисодий юксалишимиз йўлида муҳим омил ҳам бўлди, ўзбекона тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятларини ҳам белгилади.

2. Бозор муносабатларининг қарор топиши ва мулкдорлар синфининг шаклланиши давлат мулкни хусусийлаштириш, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, эркин соҳибкорлик ва рақобатни ривожлантириш каби муаммоларга боғлиқ. Бу муаммоларни ҳал этмасдан туриб бозор иқтисодиётига ўтишни таъминлаш мумкин эмас. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида хусусийлаштиришни амалга ошириш рақобат ва тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий негизлари яратилди. Бу ўринда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида» (13.10.1990), «Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисида» (15.02.1991), «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» (19.11.1991), «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида» (21.12.1995), «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» (27.12.1996), «Акциядорлик жамиятлар ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (25.04.1996) каби бошқа ўнлаб қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, ҳукумат қарорлари ҳамда фармойишларини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя.

Амалга оширилган тадбирларнинг натижаси ўларок мамлакатимизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш

жараёни анча чуқурлашиб бормоқда. Мулкчиликнинг турли шакллари пайдо бўлиб, кўп укладли иқтисодиёт асослари яратилмоқда, нодавлат сектори ривожланиб, иқтисодиётнинг барча асосий тармоқларида унинг ҳиссаси ортиб бормоқда.

Нодавлат секторида 1998 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 64,5 фоизи, саноат маҳсулотининг 64,1 ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг 98,7, қурилиш-монтаж ишларининг 77,1, чакана товар оборотининг 95,3 аҳолига кўрсатилган пуллик хизматнинг 51,6 фоизи яратилди. Мулкчиликнинг нодавлат секторига оид корхоналарда меҳнат қилаётганларнинг умумий ҳиссаси 74,2 фоизни ташкил этмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш шунинг учун ҳам зарурки, у инсонларнинг меҳнат ва ижодий имкониятларини, қобилиятларини рўёбга чиқаришга, боқимандалик кайфиятига барҳам беришга, эгалик ҳиссини тиклаш ва ривожлантиришга олиб келади. Инсоният бозор муносабатларидан такомиллашганроқ бошқа механизмни ҳали яратган эмас. Социализм инсонларда жойлашган чексиз имкониятларни очишга қодир эмас эди. Ишлаб чиқаришда, тақсимотда текисчилик ҳукм сурган жойда тараққиётга эришиб бўлмайди. Тўғри, экстенсив омиллар, халқни қулларча эзиб ишлатиш, уларга кам ҳақ тўлаш ҳисобига маълум натижаларга эришиш мумкин. Аммо у қисқа муддатли, вақтинчалик самара беради, ҳолос.

Мамлакатда чиникам ўрта мулкдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислохотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари ҳал бўлади, – деб ёзади мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида (196-бет).

Иқтисодий жиҳатдан собитқадам ва барқарор жамиятни шакллантириш, энг аввало тадбиркорлик ва мулкдорлар синфи давлат ва жамоат қурилишида, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб туриш ва

мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди. Айни ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг таянчидир.

Агар мулк шакллари хилма-хиллиги ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорларидан иборат кучли қатламнинг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси эканлигини билдиради. Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликини ташкил этиши ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг кафолати ҳисобланади, — деб ёзади Президентимиз.

Шу сабабли иқтисодий ўзгаришлар жараёнини мамлакатда ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани ҳал қилиш билан боғлиқ. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари учун, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди. Чинакам мулкдорлар синфи ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш ҳисобига, ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорини яратиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш йўли билан шакллантирилади.

Бизнинг мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифаси қўйилган. Бунда устуворлик хусусий мулкка, кичик ва ўрта бизнесга берилмоқда.

Ўлкамизнинг ўзига хослиги, ишчи кучининг ҳаддан ташқари кўплиги, ривожланган қишлоқ хўжалик ва хом ашё базаси, аҳолининг анъаналари, руҳияти кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни фаол ривожлантиришни объектив зарурат қилиб кўяди. Бу ўринда 1999 йилнинг бошида мамлакатимизда 99,8 мингга кичик ва

ўрта бизнес корхоналарининг фаолият кўрсатилганлигини қайд этишнинг ўзи кифоя. Шундан 85,7 мингги кичик ва 14,1 мингги ўрта бизнесга тегишлидир. Ўрта ва кичик бизнес айниқса Тошкент, Самарканд шаҳарларида, Тошкент, Самарканд, Андижон ва Фарғона вилоятларида ривожланган.

Кичик бизнес – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни муътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу – республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишдир. Бу янги иш ўринларидир. Фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантиришигина ғоят кескин муаммони – аҳолининг (айниқса, ортиқча меҳнат захиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойлар ва минтақаларда) иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишга қодир.

Халқнинг тарихий илдизларидан, руҳиятидан фойдаланган ҳолда ички бозорни зарур истеъмол товарлари билан бойитибгина қолмай, шу билан бирга ташқи бозорларда ҳам рақобатга бардошли маҳсулот чиқаришга қодир кичик корхоналарнинг кенг тармоғини вужудга келтириш мумкин.

Яқин келажакда кичик ва ўрта бизнес республиканинг ишлаб чиқариш тузилмасида ва экспорт тузилмасида иқтисодиётнинг ҳаракатчан, осон ўзгартириладиган соҳаси сифатида етакчи ўринни эгаллайди.

Биз учун аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсатни рўёбга чиқаришда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари самарадорлиги ва маҳсулдорлигини янада ошириш, уларга давлат ёрдамини кўрсатиш муҳимдир.

Бунда кичик ва ўрта корхоналар ибтидоий, эскирган асосда эмас, балки сифатли ва замонавий техника негизида барпо этилиши кераклиги

барчага маълум. Бунинг учун уларни ривожлантиришнинг янги манбалари ҳам чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ҳисобига, ҳам кичик манбалар, банк кредитлар ҳисобига доимо ривожлантирилиб бориши даркор.

Ўзбекистонда ислохот йилларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва институционал тузилмалар вужудга келтирилди. Булар – товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, «Мадад» суғурта агентлигидир. Шунингдек, консалтинг, инжиниринг ҳамда лизинг фирма ва компаниялар, бизнес-инкубаторлар тармоғи мавжуд.

Энг асосийси, кичик ва ўрта корхоналар ҳозирнинг ўзидаёқ катта иқтисодий кучга айланди. Муҳими – кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ташкил этилмоқда. Қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳам унинг кенг кириб бораётганлиги диққатга сазовордир. 20 мингдан ортиқ деҳқон (фермер) хўжалиги ташкил этилганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя.

Бозор тузилмаси ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳақиқий ўрта мулкдорлар қатламининг асосий қисми аҳолининг пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига, одамлар учун фойдали турли банк депозитларига ва омонатларга жалб этиш воситасида шаклланаётганлигидан далолат беради. Бинобарин, қимматли қоғозлар бозорининг аҳволига қараб бозор муносабатларининг қарор топиш жараёни қай даражада жўшқин бораётганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин, — деб ёзади Президентимиз Ислон Каримов.

Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳисобига аҳолининг бўш турган маблағлари айланишга жалб этилади. Бу айтиш чоғда иқтисодиётни ҳал қилишга барқарорлаштириш соҳасидаги муҳим вазифани ҳал қилишга пул муомаласини, миллий валютани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Энг асосийси – акциялаштириш, фонд бозорида қатнашиш орқали аҳолида қимматли қоғозларнинг эгаси бўлишига қизиқиш, улар билан муомала қилиш кўникмалари ва маданияти пайдо бўлади.

Муҳими, улар шунчаки акцияларнинг эгаси бўлганлик учунгина эмас, балки мол-мулк бир қисмининг реал мулкдорлари ҳисобланганликлари ҳамда мулкдорлар сифатида корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганликлари учун ҳам акциядорлар деб аталиши даркор. Одамлар қимматли қоғозларни сотиб олишга қодир бўлганларидагина мулкдорлар синфи амалда вужудга келади.

Республикада қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларга қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини жадал шакллантирган, бизнинг бозоримиз халқаро фонд ва валюта бозорларига чиққан ҳамда қўшилиб кетган тақдирдагина чинакамига эришиш мумкин.

Мулкдорлар қатламини шакллантиришнинг ижтимоий аҳамияти ҳам беқиёсдир. Маълумки, иқтисодий ўсиш бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим тамойилларидан бири — кучли ижтимоий сиёсат юрғизиш имкониятини берди. Натижада мамлакатимизда оммавий люмпенлашувнинг, кўпчиликнинг пауперизм ботқоғига ботиб кетишининг олди олинди. Бундай ижтимоий қатлам ва гуруҳлар эса, кескин мулкий табақалашув, рақобат, оммавий ишсизлик доимий характерга эга жамиятларда юзага келиши мумкин бўлган ҳодисалардир. Уларнинг сафи мол-мулкидан ажралган турли ижтимоий гуруҳлар ҳисобига тўлиб боради. Ҳатто ўрта асрларда ҳам, ҳар хил хайр-эҳсонлар билан бу жараёнларни юмшатишга уринишлар бўлган.

Нима учун люменлар ва пауперлар ижтимоий хавфли ҳисобланади? Гап шундаки, люмпен-немисча жулдур, пауперизм – лотинча қашшоқ, йўқсил, деган маъноларни англатиб, кенг ҳалқ

оммасининг энг зарур турмуш воситаларидан ажралиб қолганини билдиради. Бундайлар, одатда, дайдилик, тиланчилик, ўғрилиқ, товламачилик, фоҳишабозлик билан кун ўтказади. Улар-сиёсий лоқайд, тутуруксиз. Авантюризм, бошбошдоқликка мойил бўлиб, турли хил тўдалар, тартибсизликларнинг келиб чиқиши учун қулай муҳит.

Тўғри, Шарқда ҳеч қачон асл маънода люмпенлик ва пауперизм бўлмаган. Мадраса, масжид ва вақф ерлари, мулклари, ер-сув жамоалари ҳамиша мулкӣ табақаланиш қирраларини ювиб, уни юмшатиб келган. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари ижтимоӣ соҳани нафақат устувор деб эълон қилди, балки бу йўналишда бир қатор аниқ тадбирларни белгилади. Даромад ва маблағларнинг ижтимоӣ соҳа фойдасига қайта тақсимланишини кўзда тутувчи бир неча фармон ва қарорлар қабул қилинди. 1992 йилнинг 1 январига қадар қўйилган омонатлар ўз эгаларига қайтарила бошланди. Ижтимоӣ-маданий тадбирлар, аҳолини ижтимоӣ муҳофаза этиш чора-тадбирларига давлат бюджети даромадларининг 55 фоизидан ортиқроғи сарфланмоқда. Давлатнинг марказлашган маблағларидан ташқари корхона, муассаса ва ташкилотларнинг даромадлари маҳалла кўмиталари ва фуқаролар йиғинлари кенгашлари иштирокида ночор ва эҳтиёжманд оилалар фойдасига қайта тақсимланаётир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аммо даромадларни қайта тақсимлаш қонимиздан жуда секинлик билан чиқиб кетаётган боқимандалик психологиясини жонлантормаслиги керак. Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш – яхши усул. Мустақилликгача миллий даромаддаги камомадни дотация билан, бюджетдаги камомадни суғурта жамғармаси ҳисобидан қоплашга кўникиб қолган эдик.

Боқимандалик нима? Боқиманда ким? Бир қарашда, анча осон кўринган бу саволга дабдурустдан, жавоб қайтариш қийин. Чунки ушбу

тушунчани баъзан кенг, баъзида эса, аксинча, тор маънода қўллашга ўрганиб қолганмиз.

Боқимандалик, ўзининг луғавий маъносига кура, бировнинг қарамоғида бўлиш, бировга боқимлик, нонхўрлик, қарамликни билдиради. Тайёрга ўрганган, текин еб ётадиган, «ўроқда йўқ, машокда йўқ, хирмонда ҳозир», тайёрга айёрларни одатда боқимандалар тоифасига киритадилар.

Хўш, у қандай ва қаёқдан пайдо бўлади?

Президентимиз бу саволга жуда аниқ жавоб берди: «бу кайфиятни кўтариб юрганлар ҳеч нарса қилишни хоҳламайдиган кишилардир. Уларга жуда ўнғай. Улар умр бўйи эски тизимда яшаган ҳамда ўзини жуда яхши хис қилган. Бу энг аввало, партиявий номенклатура, эски мафкуравий тизим «вояга етказган» иллатдир».

Дарҳақиқат, ҳаддан ташқари марказлашган режа ва катъий тақсимот ҳукмрон бўлган собиқ жамиятда боқимандалик учун иқтисодий ва ижтимоий иқлим мавжуд эди. Чунки унда моддий неъматлар уларни ишлаб чиқариш учун меҳнатга мувофиқ эмас, сунъий равишда тақсимлаш дастаклари орқали текис, яъни «сув олиб келганга ҳам, кўза синдирганган ҳам» баробар бўлинар ва истеъмол этилар эди. 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида бу кайфият кишиларимизнинг онгига чуқур сингиб кетганди. Шунинг учун ундан қутилиш тез ва осон кечмайди. Жамиятни боқимандалик кайфиятидан батамом фориғ этиш эса худди мулкка эгалик кўникмаларини тўла шакллантириш каби кучли ижтимоий-иқтисодий механизмлар орқали амалга оширилади.

3. Молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар мамлакатнинг молия тизимини ташкил қилади. Давлат пул маблағларининг асосий бўғини хизмат қилади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва

умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир. Молия-кредит сиёсати, нархларни, умуман, иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда бозор инфраструктурасини шакллантириш муаммолари Ислом Каримовнинг қатор асарларида ўз ифодасини топган.

Мамлакат Марказий банки пул-кредит тизимини марказлашган тартибда бошқаради ва давлатнинг ягона кредит сиёсатини амалга оширади. У барча банкларнинг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради, жумладан, улар ўртасидаги ҳисоб-китобларни ташкил этади, қимматли қоғозларни чиқаради, пул муомаласини тартибга солади, давлат бюджетининг касса ижросини назорат этади.

Мамлакатнинг пул-кредит сиёсатини олиб бориш юзасидан улкан меъёрий-ҳуқуқий негиз тайёрланди. Республикамизда иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида пул-кредит сиёсатининг асосий мақсади миллий валютанинг харид қувватини ошириш, инфляцияни камайтиришга, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш учун замин тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар орқали иқтисодий тангликни енгиб ўтиш, бозор иқтисодиётининг зарур шарт-шароитларини яратиш, жаҳон молия-кредит тизими билан алоқаларни узвий олиб боришни янада ривожлантиришга қаратилган. Амалга оширилаётган пул-кредит сиёсати натижасида республикада молиявий ва иқтисодий барқарорлик таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июлда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасини муомалага киритиш тўғрисида»ги Фармонида мувофиқ 1994 йил 1 июлдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўм муомалага киритилди. Сўм Ўзбекистон Республикасининг валюта бирлиги ҳисобланади.

Республикада бюджет муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва республиканинг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги бюджет тизими давлат бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, шунингдек, вилоят, туман, шаҳар, бюджетларини ўз ичига оладиган маҳаллий бюджетларнинг мажмуидан иборат. Ўзбекистон Республикаси бюджети Олий Мажлиси томонидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети Жукорги Кенгеси томонидан, қонун тарзида тасдиқланади, маҳаллий бюджетлар халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари қарори билан тасдиқланади. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича бюджет даромадлари қисмининг ижросини назорат қилишни давлат солиқ органлари таъминлайдилар.

Бюджетни бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, ҳокимликлар ўзларига берилган ваколатлар доирасида республика ва тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромадлар ва ҳаражатлар қисмларига ўзгартиришлар киритишлари мумкин. Барча даражадаги бюджетларнинг мувозанатланган бўлиши бюджет-молия сиёсатининг зарур шarti ҳисобланади. Мамлакатда ҳамма даражадаги бюджетларнинг касса ижросини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўз муассасалари ва тижорат банклари орқали амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги қарорига кўра 1995 йилдан республиканинг умумий (тўпланма) бюджетига амалдаги қонунларга мувофиқ ташкил этиладиган бюджетдан ташқари жамғармалар: ижтимоий суғурта жамғармаси, бандликка ёрдам жамғармаси, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши жамғармаси, минерал-хом ашё ресурсларини такрор ишлаб чиқариш

жамғармаси, йўл жамғармаси, Ўзбекистон Давлат жамғармаси, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг махсус жамғармалари ҳам кўшилади.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида суғурта иши муҳим аҳамият касб этди. 1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта тўғрисида» Қонуни қабул қилинди. Суғурта ишини монополиядан чиқариш бўйича фаол ишлар бошланди. 1992 йилдан бошлаб Республикада суғурта компаниялари, фирмалари, акциядорлик жамиятлари, қўшма корхоналари таклиф этадиган суғурта хизмати бозори шаклланди ва ривожланмоқда. Бу бозорда ихтисослашган давлат-акциядорлик компаниялари етакчи мавқени эгаллайди.

Ҳозир суғурта ташкилотлари аҳолига, корхоналар ва ташкилотларга 40 дан ортиқ турдаги суғурта хизмати кўрсатади.

Мамлакатимизда суғуртанинг мажбурий ва ихтиёрий турлари бор. Республикада мажбурий суғурта билан фақат давлат-акциядорлик суғурта ташкилотлари шуғулланади ва улар мажбурий суғуртанинг қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулки; фуқароларнинг мол-мулки; йўловчилар; ҳарбий хизматчилар; солиқ хизмати хизматчилари; учувчилар таркиби; хавфли касблар; фуқаролик масъулияти суғуртаси турларини амалга оширади.

Энг йирик суғурта компаниялари: «Ўзагросуғурта» давлат-акциядорлик суғурта компанияси, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, «Кафолот» давлат-акциядорлик суғурта компанияси 1997 йил ташкил этилган. Булардан ташқари «Банксуғурта», «Биржасавдосуғурта», «Мадад», шунингдек, 80 дан ортиқ нодавлат суғурта компаниялари бор.

1991 йил 15 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий Совети сессияда республика ҳудудидаги банклар фаолиятининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилган Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди ва шу вақтдан

бошлаб мамлакатнинг ҳақиқий, мустақил банк тизими шакллана бошлади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини шакллантириш ва ривожлантириш стратегияси иқтисодиётни хўжалик юритишнинг бозор шароитларига босқичма-босқич ўтказиш дастурига мос келади ва мазкур ислохотларни ўтказиш дастурининг бешта асосий тамойилларига асосланади. Ўтган даврда банк ислохотларининг ривожланишида қуйидаги муҳим ютуқлар қўлга киритилди: миллий банк тизимининг икки босқичли структураси (юқори босқичда - Марказий банк, қуйи босқичда-тижорат банклари) ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди; тижорат банкларининг сони ва улар кўрсатадиган хизмат турлари кўпайди, банклар фаолиятини таъминлайдиган тизим (муассаса)лар яратилди.

1995-1996 йилларда банк қонунчилиги янада такомиллашди. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» 1995 йил 21 декабрдаги Қонун банк тизимининг ҳуқуқий асосларини тўлдирибгина қолмасдан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг алоҳида мақоми, мақсадлари, вазифалари ҳамда ваколатларини ҳам аниқ белгилаб берди. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» 1996 йил 25 апрелдаги Қонуни эса тижорат банклари фаолиятининг барча ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаб берди.

Таркибида 13 вилоят ва Тошкент шаҳри бошқармалари бўлган мамлакат Марказий банки Ўзбекистон Республикасининг бош банки ҳисобланади.

Банк тизимининг қуйи босқичини пайчилик, акциядорлик асосида, шунингдек, чет эл капитали иштирокида ташкил этилган тижорат банклари, уларнинг филиал ва ваколатхоналари, кооператив ва хусусий банклар ташкил этади.

Банк соҳасини монополиядан чиқариш банк ислохотларининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Дастлабки босқичда бу асосан иқтисодиётнинг айрим соҳаларига хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган банкларни тузиш йўли билан амалга оширилди. Ихтисослаштирилган банкларнинг ташкил этилиши бозорга йўналтирилган банк тизимини яратиш йўлидаги зарурий ва табиий босқич бўлди.

«Асака» ихтисослаштирилган давлат-акциядорлик-тижорат банки, «Алоқабанк» акциядорлик-тижорат банки, «Тошкентижтимоий уй-жойбанк» акциядорлик тижорат банки, «Саёҳатинвестбанк» Ўзбекистон акциядорлик-тижорат инвестиция банки ва «Замин» ихтисослаштирилган давлат акциядорлик ипотека банклари ташкил этилди. «Ўздеҳқонсаноатбанк» акциядорлик-тижорат банкига, «Ўзжамғармабанк» «Халқ банки»га айлантирилди. Тижорат банклари ҳалқ хўжалиги турли соҳалари, корхона ва ташкилотларини кредитлаш, молиялаш ва уларга ҳисоб-китоб хизмати кўрсатишни амалга оширади. Бу банклар тўла мустақилдир. Хусусий ресурслари етмай қолганда улар бошқа банклардан ёки Марказий банкдан кредит олишлари мумкин.

Ўзбекистоннинг барча минтақаларида 790дан ортиқ филиалларга эга бўлган 40 акциядорлик-тижорат, шунингдек, хусусий капитал асосида ташкил этилган банклар фаолият кўрсатади.

Республикада хусусий банклар ҳам пайдо бўлди. Уларнинг фаолияти учун ҳуқуқий базани ривожлантиришда Республика Президентининг 1997 йил 24 апрелдаги «Хусусий тижорат бинкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1998 йилда «Умарбанк», «Олимбанк», «Алп Жамол», «Туркистон», «Истиклол», «Ўктамбанк» хусусий банклари ишлади.

Чет эл банклари, уларнинг шўъба банклари ва филиалларини очиш Ўзбекистон молия тизимини ривожлантиришда жуда муҳим йўналиш ҳисобланади. Ҳозир Республикада Ўзбекистон – Голландия «Ўзприватбанк», Ўзбекистон – Туркия «ЎТбанк», Ўзбекистон-Корея «ЎзДЭУбанк» ва бошқа қўшма банклар фаолият кўрсатади. 11 та чет эл банки Тошкентда ўз ваколатхоналарини очган. Булар қаторида Ҳиндистон Давлат банки, Дойче Банк, Берлинер Банк, Мейбанк, Кредит Суисс (Швейцария), «Российский кредит» ва «Сакурабанк ЛТД» (Япония) банклари бор.

Ўзбекистонда миллий молия бозорининг шаклланиши иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш зарурати билан белгиланади. Молиявий маблағларни тармоқлараро йўналтирувчи тижорат банклари ва бошқа молиявий воситаларни ўз ичига олувчи молия институтлари мажмуаси республика молия бозорини ташкил этади. Шу муносабат билан турли суғурта компаниялари, фонд биржалари ва бошқа молиявий воситачилар ташкил этилмоқда, тижорат банкларининг сони кўпаймоқда.

Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтган мамлакатларда мавжуд бўлган банклар билан биргаликда давлат молия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланадиган ихтисослаштирилган бозор инфраструктурасини тузиш иши жадал олиб борилди.

Бундай жараён объектив характерга эга бўлиб, ҳар хил типдаги молия институтлари ўртасида кредит соҳасини тақсимлаш заруратидан келиб чиқади. Шу тариқа ихтисослаштирилган бозор инфратузилмаси – «Бизнесфонд», «Мадад» суғурта компанияси, «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси, хусусий суғурта ва инвестиция компаниялари дунёга келди. Бундай инфратузилмани келгусида янада ривожлантириш мақсадида ҳукумат ва Марказий банк Ўзбекистон банклар уюшмаси ва бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда

банклар фаолиятини, шунингдек, суғурта, тарст ва лизинг компаниялари каби молия муассасалари фаолиятини аниқ чегаралаб қўйиш асосида банкдан ташқари молия институтлари фаолиятининг қонуний асосларини ишлаб чиқишни амалга оширмоқда.

1996 йилнинг 28 мартдан бошлаб Марказий банк ҳукумат агенти сифатида давлат қисқа муддатли облигациялари кўринишидаги давлат қимматбаҳо қоғозларини жойлаштиришга киришди. 1996 йилнинг май ойи охиридан давлат қимматбаҳо қоғозлари 3 марта чиқарилди.

Фонд бозорининг ҳуқуқий базаси шаклланиши, шунингдек, 1995 йилда хусусийлаштиришнинг иккинчи босқичи бошланиши тижорат банкларининг қимматбаҳо қоғозлар операциясига жалб этилиши учун қулай шарт-шароитлар яратди. Қимматбаҳо қоғозлар бозорини шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматбаҳо қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги Қонуни асосий ҳужжат ҳисобланади. Хусусийлаштириш жараёнини фаоллаштириш корхона ва тижорат банклари акцияларининг бирламчи бозори кенг ривожланди, ҳисоб-китоб ва тўлов воситаси сифатида ишлатилган қимматбаҳо қоғозлар бозори вужудга келди.

Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси (ЎзРВБ) пул бозорининг таркибий қисмига айланди. 1992 йил 22 июнида ёпиқ тусдаги акциядорлик жамияти сифатида тузилган. Республика валюта биржаси фаолиятининг асосий вазифаси чет эл валютаси савдосини ташкил қилишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси сўмининг барқарорлашиб бориши натижасида ЎзРВБда 1994 йил 15 апрелдан мунтазам савдо ўтказилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов жамият ҳаётининг барча жабҳаларини, шу жумладан, иқтисодий янада эркинлаштириш (либераллаштириш) масаласига алоҳида тўхталмоқдаки. Бу тасодифий эмас эди, албатта.

Тўғри, бу борада илгари ҳам катта ишлар амалга оширилганди. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўли танлангандан кейин мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш орқали иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнига кенг йўл очилган эди. Аммо, бу масала бугун янада кескинроқ қўйилмоқда, уни ҳал этишнинг асосий йўналишлари аниқроқ белгиланмоқда.

Ишлаб чиқаришни эркинлаштириш иқтисодий адабиётларда хўжалик субъектларининг хусусий ташаббускорлигини кафолатлайдиган иқтисодий тартибни рағбатлантиришдир, деб таърифланади. Йўлбошчимиз бу таърифни янада ойдинлаштириб, давлатнинг бошқарув ролини чегаралаш, иқтисодиётнинг барча соҳаларида хусусий мулк миқёсларини кенгайтириш, мулкдорларнинг мавқеи ва ҳуқуқларини мустаҳкамлаш иқтисодиётни эркинлаштиришни аниқлатади, деб таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам, иқтисодиётни эркинлаштиришни таъминлаш анча чуқур, миқдор ва сифат ўзгаришлари билан боғлиқ, ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, айримлар ўйлаганидек, индивидуал битимлар тузиш ҳуқуқини кенгайтириш, ишлаб чиқариш воситаларидан хусусий мулк сифатида фойдаланишни рағбатлантиришдангина иборат эмас. Бу жараён саноат тараққиёти йўлини тутган давлатларнинг расмий иқтисодий сиёсатига айланган.

Гап шундаки, эркин рақобат ва хусусий мулк, хўжалик субъектларининг эркин ҳаракати ўз-ўзидан барча муаммоларни ҳал эта олмайди. Фақат давлатгина эркин рақобат доирасида шахсий ташаббус эркинлигини кафолатлайдиган ҳуқуқий тартибни таъминлай олиши мумкин. Бозор муносабатлари асосида ривожланаётган мамлакатлар эволюцияси шунини кўрсатадики, давлат фақатгина хўжалик субъектлари ўртасида ҳакамлик билан каноатланмайди. Балки унинг ўзи ҳам соҳибкорлик, тадбиркорлик билан кенг шуғулланиши мумкин.

Ўзбекистонда эса аввал бошданок асосий ҳаракатлантирувчи куч сифатида иқтисодий фаолиятни бошқариш, ислохотларни амалга ошириш кафолати давлатнинг зиммасига юклатилди. Ўтиш даврида давлат иқтисодий барқарорлик ва юксалишнинг бош омилига айланди. Бу шуни билдирадики, иқтисодиётни эркинлаштириш ва давлатнинг иқтисодий роли бир-бирини инкор этадиган тушунчалар эмас. Давлат иқтисодиётнинг умумий мувозанатини назорат қилишга масъул бўлиб, уни таъминлаши, қонунлар чиқариши, уларга риоя қилинишига эришиши ва хўжалик фаолиятининг ўз табиатига кўра норентабел соҳаларини молиялаштириши лозим. Демак, бу ерда асосий муаммо давлат билан хусусий тадбиркорлик ўртасидаги муносабатни тўғри белгилаш, давлатнинг иқтисодий ролини аниқ чегаралаш устидадир. Иқтисодий эркинлик, нисбий тушунча бўлиб, у ўзгариб, кенгайиб, такомиллашиб бераверади. Ҳатто эркин соҳибкорлик асосига қурилган АҚШдек мамлакатда ҳам антимонопол қонунларга ўзгартиришлар, қўшимчалар киритилиб бориши орқали иқтисодиётни либераллаштириш жараёни тўхтовсиз ривожланиб келмоқда.

Иқтисодиётни эркинлаштиришнинг муҳим кўринишларидан бири нархларни либераллаштиришдир. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларни ўтказишнинг муҳим хусусиятларидан бири шу бўлдики, нархларни эркинлаштириш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш дастурининг ажралмас қисми, деб ҳисобланди. Ва бу тадбир қатъий пул-кредит сиёсати орқали амалга оширилди. Акс ҳолда, инфляция сурункали ва юқори тус олиши, ҳатто гиперинфляция (пулнинг бошқариб бўлмайдиган даражадаги кадрсизланиши)га айланиши мумкин эди. Товар ва хизматларнинг алоҳида тор доирасини ва «табиий монополия»ни ҳисобга олмаганда, асосан, нархларнинг эркинлаштирилишига эришилди. «Табиий монополистлар»нинг маҳсулотлари (электр энергияси, газ, транспорт. Коммунал хизмат ва бошқалар)га нарх ва тарифларни

белгилаш инфляция суръатларига мувофиқ баҳолар даражасини қайта қуриш, ишлаб чиқариш рентабеллигини чеклаш йўллари орқали бошқарилди. Ҳозирнинг ўзида ҳам бир қатор товар ва хизматлар давлат томонидан дотациялаштирилмоқда.

Ишлаб чиқариш монополияси тарихан юқори бўлиб келган мамлакатдан нархларнинг бирданига эркинлаштирилиши товар ва хизматларни таклиф қилувчилар томонидан нархларни сунъий ошириб юбориши хавфини туғдириши табиий. Монополизм шароитида истеъмолчида танлаш имконияти умуман бўлмайди. Агар монополизм ҳукмрон бўлган жойда ишлаб чиқарувчининг айтгани айтган бўлса, рақобат бор жойда истеъмолчининг дегани деган. Шунинг учун ҳам антимонопол сиёсатнинг ишлаб чиқилиши ва юргизилиши бозорга ўтишда институционал ислохотларнинг муҳим бўлаги ҳисобланади.

Шундай қилиб, бугун бозор инфраструктураси шакллантирилди деб ҳисоблашга тўла асослар бор. Банк, молия, солиқ тизимлари, фонд ва товар-хом ашё биржалари, суғурта, аудиторлик, лизинг компаниялари, қимматли қоғозлар бозори ва бошқа бозор тузилмаларининг янги кўп-қиррали тармоғи вужудга келтирилди. Биржа маркази фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ҳаммаси бугун амалда иш олиб бормоқда. «Кенг тармоқли бозор инфратузилмаси-фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тузилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, биз иқтисодиётимизни очиқ, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз», – деб таъкидлади мамлакатимиз президенти И.Каримов ўзининг “Ўзбекистон XXI асрга интиломоқда” номли рисоласида.

4. Халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 40 фоизи яқини қишлоқ хўжалигида меҳнат қилмоқда. Мамлакат аҳолисининг қарийиб 65 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида ислохотлар чуқурлашмас экан, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бу масалани ҳал этиш осон кечмайди.

Қишлоқда ислохотларни амалга ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланмоқда. Фармонлар, қарорлар қабул қилиниб, қишлоқ хўжалигини моддий ва молиявий, техникавий жиҳатлардан қўллаб - қувватлаш чоралари кўрилаяпти.

Бу жараёнда «Фермер хўжаликлари тўғрисида», «Дехқон хўжаликлари тўғрисида», «Қишлоқ хўжалиги кооперативлари тўғрисида» қонуний актларнинг қабул қилиниши катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада қишлоқда хўжалик юритувчи субъектлар доираси янада кенгайди.

Нима учун бугунги кунга келиб ислохотлар маркази қишлоқ хўжалигига кўчирилмоқда?

Йўлбошчимиз «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида таъкидлаганларидек: «Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта – катта захиралар мавжуд. Уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар берилиши мумкин. Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни, барқарорлик ва халқ фаравонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қанчалик кенг қамраб олишига, қишлоқда ислохотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлайди».

1990 – йиллари Ўзбекистонда халқ хўжалигини, унинг муҳим бўғини саноатни ривожлантиришда ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаларини такомиллаштиришда алоҳида муҳим босқич ҳисобланади. Бу даврда бир вақтнинг ўзида икки йирик тарихий вазифа илгари сурилди

ва муваффиқиятли ечилмоқда. 1) Улар бозор иқтисодиётига ўтиш. 2) Миллий иқтисодиётни барпо этишдир. Чунончи, Андижонда, Бухорода, Қўқонда, Хоразмда, Навоийда, Тошкентда йирик завод ва фабрикалар ишга туширилди. Улар бугун маҳсулот бера бошлади, миллий иқтисодиётга, мустақилликни иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлашга, ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг кўпайишига хизмат қилмоқда. Бу борада амалга оширилган кенг қўламли ишларнинг аҳамияти фақат шулардагина иборат эмас. Халқ хўжалиги, саноат структураси такомиллашмоқда, мамлакат борган сари индустриал қиёфа касб этмоқда, минглаб кишиларимиз иш билан таъминланди. Мустамлакачилик йилларида қарор топган саноат тараққиётидаги номуносибликларга, зиддиятларга барҳам берилди бошланди. Мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши нотекист, асосан, Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида тўплаган эди. Мустақиллик йилларида қуриб ишга туширилган корхона ҳисобига, саноат ишлаб чиқариш географияси анча кенгайганди.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноатсиз хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги барча халқ хўжалиги мажмуи тармоқлари, энг аввало, саноат билан чамбарчас боғлиқ, у ҳозир саноатдан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари, маъданли ўғитлар ишлаб чиқариш), саноат билан тугалланди (етиштирилган хомашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш). Бу икки тармоқ устидаги алоқа вертикаль интеграция ёки агросаноат интеграцияси жараёни бўлиб, борган сари чуқурлашиб бораверади. Гўшт, сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчи дастурхонига тушишдан олдин саноатга қайта ишловдан ўтади. Бу объектив жараён.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида саноатда қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун мустаҳкам негиз. Умуман приоритет (устунлик) деган

тушунчанинг моҳияти ҳам шундай келиб чиқади. Олдин жадал ривожлантириш учун айрим, энг зарур соҳалар танланарди ва келгусида қолган соҳаларни ривожлантириш учун тамал тоши ролини ўтайди. Уришдан кейинги йилларда Германияда ҳам, Японияда ҳам шундай йўл танланган эди. Худди шунингдек, тармоқ ичида ҳам устун, соҳа ва йўналишлар белгиланиши мумкин. Шунини тан олиш керакки, бошқа соҳаларда бўлганидек, қишлоқ хўжалигидан ҳам бизга оғир мерос қолган эди. Тўғри, 1970 – 1980 йилларда қишлоқ хўжалигига қарз бериш, харид нархларини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурларини молиялаштириш солиқ сиёсати бир неча бор қайта қурилиб, агросаноат мажмуи фойдасига гўё ҳал этилди. Бир неча ўн йиллар давомида қишлоққа нисбатан ўтказиб келинган адолатсизликни, бир оз бўлсада, юмшатмоқчи бўлишди. Аммо бу сиёсат эски ишлаб чиқариш усуллари сақлаб қолишга, йирик колхоз ва совхоз ишлаб чиқариш монополиясини мустаҳкамлашга, саноат учун керакли бўлган техника экинлари етиштиришни ривожлантиришга хизмат қилди, қишлоқда хўжалик юритиш шакллари кенгайтиришни рағбарлантормади.

Ер давлатники, у жамоа ва давлат хўжаликларига фойдаланиш учун бериб қўйилган сабабли ҳам харид нархини белгилаш давлат монополияси бўлиб келди. Мана, нима учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланадиган харид нархлари узлуксиз равишда индустриал ишлаб чиқариш воситаларига белгиланадиган саноат улгуржи нархларидан, ана шу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ишлаб чиқариладиган халқ истеъмолчи молларига белгиланадиган давлат чакана баҳоларидан узлуксиз орқада қолиб кетди. Бу узоқ йиллар давомида шакланиб келган халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини аграр соҳа ҳисобига ривожлантиришдан бошқа нарса эмас эди.

Малумки, бозор иқтисодиётининг учта таянч нуқтаси бор. Улар хусусий мулк, эркин тадбиркорлик (соҳибкорлик) ва рақобатдир.

Бизнингча, кишлок хўжалигида хусусийлаштириш, айникса, ерни сотиш ва сотиб олиш объектига айлантириш масаласи анча мураккаб, бизнинг шароитимида дехқончилик, асосан, суғоришга асосланган, экинга яроқли ер майдонлари кўп жиҳатдан чекланган, катта миқдорда экиладиган техника экинлари, шу жумладан, пахта жамоа бўлиб меҳнат қилишни тақозо этади. Бундан ташқари, мамлакат миқёсида ер кадастрининг ишлаб чиқилиши, ерлар баҳоланиши керак. Бу маълум вақт талаб қилинадиган катта юмушлардир. Ўтиш даври ҳали тўла тугаланмаган, баҳолар турли ички ва ташқи омиллар таъсирида тебраниб турган пайтда бугунги мезонлар эртанги вазиятни тўла ифодалай олмаслиги ҳам мумкин.

Ва ниҳоят, бу ерда қарор топган анъаналарни ҳам назардан соқит қилолмаймиз. Эҳтимол ерни хусусий мулк объектига айлантириш борасида истаганча гапириш, ёиш ва тортишиш мумкиндир. Лекин бизнинг ўлкада ҳамиша дехқон ер эгасимас, ернинг ўзига бириктирилган, Россияда эса крепостной дехқон помещикники бўлиб келган. Биргина шу феноменнинг ўзи ҳам хусусий мулкчилик ерга эгалик қилишнинг ягона шакли бўла олмаслигини кўрсатади.

Дехқончиликда оилавий қудрат шаклини қўллаш, ерга эгалик қилишда, даромадни тақсимлашда эса пайчилик усулидан фойдаланиш, пай орқали мулкка эга бўлиш, даромад олиш, шартнома асосида ишлаш бугун мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг 3 – 5 фоизини ташкил этадиган фермерлар озик овқат маҳсулотлари билан ўз халқини тўла таъминлабгина қолмай, айна пайтда уларни бошқа давлатларга ҳам экспорт қилади. Шундайликка шундай, лекин худди шу Голландияда ёки Америкада фермерларга сервис хизмат кўрсатиш бўйича қанчадан - қанча аҳоли банд эканлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Фермер ўз уйида ёки фермасида туриб, керакли уруғлик, маъданли ўғит ёки техника

хизмати учун, арзон ва ишончли таъминотчи ҳамкорлигига буюртма бериш ва уни ўз вақтида олиши мумкин. У эҳтиёт қисмлар, ёқилғини ҳафталаб кутиб ўтирмайди. Токи дехқон (фермер) ўзининг асосий иши – ҳосил тўплаш ва йиғиш билан шуғулланмас экан, унинг ишида унум, самара ҳам бўлмайди.

Президентимизнинг қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини етарлича ташкил қилиш зарурлигини, дехқонларга давлат ёрдамида аямаслик кераклигини қайта - қайта таъкидлаётганини боиси шунда. Расмий статистика маълумотларига кўра, 1996 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 53,1 фоизни аҳоли шахсий ёрдамчи ҳужжатларида етиштирилади. Ижара корхоналари, ширкатлар ва фермерлар хўжаликларининг ҳам ҳиссаси ортди. Агар уларга ўз вақтида керакли миқдорда ёрдам кўрсатиладиган бўлса, қабул пунктлари ва қайта ишлаш корхоналари қуввати етарли бўлса, улар бундан ҳам кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариши ва истеъмолчи бозорини бойитиши мумкин.

Бугун ислоҳотлар маркази қишлоқ хўжалигига кўчмоқда. Саноатимиз каби қишлоқ хўжалиги ҳам жаҳон андозаларига мос келадиган соҳага айланишига тўлиқ асослар бор. Белгиланаётган режа ва дастурларнинг амалга оширилиши танланган янгиланиши ва ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини яна бир исботлайди.

Президентимиз ижтимоий инфратузилмани, аввало қишлоқ жойларда янада ривожлантириш, аҳолини табиий газ ва ичимлик сув билан таъминлаш юзасидан қабул қилинган Давлат дастурини бажариш лозимлигини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда аграр муносабатларнинг янги типи яратилди. Агар муносабатлар давлатнинг ерга мулкчилик муносабатлар ва ерда хўжалик юритиш усулларини такомиллаштиришга қаратилган чора – тадбирлари мажмуидир.

Ўзбекистонда бозор тизимини яратишга қаратилган янги аграр муносабатлар давлат ва жамоат хўжалик ерининг бир қисми (жами 500 минг) аҳолига томорқа тарзида фойдаланиш учун берилди. Натижада 1998 йилда аҳолининг томорқа хўжалигида ер 640 мингдан ошиб кетди. Янги аграр муносабатларнинг иккинчи йўналиши – бу кишлорни фермерлаштириш, яъни давлат ва жамоа хўжаликлари ўрнига деҳқон ва фермер хўжаликларини ташкил этишдан иборат. Ерга давлат мулки сақланган ҳолда ер хўжалик юритиш меросга ўтиш шарти билан деҳқонларга берилди. 1998 йилда жами 20 мингдан зиёд деҳқон ва фермер хўжалиги ишлади. Аграр муносабатларнинг учинчи йўналиши сақланиб қолган давлат ва жамоа хўжаликларда.

Биринчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида Миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш, инсон ҳуқуқларини химоя қиладиган муассасаларнинг яхлит тизимини барпо этиш.

Инсони мезонлар, ҳукуматга қаршли бўлмаган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш масалалари бўйича Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни кучайтириш лозим. Республика минтақаларида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил самарали фаолият кўрсатиши учун шарт – шароит яратиш, Омбудсман институтининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш зарур.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро шартномаларга қўшилишга доир ишларни давом эттириш керак.

Янги халқаро шартномаларга қўшилибгина қолмай, шу декларациялар бўйича зиммамизга олган халқаро мажбуриятларни бажаришнинг, барча органлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бу декларациялар талабларига сўзсиз риоя қилишнинг механизимини қонуни билан ишлаб чиқиш зарур.

Учинчидан, фуқароларнинг ижроия органларига мурожаатларининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, фуқароларнинг шикоятларини ўз вақтида ва одилона қуриб чиқиш учун, давлат органлари масъулиятини ошириш мақсадида «Давлат органлари томонидан фуқароларнинг шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқиш тартиби тўғрисида» қонун қабул қилиш зарур.

Мазкур тадбирларнинг амалга жорий этилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини сўзда эмас амалда ҳимоя қилиб ҳуқуқий демократик давлат қуришда муҳим восита бўлиб хизмат қилиши шак – шубҳасиздир.

10-Маъзу: ОИЛА ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИНING АСОСИЙ БЎҒИНИ

Режа

1. Демократик жамият шаклланишида оиланинг ўрни.
2. Фуқаролик жамиятида оиланинг ҳуқуқий асослари.
3. Оилада меҳр-мурувват туйғусининг шаклланиши.

1. Дунёда юз берадиган ҳар қандай ўзгаришлар, хоҳ у иқтисодиётда, хоҳ маънавий-сиёсий соҳаларда бўлсин, ўз таъсирини даставвал оила муҳитида намоён этади.

Сўнгги йилларда иқтисодиётда глобаллашув жараёнларнинг фаоллашуви, маънавият ва ахлоқий тарбияда Ғарб маънавиятига хос бўлган индивидуализмнинг кучайиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларига ва айниқса, оила муҳитига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Дарҳақиқат, оила барча ислохотлар, ўзгаришлар, таназзул ва тараққиётларнинг ибтидоси ва интиҳоси ҳисобланади.

Мамлакатимизнинг порлоқ истиқболини таъминлашда бошқа ижтимоий институтлар билан бир қаторда оила омилига ҳам катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз амас. Шундай экан, оила муҳотида мамлакатимизнинг умумий ривожланишига муносиб ҳисса қўша олишга қобил ва тайёр шахсларни шакллантириш учун биринчи галда нималар қилишимиз лозим? Даставвал, ўсиб келаётган ёш авлод онги, шуури, маънавиятида Ватан туйғусини мустаҳкам қарор топтириш иши халқимиз учун тақдирломон вазифа саналади. Негаки, қадим-қадимдан оила — муқаддас Ватан саналган. Зеро, оилага садоқат, ота-онага оқибат, ака-укаларга меҳрлилик Ватан туйғусининг дебочаларидир. Оилага самимий садоқат бўлмаган жойда, фарзандлар олдида ота-она ҳурмати йук. Бундай ҳолатда на қариндошларга, на маҳаллага ва на Ватанга муҳаббат таркиб топади. Шу боисдан ҳам Президентимиз И.А.Каримов «Оилага эътиборимизни тубдан ўзгартириш, оилаларни аввало ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, эъзозлаш, қўллаб-қувватлаш — бутунги кунимиз учун ва эртанги истиқболимиз учун нақадар муҳим ва долзарб эканлигини яхши тушунишимиз ва англашимиз даркор», дея алоҳида қайд этганликлари бежиз эмас.

Оила омилининг мустаҳкамланиши бир томондан, оилага давлат ва жамият эътиборининг кучайишига боғлиқ бўлса, иккинчи жиҳатдан, оиланинг субъектив, яъни ички имкониятларини тўлароқ юзага чиқариш билан боғлиқдир. Оиланинг ички имкониятлари деганда, оила таркиби, оила аъзоларининг ижтимоий мўлжаллари, ўз олдиларига қўяётган мақсадлари, фарзандлар тарбияси, таълим, шахснинг индивидуал тараққиёти, ахлоқий тарбия, меҳр, садоқат, сабр, муҳаббат оилларининг оила муҳотида амал қилиши тушунилади.

Даставвал, оила таркиби ва фаровонлиги масаласига тўхталсак. БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан ўрганилган ҳолатлар натижасига кўра, Ўзбекистон ақолисининг ярмидан кўпроғи, яъни 11 миллиони 18

ёшгача бўлганларни ташкил этиб, ҳар бир оила боқувчиси ўзи билан ўртача 5,2 кишини боқиш масъулиятини зиммасига олиб яшайди. Такқослаш учун мамлакатимизга аҳоли нуфузи бўйича бирмунча яқинроқ бўлган Руминия ёки Польшани мисол қилиб олсак, бу давлатларда ҳар бир боқувчи зиммасига 0,5 болани боқиб, ўстириш тўғри келмоқда. 35 миллионлик Польша аҳолисининг 22 миллиони, Руминиянинг 23 миллион аҳолисидан 16 миллиони моддий ёки номоддий ишлаб чиқариш соҳаларида машғул бўлсалар, Ўзбекистоннинг 25 миллион аҳолисидан 5 миллионга яқини ишлаб чиқариш, бошқарув, тижорат, маориф, тиббиёт сингари соҳаларда фаолият юритмоқдалар. Табиийки, бундай ҳолат вақтинча муайян иқтисодий қийинчиликлар туғдирсада, ҳар ўтган йил моддий ва номоддий ишлаб чиқиришга миллионлаб янги ишчи кучларининг келиб қўшилишига ва пировард натижада мамлакатимизнинг умумий салоҳияти даражасини узлуксиз равишда ошувига олиб келади.

Истиқлол шарофати билан маънавий тикланиш жараёнлари жадал кечаётган мамлакатимизда оила институти ижтимоий ҳаётда тобора мустаҳкамроқ ўрин эгаллаб бормоқда. Бу борада юртбошимиз И.А.Каримов асослаб берган оила омилини мустаҳкамлаш концепцияси эътиборга сазовордир. “Оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигани таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир”¹.

2.Оила мустақил ижтимоий институт бўлиб шаклланганидан буён то истиқлол давримизгача кўп қиррали ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Ҳар бир тарихий даврда оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари хилма-хил мазмун билан бойиб борди. Оиланинг жамиятдаги муҳим ижтимоий

¹ Каримов И.А. Оила фаровонлиги — миллат фаровонлиги. «Маърифат», 1997 йил 10 декабрь

институт сифатидаги ўрин хусусида мутафаккирларимиз кўп ибратли гаплар айтишган.

Хусусан,, бу борадаги чуқур фикр мулоҳазалар Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Абу Райҳон Берунийнинг «Минералогия», «Геодезия», «Ҳиндистон», «Ўтган авлодлар обидалари», Абу Али ибн Синонинг «Ахлоқ», «Ахлоқ фани», «Оила хўжалиги», Алишер Навоийнинг «Ҳайрат-ул аброр» ва «Маҳбуб-ул қулуб» асарларида ўз ифодасини тоиган.

XX аср бошларида юртимизда миллий озодлик курашчилари бўлган жадидлар оила институти орқали жамиятни ислоҳ қилиш учун астойдил курашганлар.

Оиланинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституциясининг 66-бандида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», деб махсус қайд этилади. Шу ўринда қайд этиш жоизки, дунё конституцияларининг бирортасида ҳам бундай мазмундаги ҳуқуқий модда алоҳида ажратиб кўрсатилмаган бўлиб, масаланинг бу тарзда қўйилиши Ўзбекистонда ота-она ва фарзанд муносабатлари умумдавлат даражасидаги фавқулодда муҳим масала эканлигидан далолатдир.

Жадидлар ҳаракатининг йирик назариётчиси профессор А.Фитрат ўзи яшаган давр ҳаёти ҳақида куйиниб халқнинг аҳволи аянчли, юртнинг умумжаҳон жараёнларидан анча орқада қолган, маънавий қашшоқланиш юз борган деб ёзади. Бу тасодифий эмас эди. Негаки, ўтган асрнинг бошида, яъни А.Фитрат яшаган даврда Шарқ оилаларига Ғарб турмуш тарзи сингдирила бошланган эди. У ўзининг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” асарида оила асосини тўғри қуриш, оилада ёш авлодга жисмоний, ақлий ва ахлоқий тарбия бериш орқали мана шу турғунликдан қутилиш, жамиятни ислоҳ қилиш мумкинлигини баён қилган. “Миллат тақдири мана шу миллат вакиллари яшаган оиланинг ҳолатига боғлиқдир...

Қаерда оила муносабати кучли ннтизомга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади”¹, деб ёзади у мазкур асарда.

Фитрат ўз фикрини давом эттириб, «Агар бир мамлакат аҳолиси ахлоқсизлик ва жоҳиллик билан оилавий муносабатларни заифлаштириб юборса ва интизомсизликка йўл қўйса, шунда бу миллатнинг саодати ва ҳаёти шубҳа остида қолади»², деб ёзади.

Муаллиф оилавий ҳаёт ўз қонун ва қоидаларига эга эканлигини, бу қонунларга риоя қилиш орқалигина одамларни жаҳолатдан қутқариш мумкинлигини баён этади.

Оила институтининг барқарорлиги жамиятнинг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Ғарб олимлари тадқиқотларида оиланинг инқирози хусусидаги нуқтаи назарлар кенг баён этилмоқда. Хусусан,, 1859 йилда «Бостон Куатерли Ревью» журнали шундай деб ёзган эди: «Эски маънодаги оила ҳаётимиздан йўқолмоқда ва бу нафақат институтларимизнинг эркин характерини хавф остида қолдиради». Бундай фикрлар кўпгина Ғарб мамлакатлари бўйлаб акс-садо бериб ўтди. 1980 йилда Британияда консерваторлар партияси оила тушунчасини сиёсий жиҳатдан муҳокама қилди. 1986 йилда Англияда бош вазир лавозимида ишлаган Маргарет Тэтчер консерваторлар партияси конференциясида: «Бизнинг сиёсатимиз оиладан, унинг эркинлигидан ва унинг хотиржамлигидан бошланади» деганди. Бошқа томондан, оиланинг танқидчилари оила институтининг тушкунлигини ва ҳатто бора-бора йўқолиб кетишини башорат қиладилар.

Оиланинг йўқолиши тўғрисида ҳали асосланмаган ҳолда шунчалик кўп гапирилдики, бундай умумий мулоҳазаларга танқидий ёндошиш лозим.

Табиийки, оила институти бугунги кунда фундаментал ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Аммо Ғарб дунёсида юз бераётган

¹ Абдурауф Фитрат. Оила. —Т.: Маънавият, 1998, 8-бет.

² Ўша жойда.

ижтимоий ўзгаришларни ўз ҳолича Шарқ оламига, хусусан, Ўзбекистон турмуш тарзига айнан кўчириб талқин этиш тўғри эмасдир.

3. Оила миллат шарафини юқори мартабага кўтарадиган меҳр-мурувват ва маданият ўчоғи ҳам ҳисобланади. Моҳият эътиборига кўра эса, оила икки жинсга мансуб инсонларнинг яъни, эркак ва аёлнинг ўзаро ҳамжиҳатликда яшай бошлаши, муҳаббати, бир-бирларини англаган ҳолда турмуш кечириши ва кўпайиш истагининг, жамиятни тўлдириш, авлодларни мунтазам янгилаб туриш, энг муҳими, «уни ҳам иқтисодий, ҳам маънавий-ахлоқий жиҳатдан мукаммаллаштириш йўлида биргаликда қиладиган ҳаракатнинг ҳосиласидир».

Оиланинг мустаҳкамлиги жамият ва давлат барқарорлиги билан мантиқий уйғун ҳодиса саналади. Халқимизнинг узоқ йиллик, мураккаб тарихий-маданий тажрибаси мобайнида юз берган воқеа-ҳодисалар моҳиятини жамиятнинг илк бўғини бўлган оиладан излаш тенденциясини кўплаб мутафаккирларимиз асарларида учратамиз. Миллатимиз бошига тушган аччиқ қисмат даставвал оила тарбиясидаги камчилик оқибати эканини маърифат аҳллари яхши англашган. Бундан халос бўлишда оила тарбияси ҳал қилувчи аҳамият касб этади, деб умид қилишган. Фитратнинг «Оила ёки оилани бошқариш тартиблари» асарида бу ҳақда ибратли мулоҳазалар илгари сурилади.

“Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ, — деб ёзади у, — тинчлик ва тотувлик эса, шу миллат оилаларининг интизомига таянади. Қаерда оила мустақиллиги кучли интизом ва тарбияга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва муаззам бўлади». Бу муддао амалида, табиийки, оила бошлиғининг ибрати алоҳида ўрин тутди.

Оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, меҳр-мурувват ва оқибат омиллари соғлом муҳитни яратади. Зеро, соғлом тарбия оила аъзолари ўртасида яқдиллик, мақсадлар бирлигини юзага келтиради. Акс ҳолда эса, ичдан емирилиш, маънавий инқироз ҳолатлари юз беради, бу эса ҳар қандай ташқи зиёнлардан кўра талофатлироқдир.

Фитрат оилани миллат манфаатига хизмат қилувчи, шу руҳни тарбияловчи бешик эканлигини алоҳида таъкидлайди. Оиладаги ижтимоий фойдали тарбия эса жамиятни мустаҳкамловчи омил бўлиб, унинг уйғоқлиги, ҳаракатчанлиги, маърифий комиллигига тақалишини таъкидлайди. «Қайси миллатнинг умумий саъй-ҳаракати ва амали кўп бўлса, куч-қудрат ва иззати ҳам шунча салмоқли ва буюк бўлади», — дейди у ва юртдошларини шунга даъват этади. Табиийки, ўша даврда ҳамма ҳам буни англаб етмаган, бу йўлда жонбозлик кўрсатадиган фидоийларга йўл берилмаган, истибдод сиёсати эса миллий яқдилликнинг барча кўринишлари ривожига монелик қилган. Шу боисдан ҳам Фитрат Ватану мамлакатни дилдан севувчи, унинг шаъни шарафини ҳимоя қилувчи фидоий фарзандларни кўплаб тарбиялаб вояга етказиш лозим, деган фикрни асослаб беради.

Фитрат жамият аъзоларининг фидоийлиги ва онглилиги миллий тараққиётга, эл-юрт ободлигига олиб келишига ишонган. Фитрат XX аср бошларида одамларни Туркистонда амал қилган тарқоқлик, хурофот ва ақидаларни, мутелик ва парокандаликни инкор этувчи, жамиятни соғломлаштирувчи кучга эга бўлган оилага янгича бир кўз билан қарашга ундайди. Ота-онанинг бирламчи вазифаси — фарзандини жамиятга нафи тегадиган қилиб ҳаётга тайёрлаш, уни онгли ва хушёр шахс қилиб жамиятга қўшишдан иборат. «Халқнинг ҳаракат қилиши, давлатдманд бўлиши, жаҳонгир бўлиши, заиф бўлиб хўрликка тушиши, фақирлик жомасини кийиб, бахтсизлик юқини тортиб эътибордан қолиши, ўзгаларга тобе, қул ва

асир бўлиши, болалиқдан ўз ота-оналаридан олган тарбияга боғлиқ», — деб билади у.

4. Демократик жамият қуришнинг муҳим тамойилларидаи бири эркин фуқаро шахсини шакллантириш билан боғлиқдир. Эркинлик эса оиладаги ижтимоий тарбия йўналишининг маҳсулидир. Ана шу жараён халқимизнинг турмуш тарзи, демографик ҳолатига ҳам боғлиқдир. Бу борадаги муҳим муаммо — ўзбек оилаларининг кўп фарзандлилигидир. Чунки аҳолининг кўпайиб боришида, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида оиладаги серфарзандлик муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш, оила қуриш ҳолларининг юқорилиги ҳам оила сонининг кўпайишига, бу эса ўз навбатида, туғилишнинг ўсишига боғлиқ. 1960 йилда республика бўйича оила аъзоларининг ўртача сони 4,7 кишини ташкил қилган бўлса, 1992 йилда 5,5, 1994 йилда 5,4 кишини ташкил этди. 2000 йил маълумотарига кўра эса, оила аъзоларининг ўртача сони 5,2 кишидан иборатдир.

Мамлакатимизда 1998 йилнинг “Оила йили” деб эълон қилиниши ва шу муносабат билан оила манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирларнинг амалиётга татбиқ этилиши, республикаимизда оила, оналик ва болалиқни ижтимоий муҳофаза қилиш, демократик кадриятларнинг шаклланишида муҳим ўринга эга бўлмоқда. Мустақиллик йилларида оила масалаларини илмий-амалий ўрганишда миллий ва диний кадриятларимизнинг аҳамиятига катта эътибор берилиши эса бу борадаги катта имкониятларни вужудга келтирмоқда. Бу имконият оила аъзолари маънавиятини юксалтиришга, уларнинг ҳуқуқий ва тиббий онгини шакллантиришга, соғлом турмуш тарзини яратишга хизмат қилмоқда. Айниқса, ёшларимизда оилавий ҳаётга бўлган ҳурмат ошмоқда.

Аёлларнинг ижтимоий ҳаётдаги мақомини оширишга қаратилган барча имконият ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш, уларни турмуш

шароитларини яхшилаш орқали жамиятнинг янгиланишида аёллар иштирокини кучайтириш учун шароит яратиш устувор вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда. Маълумки, мамлакатимизда И.А.Каримов ташаббуси билан 1999 йилни «Аёллар йили» деб эълон қилинган эди. Аёллар йили муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида, бозор иқтисодиётини шакллантириш ҳамда жамиятнинг маънавий-маърифий асосларини мустаҳкамлашда аёлларнинг мақоми, ўрнини мустаҳкамлашга қаратилди.

«Сайлов кампанияси жараёни сиёсий партиялар томонидан кўрсатиладиган номзодларнинг камида 30 фоиз хотин-қизлар бўлиши шартлиги тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган тартиби ижобий аҳамият касб этганлигини намоён қилди. Қонунчилик палатасига номзоди кўйилган хотин-қизлар — жами 159 киши — кучли интилувчанлик ва юксак профессионализмни намойиш этди, сиёсий етуқлик, ақл-заковатда рақибларидан қолишмади. Натижада Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг қарийб 18 фоизини хотин-қизлар ташкил этди, бу эса 1999 йилда Олий Мажлисга бўлган сайловлардагидан икки ярим баравар кўпдир».

Ўзбекистон президенти И.А.Каримов оила омилига, имкониятларига алоҳида тўхталиб «Ватан туйғуси оилавий меҳрдан бошланади» деб таъкидлаган эдилар.

Оилада Ватан тарбияси муҳим аҳамиятга эгадир. Ватанга бўлган меҳр даставвал ота-онага, ака-укаларга, яқин қариндошларга, қўшниларга бўлган муносабатдан бошланади.

Табиийки, мустақилликка эришилгандан сўнгги ўн уч йил янги кадриятларга ўтиш, ўзлаштириш ва бу кадриятлар асосида бошқача яшашдан иборат мураккаб жараёнларни бошдан ўтказиш даври бўлди. Биргина мадҳия мисолини олайлик. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришига кўра, гимнлар Ватан йўлида якка-ёлғиз жонини тикиб, қурбон

бўлган фидойи қаҳрамонлар руҳига алқов, бағишлов, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, тантанали марсиядир. Табиийки, марсия айтиладиган пайтда мархумлар руҳининг ҳурмати учун одамлар ўз ўринларидан туриб, жўр бўлиб марсияни ижро этишган.

Америка оилаларидаги эркин фуқаро шахсини шакллантиришда демократик кадриятларнинг қарор топишини қўйидаги мисолда ҳам кўриш мумкин. Маълумки, Америка оилаларида гимн ижро этилган пайтда ҳамма ўрндан туриб, қўлини кўксига қўйиб, бирга ихлос билал жўр бўлишади. Энди шу ҳолатнинг кўринишини Ўзбекистонда бир тасаввур қилайлик. Эрталабки нонушта ёки кечки овқат пайтида телевизорда мадҳия ижро этилиб қолса, бирор киши ҳам ўрндан туришни ҳаёлига келтирмайди. Агар масалага шундай ёндашаверсак, бефарқлик намойиш этадиган бўлсак, гимн кадриятини мустақиллик рамзи сифатида қалбимизга жо этишимиз қийин. Шу боисдан ҳам Америка оилаларидаги каби мазкур кадриятларнинг шаклланиш ўчоқларини оилаларга кўчиришса, Ватан туйғусини самаралироқ шакллантириш имкониятлари кенгайди.

Узоқ йиллар мобайнида амалга оширилган кузатишлар, халқимиз тарихининг синчковлик билан қилинган таҳлили шундан гувоҳлик берадики, оилада ота-онанинг фарзандлар билан қанча кўп вақт бирга бўлиши, ўзаро мулоқотлар, меҳр туйғусини мустаҳкамланишига олиб келади. Меҳр тарбияси ўзбек оиларида турли даражада эканлиги ўтказилган социологик тадқиқотлар ҳамда кузатувлардан равшан кўринади. Шу нарса эътиборга лойиқки, республикамизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи зиёлиларнинг ўқитувчилар, шифокорлар, инженерлар, бошқарув тузилмалари вакиллари, олий маълумотли тижоратчилар) ўз фарзандлари билан бир кундаги мулоқотлари ҳажми ўртача 10-15 минут атрофидаги кўрсаткични ифодалаётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Маълумки, ҳаётга эндигина кириб келаётган ўсмирда атроф-муҳит, одамларда юз бераётган ўзгаришлар борасида ҳар кунда ўнлаб саволлар, жумбоқли ҳолатлар юзага

келади. Ўсмир бундай саволларни вақт етмаганлиги сабабли ота-онага бера олмаганлиги ва малакали жавобга эга бўлмаганлигидан жумбоқларнинг ечимини тасодифий шахслардан, аксарият ҳолларда ўз тенгдошларидан излашга мажбур бўладилар. Начижада кичик ёшдаги болалар, ўсмирлар ҳар томонлама тўғри, жамият ва шахс учун ижтимоий фойдали бўлган малакали жавобларга эга бўлмайдилар. Бунинг оқибатида эса ёшлар тарбияси муайян издан чиқиб умумий ахлоқ, миллий анъаналар руҳига зид бўлган ҳолатлар юзага келади.

Тарбия тизимида оила таркиби, туғилажак фарзандларнинг ёш фарқлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Кўп йиллик кузатишлар, вояга етмаган ёшлар томонидан қилинган жиноий хатти-ҳаракатлар, тартиббузарлик ҳолатларининг асл сабабларини ўрганиш шундан гувоҳлик берадики, оила муҳитида тинчлик, тотувлик, ўзаро меҳрга чанқоқ бўлганлик, ота-оналарнинг ўзаро адовати, ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик туфайли аксарият ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолишлари маълум бўлди. Ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик даставвал ота-оналарнинг ўз фарзандларига эътибор бермасликлари, бу ишга жуда кам вақт ажратишлари билан изоҳланса, иккинчи томондан эса, фарзандлар туғилишида бири ва иккинчиси ўртасидаги ёш фарқи масаласига халқимизда умуман аҳамият берилмаслиги ҳам жиддий масаладир. Руҳиятшунослик илми нуқтаи назаридан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, агар бола 1 ёшдан 3 ёшгача бўлган вақтда иккинчи фарзанд туғилса, болалар ўртасида она ва отага эгалик қилиш, суюкли бўлиш, эркалик қилиш борасида — бир қарашда кичик факт туюлса-да, аммо бу фактнинг онг ортида мужассамлашувига кўра жиддий ҳодиса — ўзаро рақобат ҳолати таркиб топади. Агар туғиладиган болалар ўртасидаги фарқ 4-5 ёш бўлса, катта фарзанд томонидан ўз укасини ҳимоя қилиш руҳи шаклланиб ота-онасидан укасини қизғанмаслик ҳолати таркиб топади. Бу билан эса, ака-укалар ўртасида жуда нозик бўлган меҳрнинг биологик

омиллар орқали раҳна топишининг олди олинади. Халқимизда унчалик эътибор берилмайдиган, аммо меҳр туйғусига раҳна солувчи яна бир жиҳат, бу ака-укалар ўртасидаги ўзаро жанжаллар ҳодисаси.

Ака ва ука ўртасидаги баҳслар фақат сўз талашиш, қарашлар юзасидан тортишув тарзидаги жанжал билан чекланса, меҳр-туйғуси жиддий зарар кўрмайди. Мабодо, бу баҳс муштлашувгача етгудек бўлса, кичикларнинг катталарга бўлган укалик меҳри илдизига жиддий зарба берилади. Шу нарса эътиборга лойиқки, мушт урган томон меҳрини сақлаши мумкин бўлса-да, калтакланган томон ўз акасига нисбатан меҳр туйғусини теран ҳис эта олмай қолади. Яқин қариндошлар, эр ва хотин ўртасидаги муносабатларда зўравонлик қилиш, уриш ҳодисасининг нечоғли зарарли эканлиги боис, муқаддас китобимиз бўлган Қуръони Каримда ҳам зўравонлик қилмаслик, инсонни ўз яқинларига ва айниқса, хотинларга зинҳор-базинҳор кўл кўтармаслик зарурлиги тўғрисида алоҳида қайд этилади (Қуръони Карим, Ғошия сураси, 22-оят).

Халқимиз тарихидан улуғ ва қудратли салтанатларнинг, асосан, ички омилларга кўра, оилавий тарбия муаммолари, оталар ва болалар, акалар ва укалар, опалар ва ака-укалар ўртасидаги меҳрсизлик, ўзаро нифоқлар, яқдиллик руҳининг сустлиги сабабли завоқ топганлигини биламиз. Таассуфки, айти шу сабабларга кўра Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Темурийлар ва бошқа давлатлар инқирозга юз тутган эди.

Оила барқарорлиги ва Ватан салоҳиятини оширишда она омилнинг роли беқиёсдир. Дарҳақиқат, она муқаддас ва чексиз эъзоз-эҳтиромга муносиб зотдир Халқимиз онага бўлган чексиз ҳурмати, самимий муҳаббати борасида кўпгина халқларга намуна бўларли анъана ва одатлар, маросимлар тизимига эга. Муштипар оналаримиз фарзандни ҳаётга келтирганидан сўнг, то ўз вафотига қадар фақат жигарбанди тақдирини ўйлаб, унга омонлик, тинчлик, ризқ-рўз, барака тилаб яшаб ўтади. Оналарнинг фарзандларига яхшилик истаб, Яратгандан паноҳ сўраши, ўзи

емай боласига едириб, ўзи киймай боласига кийдириб, ўзи кўрмай ўтсада, боласи кўришига орзумандлиги ачинарли ҳақиқат.

Аммо бугунги шиддаткор замон учун фарзандларнинг фақат миқдоран кўп бўлиши, уларнинг соғ-омон юришини таъминлашнинг ўзигина етарли бўлмай қолди. Замонага хос ва мос юксак маърифатли, бунёдкор, тиниб-тинчимас авлодни тайёрлаш зарур. Бу эса давлат ва жамият зиммасига, энг аввало оилага, она омилига кўп наарсаларни боғлиқ қилиб қўймоқда. Онанинг мақсадлари, турмуш тарзи ҳаёт мантиғи мазмунида давр руҳига мос бўлган тамойиллар яъни, фарзандларга таълим, тарбия беришни тубдан яхшилаш, уларга ёндашув услубларини ўзгартириш зарурлигини кун тартибига қўймоқда. Бу борада бугунги ҳолат манзараси ўзбек оилаларида турли даража ва кўринишларда бўлиб, уларни қуйидагича тавсифлаш мақсадга мувофиқдир.

1. Фарзандларининг аниқ мақсадларини кўзлаб турли воситалар кўмагида ҳаётга фаол тайёрловчилар тоифаси. Бу тоифага мансуб оилаларда она барча ўзгаришларнинг уйғунлаштирувчи ва йўналтирувчиси сифатида намоён бўлади. Фарзандлар ўз вақтида, аниқ белгиланган режа ва тартиб асосида мактабда ўқийдилар ёки университетларда танлаган ихтисосликларини пухта ўзлаштириш билан банд бўладилар. Режавий таълим қўшимча билим олишлар усули (репетиция, тўгараклар, уюшмалар) билан мунтазам равишда уйғунлаштирилади. Таълим олиш ҳолати ва мутахассисликни эгаллаш муаммолари оила муҳитида муҳокама этиб борилади, уйда дарс тайёрлаш қатъий тарзда мунтазам амалга оширилади. Урф-одат ва анъаналарга меъёр доирасида рационал амал қилинади.

2. Оила муҳитида тарбия, одоб-ахлоқ масалаларига таълим ишларидан кўра устунроқ аҳамият берувчилар тоифаси. Бундай тоифа вакиллари оилавий муҳитда тинчлик, осойишталик, ўзаро ҳурмат сақланиши, маҳалла-юртда мавқе-эътиборда бўлиш, анъана ва

урф-одатларга катъий амал қилиш, уйдаги гап кўчага чиқмаслигига жиддий аҳамият қаратиб яшайдилар. Бундай оилалар фарзандларининг эртанги куни, уларни фаол ва бунёдкор шахс сифатида ҳаётга тайёрлашнинг аниқ режаларига эга бўлмасалар-да, ўз болаларини жамиятга безарар ўсишидан огоҳ бўлиб яшайдилар.

3. Оилада ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларда масофа мавжуд бўлган тоифа. Мазкур тоифага мансуб оилаларда ота ва она фарзандлари тарбияси ва таълим олиш савияси учун мактаблар масъул деб ҳисоблайдилар. Мактаблар ва бошқа таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилмайдилар, ота-оналар мажлисларига келмайдилар. Фарзандларининг ахлоқий ва маърифий ҳолатларини назорат қилмайдилар. Бундай оилаларда ҳар ким, асосан, ўзи учун яшайди.

Республикамиздаги ҳуқуқ тартибот идоралари маълумотларига кўра, вояга етмаган ёшлар ўртасидаги тартиббузарлик, жиноятчилик кўчасига кириб қолиш ҳолатларининг ўндан тўққиз қисми айна шундай тоифадаги оилалар муҳитида юзага чиқмоқда.

Мазкур таснифга кўра, биринчи тоифага мансуб оилалар миқдорининг бугунги кун талаблари даражасида фаол ортиб боришини таъминлаш ўта муҳимдир.

Оила муҳитида ота ва оналарнинг фарзандлар тақдири учун фавқулодда масъуллиги масаласи ривожланган барча мамлакатларда доимий равишда кун тартибида туради. Хусусан,, Японияда ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўзаро таниш аёлларнинг бир-бирлари билан учрашиб, ўтказадиган суҳбат, мулоқотлари мажмуида ўттиз фоизгача вақт ўз фарзандларининг ўқиш ва ишларидаги аҳволи йигирма фоиз вақт шахсий такомиллашув, яъни ўзлаштирган янги касб-корлари, ўқиган китоблари, кўрган фильмлари ҳақида ва фақат йигирма фоизгача вақт таниш-билишларнинг маиший ҳолати, кайфиятлари, соғлиғи, турмуш ўртоғининг муаммоларм масалалари банд этар экан.

Таққослаш учун Ўзбекистон аёллари ўртасида Тошкент давлат Маданият институти «Социология» кафедраси олимлари томонидан ўтказилган тадқиқотда эса зиёли аёллар орасида 10 фоиз, тижоратчилар ўртасида 5-7 фоиз, кишлок аёллари орасида 3-5 фоизгина вақт фарзандларнинг таълим борасидаги ўзлаштиришлари ахволига ажратилар акан. Айни чоғда, аёлларимиз суҳбатлари мажмуида 40 — 50 фоизгача вақт маиший ҳаёт ташвишлари, кўшнилар муаммолари, дугона ва таниш-билишлар тақдири сингари масалалар таҳлилига бағишланиши аниқланди. Бир қарашда ижтимоий жиҳатдан унча аҳамиятли туюлмайдиган мазкур киёсий таҳлил оналарнинг ўз фарзандлари тарбияси, уларни катта ҳаётга мақсадли тайёрлаб бориш ишларидаги ўрнини, пировард натижада эса мамлакатнинг умумий тараққиёти ҳолатига бўлган бевосита ҳамда билвосита таъсирини белгилаб беради.

Истиклол шарофати билан мамлакатимизда оила институтига катта ижтимоий аҳамият бериб келинмоқда. Унинг исботи сифатида мамлакатимизда анъанага айланган ҳар бир йилга асосий диққат-эътибор қаратилаётганлиги катта аҳамиятга эга бўлган. Шунингдек, «Оила йили»нинг эълон қилиниши мазкур масалага бевосита ва «Соғлом авлод», «Оналар ва болалар», «Обод маҳалла» йиллари мобайнида эса билвосита тарзда доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Айниқса, 2004 йилнинг «Меҳр-мурувват»йили деб эълон қилиниши оиланинг жамият тараққиётидаги ўрнининг ортиб бораётганлигининг яна бир исботидир.

11-Мавзу: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ШАКЛЛАНИШИДА МАҲАЛЛА ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

Режа

1. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари.
2. Демократик жамият шаклланишида маҳалла институти.

3. Адолатли сайловлар — демократик жамият тараққиётининг мезони.

Ривожланган демократик мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб давлат бошқарувининг номарказлашуви натижасида ўзини-ўзи бошқариш органлари жамиятнинг асосий институтларидан бирига айланди. Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш (Ғарбда «муниципал» дейилади) деганда, у ёки бу маъмурӣ-худудий бирликлардаги аҳоли ваколатларини ифодаловчи, шунингдек, сайланган органлар ва уларнинг маъмуриятлари томонидан амалга ошириладиган, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқариш тушунилади.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш назарияси дастлаб XVIII асрнинг иккинчи ярмида Ғарбий Европада пайдо бўлган. Унинг табиати ва жамиятдаги ўрни маҳаллий ҳокимиятлар ва ўзини-ўзи бошқариш органларининг фуқаролар томонидан сайланиш принципи ғоялари билан боғлиқдир. Янги тарихнинг илк даврида фуқаролар томонидан сайланадиган ўзини-ўзи бошқариш органларнинг мустақиллиги концепцияси, уларнинг қишлоқ жамоалари ва шаҳарлардаги ишларга раҳбарлик қилишида марказий ҳокимиятга нисбатан алоҳидалик ҳамда бошқарувнинг мустақиллигига имконият яратади. Бу органларга давлат бошқаруви соҳасидан ташқаридаги алоҳида бир бўғин сифатида қараш русумга киради.

1985 йил 15 октябрда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган «Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа Хартияси»нинг 3-моддасида бу тушунча қуйидагича ифодаланган: «Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш деганда, маҳаллий ўзини-ўзи органларининг ўз масъуллигида, маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, қонунлар доирасида унинг давлат ишларининг аксарият қисмини бошқариш ва уни

реал уддалай олиш қобилиятига айтилади. Бу ҳуқуқлар эркин, яширин, тенг, тўғридан-тўғри умумий сайловларда сайланган аъзолардан иборат кенгашлар ёки мажлислар томонидан амалга оширилади. Кенгашлар ёки мажлислар ўзларига ҳисоботлар бериб боровчи ижроия органларига эга бўлиши мумкин. Бу қоидалар фуқаролар мажлисларига, референдумларга ёки фуқаролар тўғридан-тўғри иштирок этишининг қонун йўл қўйган бошқа шаклларига мурожаат этишни истисно этмайди».

Ғарб жамиятшунос олимлари маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришга доир тушунчаларнинг назарий жиҳатларини ҳам ишлаб чиққанлар. Унга биноан, «маҳаллий бошқарув» деганда, «давлат бошқарувидан қуйидаги барча даражаларни, «маҳаллий ҳокимият» деганда эса «сайланган кенгаш ва унинг ижроия органлари воситасида ўз сайловчилари манфаатларини ифода этувчи ва ҳаракат қилувчи ташкилотлар» тушунилади. Шунингдек, «маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш» эса «миллий бошқарувдан қуйи даражадаги демократик автоном бирликларнинг маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида жамоатчилик муаммоларини аксарият қисмини мувофиқлаштириши ва бошқариши»дир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ўзини-ўзи бошқариш органларига қуйидаги ҳуқуқий таъриф берилган: «Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини-ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади». Конституциявий асосдан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш тушунчаси қуйидагича таърифланди: «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариши

— фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир». Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақомлари ривожлантирилди ва улар илғор демократик мамлакатлардаги ҳуқуқий мезонлар даражасида ифодалана бошланди.

Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш, машҳур олим Алексис де Токвилнинг талқинича, «шундай бир сиёсий институтки, у нафақат сиёсатчилар учун, балки умуман барча фуқаролар учун бир мактабдир. Бу институтга хос бўлган имкониятлар шу қадар юксакки, у фуқароларнинг кенг сиёсий иштироки учун шарт-шароитлар яратиб беради. Ўзини-ўзи бошқариш органлари сиёсий маданият элементларини шакллантиришнинг ҳам беқиёс омилидир. Охир-оқибатда бу органлар фаолияти сиёсий тизимнинг бир бутун барқарорлиги ва мослашувчанлигини таъминлаб беради. Миллат жамоавий институтларсиз ҳам эркин ҳукумат шакллантириш мумкин. Лекин у эркинликнинг ҳақиқий руҳиятига эга бўла олмайди».

XX асрнинг иккинчи ярмида «умумий фаровонлик давлати» назарияси билан боғлиқ ҳолда муниципал (ўзини-ўзи бошқаришга доир) концепцияси ҳам пайдо бўлди. Муниципалитетлар жамиятнинг барча табақалари манфаатларини таъминловчи ва ҳимояловчи ижтимоий хизмат кўрсатиш воситаси сифатида қаралди. Европа, Шимолий Америка ва Япония каби мамлакатларда муниципал кенгашлар мақоми ҳуқуқий жиҳатдан муниципал ижроия бошқарувидан юқори қўйилган бўлиб, уларнинг ваколатига қуйидагилар киради: маҳаллий бюджетни қабул

қилиш, юқори ташкилотлар томонидан ҳал қилинмаган айрим масалалар бўйича меъёрий қарорлар қабул қилиш, маҳаллий солиқларни жорий этиш, қарзлар олиш ва уларни ишлатиш масалаларини ҳал этиш, муниципалитетга қарашли мулкни тасарруф этиш, шунингдек, кўпчилик давлатларда муниципалитетнинг ижроия раҳбарлик органларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, маҳаллий референдумларни уюштириш. АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муниципалитетлар муҳим ўрин эгаллайди. Чунки бу мамлакатда муниципал бошқарув функцияларини номарказлаштириш принципи кенг қўлланилади. Муниципал мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар, санитария ишлари, сув билан таъминлаш, парклар, ёнғинга қарши хизматларни бошқариш, асосан, муниципал кенгашлар тасарруфидадир. Айрим мамлакатларда (масалан, Германияда) кенгашлар ўз ваколатларини ижроия органларга бериш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидаги кўламининг кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

2.«Маҳалла» арабча сўздан келиб чиқиб, «шаҳар ичидаги шаҳар» маъносини англатади. Тарихчи олим Наршахий «Бухоро тарихи» асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқнинг бошқарув услуби эканлигини ёзган эди. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки маъмурий-худудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг «Ҳайратул аброр» («Яхши кишиларнинг ҳайратланиши») асарида қуйидаги банд учрайди: «Шаҳарлар отини маҳалот этиб, Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб». Маҳалланинг «шаҳар

ичидаги шаҳарча» деган мазмуни юқоридаги ташбеҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик «шаҳарча» — маҳаллалардан ташкил топган экан.

Демак қадим замонларданок ўзини-ўзи бошқариш органларининг илк куртаклари намоён бўлган. Шарқда бу жараён бир неча минг минглик тарихга эга бўлган маҳаллалар кўринишида ривожланган бўлса, Ғарб мамлакатларида кишиларнинг ўз манфаат ва қизишқишларини жамиятдаги муносабатларда ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида ҳар-хил уюшмалар, партиялар, жамиятлар, ҳаракатлар ва бошқа тузилмалар сифатида пайдо бўлишига асос солинди.

Узоқ йиллар маҳалла тарихи ва социологиясини тадқиқ этган америкалик олим Д. Карлайл қуйидагиларни ёзади: «Оила ва дўст-ёронлар маҳалла турмушининг бош асоси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Улар шахсий муносабатларнинг тамал тоши саналади. Улар «сулола» деб аталувчи, кишиларни бирлаштирувчи ва ажратувчи ўта муҳим тармоқ тузилмасини яратди. Яқинлик муносабатларига асосланган ҳамда насл-насаб принциплари билан метинлашган маҳалла ўзбеклар дунёга келадиган, тарбияланадиган ва одатда ўзининг бутун ҳаётини ўтказадиган жой ҳисобланади. Дўстлик барқарор тушунча бўлган маҳаллада мойиллик сингдирилган бўлади. Ҳамма маҳалла теварагида парвона бўлар, шахсий садоқат бутун шаҳар бўйлаб тарқалар, баъзан эса бутун бошли минтақани қамраб олар эди. Бундай анъаналарга шароитида кимнингдир тажрибаси шахсий мулоқатлар доираси тасарруфидан ташқарига тез тарқалиб кетади. Шахс ҳар қандай масофадан туриб сулола аъзоларининг никоҳ тантаналари, маросимларида қатнашиш мумкин. Ранг-баранг оилавий-қариндошчилик алоқаларининг маҳалладан ташқарида ҳам, кундалик

турмушда тоши бор, лекин улар маҳаланики сингари тош боса олмайди».

Собиқ СССР даврида маҳалла институтининг мазмуни ва вазибалари бутунлай издан чиққан эди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг ҳуқуқий мақомини йўқотдилар. Уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партиянинг маҳаллий ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, маҳаллий анъана ва урф-одатлар, одоб-ахлоқ меъёрларини ташвиқот-тарғибот қилиш, оилалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда коммунистик партиянинг «кўз ва қулоғи» бўлиб туриш кабилардан иборат бўлиб келди. Бу даврда қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди.

Мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислохотлар амалга оширилди. Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келибгина, ўзини-ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалла мақомини фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатда шаҳарча, посёлка, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини-ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олдилар. Жумладан, мустақиллик даврида мамлакатда 10 мингга яқин ўзини-ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олдилар.

Мустақиллик йилларида маҳалла тарихий ва ривожланган мамлакатлардаги тушунчада аниқ белгиланган ижтимоий-демографик,

маданий-маънавий ва ҳудудий-маъмурий бирлик сифатидаги мақомга эришди. У ўз ҳудудидаги фуқаролар ўртасида анъаналар ва урф-одатлар, инсоний хўжалик, ҳуқуқий муносабатлар бирлигини ташкил этгани ҳолда фуқароларнинг ўзаро ижтимоий муносабатларини боғлаб туриш воситасига айланди.

Мустақилликнинг илк давридан бошлаб Президент И.А.Каримов маҳаллаларни фуқаролик жамиятининг асоси деб билди ва уларни ҳар томонлама ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириб келмоқда. Президент И.А.Каримов 1995 йилдаёқ шундай фикрни билдирган эди: «Маълумки, асрлар мобайнида маҳаллаларда кўпдан-кўп ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб келади. Тўймаъракалар ҳам, ҳайиту ҳашарлар ҳам маҳалла аҳлисиз ўтмайди. Маҳаллаларда сиёсий, иқтисодий ва бошқа масалаларга доир жамоатчилик фикри шаклланади. Бу эса халқимизнинг турмуш тарзи, ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган тафаккур тарзидир. Бинобарин, ҳаётнинг ўзи маҳаллаларни ривожлантириш ва уларни қўллаб-қувватлашни тақозо этмоқда. Мамлакатимизда кўп қиррали ислохотлар амалга ошаётган бир пайтда маҳалла жамият учун ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши лозим».

Мустақиллик даврида маҳалланинг ташкилӣ, ижтимоий ва ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш борасида чуқур ислохотлар амалга оширилди. Энг аввало, «маҳалла» атамаси тарихда биринчи марта Конституцияга киритилди. Унга аҳолининг ўзини-ўзи бошқарувининг ноёб шакли сифатидаги конституциявий ҳуқуқий мақом берилди. 1992 йилда Ўзбекистон Президентининг Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1998 йилдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш ҳақида»ги, 1999 йилдаги «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг

ўзини-ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисидаги»ги Фармонлари, шунингдек,, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган қатор фармон, қарорлар, қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар эълон қилинганлиги унинг исботидир.

Ҳозирги даврда маҳаллаларни ижтимоий мавқеини ошириш борасида олиб борилаётган ишлар иккита йўналишни назарда тутди. Биринчиси, маънавий вазифа бўлиб, у халқимизнинг минг йиллик тарихидаги ноёб, энг азиз анъаналарини, қадриятларини қайтадан тиклаш ва ривожлантиришдан иборат. Иккинчиси, сиёсий вазифа бўлиб, у Президент И.А.Каримовнинг маҳалла институтини бугунги замон талабларига мувофиқ тарзда тиклаш, шунингдек,, вилоят, шаҳар, туман ҳокимиятлари зиммасига юкланган кўпчилик вазифа ва ҳуқуқларини фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларига, яъни маҳаллаларга бериб, улар мақомини жой-жойига қўйиб, шу тариқа жамиятимиз ҳаётини демократиялашда янги ва жуда муҳим имкониятларга эришишдан иборатдир.

Айниқса, маҳалла фуқаролар йиғинларига Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолигига номзодларни округ танлов комиссияларига тасдиқлаш учун тавсия этиш ҳуқуқи берилган. Шунингдек,, маҳалла фуқаролар йиғинларига халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгаши депутатлигига тўғридан-тўғри номзод кўрсатиш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ташаббус гуруҳлари томонидан кўрсатиладиган номзодларни таклиф этишда иштирок этиш каби ваколатлар ва ҳуқуқларнинг берилиши маҳаллаларни ўзини-ўзи бошқариш органлари

сифатида жамиятимиз сиёсий ҳаётидаги ўрнини янада ошиб бораётганлигини кўрсатади.

Президент И.А.Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессиясидаги маърузасида ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш хусусида қуйидаги фикрни билдиради: «Ҳаётимизни эркинлаштириш йўналишларининг яна бир муҳим йўли — марказни ва юқори давлат бошқарув идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қўйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўткази боришини таъминлашдир». Албатта, давлат томонидан маҳаллаларга катта бошқарув ваколатларини беришда аввало, уларнинг аҳоли фаоллигини оширишдаги ўрнини юксалтириш кўзда тутилди. Чунки маҳалла фуқаролар йиғинларида етарлича ҳуқуқ бўлмаса, улар ўзини-ўзи бошқаришни бажариш қобилиятига эга бўла олмас эдилар. Шунингдек,, маҳаллаларнинг аҳоли ва давлат олдида масъулият сезишлари учун ҳам аввало кенг ҳуқуқларга эга бўлишлари лозим эди.

Ҳозирги даврда жамиятнинг сиёсий соҳасини эркинлаштириш мақсадларидан келиб чиқиб, маҳалла фуқаролар йиғинларига бошқарувнинг турли йўналишларига етакчилик қилиш ваколатлари берилди. Маҳаллалар ўз ҳудудида яшаётган фуқароларнинг турли ижтимоий муаммоларини ҳал қилиб беришда бевосита иштирок этадилар: қариялар, фахрийлар, етимлар, байналмилал-ҳарбийлар, кам таъминланган ва кўп болали оилалар манфаатлари ҳимоя қилинади; маҳалла фаолларининг мазкур фаолиятда иштирок этишига бошчилик қилади; инсонни маънавий юксалиши ва амалий ташаббусларини намоён бўлиши учун шарт-шароит яратади; фуқаролар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Маҳалла фуқаролар йиғини ижтимоий таъминот органлари ва бошқа ҳомий ташкилотлар билан биргаликда ижтимоий ёрдам, кам

таъминланган оилалар ва ёлғиз кишиларга беғараз моддий ёрдам ажратиш ишининг барча ташкилий жиҳатларини ўзи мустақил равишда бажаради. Шу билан бирга, маҳаллалар ўз ҳудудларида экологик муаммоларни ечиш ва аҳоли моддий аҳволини яхшилаш, ҳашар йўли билан кўкаламзорлаштириш, тозалаш ишларига жалб қилиш, маҳаллий аҳоли ўртасида атроф-муҳитни асраш юзасидан тушунтириш ва тарбиявий ишлар олиб боришга ҳам масъулдир. Албатта, бу каби фаолиятлар фуқаролар фаоллигини ошириш воситасида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, кўплаб қонунлар лойиҳалари, Конституцияга киритиладиган қўшимча ва ўзгаришларни ўзида ифодалаган умумхалқ референдумларига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш аввало маҳалла аҳли ва фаоллари томонидан муҳокама қилинмоқда ҳамда қўллаб-қувватланмоқда. Бошқача айтганда, маҳаллалар сиёсий қарорлар қабул қилишда жамоатчилик иштирокини фаоллаштиришнинг муҳим воситаси эканлиги ҳаётнинг ўзи исботлаб берди. Мамлакат сиёсий ҳаётида фуқароларнинг сиёсий қарорлар қабул қилишидаги иштирокини таъминлаб берувчи асосий бўғин, бу — маҳалла фуқаролар йиғинларидир. Шунингдек, фуқароларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини ошириш қобилиятига эга бўлган бирдан-бир бошқарув тизими ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари.

Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси унинг вилоят, шаҳар, туман бўлимлари билан ҳокимликлар ҳамкорлигида ҳар йили «Энг яхши маҳалла», «Энг ибратли оксоқол», «Маҳалла жонқуяри», «Энг тадбиркор маҳалла оксоқоли» шиори остида муттасил кўрик-танловлар ўтказиб келинади. Кўрик-танловлар ғолиблари ҳар йили обрўли комиссиялар томонидан махсус нишонлар, қимматли эсдалик совғалари билан тақдирланадилар. Мазкур тадбирлар маҳаллаларни ободонлаштириш, озода сақлаш, айниқса ёшларни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этди.

Мустақиллик даврида маҳаллалар фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари, «Маҳалла» жамғармаси ва унинг маҳаллий ташкилотлари раҳбарларининг сифат таркиби яхшиланиб борди ва бормоқда.

3. Ҳуқуқий демократик давлатда сайлов қонунлари ва уни ўтказиш муҳим ўринни эгаллайди. Бунинг ёрқин исботини фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказиш ҳам истисно эмас. 2001 йил май-июнь ойларида мамлакатимизда ўзини-ўзи бошқариш органлари — маҳалла, овул, қишлоқ, шаҳарча фуқаролар йиғинларига ўтказилган сайлов бу соҳа раҳбарларининг етук кадрлар ҳисобига сифат жиҳатдан ўзгаришига олиб келди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг 2001 йил 12 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиши тўғрисида»ги қарорида ташкилотчилик қобилиятига ҳамда аҳоли ўртасида юқори обрў-эътибор ва ҳурматга сазовор бўлган, давлат ҳокимияти органлари ваколатларининг бир қисми босқичма-босқич фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига берилиши муносабати билан ушбу органлар олдида турган вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган шахслар орасидан фуқаролар йиғинлари раис ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига номзодлар танлаш мақсади қўйилди.

Сайлов компаниялари давридаги ташкилий ишлар ва амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатимиз бўйича фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига сайловлар ижтимоий-сиёсий ҳамда ташкилий жиҳатдан юксак савияда, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигида амалга ошди. Сайловларда 12 миллионга яқин фуқаролар иштирок этдилар. Бу кўрсаткич мамлакат катта ёшли аҳолисининг қарийб 90 фоизини ташкил этди.

Фуқароларнинг 9627 йиғинида, шу жумладан 1556 шаҳарча, қишлоқ ва овул йиғинларда, қишлоқлардаги 4151 маҳаллалар ва

шаҳарлардаги 2138 маҳаллалар йиғинларида, шунингдек, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатаётган 1782 маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловлар бўлиб ўтди. Фуқаролар йиғинларида сайловлар билан бир вақтда фуқаролар йиғинлари раислари ва оқсоқолларининг олдинги сайловдан сўнги ўтган давр мобайнида қилган ишлари тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди. Фуқаролар йиғинлари фаолиятининг барча йўналишлари бўйича фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг олиб борган ишлари атрафлича ва чуқур таҳлил этилди. Қонунлар, Президент Фармонлари, ҳукумат қарорларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришда маҳаллаларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органларига берган ёрдамларига муҳим эътибор берилди. Ўтган ҳисобот даври (2,5 йиллик) ишидаги камчиликлар сабаблари ҳам очиқ ташланди, уларни келгусида бартараф этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ва режалар қабул қилинди. Ўзини ўзи бошқариш органларига бўлган ҳисобот-сайлов йиғилишларида жами 120 мингдан ортиқ фаоллар сўзга чиқиб, қўйилган масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Сўзга чиққанларнинг аксарияти мамлакатда тинчлик, барқарорлик ва хавфсизликни сақлаб туриш, аҳолининг турли қатламларини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни маъқулладилар.

Маҳалла фуқаролар йиғинларидаги оқсоқоллар сайлови миллионлаб фуқароларни бефарқ қолдирмади. Барча сайловчиларда фаол иштирок этиш, ўз нуқтаи назарни ифода этишга интилишлар очиқ сезилиб турди. Мамлакатдаги ўзини-ўзи бошқариш органларининг 9627 та (қишлоқ, овул, шаҳарча, маҳалла) йиғинлари раислигига жамоатчи ишчи гуруҳлари томонидан тавсия этилган 22 минг нафардан ортиқ номзод орасидан танлаб олиниши сайловларнинг муқобиллик асосида ўтишига ва фуқаролар йиғинлари раислигига муносиб номзодларни сайланишига имкон яратди.

Ўзини-ўзи бошқариш органларига бўлган сайловлар натижаси шуни кўрсатдики, бу сайловлар аҳолининг кенг қатламлари учун ижтимоий-сиёсий фаоллик бағишлади ва ўзига хос демократия мактаби вазифасини ҳам ўтади. Шунингдек,, 2003 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида ўзини-ўзи бошқариш органларига янги сайлов компанияси бўлиб ўтди. Мазкур сайловларда 12 млн.дан ортиқроқ, яъни мамлакатдаги катта ёшли аҳолининг қарийб 97 фоизи (2001 йилда бу кўрсаткич 85% эди) иштирок этди. Сайловларда мамлакатдаги фуқаролар йиғинларининг 8360 та раислари (оқсоқоллари), шунингдек,, уларнинг 80 мингта маслаҳатчилари сайланди.

2003 йил 12-27 ноябрь кунлари республика «Ижтимоий фикр» жамотчилик фикрини ўрганиш маркази мамлакатнинг турли минтақаларидаги 2044 та респондент иштирокида ўтказган сўров тадқиқоти аҳолининг аксарият қисми (69,4%) сайловлар)дан хабардорлиги маълум бўлди. Мазкур сайловлар фуқароларнинг сиёсий маданияти ва ҳуқуқий онги юксалганлигини кўрсатади. Чунончи, 35 та йиғин раислик ва оқсоқоллигига кўрсатилган номзодлар сайланмай қолдилар. 74 та йиғинда раис ва оқсоқолларнинг 2,5 йиллик фаолияти қониқарсиз, деб топилди. Барча сайловлар давомида кўрсатилган 21306 та номзодлардан 8360 таси сайланганлиги, уларнинг муқобиллик асосида ўтганлигини, фуқароларга танлаш имконияти берилганлигини ифодалади.

Янги сайланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) нинг 75,7 фоизи олий маълумотли (2001 йилда 73,2 % эди) номзодлар ичидан сайланди. Уларнинг 49,1 фоизи 50 ёшгача бўлган кишилардан иборат бўлди. Сайланган оқсоқол ёки раисларнинг 8,7 фоизини аёллар ташкил этди. Оқсоқолларнинг тўртдан бири мазкур лавозимга илк бор сайландилар. Мазкур сайловлардаги мажлислар, ундаги муҳокамалар, баҳс ва мунозаралар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вазифаларини

фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиш борасидаги сиёсатни фуқаролар кўллаб-қувватлаётганлигини кўрсатди. Шу билан бирга, сайловлар давлат қурилиши ва жамиятнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда, фуқаролар яшаш жойларидаги муҳим ижтимоий-сиссий масалаларни ҳал этишда, аҳоли фаоллигини оширишда маҳаллаларнинг ўрни ва аҳамияти йилдан-йилга ортиб бораётганлигини, «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастурини ҳаётга татбиқ этиш ўзининг ижобий ва самарали натижасини бераётганлигини намоён этди.

Маҳаллаларнинг демократик жамиятнинг асоси сифатидаги ўрни йилдан-йилга юксалиб, маҳалла аҳлининг ижтимоий фикри тобора демократлашиб бормоқда. Янги аср бошига келиб, ҳар бир оила, маҳаллада яшаётган фуқаро ўз ҳаёти ва тақдирини маҳалласиз тасаввур қила олмайди. Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг 2003 йил январда ўтказган социологик сўровномаларида «Маҳалла оиладаги ички муаммоларни ҳал қила оладими?» деган савол берилган эди. Унда сўралган фуқароларнинг 63,1 фоизи ижобий жавоб бердилар. Шу билан бирга, сўралганларнинг 82,5 фоизи маҳалла йиғинининг кўни-қўшнилари ўртасидаги келишмовчиликни бартараф этишига, 84,4 фоизи эса тўй, маърака, дафн ва бошқа маросимларини ташкил эта олишига ишонади. Кўриниб турибдики, маҳалла фуқароларнинг бирламчи ҳаётий эҳтиёжларининг ифодачисига айланиб бормоқда.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Обод маҳалла йили» дастурини (2003 йил 7 февраль) ҳаётда амалга ошириш натижасида барча маҳаллаларда улкан ишлар амалга оширилди. Маҳаллалардаги кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 41760,5 млн. сўм ҳажмдаги кредитлар ажратилди. Маҳаллаларда 12527 та иш ўринлари яратиш учун мазкур режага

кўмаклашувчи давлат жамғармасидан 11571 млн. сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларида 2765 та оилага 2005,5 млн. сўм ҳажмдаги маблағлар ажратилди. 5528 та маҳалла ҳудудида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш натижасида ҳаммаси бўлиб, 176418 та янги иш ўринлари ташкил этилди. Шунингдек, маҳаллаларда маиший хизмат марказининг 995 та янги шахобчаси барпо этилди. Мамлакат бўйича 383 та янги маҳалла гузарлари қурилиб, унга 20407,6 млн. сўм маблағ сарфланди.

2003 йил 16 августда ўтказилган умумхалқ ҳашарида 27,158 млн. квадрат метр майдонлар ободонлаштирилди. Бу ҳашарда 12,5 млн.га яқин аҳоли иштирок этиб, ундан «Маҳалла» жамғармаси ва унинг маҳаллий бўлимларига 1034,0 млн. сўм пул келиб тушди. Мазкур маблағлар аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга кўмаклашиш, маҳаллаларда спорт турларини ривожлантириш, спорт мажмуалари қуриш ва таъмирлаш, турли кўрик-танловлар ўтказишга сарфланди. «Обод маҳалла йили»да 1720 км узунликдаги газ қувурлари ўтказилиб, 174 та қишлоқ табиий газ билан таъминланди. 1277 км сув қувурлари ўтказилиб, 850 та қишлоққа сув етиб борди. Шунингдек, 1384 та маҳалла, 74748 та аҳоли хонадонига телефонлар ўтказилди.

Мустақиллик даврида ўзини-ўзи бошқариш органларини фуқаролик жамияти институти сифатида ислоҳ этиш ўзининг самарасини берди. Маҳаллалар мамлакатдаги аҳолини ўзини-ўзи бошқариш жараёнларида иштирок этишлари, қарорлар қабул қилишда фуқаролар хоҳиш ва истакларини эътиборга олишга имкониятлар яратиши билан фуқаролик жамияти институтига айланиб бормоқда. Шунингдек, ҳозирги даврга келиб давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни аниқлаш каби ваколатлари ҳам деярли маҳаллаларга берилган.

Шу билан бирга, маҳаллалардаги тинч ва осойишта ҳаётни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларни кўриш, етимлар ва ёлғиз қолган фуқароларга меҳр-мурувват кўрсатиш, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқаришга доир интилишларини қондириш каби серқирра жамоавий бошқарув ҳам маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятининг асосий йўналишини ташкил этмоқда, лекин шу билан бирга ўзини-ўзи бошқариш органларини демократлаштириш жараёнлари ҳали давом этади. Айниқса, аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш, сиёсий қарорлар қабул қилишда маҳаллаларнинг ўрнини юксалтириш, маҳаллаларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан тўла мустақил бўлишини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмлар яратиш, фуқароларни маҳаллалар воситасида қонунлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнларидаги умумхалқ муҳокамаларида фаол иштирок этишларини таъминлаш яқин истиқболдаги ислохотларнинг асосий вазифасидир.

12 - Маъзу: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТНИ БАРПО ЭТИШДА НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ЎРНИ

Режа

1. Нодавлат, нотижорат ташкилотлари тушунчаларининг мазмун ва моҳияти.
2. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функциялари.
3. Нодавлат ва жамоат бирлашмаларининг Ўзбекистонда демократик жамиятни барпо этишдаги аҳамияти.
4. Ўзбекистонда демократик жамиятни қуришда сиёсий партиялар ва кўппартиявийлик.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар дастлаб жамиятни ўзини-ўзи бошқариши ва уни мустақил ижтимоий бирлик сифатида яшашини таъминлаш эҳтиёжлари манфаатлари асосида пайдо бўлди. XX асрнинг ўрталарига келиб эса нодавлат ва нотижорат ташкилотлар демократик жамиятнинг муҳим, асосий институтларидан бирига айланди. Шунга кўра,

нодавлат нотижорат ташкилотлар мазмун ва моҳиятини чуқур англаш, уларнинг демократик фуқаролик жамиятининг муҳим ҳамда асосий институтларидан бири эканлиги тўғрисидаги тушунчаларни ўрганишга эҳтиёж сезилмоқда. Шунингдек, демократик жамият тушунчаси тўғрисидаги тасаввурлар нодавлат нотижорат ташкилотларни чуқур идрок этишга имкониятлар беради.

Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг IX сессияси (2002 йил 29-30 август) мамлакатда фуқаролик жамияти қуришни авж олдиришда муҳим аҳамият касб этди. Сессияда мамлакат Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари»га доир маърузаси билан сўзга чиқди. Ўз нутқи билан Президентимиз адолатли демократик жамият қуришнинг концептуал назарий асосларини янада бойитди. Хусусан,, Президент И.А. Каримовнинг ушбу маърузасида мамлакатда фуқаролик жамият барпо этишнинг асосий йўналишлари ва мақсадларини белгилаб берилди: «Бешинчи устувор йўналиш фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим шарти бўлиб, бу жамият ҳаётида нодавлат ва жамоат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини кескин кучайтиришдан иборат. Ёки бошқача қилиб айтганда, бу — «Кучли давлатдан кучли жамият сари» деган тамойилни амалда ҳаётга жорий этиш демакдир. Ҳаммамизга аёнки, бу йўналиш ижтимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ кўп масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг родини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўткази боришни тақозо этади. Бунинг учун, авваламбор, давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи галда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш лозим».

Мамлакатда XXI аср бошларида «Кучли давлатдан кучли жамият сари» концептуал сиёсий дастурни амалга ошириш мақсадларидан келиб

чиқиб, марказий давлат органларининг айрим ваколатларини маҳаллий давлат ҳокимияти, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва жамоат ташкилотларига босқичма-босқич бериб бориш асосида жамият қурилишини эркинлаштириш жараёнлари бошланди. Бу соҳада қуйидаги йўналишларда ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда:

– биринчидан, жамият аъзоларининг онги, иродаси, маданияти, маънавияти ва билими юксак даражада бўлишига эришиш, уларнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятига алоҳида эътибор бериш;

– иккинчидан, жамият аъзоларининг манфаатлари уйғунлашуви жараёнларини шакллантириш, жамият манфаатларини шахсий манфаатлар билан муштараклигига эришиш;

– учинчидан, жамиятнинг такомиллашуви, янгиланиши учун кучли ва реал сиёсий, иқтисодий, маданий имкониятларни шакллантириш;

– тўртинчидан, жамият аъзолари ва тузилмалари ўртасидаги ҳамкорлик асосида жамиятнинг умумий манфаатларини уйғунлаштириш;

– бешинчидан, жамиятдаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий қоидалар таъсирини кучайтириш, уларга онгли равишда бўйсунтириш амалиётини вужудга келтириш;

– олтинчидан, сиёсий ҳокимиятнинг ўз вазифаларини тўлиқ бажаришига кенгроқ ва қулайроқ имкониятлар яратиш, сиёсий ҳокимиятга нисбатан жамият аъзолари ишончини кучайтириш, унинг аҳоли томонидан кенг ва фаол қўллаб-қувватланишига эришиш каби йўналишларни ўз ичига олади.

Мамлакатда кучли демократик жамият барпо этиш мақсадларида давлат ҳокимияти ваколатларини камайтириш, яъни

давлат ҳокимияти тасарруфида, асосан, конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, ҳуқуқ-тартибот, мудофаа қобилиятини таъминлаш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, мулк эгаларининг ҳуқуқларини, иқтисодий фаолият экинлигини ҳимоя қилиш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби вазифаларни қондириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек,, стратегик аҳамиятга молик масалалар, муҳим иқтисодий ва хўжалик масалалари, пул ва валюта муомала бўйича қарорлар қабул қилиш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий шарт-шароитларини яратиш, экология масалалари, умумреспублика транспорт ва муҳандислик коммуникацияларини ривожлантириш, янги тармоқларни вужудга келтирадиган ишлаб чиқаришни барпо этиш масалалари давлат миқёсида ҳал этилиши, давлатнинг бошқа барча вазифаларни бажаришга доир ваколатлари эса маҳаллий давлат ҳокимияти, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ва жамоат ташкилотларига бериб бориш жараёнлари бошланди. Шунингдек,, давлат органлари фаолиятини назорат қилиш ваколатларини ҳам, асосан, ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат ва жамоат ташкилотларига бериш белгиланди.

Нодавлат ноижорат ташкилотлар тўғрисида тасаввурга эга бўлиш учун аввало манфаатлар ва ижтимоий манфаатлар тушунчасини ўрганиш талаб этилади. Ижтимоий-сиёсий муносабатларда ижтимоий манфаатларни ҳисобга олиш, турли қатламлар ва гуруҳларнинг сиёсий эҳтиёжлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштириш, уларни қондиришнинг аҳамияти демократик фуқаролик жамияти такомиллашиб боргани сайин янада кучайди.

Маълумки манфаатлар — индивидлар ва гуруҳларнинг ижтимоий хатти-ҳаракатларини белгиловчи сабаблардир. Ўз вақтида Томас

Гоббе «Ҳокимиятга интилиш инсон хулқини ҳаракатга келтирувчи кучларнинг душманлиги — шахсий манфаатларнинг мантиқий натижасидир», деб кўрсатган эди. Гегель эса: «Инсон ўз озодлигини ҳаётга татбиқ қилиши лозим, бу унинг бош манфаатини ташкил қилади, унинг фаолияти шундан ташкил топади... Манфаат — мен фақат ҳаракатланувчи, менинг ҳаракатланишимнинг субъектив иродасидир, шунингдек,, манфаатли бўлиш шунга тенгки, мен ҳаракат қилаётганимда мен иштирок этишим лозим», деб кўрсатган эди.

Фуқароларнинг маълум ижтимоий гуруҳга мансублигидан келиб чиқиб нодавлат ва нотижорат ташкилотларга уюшиши натижасида манфаатлар уйғунлашуви рўй беради. Шахснинг қандай ижтимоий гуруҳга аъзолиги унинг манфаатларидан қай бири устувор ва барқарор аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқади, у ўзи учун муҳимроқ бўлган ижтимоий гуруҳга аъзо бўлади. Ана шундай аҳамиятли гуруҳлар таъсири ижтимоий тузилмалар иродасини ифодалайди. Бундай гуруҳлар манфаатларини ҳукумат доимо эътиборга олиши лозим.

Институтлашган ижтимоий гуруҳлар шаклини олган манфаатлар гуруҳлари турли мамлакатларда уларнинг тарихий тажриба ва анъаналаридан келиб чиқиб, турлича номланади. Масалан, АҚШда манфаатлар гуруҳлари фуқаролик институтлари, волонтерлар ташкилотлари, умумий манфаатлар гуруҳлари, босим ўтказиш гуруҳлари деб аталса, Фарбда нодавлат нотижорат ташкилотлари, хайрия ташкилотлари, жамғармалар каби номлар билан аталади. Фарб социологиясида эса бу ташкилотлар манфаатлар гуруҳлари номи билан кенг тарқалди. Ўзбекистонда эса мустақилликнинг илк давридан бошлаб бу ташкилотлар жамоат ташкилотлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ижтимоий ташкилотлар номи билан кенг оммалашди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар жамиятда мавжуд бўлган барча манфаатларни қамраб олиб, уларни ифодалагандагина, улар ўз

мақсадларини самарали бажарадилар. Жамиятда турлича, жумладан,, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий, миллий, мафкуравий, маданий, экологик, ҳудудий, минтақавий, диний, шунингдек,, яна ўнлаб алоҳида соҳаларга доир манфаатлар мавжуддир. Манфаатлар гуруҳлари ана шу манфаатларнинг ифодачиси сифатида пайдо бўлади ва фаолият юритади. Манфаатларнинг гуруҳлар воситасида ифода этилиши сиёсий қарорлар қабул қилиш учун ёрдам беришидан ташқари, улар давлат ва ҳукумат органлари эҳтиёж сезаётган ахборотлар ва бошқа маълумотларни етказиб бериб туриши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир. Улар сиёсий партиялардан фарқ қилиб, ҳокимиятни эгаллаш, лавозимларга номзодлар кўрсатиш билан шуғулланмайдилар. Лекин улар ҳукумат ва бошқа сиёсий ташкилотларга таъсир қилиш учун ҳаракат қиладилар. Бу соҳадаги фаолият сиёсий ташкилотлар воситасисиз бўлиши лозим. Манфаатлар гуруҳларининг ҳаракат усуллари сиёсий органларни ишонтириш, маслаҳат бериш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий арбобларга ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини етказиш, ўз манфаатларини қондириш учун ташкилий тадбирлар ўтказиш билан чегараланади.

Шунингдек,, сиёсий партиялар фаолиятининг муҳим хусусиятларини таҳлил қилиш нодавлат нотижорат ташкилотлар, гуруҳлар, турли бирлашмалар, ташкилотларнинг фаолияти ва ҳаракат доирасини ўрганмай туриб, амалга ошмайди. Лекин классик демократик назарияларда сиёсий гуруҳларнинг мақсадлари маълум бир сиёсий йўлни амалга ошириш учун ҳокимиятни эгаллаш ҳисобланган бўлса, манфаатлар гуруҳларининг мақсади сиёсатга таъсир кўрсатишдан иборатдир, деб ифодаланган. Сиёсий партия, асосан, турлича сиёсий манфаатлар, кўрсатмалар ва йўналишларга эга бўлган кишиларни бирлаштиради, манфаатлар гуруҳлари кўпроқ ўз аъзолари учун хос бўлган манфаатлар,

асосан, бир ёки бир неча муаммоларни ҳал қилишга ўз диққат-эътиборини қаратади. Нодавлат нотижорат ташкилотлар самарали рақобат йўллари ва сиёсий жараёнда оммавий тарзда қатнашиш усуллари шакллантиради. Улар ўз манфаатларини ҳимоя қилган ҳолда давлатнинг у ёки бу соҳадаги сиёсати ҳаракатларини мувозанатда сақлаб туриш имкониятларига эга бўлади. Шунингдек,, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳар бир алоҳида фуқаро (шахс)га, сиёсий етакчига таъсир ўткази олиш ва унга сиёсатда иштирок этиш имкониятини яратади.

2. Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг функциялари турли-тумандир. Лекин уларнинг асосий функцияларидан бири турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини артикуляция қилишдир. Манфаатлар гуруҳлари индивидларнинг турли йўналишдаги қарашлар ва фикрларинг бир тизимга келтиради, бирон-бир ташкилотнинг бир қолипга солинган манфаатлар тизими асосида ташкилот ҳаракат дастурининг шаклланишига ёрдам беради. Гуруҳлар аъзоларининг айрим олинган манфаатлари сиёсий жараёнларга манфаатдор гуруҳлар воситасида аниқ, бир тизимга солинган талаблар тарзида татбиқ этилади. Шунингдек,, нодавлат нотижорат ташкилотлар кўплаб айрим манфаатларни агрегация қилиш (мунозаралар ва муҳокамалар ёрдамида турли манфаатларни уйғунлаштириш ва улар ўртасида маълум бир муносабатлар тизимини ўрнатиш)ни ҳам амалга оширади. Бу жараёнда энг асосий ва муҳим аҳамият касб этадиган, гуруҳ аъзоларининг кенг қатламлари қарашларини ифода эта оладиган манфаатлар танлаб олинади ва уларни амалда қондиришнинг зарурий чора-тадбирлари кўрилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан маълум бир ижтимоий гуруҳнинг турли манфаатлари бир тизимга солиниб, уларнинг

кенг жамоатчиликнинг хошиш-иродаси сифатида давлат ва ҳукумат органларига етказилиши сиёсий қарорлар қабул қилиш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Қолаверса бунда кўплаб манфаатлар гуруҳлари ва ижтимоий қатламлар ўртасида келишув ва мувофиқлашув рўй беради.

Шунингдек,, манфаатлар гуруҳлари фаолиятида кенг иштирок этиш унинг аъзолари ҳуқуқий ва сиёсий маданиятларининг шаклланишига, демократик жамият шароитларида жамоат ишларида фаол иштирок этишларини рағбатлантиришга амалий тажриба сифатида катта ёрдам беради.

Нодавлат ноижорат ташкилотлар ичида фақат сиёсий партияларгина сиёсий фаолият билан бевосита шуғулланиши мумкин. Сиёсий партияларнинг давлат билан халқ оммаси ўртасидаги муносабатларида турли ижтимоий қатлам ва гуруҳларнинг сиёсий манфаатларини ва иродаларини ифодалаш муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий манфаатлар деб, ижтимоий фаолият субъектларнинг ўз ҳолатини сиёсий кураш воситасида барқарорлаштириш ҳамда яхшилашнинг объектив ва субъектив имкониятларини англашга айтилади. Сиёсий манфаатлар субъектлари, асосан, ижтимоий қатламлар, индивидлар ва ташкилотлардан иборатдир. Ижтимоий қатламлар синфий, этник, касбий, ҳудудий, демографик, меҳнат жамоаси кўринишларига эга бўлади. Ташкилотлар эса давлат, жамоат бирлашмалари, конфессиялар, ижтимоий ҳаракатлар шаклига эга бўлади. Сиёсий манфаатлар характери сиёсий тузумга нисбатан турличадир. Сиёсий манфаатлар тузумни ўзгартириш, уни модернизация қилиш, шунингдек,, мавжуд тузумни барқарор сақлашга йўналтирилиши мумкин. Ижтимоий тараққиётга нисбатан эса манфаатларнинг характери прогрессив, реакцион ва мўътадил шаклларда ифодаланади.

Сиёсий манфаатлар характерини ифодалаш учун одатда сиёсий йўналишларга нисбатан «ультрасўл», «сўл», «сўл мўътадил», «мўътадил»,

«ўнг мўтадил», «ўнг ва ультраўнг» тушунчалари ишлатилади. Ташкилотларга нисбатан эса «давлат», «сиёсий партия», «жамоат ташкилотлари», «жамоат ҳаракатлари» ва индивидлар тушунчалари қўлланади.

Ҳозирги даврда АҚШда тадбиркорлар манфаатларини ифода этувчи манфаатлар гуруҳлари уюшмаларга аъзо бўлиб, Мустақил Бизнес Миллий федерациясига бирлашганлар. Германияда эса Немис касаба уюшмаси федерал бирлашмаси, Немис иш берувчилари уюшмаси федерал бирлашмаси, Германия саноатчилари федерал бирлашмаси, Солиқ тўловчилар уюшмаси, Демократик олимлар уюшмаси, Немис спорт уюшмаси каби бир қанча манфаатлар гуруҳлари фаолият кўрсатади. Худудий, минтақавий ва федерал даражаларда ҳам ҳунармандлар, талабалар, врачлар, маданият арбоблари, турли истеъмолчилар уюшмалари ва ташкилотлари фаолият кўрсатади. Германияда 4 — 5 минг атрофида ана шундай бирлашмалар фаолият юритмоқда. Бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам манфаатлар гуруҳлари жамиятнинг асосий қисмини ташкил этади. АҚШда 1 млн.дан кўпроқ нодавлат ноижорат ташкилотлар фаолият юритади. Уларда Америка аҳолисининг 7,8 %и хизмат қилади.

АҚШда айнан жамоат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, таълим, маданият, санъат ва фуқароларни ижтимоий таъминлаш ва муҳофазалаш соҳасида давлатнинг асосий ҳамкори ҳилсобланадилар. Дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатлари ҳукуматлари ҳам муҳим иқтисодий, ижтимоий, экологик ва бошқа муаммоларни ҳал этишда жамоат тузилмаларига, биринчи навбатда нодавлат ноижорат ташкилотларига таянадилар. Ривожланган 22 та мамлакатда иш билан банд аҳолининг 4,9 фоизи бевосита нодавлат соҳада меҳнат қиладилар. Бу кўрсаткич Нидерландияда 12,4, Ирландияда 11,5, Бельгияда 10,5, Исроилда 9,2, Австралияда 7,2, Буюк Британияда 6,2 фоизга тенгдир.

Манфаатлар гуруҳлари ҳукуматнинг сиёсий стратегиясини шакллантиришга ҳам катта ҳисса қўшади. Уларнинг сиёсий партиялар билан ҳамкорлик қилиши партия аъзоларининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширади ҳамда ички интизомни мустаҳкамлайди. Бунинг сабаби шундаки, одатда манфаатлар гуруҳлари етакчилари у ёки бу партиянинг раҳбар органларида таъсирчан мавқеларни эгаллаб турадилар.

Кейинги ўн йилликлар ичида ижтимоий-сиёсий ҳаётда нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги муносабатларда маълум ўзгаришлар рўй берди. Партиявийликка интилишнинг сусайиши сабабли кўплаб кишилар манфаатлар гуруҳлари томон оға бошладилар. Баъзи сиёсий кузатувчиларнинг фикрича, манфаатлар гуруҳларининг ўсиши шу даражада тезлашдики, бу гуруҳлар энди партиянинг баъзи функцияларини ўз зиммасига олмоқда. Баъзи таъсирчан манфаатлар гуруҳлари эса ўзларининг сиёсий ҳаракат қўмиталарини ташкил этаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бу қўмиталарнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни ҳам кучайиб бормоқда. Ҳозирги даврда АҚШнинг ўзида шу каби қўмиталарнинг сони тўрт мингдан ортиб кетди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ҳокимиятга дахлдор мақсадлари, парламент воситасида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолари фақат партиялар билан ҳамкорликда бажарилиши ёки ҳал бўлиши мумкин. Ўз навбатида, сиёсий партияларнинг ҳам манфаатлар гуруҳларисиз сайлов кампанияларида мувафақиятга эришиши, жамиятни англаши қийин кечади.

Демократик жамиятнинг муҳим белгиларидан бири, бу — кўппартиявийлик билан бир қаторда ўз аъзоларининг юксак сиёсий маданиятига таянган манфаатлар гуруҳларнинг мавжудлиги, уларнинг жамият ва давлатнинг барча институтлари билан ўзаро тенг ҳуқуқлилик асосида фаол муносабатда бўлишидир. Сиёсий партиялар ўз ўрнида

нодавлат нотижорат ташкилотларнинг турли манфаатларини бирлаштиради, ўзида ифода этади. Шу билан бирга, ўз манфаатлари йўлида бу гуруҳлардан фойдаланади ва ҳамкорлик қилади.

3. Ўзбекистонда давлат мустақиллиги эълон қилинган дастлабки йиллардан бошлаб мамлакат президенти И.А.Каримов бошчилигидаги ҳукумат фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуриш мақсадларидан келиб чиқиб, нодавлат нотижорат ташкилотларини демократик тамойиллар асосида ислоҳ этишга муҳим эътибор бериб келмоқда. Мамлакат президенти И.А.Каримов мамлакат тараққиёти тўғрисида сўзлар экан, мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг стратегик мақсадларини қуйидагича ифодалайди: «Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этидан иборатдир».

Мустақиллик давридаги демократик ислоҳотлар натижаси ўлароқ, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган барча қонунлар мажмуаси мамлакатимизда демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш орқали фуқаролик жамиятни қуришга қаратилгандир. Айниқса, Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг VIII сессиясида қабул қилинган «Референдиум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий Қонуннинг 2-моддасига биноан демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришига доир қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг асосий принциплари қуйидагича ифодаланди:

—қонун устуворлигини, ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро

этувчи, суд тармоқлари ўртасида мувозанатни, улардан ҳар бирининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш;

—халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормалари асосида инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатларини таъминлаш;

—сиёсий ҳаётнинг, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини изчил эркинлаштириш;

—нодавлат нотижорат, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтлари янада мустаҳкамланиши ҳамда ривожлантирилиши учун кафолат ва шароитларни таъминлаш;

—фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини ҳар томонлама мустаҳкамлаш ва давлат ҳокимияти марказий органларининг ваколатларини жойлардаги бошқарув органларига босқичма-босқич ўтказиш, ижро этувчи ҳокимият органлари, шу жумладан,, мудофаа ва хавфсизликни таъминловчи тузилмалар фаолияти устидан жамоат назорати механизмини шакллантириш ва кучайтириш.

Мустақиллик даврида мамлакатда демократик жамият қуришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Конституциянинг ғоялари, мақсадлари, руҳи, унинг ҳар бир қоидаси БМТ нинг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси», асрлар мобайнида илғор ва етакчи мамлакатларда шаклланган демократик кадриятлар, миллий давлатчилик, шунингдек,, бир неча минг йиллардан буён авдоддан-авлодга мерос бўлиб келаётган миллий ва шарқона давлат ҳамда жамиятни адолатли идора этиш, мамлакатни бошқаришда халқнинг ҳам бевосита иштирок этиши анъаналарини ўзида мужассамл ашти рди.

Миллий мустақилликнинг дастлабки давридаёқ мамлакатда фуқаролик жамиятини қуриш йўлида унинг муҳим институтларидан

бири бўлган нодавлат ноижорат ташкилотларнинг эркин ва мустақил фаолият юритишлари учун ҳуқуқий асослар яратилди. Конституциянинг алоҳида «Жамоат бирлашмалари» деб номланган боби республикада фуқаролик жамияти ва кўппариявийлик тизимини қарор топтириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам амалий жиҳатлардан шарт-шароитлар яратади. Унга биноан жамоат бирлашмаси, касаба уюшмалари, сиёсий партиялар каби тушунчаларга ҳуқуқий аниқликлар киритилди. Энди улар демократик талқинлар асосида таърифлана бошланди. Айниқса, Конституциянинг 58-моддасидаги «Давлат жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишни таъминлайди, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиши учун тенг ҳуқуқли имкониятлар яратиб боради. Давлат органлари ва мансабдор шахсларини жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiшига, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятига аралashiшига йўл қўйилмайди», 34-моддадаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмалари, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас», деган фуқаролик жамият мустақиллигини таъминлашга доир ҳуқуқий принципнинг эътироф этилиши республикадаги жамият тараққиёти инсоният ҳаётининг бир неча асрлар мобайнида тажрибаларидан ва синовларидан муваффақиятли ўтган фуқаролик жамияти сари интилаётганлигини билдиради. Ўзбекистонда сайлов тизими учун Конституциянинг «Сайлов тизими» деб номланган бобидаги 117-моддага биноан республика «фуқаролари эркин равишда вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар».

Ҳозирги даврга келиб, Ўзбекистондаги нодавлат нотижорат ташкилотлар, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялар фаолиятнинг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни (1991 йил февралда қабул қилинган. 1997 й. апрелда эса қўшимча ва ўзгаришлар киритилган), Ўзбекистон Республикасининг «Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни (1992 й. июль), Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонуни (1996 й. декабрь), Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида» янги таҳрирдаги Қонуни (1999 й. апрель), Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» ги Қонуни (1999 й. апрель), Ўзбекистон Республикасининг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида» Янги таҳрирдаги Қонуни (1998 й. май) кабилар билан мувофиқлашади.

Олий Мажлис томонидан 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида» ги Қонунга биноан «Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятнинг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) ўртасида тақсимламайдиган ўзини-ўзи бошқариш ташкилотидир. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий, шунингдек, маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади».

Ўзбекистонда амалдаги қонунчиликка биноан нодавлат нотижорат ташкилотларига қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

—ўз аъзолари ва катнашчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

—ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритиш;

—давлат ҳокимияти ва бошқарув органларининг қарорларини ишлаб чиқишда, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

—ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

—оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

—уставда белгиланган вазифаларни бажариш учун тадбиркорлик тузилмаларини ташкил этиш;

—ўз рамзий белгиларини таъсис этиш;

—ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан йиғилишлар, конференциялар ўтказиш;

—қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатхоналар очиш ва филиаллар ташкил этиш.

4. Демократик жамият қуришга доир ислохотлар сиёсий партияларнинг мустақил ташкилот сифатидаги мақомини оширишга йўналтирилган. 2004 йил декабрда бўлган сайловларда сиёсий партияларга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатишнинг тўла ҳуқуқлари берилиши, халқ депутатлари кенгашлари — вакиллик органларидан эса бу каби ҳуқуқнинг олиб қўйилиши партияларнинг жамиятда тутган ўрнини янада юксак кўтаришга қаратилгандир.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш омилларидан бири сиёсий майдонда демократик мамлакатларга хос бўлган партиявийлик тизимини қарор топтиришдир. Фақат кўппартиявийликка асосланган ижтимоий-сиёсий муносабатлар мажмуасигина фуқаролик жамиятини

қуриш учун қулай шарт-шароитлар яратади. Ҳар бир мамлакатдаги давлат, ҳукумат ва парламентни шакллантиришда сиёсий партияларнинг қандай мавқега эгаллиги, бу жараёнлардаги иштирокининг қандай кечиши халқнинг партиявийлик тизими асосида кечган сайловлардаги фаоллик даражаси ҳозирги даврга келиб демократия меъёрларини белгилаб бормоқда.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида фуқаролик жамиятининг муҳим институти бўлган сиёсий партияларнинг демократик тамойиллар асосида фаолият кўрсатиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий асослар Конституция ва қонунларда ўз ифодасини топди. Жумладан, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонунда сиёсий партиялар тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиш принциплари, партияга аъзолик, сиёсий партия фаолиятининг кафолатлари, устави, рўйхатга олиш, партияларнинг мулкӣ муносабатларига доир барча ҳуқуқий мақомларнинг мужассамлашгани Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимини қарор топтиришнинг кафолатларидан бирига айланди. Мазкур қонунларга биноан сиёсий партиялар фуқароларнинг сиёсий иродалари шаклланишини таъминлаш учун эркинлик ҳуқуқига эга бўлдилар, партияларнинг ўзаро ҳуқуқий тенглиги, шунингдек, уларнинг жамият олдидаги масъулияти қонунлаштирилди.

Шунингдек, республикада кўп партиявийлик тизими қарор топиб, сайловларни кўппартиявийлик асосида ўтказиш оддий бир демократик кадриятга айланди. Давлат ҳокимиятини шакллантиришда сиёсий партиялар ҳамда жамоат бирлашмаларининг таклиф ва истакларини ннобатга олиш ҳам сиёсий ҳаёт тарзига айланиб бормоқда. Сиёсий партиялар ва фуқароларнинг сиёсий жараёнлардаги иштирокларини таъминлаш, авж олдириш учун ҳам барча имкониятлар, шарт-шароитлар яратилмоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамиятига хос бўлган демократик сиёсий тизимнинг ўзига хос хусусиятлари, унинг демократик принциплари, сиёсий тизимни ривожлантириш масалалари Президент И.А.Каримовнинг Биринчи

чақириқ Олий Мажлиснинг VI ва XIV сессиялари, Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг I, VIII ва IX сессияларидаги маърузаларида, шунингдек,, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли асарида, унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси (2005 йил 28 январь)да назарий ва концептуал жиҳатлардан асослаб берилди.

Мамлакатда нодавлат нотижорат ташкилотлар мустақиллигини таъминлаш, шунингдек,, уларни фуқаролик жамиятининг муҳим институтига айланишини таъминлаш мақсадларида давлатнинг «Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» концептуал сиёсий дастури қабул қилинди. Унга кўра, авваламбор, ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқиш лозим.

Жамият сиёсий тизимини янада эркинлаштириш масалалари мазкур сиёсий дастур қабул қилинганидан кейин янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Жаҳон жомоатчилиги томонидан тан олинган «Ўзбек модели» асосида жамиятни ҳар томонлама ислоҳ этишнинг асосий йўналиши фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат қуришга қаратилди. Жамиятнинг сиёсий тизими ижтимоий гуруҳларнинг хилма-хил эҳтиёжлари ва манфаатларини ўзида ифодалашга, уларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилгандир. Ўз ўрнида, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва сиёсий институтлар бевосита ёки билвосита сиёсий ҳокимиятнинг амал қилишига ҳисса қўшади ёки бу жараёнларда иштирок этади. Шунингдек,, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолияти натижасида жамият сиёсий тизими кенгликларида жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётига мансуб бўлган турли-туман ижтимоий табақалар манфаатлари ўзаро зиддиятлашуви натижасида

ривожланиш рўй беради. Шунингдек,, бу жараёнлар турли ижтимоий қатлам ва гурҳларнинг тақазо келишуви, ҳамкорлигига имкониятлар яратади.

Ҳозирги ўтиш даври ва демократик мезонлар ҳар бир сиёсий партияни мустақил институт сифатида ўз ижтимоий базаси бўлган ижтимоий табақалар манфаатлари ва дунёқарашига мос ҳаракат дастурларига эга бўлиши, сиёсий плюрализмни шакллантириб, турлича қарашлар рақобати ва мусобақаси асосида фуқаролик жамияти шаклланиши учун замин тайёрлашини талаб этмоқда.

Мамлакатда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган демократик институтларни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларига доир ислохотлар ҳам тобора чуқурлашиб бормоқда. Ҳозирги даврда республикада 309та республика аҳамиятига молик жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатиб, улардан 64 таси халқаро ташкилотлар мақомига эгадир. Уларнинг 48таси жамғарма, 78таси жамият, 5таси сиёсий партия, 42таси федерация, 16 таси қасаба уюшмалари, 2таси ижтимоий ҳаракат, 20таси марказ, 48таси ассоциация, 20таси уюшма, 5таси кўмита, яна 22таси турли номларда расмий рўйхатдан ўтганлар. Шунингдек,, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда маҳаллий аҳамията эга бўлган 2237та жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги даврга келиб Ўзбекистонда 5 та сиёсий партия фаолият юритмоқда. Мустақилликнинг дастлабки даврида Ўзбекистон Халқ демократик партия, ўтган асрнинг 90-йиллари ўртасида Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, аср сўнгида эса «Фидокорлар» миллий демократик партияси ташкил топди. 2003 йилнинг 15 ноябрида эса мулкдорлар ва ўрта ижтимоий қатлам сиёсий қарашларини ифодаловчиси сифатида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал демократик партияси ташкил топди. Ҳозир Олий Мажлисда Ўзбекистон

Халқ демократик партиясининг 28 та, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг 10 та, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг 11 та, «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг эса 18 та депутатдан иборат партия фракциялари мамлакатдаги қонун чиқариш жараёнларида фаол иштирок этмоқда.

Мустақилликнинг дастлабки даврларида Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ташкил топди. Ўтган давр ичида «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси, «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси, Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси, Халқаро Амир Темури жамғармаси, Халқаро Имом Бухорий жамғармаси, «Олтин мерос» жамғармаси, республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Халқ бирлиги» ҳаракати, Ўзбекистон фахрийларини қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси (ҳозирда Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси) , Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати, Жамоатчилик фикрини ўрганиш «Ижтимоий фикр» маркази, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар Палатаси, Миллий матбуот маркази, Байналминал маданий маркази, республика «Устоз» жамғармаси (ҳозирда «Истеъдод») каби нодавлат ташкилотлари тузилди. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси демократик принциплар асосида бутунлай қайтадан ташкил этилди. Шу билан бирга, «Ўзбекистон тадбиркор аёллар уюшмаси», «Аёл ва саломатлик», аёлларнинг «Меҳр» ташкилоти, «Аёллар ресурс маркази», «Аёл ва жамият» институти каби хотин-қизлар муаммоларини ечиш ва улар манфаатларини ифодаладиган нодавлат ташкилотлар фаолият юритмоқда.

Ўзбекистонда БМТ Ривожланиш Дастурлари асосида ўнлаб хорижий ташкилотлар фаолият юритмоқда. Шунингдек,, «Британия Кенгаши», Конрад Аденауэр жамғармасининг Марказий Осиё

мамлакатлари бўйича ваколатхонаси, Фридрих Эберт жамғармаси ваколатхонаси. Таълим ва тиллар ўрганишда ҳамкорлик қилиш бўйича Америка Кенгаши (АКСЕЛС), ЮНЕСКО ваколатхонаси Германиянинг «Гёте институти» Франциянинг «Альянс Франсе» каби яна ўнлаб хорижий мамлакатлар нодавлат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари Ўзбекистоннинг турли соҳаларида кенг фаолият юритмоқда.

«Айни вақтда, имкониятдан фойдаланиб, ноҳукумат, жамоат тузилмаларини шакллантириш жараёнига хос баъзи масалалар хусусида тўхталиб ўтмоқчиман, — деб таъкидлади Президент И.А.Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисида қилган маърузасида. — Шунинг ҳам таъкидлашга тўғри келадикки, уларнинг айримлари, аввало, турли ҳомийлик кўмагида тузилган нодавлат ноижорат ташкилотларини текшириш натижалари шунинг кўрсатмоқдаки, бундай ташкилотлар фаолияти улар рўйхатдан ўтиш чоғида тақдим этилган низом ва дастурлари доирасидан анчагина четга чиқиб кетмоқда ва муайян буюртмага асосланган мақсадларни кўзламоқда.

Табиийки, биз бундай ҳолатлар билан мурося қила олмаймиз. Қонунчилигимизга зид бўлган бу каби лойиҳаларнинг Ўзбекистонда келажакда йўқ эканини айтишга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман. Дарҳақиқат, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёни ҳар қандай инқилобий ўзгаришлари келмайди.

13-Маъзу: ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИДА КУЧЛИ ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ВА АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Режа

- 1.Шарқда ижтимоий адолат тўғрисидаги ғояларнинг шаклланиши.
- 2.Мустақиллик даврида адолат тушунчасининг янги мазмуни.

3. Ижтимоий ҳимоя ғоясининг адолат ва демократия тамойиллари билан боғлиқлиги.

1. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг муҳим натижаларидан бири ижтимоий ҳимоя сиёсатининг демократик жамиятни барпо этишдаги ўрнини ва аҳамиятининг ортиб бориши билан белгиланмоқда. «Бугунги кунда ижтимоий ҳаёт соҳасидаги салбий ҳолатларни бартараф этиб, одамлар турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасдан, аҳолининг ҳимояга мухтож қатлам ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий барқарорликни ва фуқаролар тотувлини сақлаб қолишга муваффақ бўлдик.» Дарҳақиқат, бозор муносабатларига ўтиш даврида мамлакатимизда кучли ижтимоий ҳимоя тизими шакллантирилди ва ҳозирда уни такомиллаштириш муҳим масала бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда ижтимоий сиёсатни амалга оширишда сифат жиҳатдан янги босқичга ўтиш эҳтиёжи пайдо бўлди. Шу муносабат билан аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг замонавий тизими шакллантирилмоқда.

«Адолат» тушунчасининг қолиб чиқиши (социогенези) тўғрисидаги таълимотни буюк аждодимиз Абу Наср Форобий ҳам яратишга уринган. Буюк мутафаккир адолат ғоясини жамиятнинг асосий даврларига татбиқан қараб чиққан. Бунда у инсоният жамиятининг келиб чиқишида табиий эҳтиёжлар ётишини, бу эҳтиёжларни уйғунлаштириш эса адолат туйғусини шакллантиришини таъкидлаган эди. Шарқ мутафаккири Конфуцийнинг ғояларини давом эттирган ҳолда Форобий «адолат» тушунчаси инсониятнинг маърифий даврига тўғри келганлигини таъкидлайди. Бу даврда хусусий мулк ўрнатилади ва у кишиларнинг ўзаро тенгсизлигини келтириб чиқаради. Шуниси муҳимки, тенг тақсимлашни ифодалаган адолат тушунчаси энди

мулк таъсирида тенгсизликни ифода эта бошлади. Бу тушунчанинг ўзи хусусий мулкни ўрнатишда иштирок этади.

Демак, адолат тўғрисидаги тасаввурлар инсониятнинг оддий эгалитаризм, яъни барча баравар бўлган ҳолдаги даражасидан юқори кўтарила бориши натижасида янада тўлароқ шакллана борган. Тенглаштирувчи қоида бўлган, зўрликни акс зўрлик биланмувофиқлаштирувчи восита сифатида даъволар тенглигини ўрнатиб келган «адолат» тушунчаси хусусий мулкка асосланган жамиятда янгича мазмун касб эта бошлаган. Энди жамият ижтимоий муносабатларни мувозанатга келтиришнинг янги тизимига муҳтожлик сеза бошлади. Юз берган улкан ижтимоий ўзгаришлар кишилар онгида, дунёқарашида, сиёсий ҳуқуқий фикрда, ахлоқий нормаларда ижтимоий адолат ғоясининг узил-кесил шаклланишига олиб келган. Бу ҳақда Шарқнинг бошқа бир мутафаккири — Абу Али ибн Сино кизиқарли фикрларни баён қилган. Унинг фикрича, ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожликдан ҳоли этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур булиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади.

Ижтимоий ҳаётда адолатпарварликни қатъий туриб ҳимоя қилган таълимотлардан бири тасаввуф фалсафасидир. Тасаввуф намоёндалари бошқа Шарқ мутафаккирлари сингари ўз умидларини маърифатли ва одил шоҳга боғлайдилар, у орқали барча ижтимоий иллатларни бартараф этиш мумкин, деб ҳисоблайдилар.

Тасаввуф намоёндалари ҳоким ва халқ, шоҳ ва салтанат муносабатларида донолик билан адолатли иш тўтиш, давлатни адолатли қонунлар орқали бошқариш, қабул қилинаётган тadbирларнинг халқ томонидан қўлланиши каби ижтимоий муаммоларни кўтаради, бу халқпарвар тузум идеалларини улуғлаштирди.

Тасаввуфнинг кўпгина намоёндалари шоҳлар, ҳокимлар, амалдорлардан адолатни кутиб ўтирмай, ўз амалий фаолиятларида унга амал қилиш билан ўрناق бўлганлар. Хасан Басрий, Абдулла Ансорий, Абдулхасан Ҳарақоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Хўжа Ахрор Валий, Махдуми Аъзам Косоний кўпинча шоҳ ва ҳокимлар адолатсизликларига қарши чиқиб, мазлумларни дадил ҳимоя қилганлар, ҳақиқат учун курашганлар.

Шарқ мутафаккирлари адолатни асослашда лирик-руҳий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан ёндашганлар. Зеро, шарқона жамиятларда азалдан адолат тушунчасига ҳамоҳанг тарзда «ҳақ», «меъёр», «ҳақиқат», «бурч» тушунчалари ҳам кадрланиб келинган. Шунингдек,, жамоа манфаати, оиладан тартиб-интизом, эътиқод ва маънавийлик юқори баҳоланган.

Гарб мутафаккирлари эса кўпроқ ҳуқуқни, амалий, кундалик ҳаёт муаммолари нуқтаи назаридан фикр юритганлар. Шунинг учун ҳам Шарқдагидан анча фарқли тарзда «эркинлик», «тенг ҳуқуқлилиқ», «эрк» тушунчаларига кўпроқ даражада аҳамият берилган. Шу билан бирга индивидуализм, индивиднинг тартиб-интизоми, ҳуқуқ адолатга олиб боровчи воситалар сифатида кадрланади, маънавийликдан ҳам кўра рационализм мустаҳкам ўринга эга бўлган.

2.Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, биз шунчаки демократик давлат эмас, балки адолатли демократик давлат қуришга интиляпмиз. Адолатга интилиш — халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, нжтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат ва бозор иқтисодиётига асосланган фуқаролик жамиятини барпо этишда адолат омили муҳим ўрин тутади. Шу маънода адолат тушунчаси, унинг эркинлик,

демократия ва барқарор тараққиёт ғоялари билан муштарак жиҳатлари бугунги кунда ҳам замонавий мазмун касб этмоқда.

Лекин тарихан оладиган бўлсак, ижтимоий адолат ғояси инсониятнинг бутун тарихи орқали ўтиб келган. Шу билан бирга жамиятни адолатли ташкил этиш орзуси ва унинг ҳаётдаги ҳаққоний мавжудлиги ўртасида доимо зиддият бўлиб келган. Шунга қарамай уни “нақд қилиб қўйишга” уриниш тўхтамаган. Шу нуқтаи назардан инсоният цивилизациясининг бутун тарихи ижтимоий адолатни кенгайтириш тарихи ҳамдир. Албатта, Шарқ ва Ғарб жамиятларидаги бу каби қадриятлар бир-бирига зид эмас, улар ўзаро уйғунликда умуминсоний қадрият даражасида жамият ҳаётида ижтимоий адолат қоидаларининг барқарор бўлишига хизмат қилади. Шарқ ва Ғарб анъаналарида асрлар давомида шаклланиб келган бу каби тушунчалар ҳамда қадриятларнинг мустақиллик даврида жамиятимизда умуминсоний ғоялар сифатида қайта шаклланиши шу жиҳатдан катта аҳамиятга эга. Зеро, бу жамиятимизда инсонпарварлик, бирдамлик, инсон эрки ҳамда масъулиятини манфаатлар уйғунлиги, қонун руҳи ва демократия қадриятлари асосида амалга оширишга, шу тариқа ижтимоий адолатни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Умуман, мустақиллик даврида одамларини онгида ижтимоий адолатнинг янгича тушунчаси шаклланиши мамлакатимиз келажаги ва ислохотлар муваффақият гаровига айланмоқда. Адолатли жамият қуриш ҳақидаги умуминсоний орзулар ва қарашларни янги жамият барпо этиш манфаатларига бўйсундириш муҳим амалий масала бўлиб турибди. Биз барпо этаётган жамият инсонпарвар бўлмоғи зарур. Бунда демократик моделларни кўр-кўрона кўчириб олмасдан, балки илғор демократик жамиятлар тажрибасини танқидий ўрганиш асосида фуқаролик жамиятини қуриш эҳтиёжларига хизмат қилдириш талаб этилади.

Аҳолининг ёрдамга энг мухтож қатлами — болалар, ёлғиз қариялар, ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлаш ишларини аниқ мўлжалли тарзда амалга ошириш зарур. Шу боис, ислохотларнинг ҳозирги босқичида ижтимоий ёрдам тизимини такомиллаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг таъсирчан механизминини шакллантириш давом эттирилмоқда. Муайян моддий ёрдам аниқ оилаларга етнб бориши, жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларига мўлжалланган табақалаштирилган ёрдам бўлиши ва ҳақиқатан ҳам бундай ёрдамсиз кун кечиролмайдиганларга бориб тегиши лозимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

Ҳозирги пайтда аҳолининг ижтимоий заиф қатламларига давлат томонидан шунчаки моддий ёрдам кўрсатишгина эмас, балки жамият аъзоларининг аксарият қисмини эҳтиёж ва манфаатларини қондириш, рўёбга чиқаришда аввало, уларнинг ўз ташаббуси, интилиши ва маъсулиятини кучайтириш асосидаги ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш вақти етди. Айнан шу маънода ижтимоий соҳада амал қилиб қолаётган устувор тамойиллар, хусусан, конун устуворлиги, ислохотларни босқичма-босқич жорий этиш, кучли ижтимоий сиёсат каби тамойиллар ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожлантиришда муҳим амалий аҳамият касб этади.

Ҳар қандай демократик жамият маълум маънода ижтимоий асосларни бирламчи манба сифатида қабул қилади. Ижтимоий асослари бўлмаган жамият ўз тараққиётида собит бўла олмайди. Шу маънода, демократик жамият тараққиёти учун кучли ижтимоий ҳимоя ва адолат тамойиллари муҳимдир.

Умумий маънода ижтимоий ҳимоя демократик ҳуқуқий давлат томонидан фуқаролар, турли жамоаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан четланиб қолмай, улардан амалда фойдаланишни кафолатлаш, амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратиб беришни англатади. Яъни, инсонлар давлат

учун эмас, давлат халқ учун хизмат қилади, бу инсон ва унинг кадр-кимматига ҳурмат деб баҳоланади.

3.«Ижтимоий ҳимоя», «ижтимоий адолат» тушунчаларининг шаклланиб бориши инсониятнинг демократик тафаккури билан боғлиқдир. Хусусан,, Абу Наср Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри» асарида ифодаланган фозил жамият ғояси бугунги кундаги демократик жамият концепциясига ҳамоҳангдир.

Форобийнинг фозил жамият концепциясига кўра, бахт-саодатга интилувчи жамиятда қонун устувор бўлиб, бутун ижтимоий ҳаёт ана шу устувор тамойил асосида тузилади. Шу маънода, фозил жамиятда, аввало, эркинлик мавжуд бўлади. Унда адолат, эркинлик ва тенглик тушунчалари кун тартибида бўлиб, бу меъёрлар фозил жамиятнинг асоси бўлади. Шу билан бирга, Форобий фикрича, жамият давлат билан кучлидир. У етуклашгани сайин ўз аъзоларини ҳимояга ола боради. Шунини ҳам алоҳида айтиш керакки, агар ўтмиш мутафаккирлари ижтимоий кафолатланиш учун инсон фаоллиги масаласини илгари сурган бўлсалар, Форобий қарашларида инсонни ижтимоий кафолатлашда жамиятнинг роли алоҳида уқтирила бошланди. Демак, жамият ҳам ҳимоя воситаси бўлишига масъул, деган ғоя илгари сурилган.

Ўзбекистонда кучли ижтимоий ҳимоя муаммолар сиёсат даражасига кўтарилди. Бунинг учун эса даставвал қонунлар тизимн яратилди, кескин табақаланишдан ҳоли бўлган мулкдорлар синфи шакллантирила бошланди, шу асосда иқтисодий тараққиёт инсон манфаатларига йўналтирилаяпти. Бир сўз билан айтганда, «давлатнинг ижтимоий тизими билан халқ эҳтиёжлари ўртасидаги жарлик» бартараф этилди. Шу билан бирга, бугунги кунда мамлакатимизда инсоннинг жамиятдаги ўрнини англаши, ўзини-ўзи тарбиялай олиши ва ўзини-ўзи тараққий эттира олишига масъулиятнинг кучайиб бориши ижтимоий ҳимоя тизимини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга кўмаклашиши зарур.

Демократик жамиятнинг моҳияти шундаки, адолат ва ҳақиқат гоёси ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Жамиятда мулкий жараёнларнинг объектив ўзгариши юз бераётган бир пайтда жамиятнинг кескин табақалашшига, яъни ошиб-тошиб кетган бойвачару камбағал кашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўйилмайди. Шу маънода, ижтимоий ҳимоя, муҳофазага мухтожларни давлат ҳимоясига олишдир. Шу билан бирга, ижтимоий ҳимоя инсоннинг жамиятдаги муносиб ўрнини белгиловчи ва фаоллигининг юксалишини таъминловчи асосий кўрсаткичдан бирига айланади.

XXI аср бошларида демократик тамойилларнинг устувор келиши кўзга ташланади. Ижтимоий ҳимоя тизими ҳам ҳозирги замон давлачилигининг ўзига хос демократлашувидаги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Жамиятнинг кам гаъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоя қилиш тамойили ҳозирги замон тараққиёт концепциясида янгича йўналишдир. Маълумки, ҳатто барқарор демократик тараққиётга эришган бугунги Европа мамлакатлари ҳам ўз вақтида бундай амалиётни четлаб ўтган эдилар. Ўзбекистонда ана ушбу тамойилни амалга ошириш учун ҳукумат дастурлари ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу ислохотларни янада кенгайтириш учун зарур эди. Ҳозирда, айтиш мумкинки, Ўзбекистон ижтимоий сиёсатида ана шу аниқ натижага эришилди. Бу реал йўналишга эга бўлган амалий босқичдир. Ижтимоий ислохотлар концепцияси жамиятда барқарорлик ва хавфсизлик тизимининг мустаҳкамланишига қаратилди. Натнжада, Ўзбекистон ижтимоий сиёсатида барқарор ўзгаришларга эришилди. Жаҳон экспертларининг хулосаларига кўра, айнан ушбу концепция Ўзбекистоннинг ижтимоий тараққиёт босқичига киришига асос бўлди. Хусусан, яқинда БМТнинг ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан турли давлатларнинг ижтимоий ривожланиш бўйича эълон қилган қиёсий тадқиқот натижалари ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Ўзбекистонда юритилаётган ижтимоий сиёсатдаги ўзгариш жамият табақаларининг манфаатларини ҳимоя қилишда амалий аҳамият касб этиши зарур. Айнан ушбу ижтимоий талаб бажарилсагина, Ўзбекистонда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг асосларидан бири — ижтимоий тотувлик шаклланади.

Ижтимоий тотувлик устувор бўлган жамиятдагина кучли ижтимоий сиёсат юритиш учун имконият яратилади. Аммо ижтимоий тотувлик ўз-ўзидан келиб чиқмайди. Зеро, ҳар қандай жамиятда турли ижтимоий тафовутларнинг бўлиши табиий ҳолдир. Мутахассислар фикрича, бу ижтимоий тафовутлар қуйидаги гуруҳлар ўртасида маълум маънода ижтимоий фарқларнинг мавжудлигида ўз ифодасини топади: бойлар ва камбағаллар орасида; кўп миллатли давлатларда аҳолининг этник гуруҳлари орасида; аҳолининг диний гуруҳлари орасида; марказ ва минтақалар орасида; эркаклар ва аёллар орасида; турли авлодларга мансуб одамлар орасида.

Бу тафовутлар Ўзбекистон жамиятида ҳам кўзга ташланади. Шу сабабдан, имкон қадар айтиб ўтилган тафовутлар кўринишини камайтириш борасида чора-тадбирлар амалга ошириб борилиши ижтимоий сиёсатнинг мақсадларидан биридир.

3.Ўзбекистонда ислохотлар бошланган дастлабки йиллардаёқ, кучли ижтимоий ҳимоя тизимини яратишдан мақсад, инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини вужудга келтиришдан иборат, деб белгиланган эди. Мамлакат Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек «Ўзбекистоннинг ўз янгилиниш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишдир».

Албатта, ижтимоий ҳимоя тизимининг ривожини мамлакат иқтисодиётининг аҳволига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Аввало, нодавлат

секторининг муайян даражада тараққий этиши, маҳаллий товар ишлаб чиқарувчилар мавқеининг мустаҳкамланиши иқтисодий ривожлаиш учун таянч ва асосий манба бўлиб хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида, ижтимоий сиёсатни реал амалга ошири учун замин яратади, ижтимоий ҳимоя тизимининг янада такомиллашиб, замон талабига мос бўлиб боришига олиб келади. Бу ҳол Ўзбекистон ижтимоий сиёсатини тадрижий шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Гап шундаки. ижтимоий ҳимоянинг давлат сиёсатидаги ўрни ғоят муҳимдир. Бунинг бир қанча сабаблари бор.

Биринчидан, Ўзбекистон аграр мамлакат бўлиб, унинг кўпгина ҳудудларида ишлаб чиқаришнинг технологиялашуви эндигина оёққа турмоқда;

Иккинчидан, мамлакат аҳолисининг 65 фоизи қишлоқда яшайди. Аграр соҳанинг яхши ривожланмаганлиги аҳолининг бу қисми орасида ҳимояга муҳтож оилаларнинг кўплигига сабаб бўлади. Бу эса ўз навбатида уларни ижтимоий ҳимоялаш вазифасини қўяди.

Учинчидан, мамлакат аҳолиси орасида ёшлар катта салмоққа эга, бу эса ёшларни ижтимоий ҳимоя тизими орқали муҳофаза қилишни талаб этади.

Ижтимоий адолатнинг моҳияти ҳар бир шахс ўз қобилияти ва имкониятларини намоён қила олнши учуи тўлиқ имкониятлар яратиш, бунда уларнинг фаровон турмуш кечиришларига эришиш жараёнида тўлиқ намоён бўлади. Кишиларнинг жамиятдан олаётган улушлари (иш хаки, даромадлари, мукофотлари, унвону мансаблари) уларнинг жамият ривожига қўшаётган ҳиссаларига (меҳнати, қобилияти, заковати, алоҳида хизматлари, сармояси ва х.к.) мос келиши шу маънода инсон ривожини имкониятларига боғлиқ.

Албатта инсон фақат нон билан тирик эмас. Инсон тараққиётини ҳаёт даражасигина эмас, ҳаёт сифати ҳам белгилайди. Ҳаёт сифати эса

инсон яшайдиган, меҳнат қиладиган ва бўш вақтини ўтказадиган соҳаларда шаклланади. Ижтимоий инфраструктура инсон ҳаётида кучли таъсирга эга. Соғлиқни сақлаш шундай соҳалардан биридир. Мустақилликнинг дастлабки давридан бошлаб Президентимиз ташаббуси билан «Соғлом авлод учун» умумхалқ ҳаракати бошланган эди. Соғлом ва баркамол авлод учун кураш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва ўзининг натижаларини бера бошлади.

2003 йилда кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг бажарилиши, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлар моддий техника базасини маблағ билан таъминлаш ва ривожлантириш дастури доирасида 133,9 млрд. сўм маблағ сарфланиб. 5,2 минг ўқувчига мўлжалланган ўнлаб академик лицейлар, ўқувчиларга мўлжалланган ётоқхоналар, 86,6 минг ўқувчига мўлжалланган 114 та касб-ҳунар коллежлари қурилди. Бутунги кунда уларда ёшлар таълим ва тарбия олишмоқда.

Инсоннинг жамиятга фойда келтириши кўп жиҳатдан унинг ҳаёти қандай таъминланганлигига боғлиқ. Даставвал, ҳар бир оила ўз турар жойига эга бўлиши керак. Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, қишлоқ жойларни газлаштириш каби мураккаб муаммоларнинг ҳал қилиб борилиши ҳам инсонга муносиб ҳаётни таъминлашга қаратилгандир.

Нархларни эркинлаштириш, савдо тизими ва маиший хизмат соҳасининг бир маромда хусусийлаштириб борилиши ҳам инсон манфаатларига зид келмайдиган тарзда амалга оширилиши лозим. Истеъмол молларининг кўпини ўзимизда етиштиришни таъминлаш учун маҳаллий ишбилармонларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш, янги иш ўринларини ташкил этиш, қишлоқ жойларда савдо шаҳобчалари ва маиший хизмат муассасаларини кўплаб барпо этиш ана шу мақсадларга олиб борадиган йўлдир. Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнларининг бориши ва хўжалик юритувчи

субъектларининг мулкчилик шакллари бўйича таркиби, истеъмол молларини ишлаб чиқариш соҳасидаги ўзгаришлар ана шундай йўналишга эга.

Ҳозирги замонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг қатор моделлари мавжуд. Улардан бири Скандинавия мамлакатларида (Финляндия, Швеция) қўлланилаётган социал-демократик модел бўлиб, бундай моделга кўра давлат ижтимоий ҳимоянинг барча масъулиятини ўз зиммасига олади.

Неолиберал моделга кўра эса (АҚШ) ижтимоий ҳимоянинг аксарият қисмини тадбиркорлар ва касаба уюшмалари бажарадилар.

Неоконсерватив моделга кўра (Германия) ижтимоий ҳимоя давлат кафолатлари жавобгарлигида хусусий тадбиркорлар ва давлат федерал бюджети асосида олиб борилади.

Ўзбекистонда ижтимоий таъминот, асосан, давлат бюджети ҳисобидан ташкил этилган бўлиб, бу тизим қатор ривожланган чет эл давлатларининг ижтимоий тизимидан қолишмайди.

Давлат томонидан амалга оширилаётган ижтимоий ёрдамдан ташқари республикамизда норасмий ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг анъанавий қадрият турлари ҳам мавжудки, уларнинг негизини қариндошчилик, қўшничилик, маҳаллачилик, ёру биродарчилик ёрдамлари, яъни халқимизнинг миллий урф-одатлари ташкил этади. Маҳаллий идоралар, корхоналар, жамоа ва хўжаликлар ҳамда бошқа тадбиркорлик ташкилотларидан фуқаролар пенсиясига қўшиб берилаётган қўшимчалар, муҳтожларга кўрсатилаётган оталиқ ёрдамлари, байрам ва ҳайит кунлари беморларни зиёрат қилиш, турли хайр-эҳсонлар ҳам миллий урф-одатларимизнинг замонавий кўринишларидир. Булардан ташқари, ижтимоий ёрдам кўрсатишда нодавлат жамоат бирлашмалари ва хайрия ташкилотлари ҳам иштирок этмоқда.

Албатта, муаммолар ҳам мавжуд. Жаҳон тажрибаси билан қиёслаганда, аввало, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қиладиган нодавлат ташкилотлар фаолиятини қайта кўриб чиқиш лозим. Хусусан,, касаба уюшмалари ривожланган мамлакатларда ходимларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун корхона эгаларига, иш берувчиларга доимо таъсир ўтказиб келадилар. Бизда эса ҳали бундай тажриба мавжуд эмас. Биринчи навбатда жамоат ташкилотлари, хусусан, касаба уюшмалари фаолиятини тубдан яхшилаш, уларни меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилувчи кучга айлантириш бугунги кундаги энг долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Кези келганда мамлакатимизнинг ижтимоий ҳимоя тизими ривожини умумий тарзда қараб ўтиш ўринлидир. Маълумки, 1991 йилда собиқ тоталитар тузум инқирозга учрагач, унинг ўрнида вужудга келган янги мустақил мамлакатлар демократияга асосланган жамият барпо этишда турли йўлларни танладилар.

Биринчиси, Европа ва Америка давлатлари тажрибасида синаб кўрилган “фалаж қилиб даволаш” йўли эди. Кўпгина мамлакатлар ушбу “тезкор” йўлни танладилар. Бу мамлакатларда мустаҳкам қонунлар мажмуи ишлаб чиқилмасданок, жамиятни кескин тарзда демократлаштиришга ўтилди. Оқибатда, бу ўз навбатида кўплаб мураккаб муаммоларни келтириб чиқарди.

Иккинчи йўл — жамиятни босқичма-босқич ислоҳ қилиб бориш йўли бўлиб, бунда Ўзбекистон ташаббускор бўлди. Ўзбекистонда аввал қонунлар мажмуи яратилди, сўнг бозор инфраструктураси тизимини шакллантиришга эътибор қаратилди ва иқтисодиётни ислоҳ қилишга киришилди. Натижада, жамият кескин ижтимоий ларзаларни четлаб ўтди. Бу, биринчи навбатда, ижтимоий ҳимоя тизимига ҳам тегишли эди. Айтайлик, 1992 йилда мамлакатда ижтимоий-иқтисодий аҳвол танг ҳолатда эди. Шундай шароитда кам таъминланган фуқаролар давлат

томонидан ижтимоий муҳофаза қилиниши зарурлиги катъий белгилаб қўйилди. Бу сиёсат давлатнинг ислохотчилик ролига таянган ҳолда амалга оширилди. Шу тариқа бозор иқтисодиётига ўтишда давлат назоратининг бўлиши ижобий натижалар берди.

Биринчи босқич. Нархлар ислоҳоти ва нархларнинг эркинлаштириш. (1992 йил 10 январдан бошлаб).

Иккинчи босқич. Республиканинг ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиши. (1992 — 1994 йиллар).

Ўз ўрнида демократиянинг шарқона шакли хусусида фикр билдириб ўтиш лозим. Яхши биламизки, Шарқ қадриятлари “инқилобий сакраш”дан кўра тадрижийликни устун билади. Шу сабабдан, азалдан Шарқ жамиятларида иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ўпиришлар нисбатан кам. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёни Шарқ ва Ғарб демократия тамойиллари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилиши сабабли ҳам, тараққиётда босқичма-босқичлик, ҳаракатда эса қонун устуворлиги асосий хусусият касб этди ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолмоқда.

Тан олиш керакки, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини амалга ошириш учун шунчаки қулай шароит йўқ эди. Шунга кўра, 1994 йил 24 августда “Қам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида” Президент Фармони қабул қилинди. Фармонга кўра, 1994 йил октябрдан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими такомиллаштирилди. Негаки, илгари фақат республика бюджети йўли билангина 30 та турли соҳа ва йўналишлар бўйлаб ижтимоий ҳимоя амалга оширилди. Бундай ҳолат маблағларнинг сочилиб кетишига олиб келди. Натижада юқоридаги Президент Фармониغا биноан 1994 йилда ижтимоий ҳимоянинг асоссиз тенглаштириш тизимидан аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб оладиган тизимга ўтилди. Бу тизим бугунги кунга қадар ўзини оқламоқда. Ана шу Фармонга мувофиқ ёшларни

ижтимоий ҳимоялаш мақсадида ўқув юртлари талабаларининг стипендиялари мунтазам равишда ошириб борилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Марказий Осиёдаги аҳоли сони жиҳатидан энг йирик мамлакат бўлиб, саноат ва макроиқтисодиёт тизими бир ёқлама хусусиятга эга эди. Бу мураккаблик жамият тараққиётига ўз таъсирини ўтказмасдан қолмаса-да, маълум маънода ундан четлаб ўтишга муваффақ бўлинди. Ўзбекистондаги ер усти ва ер ости бойликлари, салоҳият бунга имкон берди. Ундан унумли фойдаланилди. Шуниси ҳам эътиборлики, жамиятни демократлаштириш ва ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш ўзаро боғлиқ жараён сифатида ривожланди.

Лекин Ўзбекистонда ижтимоий ўзини-ўзи ҳимоялаш тизими батамом йўлга тушиб кетган эмас. Боқимандалик кайфиятидан ижтимоий ҳимоя истеъмолчилари ҳам қутулишлари лозим. Фуқаролар эндиликда ўзини-ўзи таъминлаш усулига ўтишлари керак. Ўзбекистонда хусусий мулкчиликнинг қарор топиши бу соҳада қатъий ўзгаришлар бўлишига олиб келиши зарур. Шуниси ҳам муҳимки, ижтимоий ҳимояни доимий жараён сифатида тушунмаслик лозим. Акс ҳолда боқимандалик кайфияти баттар кучайиши мумкин. Ижтимоий ҳимоя айрим фуқаролар учун имконият, ҳолос. Ҳар қандай шароитда ижтимоий ёрдам жамият аъзолари учун имтиёзга айланмаслиги лозим. Бу ўринда жамиятнинг ўзини-ўзи ижтимоий ҳимоялаш тизимига ўта боришини таъминлаш учун ушбу тадбирларни амалга ошириш лозим:

—нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар, жамғармалар, уюшмалар ва турли шаклдаги мулк эгаси бўлган ташкилотларнинг моддий аҳволини яхшилашни қўллаб-қувватлаш;

—барча турдаги корхоналар, муассасалар ва уюшмаларни замон талабига жавоб берадиган ходимлар ва айниқса ҳуқуқшунос, психолог ва социолог мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим;

—номи зикр этилган муассасаларнинг хорижий турдош муассасалар билан ҳамкорлигини йўлга қўйишда кўмаклашиш. Улар ўз йўналишларида зарур тажриба орттиришлари талаб этилади;

—ижтимоий ҳимоя тизимида иқтисодий муҳофазаланишни аста-секин ижтимоий фондлар зиммасига ўткази бориш зарур. Бундай ҳолатда одамларни ижтимоий муҳофазалашнинг таъсирчан воситаси юзага келади;

—ижтимоий муҳофазалашда боқимандалик, масъулиятсизлик, бефарқлик сингари иллатларга барҳам берувчи таъсирчан восита ва усулларни қидириб топиш ҳамда ҳаётга жорий эта бориш талаб этилади.

Шуни айтиб ўтиш зарурки, ҳар қандай жамият ижтимоий муҳофаза тизимида ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Мустақилликка эришилгандан сўнг орадан ўн олти йил ўтди. Ўзбекистонда нафақат моддий фаровонлик, жамиятнинг демократлашуви каби муҳим жараёнлар кучли ижтимоий ҳимоя тизими механизми яратилган тақдирдагина маъно-мазмунга эга бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда барпо этилаётган демократик жамиятда асосий бойлик инсон бўлиб қолади. Ўтказилаётган ислохотларнинг мазмуни ҳам шу билан боғлиқ. Бу ҳақда Президент И. А. Каримов шундай таъкидлайди: “Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб борадиган йўлдаги асосий таянчимиз инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир”. Лекин шуниси ҳам борки, ислохотлар даврида ижтимоий гуруҳларнинг ҳам ўрни муҳим аҳамият касб этади. Демократик жамият қуриш шароитида ўрта мулкдорлар қатлами катта саҳмоққа эга бўлади. Ўрта синф демократик жамиятни ривожлантиришда ва унинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда асосий кучга айланади. Зеро, давлат бундай шароитда кучли мувофиқлаштирувчи кучга эга бўлади, ўрта синф эса жамият тараққиётини технологик, техник, илмий ва маънавий таъминловчи омил сифатида намоён бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистонда ислохотлар муқаррарлигининг ғоят муҳим шарти бўлмиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш узлуксиз устувор йўналиш ҳисобланади. Бу ҳолат, ўз навбатида, қуйидаги омилларни белгилаб беради:

—кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати истиқлол ва тараққиёт йўлига ишончни мустаҳкамлайди, бу ишонч эса аниқ моддий замин асосида ҳосил бўлади;

—кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати энг аввало инсон учун муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратади. XXI аср бошида дунё тараққиётида муносиб турмуш даражаси инсон омилининг етук шарти бўлиб қолаётганлиги эътиборга олинса, мамлакатимизда бу масалани ҳал этишда ижтимоий ҳимоялашдан унумли фойдаланиш масаласи нечоғли аҳамиятли экани аён бўлади;

—кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати фуқароларнинг ислохотларнинг изчил кечишидан манфаатдорлигини ошириш боришини таъминлайди ва бу янгилашни жараёнининг орқага қайтишига имкон бермайдиган ижтимоий таянч бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистонда аҳолининг кам таъминланган табақаларига, болалар, қариялар, ногиронларни, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим, фан, маданият ва санъат соҳаларини қўллаб-қувватлашга қаратилган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсати ўзининг муайян тажрибаларига эга бўлди. Маънавий, тарихий ва маданий кадриятлар, аҳолининг ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш вазифалари долзарб бўлган Ўзбекистон учун бу ҳолат катта аҳамиятга эга. Бу тажриба фуқароларнинг сиёсий фаоллигини янада ошириш, меҳнат ресурсларини ижтимоийлаштириш, минтақавий ривожланишни авж олдириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларни барқарорлаштириш имконини беради.

Кучли ижтимоий ҳимоялаш сиёсати жамиятда янгича фикрлаш асосларини яратишга қодирлигидан ҳам демократик жамият барпо

этишга кўмаклашади. Зеро, жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорлик юзага келгач, фуқаралар фикрлашга, янги замон тартибларини тузишга иштиёқ билан интиладилар. Чунки фикрловчи одам фуқаролик жамиятига таъсир ўтказиш қобилиятини мумкин қадар кўпроқ рўёбга чиқара олган тақдирдагина, кучли бўла олади.

Ўз навбатида ижтимоий соҳанинг аҳволи тўғрисида умумий жаҳон стандартлари нимадан иборат, деган савол туғилади. Мутахассислар фикрича, бу соҳада ҳам бир неча моделлар амал қилади. Уларни умумий тарзда кучли ижтимоий ҳимоя тизимининг айрим элементларини ўзида ифода этувчи скандинавча модел. Назаримизда, ушбу моделларнинг ҳар бири ўз ютуқ ва камчиликларига эга. Уларни республикамизда шунчаки татбиқ қилиб бўлмаслиги аниқ. Ўзбекистон ижтимоий таъминот соҳасида ўз моделига эга ҳамда у ижтимоий кафолат тизимининг ўзгарувчан хусусиятига мос тарзда такомиллашиб боради.

Ўтиш даврида ижтимоий муаммоларнинг юки ортади. Йўлга тушган карвон каби бу соҳанинг муаммолари ҳам борган сари ортиб боради. Шунинг учун мазкур соҳада юзага келувчи муаммоларнинг ечимини моделлаштириш катта аҳамият касб этади. Бунда энг муҳим муаммолар ривожланиши тенденциялари ўз вақтида аниқланиши катта аҳамиятга эга. Хусусан,, Ўзбекистонинг ижтимоий хастида юз бераётган йирик ўзгаришлар асосидаги муаммоларни ҳал этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим. Мисол тариқасида ён томонда келтирилган жадвалдан кўринишда бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда ҳозирги кунда ижтимоий таълимот тизимида бошқарув идоралари ҳисобланган 1 та вазирлик, 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда 153 та туман ва 36 та шаҳарда ижтимоий таъминот тизимлари мавжуд. Шунингдек,, ёлғиз ногиронларга ва қарияларга мўлжалланган ўнлаб интернат уйлари,

ногиронлик сабаби ва гуруҳини белгиловчи тиббий-экспертиза комиссиялари, хусусан,, ногиронликни экспертиза қилиш ва ногиронларнинг меҳнат қобилиятини тиклаши бўйича 1 та илмий-текшириш институти фаолият юритмоқда. Пенсияларнинг даволаниши ва дам олишига мўлжалланган бир қанча махсус санаториялар ишлаб турибди.

Кам таъминланган ҳамда кўп болали муҳтож оналарга моддий ёрдам тўловларини молиялаштиришнинг асосий манбаи республика ва маҳаллий бюджет воситалари ҳисобланади.

Маълумки, мустақил тараққиётимизнинг илк давридан оқ инсон — жамият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ечмини топиш алоҳида аҳамият касб этди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа мамлакатлари, Осиёнинг Япония, Жанубий Корея каби давлатлари айнан шу ғоя асосида тараққиёт йўлини белгилаб, тарихан қисқа давр ичида юксак тараққиётга эришган эдилар. Икки асрлик демократик ривожланиш тарихига эга бўлган АҚШ ҳам инсон манфаатини тараққиётнинг асоси сифатида қабул қилган эди. Маълум бўладики, Ўзбекистон демократик тараққиётнинг жаҳон тажрибасини синчиклаб ўрганди. Ўзбекистонда демократик фуқаролик жамиятни барпо этиш ва унинг таянчи сифатида инсонпарвар тузумни шакллантириш йўлида ислохотларни амалга ошириш инсон — жамият — давлат тизимидек кучли уйғунликни талаб этмоқда.

Хуллас, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимининг ўзига хос тажрибаси ва анъаналари тўпланган. Бунда инсон — жамият — давлат муносабатлари, инсон омили юксак мавқеда туради. Шу маънода, Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизимини замон талабларига мос тарзда такомиллаштириш учун барча имкониятлар мавжуд ва улар мамлакатда демократик жамиятни куришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

14- Мавзу: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИДА ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАРГА АСОСЛАНИШИ

Режа

1. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли субъектига айланиши.

2. Жаҳон ҳамжамиятидаги демократик ўзгаришлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг дипломатик алоқаларида демократик тамойиллар.

4. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида эришган ютуқлари.

1. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўз ташқи сиёсатига халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли субъекти сифатида амалга ошириш учун реал имкониятларга эга бўлди. Эндиликда ташқи сиёсат мустақил тарзда амалга оширилмоқда.

Жамият ва давлатлар тарихи шуни кўрсатадики, бирон-бир мамлакат бошқа давлатлар билан ҳамкорлик қилмасдан тараққиётга эришган эмас. Шарқ ва Ғарб мамлакатларини бир-бирига боғлаган Буюк Ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон бир неча асрлардан буён динлар, миллатлар ва маданиятларнинг туташув нуқтаси бўлиб келмоқда.

Айниқса, Амир Темури хукмронлиги, Темурийлар даврида дунёдаги йирик давлатлар Самарқанд билан ўз алоқаларини ўрнатганлар. Амир Темурнинг Франция, Англия, Испания кироллари, ўнлаб қўшни давлатларнинг хукмдорлари билан ёзишмалари ўша даврдаги жўшқин сиёсий, маданий ва тижорий алоқалардан гувоҳлик беради.

Чор Россияси босқинидан сўнг 130 йилдан ортиқ давом этган мустамлака даври мамлакатимизнинг ташқи алоқаларини узиб қўлди. Хориж билан барча муносабатлар истилочиларнинг назорати ва рухсати билан амалга оширилар эди. Бир пайтлар дунёга донг таратган ўлкамиз

чекка бир вилоят даражасига тушириб қўйилди. Советлар даврида эса четга чиқарилган бир-икки дипломат ҳамда вазифаси олий рутбали хорижликларни меҳмон қилишдан иборат бўлган Ташқи ишлар вазирлигидан бошқа ҳеч нарса йўқ эди.

Истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бевосита мамлакатимиз президенти Ислом Каримов раҳбарлигида ташқи сиёсатнинг устувор йўналишлари ва асосий тамойиллари белгиланди ҳамда оғишмай амалга оширила бошланди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

—мафкуравий қарашлардан қатъий назар, ҳамкорлик учун очиқлик, умуминсоний кадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

—давлатларнинг суверен тенглиги ва чегаралар дахлсизлигини ҳурмат қилиш;

—низоларни тинч йўл билан ҳал этиш;

—куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик;

—инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурматлаш;

—ички миллий қонунлар ва ҳуқуқий нормалардан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари ва нормаларининг устуворлиги;

—тажовузкор ҳарбий блоклар ва уюшмаларга кирмаслик;

—давлатлараро алоқаларда тенг ҳуқуқлилиқ ва ўзаро манфаатдорлик устунлиги;

—ташқи алоқаларни ҳам икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш, бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик ва бошқалар.

Бу тамойилларга давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик

каби халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари асос қилиб олинади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Иккинчи чақириқ биринчи сессиясидан маърузасида бошқа соҳалар қатори ташқи сиёсат борасидаги навбатдаги вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди. Жаҳондаги барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, етакчи халқаро иқтисодий, молиявий ҳамда инсонпарварлик ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш бундан кейин ҳам устувор йўналиш бўлиб қолиши таъкидланади.

Ўзбекистон Конституцияси «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги Қонунда белгиланган конституциявий анъаналарни давом эттиради. Мазкур анъаналарга кўра халқаро ҳуқуқ давлатимиз қурилишининг муҳим манбаи бўлиб, Ўзбекистон ўзининг халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини конституциявий даражада мустаҳкамлаб, намойиш этмоқда.

Бу эса ёш мустақил давлатимизнинг энг нуфузли халқаро ташкилотларга қабул қилинишига имкон берди. Республикаимизнинг мустақил давлат сифатида бошқа давлатлар томонидан дипломатик тан олиншига, халқаро иқтисодий муносабатларга киришишига йўл очди.

БМТ устави, Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияга ва инсон ҳуқуқлари ҳақидаги бошқа халқаро актлар, Хельсинки битимлари, Париж ва Мадрид хариталари қоидалари Конституциямиздан халқаро ҳуқуқ принциплари ва нормаларига асос бўлди. Бундай конституциявий ёндашув, айниқса, Конституциянинг муқаддимасида, 4-бобида, иккинчи бўлимда 22, 23 ва 26-бобда яққол кўзга ташланади. Бу бобларнинг тегишли равишда, “Ташқи сиёсат”, “инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”, “Ўзбекистон Республикасининг суд ҳокимияти”, “Сайлов

тизими”, “Мудофаа ва хавфсизлик” деб номланиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

XX асрнинг сўнги ўн йиллиги ижтимоий дунёқараши ва жаҳон ҳамжамиятнинг жўғрофий-сиёсий тузулишида туб ўзгаришлар даври бўлиб тарихга кирди. Жаҳон ҳамжамияти янги даврга қадам қўйди. Бу давр ўзининг икки жиҳати билан ажралиб туради. Биринчидан, бу давлатлар, халқлар ўртасидаги яқинлашув жараёнлари ва ҳар томонлама ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит бўлган сиёсий, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий маконларнинг вужудга келиши, ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ нормаларининг яратилишидир. Иккинчидан, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумдаги давлатларнинг тугатилиши, улар ўрнида мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. Эндиликда “совуқ уруш”га барҳам берилди, “капиталистик” ва “социалистик” деган тушунчалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб бораяпти. Мафкуравий ақидалардан холи бўлган янги, эркин тафаккурни шакллантириш зарурати пайдо бўлди.

Президентимиз “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёти йўли” китобида Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг концепцияси тўғрисида, ташқи сиёсий йўл, бу йўлнинг ҳуқуқий негизи ва уни амалга ошириш воситалари ҳақида тўхталиб ўтган. Ўзбекистон ташқи сиёсатининг стратегик йўли, асосий қоидалари ва мақсадлари, унинг устувор ҳамда минтақавий йўналишлари, хусусиятлари негизида республиканинг миллий манфаатлари ўз ифодасини топган. Ҳар қандай сиёсат ақл-идрок билан иш тўтишни тақозо этади. Ривожланаётган, тез тараққий этиш учун кучли илмий, саноат куч-қувватига эга бўлган мамлакатнинг ташқи сиёсати эҳтирослардан холи бўлиши лозим. Республикамиз ана шундай давлатлар сирасига киради. Янги халқаро иқтисодий тартиб учун ҳаракат қилиш қоидалари Ўзбекистон учун ҳам диққатга молик

масаладир. Бу хом ашё ва саноат маҳсулотлари нарх-наволарининг адолатли бўлган нисбати, ривожланаётган давлатларнинг фан, техника ютуқларидан баҳраманд бўлиш имконияти ва ҳоказолардир.

Ташқи сиёсат фаолият учун ҳуқуқий негиз яратиш биринчи галдаги вазифа ҳисобланади. Ушбу мақсадларга эришиш учун куйидгилар амалга оширилди:

— халқаро муносабатларни ўрнатиш тартибини белгиловчи янги ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилди:

— собиқ иттифоқ иштирокчи бўлган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуаси республика манфаати нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди;

— Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос тушадиган ҳужжатлар ратификация қилинди;

Мамлакат халқаро фаолиятини мувофиқлаштириб турадиган қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, “Қабул қилинган халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонун, “Консуллик устави” шулар жумласидандир. Улардан ташқари божхона хизматининг ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунлар, Ҳаво кодекси ҳам қабул қилинди. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” китобининг ташқи сиёсатга бағишланган бобида ушбу фаолият йўналишлари аниқ-равшан ифодалаб берилган. Жумладан,, китобда миллий манфаатлар Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор мақсади эканлиги қатъий баён этилган.

Манфаат бу зарурий эҳтиёждир. Эҳтиёжлар эса биринчи галда Ўзбекистон учун тараққиётнинг муайян жуғрофий ва табиий, иқлимий, демографик ҳолатимиз, халқимизнинг кўпмиллатли таркиби, унинг тарихий ва маданий меъроси, маънавият омили, ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг даражаси, хом ашё ва замонавий технология билан таъминланганлиги, давлатнинг халқаро муносабатлардаги ўрни ва ҳоказолардир. Бу омиллар Ўзбекистоннинг эҳтиёжларини белгилайди. Эҳтиёжлар эса манфаатларда ўз

ифодасини топади. Давлат манфаатлари унинг ташқи сиёсий фаолиятини белгилайди. Шу жиҳатдан, Ўзбекистоннинг ташқи сиёсий манфаатлари халқаро алоқаларни ривожлантираётган, унинг тузилмалари ва фаолиятини белгилаб бераётган кучдир.

Барча давлат ва халқаро ташкилотлар билан алоқа қилишда давлатнинг миллий манфаатларидан келиб чиқилади. Табиийки, бунда шерикларимиз манфаатлари, улар ташқи сиёсатининг устувор йўналишларини ҳисобга олиниши зарур. Зеро, бусиз ташқи сиёсатни тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва давлатлараро уюшмалар фаолиятидаги иштироки республика ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан биридир. Ушбу ташкилотлар жаҳон ҳамжамиятига кириш, хўжалик алоқаларини ўрганиш, экология, табиий муаммоларни ҳал этиш, илмий-техникавий ҳамкорликни ривожлантиришда катта ёрдам бермоқдалар.

Бугунги кунда ўз мустақил ташқи сиёсатини конституциявий қоидаларга таяниб юритаётган Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглигию куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик каби халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади.

Ўзбекистон бутун дунё кўз ўнгида ташқи сиёсий ва маданий алоқаларнинг бой тарихига эга бўлган, мустақил равишда замонавий дипломатик алоқаларни амалга ошираётган тинчликсевар ҳуқуқий давлат сифатида намоён бўлмоқда. Халқаро ҳуқуқ жиҳатидан Ўзбекистон учун асрлар оша буюк бўлиб келган давлатлар ҳам, давлатчилик тарихи бизникига ўхшаш ёш мамлакатлар ҳам баб-баравардир.

Ўзбекистон тараққиётнинг конституциявий асоси сифатида инсон ҳуқуқлари тикланмоқда. Халқимизнинг маънавий имконияти, унинг катта табиий ва техник захиралари, мустаҳкамланиб бораётган халқаро алоқалари демократик тараққиёт ва инсон ҳуқуқларига риоя этиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар мавжудлигига ишонч туғдиради. Натижада мамлакатимиз амалда ялинсига дипломатик тан олинисига ва халқаро иқтисодий алоқаларга тортилишига йўл очиб берилди.

2. XX асрнинг охирида дунёнинг сиёсий макони сифат жиҳатидан ўзгарди. Совет Иттифоқи халқлари ҳамда собиқ социалистик ҳамдўстликдаги бошқа давлатлар бир партиявийлик тизими ва марказдан туриб режалаштириш иқтисодиётидан воз кечишди. Оқибатда дунёда антогонистик ижтимоий-сиёсий тузумларнинг глобал қарама-қаршилиги барҳам топди ва дунё сиёсатида демократик жамиятлар салоҳияти анча ошди. Евроосиё ҳудудида, жумладан,, Марказий ва Шарқий Европа давлатлари, шунингдек,, собиқ Совет Иттифоқи давлатларининг розилиги орқали ижтимоий-сиёсий тузумнинг демократик шаклига ўтилди. Агар бундай давлатларда, энг аввало, Россияда амалга оширилаётган ислохотлар жараёни муваффақиятли яқунланса Европа, Шимолий Америка, Евросиёда бир-бирига яқин ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тамойиллар асосида яшовчи, бир-бирига ўхшаш кадриятларга эътиқод қилувчи, шу жумладан,, глобал дунё сиёсати жараёнларига бир хилда ёндашувчи халқлар ҳамжамияти шаклланади.

«Биринчи» ва «иккинчи» дунёлар ўртасидаги қарама-қаршиликка барҳам берилгандан сўнг авторитар тузумлар Африка, Лотин Америкаси, Осиёдаги ўз тарафдорини қўллаб-қувватлашдан тўхтадилар. Негаки, бу давлатлар мафкуравий иттифоқдош сифатида ўз қийматларини йўқотишди ва натижада моддий ҳамда сиёсий ёрдамдан маҳрум бўлишди. Оқибатда Сомали, Либерия, Афғонистонда бўлиниш вужудга қолди ва

фуқаролар уруши бошланиб кетди. Бошқа давлатларнинг кўпчилиги эса, масалан, Эфиопия, Никарагуа, Жазоир авторитаризмдан воз кеча бошлашди.

“Совуқ уруши” билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган барча қитъаларда кечган кенг миқёсли демократиялаштириш жараёни 80-йилларнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Бразилия, Аргентина, Чили бошқарувининг ҳарбий-авторитар шаклидан фуқаролик-парламентар шаклларига ўтишди. Бундай тенденция Марказий Америкада сал кечроқ тарқалди. Ушбу жараённинг эътиборли натижаларидан бири шуки, 1994 йил 14 декабрда Шимолий ва Жанубий Америка мамлакатлари бошлиқларининг учрашувида қатнашган 34 та давлат раҳбари ўз давлатларининг демократик йўл билан сайланган лидерлари эдилар. Шунга ўхшаш демократлаштириш жараёнлари Филиппин, Тайван, Жанубий Корея, Таиландда кузатилди. 1998 йилда Покистонда ҳарбий тузум ўрнига сайланган ҳукумат келди.

Жанубий Африка Республикасининг апартеид сиёсатидан воз кечиши демократияга қараб йўл олинганлигини кўрсатди. Африканинг бошқа жойларида авторитаризм жараёни анчагина секин кечди. Бироқ инқирозга учраши, Гана, Бенин, Кения, Зимбабведа демократик ислохотларнинг маълум даражада олдинга силжиши демократиялашув тўлқини бу қитъага ҳам таъсир қилмасдан ўтмаганини кўрсатади.

Айтиб ўтиш лозимки, демократия етукликнинг бир неча даражасига эга. Бу француз ҳамда америка инқилоби даврларидан бошлаб, бугунги кунгача демократик жамиятларнинг ривожланишида яққол намоён бўлди. Қатор Африка мамлакатларида ёки собиқ Иттифоқ ўрнида пайдо бўлган янги мустақил давлатларнинг айримларида мунтазам, кўппартиявийлик сайловлари кўринишга эга бўлган демократиянинг илк шакллари, айтайлик, Ғарбий Европа тилидаги етук демократик шаклларида анчагина фарқ қилади. Агар

Линкольнинг демократияга берган “халқ сайлаган ва халқ манфаатларига мувофиқ, амалга ошириладиган халқ бошқаруви” таъсиридан келиб чиқадиган бўлсак, энг илғор демократиялар ҳам мукаммал эмасдир.

Албатта, кўп нарса «демократия» ва «уруш» тушунчаларининг қандай таърифланишига боғлиқ. Давлат, қачонки унинг ижроия ва қонун чиқарувчи ҳокимиятлари сайловлар йўли билан шакллантирилган бўлса, сайловларда энг камида мустақил иккита партия иштирок этса, қатта ёшдаги аҳолининг камида ярми овоз бериш ҳуқуқига эга бўлса ва ҳокимиятнинг бир партиядан иккинчисига ўтиши камида бир марта тинч конституцион йўл билан амалга оширилган бўлса, демократик ҳисобланади.

Жаҳон тарихининг тадқиқ этнлиши шуни кўрсатмоқдаки, демократиялар авторитар тузумлар билан уруш олиб борадилар ва жуда кўп бошқа демократик давлатлар билан зиддиятларга борсалар ҳам, ҳеч қачон бу нарса урушгача етиб бормаган. Вестфаль тизими мавжуд давр мобайнида демократик давлатлар ўртасидаги муносабатлар тор доирада бўлганлиги ва уларнинг ҳамжиҳат бўлишларига авторитар давлатлар таъсир этганлигини кўрсатувчи танқидчиларда бунга маълум бир асос бор эканлигини тан олиш зарур. Авторитар давлатлар томонидан таҳдиднинг йўқолиши ёки камайиши билан демократик давлатлар бир-бирлари билан муносабатда ўзларини қандай тўтишлари ҳам номаълум.

- А) адабиёт ва санъатни ривожлантиришдан;
- В) шаҳар ободончилигини яхшилашдан;
- С) маданий маъморчилик обидаларини тиклашдан;
- Д) сиёсий озодликни қўлга киритишдан;
- Е) миллий ўзликни англашнинг ўсишидан.

12. Узлуксиз таълимнинг фаолият кўрсатиш тамойилларини аниқланг?

- А) адолат ва қонунилик;
- В) таълимнинг устуворлиги, миллий йўналтирилганлиги;
- С) фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларни рўёбга чиқариш;
- Д) соғлиқ ва ривожланишда нуқсони бўлган шахсларга таълимнинг қафолатганлиги;
- Е) ҳамма жавоблар тўғри.

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистоннинг миллий сиёсатни амалга оширишда қандай қоидаларга амал қилиш кераклигини айтган?

- А) давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишда устувор бўлиши керак;
- В) давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий ҳал қиладиган усулларга асосланиши керак;
- С) жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланган миллатларнинг манфаатларига мос бўлиши керак;
- Е) ҳамма жавоблар тўғри.

14. Мамлакатнинг обрў-мавқеини ҳал қилувчи омилларни белгиланг.

- А) Қуролли Кучлар, армия, ҳарбий қудрат;
- В) аҳоли сони, уларнинг саломатлиги;
- С) мамлакатнинг ҳудудий жиҳатдан катталиги, географик қулай жойлашуви;
- Д) миллатларнинг тотувлиги, ўзаро ҳамжиҳатлиги;
- Е) интеллектуал салоҳияти, ақли, илғор технологиялар;

15. Ўзбекистон ҳарбий блоклар тузишга қандай қарайди?

- А) МДХ доирасида ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашишни маъқуллайди;
- В) ислом давлатлари билан ҳарбий иттифок тузишни ёқлайди;
- С) Марказий Осиё давлатлари ҳарбий блокада иштирок этишга интилади;
- Д) ривожланган Ғарб давлатлари билан алоқани мустаҳкамлайди;
- Е) кўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси сифатида иш тутади.

16. Янгиланган ижтимоий сиёсат қурилишига нималар асос қилиб олинди?

- А) адолат тамойилларига изчил риоя қилиш қоидаси;
- В) кучли ички тартиботлар, интизом;
- С) хорижий мамлакатлар билан яқин алоқалар;
- Д) инвестицияларни кўпроқ жалб этиш;
- Е) турли динларнинг эркин фаолият юритиши.

17. Мафкура тушунчасининг маъноси қайси жавобда тўлиқ кўрсатилган?

- А) мафкура-инсоннинг руҳияти, ўз-ўзини англаши, интилиши;
- В) мафкура-айрим халқнинг манфаатини ифода қилувчи ғоялар, қарашлар мажмуаси;
- С) мафкура қонунларни билиш, уларга итоат қилиш ҳуқуқлари;
- Д) мафкура-илм-фан, маданият ва санъат ривожлантиришга хизмат қилувчи ғоялар;
- Е) А, С, Д жавоблар тўғри.

18. Мамлакатимизда ижтимоий ёрдам беришнинг hozirги тизимида қайси бўғин асосий мавқега эга бўлиб қолди?

- A) оила;
- B) мактаб;
- C) маҳалла;
- D) ишхона;
- E) касаба уюшмалари.

19. Жамият маданий-маънавий соҳаларини ривожлантиришдан мақсад:

- A) маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш;
- B) қадимги ва замонавий маданий бойликларни авайлаб асраш;
- C) виждон эркинлиги тамойилларини қарор топтириш;
- D) ижтимоий адолат қоидаларини қарор топтириш;
- E) тўғри жавоб йўқ.

20. Ўзбекистонда миллатлараро тотувликнинг грантини айтинг.

- A) Президент;
- B) маҳаллада жамоавий яшаш тартиботлари;
- C) миллатларнинг яхлит (компакт) яшаши;
- D) хорижий мамлакатларнинг хомийлиги;
- E) диний қарашлардаги ҳамжихатлик.

21. Давлат мафқураси даражасига қандай мафкура кўтарилиши керак?

- A) ҳеч қандай мафкура давлат мафқурасига айланмаслиги керак;
- B) байналминаллик мафқураси кўтарилиши керак;
- C) ислом мафқураси кўтарилиши керак;
- D) демократик мафкура кўтарилиши керак;
- E) тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик асосидаги мафкура кўтарилиши керак.

22. Ўрта Осиёда истиқлолга эришгунга қадар қандай асослардаги давлатчилик амал қилиб келган?

- A) миллий асосдаги;
- B) демократик асослардаги;
- C) федерация асосларидаги;
- D) сулолавий, худудий асослардаги;
- E) диний асослардаги.

23. Мамлакатимизда халқнинг маънавий камолотига қандай ёндашилмоқда?

- А) регионал муаммо сифатида;
- В) конкрет этник масала сифатида;
- С) умумдавлат сиёсати сифатида;
- Д) илмий-назарий муаммо сифатида;
- Е) экстремистик кучларга қарши муҳим восита сифатида.

24. Ўзбекистонда яшаётган халқлар қандай маънавий ўзгаришларни бошдан кечирмоқдалар?

- А) секин рўй берувчи ассимиляция жараёнларини бошдан кечирмоқдалар;
- В) миллий қобикларда сақланиб қолмоқдалар;
- С) уч тилларини эркин ривожлантирмоқдалар;
- Д) миллий урф-одат ва анъаналарни ривожлантиришга эришмоқдалар;
- Е) ўзига хосликни йўқотмаган ҳолда, умумий руҳиятга эга бўлмоқдалар.

25. Жамиятдаги фаол шахсларнинг уюшқоқлик билан жиҳслашувига нималар асос бўлиши лозим?

- А) умумдавлат даражасидаги корпоратив манфаатларнинг яхши анланган муштараклиги;
- В) маҳаллий манфаатлар муштараклиги;
- С) моддий эҳтиёжлар муштараклиги;
- Д) партиявий идеаллар муштараклиги;
- Е) миллий мансублик асосидаги муштараклик.

26. Давлат, қонун, фуқаро ва жамият омилларидан қайси бири кучли бўлиши керак?

- А) давлат фуқаро олдида масъул, шахс эса қонун ва жамият олдида масъул;
- В) давлат фуқародан кучли, аммо қонун ва жамият билан ҳисоблашади;
- С) жамият фуқародан кучли, аммо қонун ва давлатдан кучсиз;
- Д) қонун фуқаро ва давлатдан кучли, аммо жамиятдан кучсиз;
- Е) қонун фуқаро ва жамиятдан кучли, аммо давлат билан ҳисоблашади.

27.Фуқароларнинг касаба уюшмасига аъзо бўлиши қайси ҳуқуқ ва эркинликлар гуруҳига киради?

- А) демократик;
- В) сиёсий;
- С) шахсий;
- Д) иқтисодий;
- Е) меҳнат.

28. Ўзбекистон Республикаси Президенти...

- А) миллий хавфсизлик хизмати раҳбаридир;
- В) давлат назорати ҳимати раҳбаридир;
- С) вилоят, туман, шаҳар судларининг судьяларини тайинлайди;
- Д) қонунларни қабул қилади;
- Е) ҳамма жавоблар тўғри.

29. Ўзбекистон Республикасида демократия қандай тамойилларга асосланади?

- А) ижтимоий адолат;
- В) умуминсоний;
- С) қонунийлик;
- Д) ҳаққонийлик;
- Е) партиявийлик.

30. Жамоат бирлашмалари нимага мувофиқ иш кўрадилар?

- А) Конституция ва қонунларга;
- В) Президент фармонларига;
- С) демократик тамойилларга;
- Д) ўз мафкураларига;
- Е) Олий Мажлис қарорларига.

31.Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатининг асосий тамойилларини аниқланг:

- А) чегараларнинг дахлсизлиги;
- В) суверен тенглик;
- С) чегараларнинг бўлинмаслиги;
- Д) А,В тўғри;
- Е) А, В, С тўғри.

32. «Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга...». Бу ҳуқуқ фуқроларнинг қайси ҳуқуқ ва эркинликлари гуруҳига киради?

- А) демократик;
- В) ижтимоий;
- С) сиёсий;
- Д) касбий;
- Е) шахсий;

33. Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги қандай ҳолларда қонун билан чекланиши мумкин?

- А) агар танқидий материалларга тааллуқли бўлса;
- В) давлат органларига тааллуқли бўлса;
- С) давлат сирига тааллуқли бўлса;
- Д) А, В тўғри;
- Е) А, В, С тўғри.

34. Фуқроларнинг оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқ қайси ва эркинликлар гуруҳига киради?

- А) сиёсий;
- В) демократик;
- С) ижтимоий;
- Д) шахсий;
- Е) ҳамма жавоблар тўғри.

35. Ўзбекистон халқининг конституциявий мақсадларини аниқланг?

- А) ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниш;
- В) келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаш;
- С) Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаётни сиёсий институтлар хилма-хиллиги асосида ривожлантириш;
- Д) А, В тўғри;
- Е) А, В, С тўғри.

36. Ҳуқуқий онг даражаси кўпроқ нималарга боғлиқ?

- А) ҳуқуқлардан хабардорликка;
- В) қонунларга итоаткорликка;
- С) қонунларни билишга;
- Д) ҳуқуқий атамаларни билишга;
- Е) маънавий ҳаётни билишга.

37. Ижтимоий фикр ва ҳуқуқий маданиятни шакллантирувчи демократик институтлар жумласига қуйидагилардан қайси бири киради?

- А) жамият;
- В) давлат;
- С) фуқаролар;
- Д) телекўрсатувлар;
- Е) оммавий ахборот воситалари.

38. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастурига кўра, ҳуқуқий маданиятли инсон -бу...

- А) ҳуқуқий билимга эга бўлган киши;
- В) ҳуқуқий билимларни амалиётда татбиқ эта оладиган киши;
- С) фуқароларнинг қонунчилик ташаббуси;
- Д) А, В тўғри;
- Е) А, В, С тўғри.

39. Юксак ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг устувор йўналишларини аниқланг.

- А) ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия воситалари ва усулларини такомиллаштириш;
- В) аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;
- С) аҳолининг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;
- Д) юридик таълим тизимини ривожлантириш;
- Е) А, В, С, Д тўғри.

40. Сиёсий партиялар -

- А) фақат ўз партияси аъзоларинигина Олий Мажлис депутатликка номзод этиб кўрсатишлари мумкин;
- В) фақат партиясизларни Олий Мажлис депутатликка номзод этиб кўрсатишлари мумкин;
- С) фақат ўз партияси аъзоларинигина эмас, балки пратиясизларни ҳам, Олий Мажлис депутатликка номзод этиб кўрсатишлари мумкин;
- Д) Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларини Олий Мажлис депутатликка номзод этиб кўрсатишлари мумкин;
- Е) тўғри жавоб йўқ .

41. Фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқларини камситувчи ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги устидан кимга шикоят қилиши мумкин?

- А) прокуратурага;
- В) ҳокимиятга;
- С) милицияга;
- Д) судга;
- Е) адвокатурага.

42. Кимларга ахборот олиш ҳуқуқи берилган?

- А) ҳар бир фуқарога;
- В) ҳар бир журналистга;
- С) фақат мансабдор шахсларга;
- Д) фақат телевидение ходимларига;
- Е) ижодий гуруҳларга.

43. Қуйидаги қонунлардан қайси бири Ўзбекистон фуқароларининг шахсий ҳуқуқ ва эркинликларига тегишли?

- А) «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»;
- В) «Солиқ кодекси»;
- С) «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»;
- Д) «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»;
- Е) тўғри жавоб берилмаган.

44. Кадрлар тайёрлашда давлат ва жамият нималарга кафолат беради?

- А) соғлиқ ва ривожланишда нуқсони бўлган шахсларнинг таълим олишга
- В) таълим жараёни қатнашчилари ижтимоий қўллаб-қувватлашга;
- С) умумий ўрта таълимнинг ихтиёрийлигига;
- Д) тўғри жавоб—А ва В;
- Е) ҳамма жавоблар тўғри.

45. Мамлакатимизда фундаментализм ва диний ақидапарастликнинг пайдо бўлишига қандай шарт-шароитлар сабаб бўлди?

- А) тоталитар мафкуранинг маънавий қашшоқлиги ва фундаментализм;
- В) ислом динидаги янгича қарашлар;
- С) фундаментализмдаги ахлоқий қарашларнинг мафтункорлиги;
- Д) фундаментализмнинг халқ турмуш тарзига мувофиқлиги;
- Е) кишиларни бошқа нлардан ҳимоя қилиш эҳтиёжи;

46. Ўзбекистонда маънавиятга мухолифат пайдо бўлишига йўл қўймасликнинг омиллари нима?

- А) «инкорни инкор» сиёсатини қўлламаслик ва ўзгаришларнинг тадрижий кечишини таъминлаш;
- В) мухолифатга ўз вақтида қақшатқич зарба бериш;
- С) мухолифат билан ўзаро манфаатли келишув;
- Д) кучли таъсир ўтказиб, мухолифатни сиёсий бостириб қўйиш;
- Е) мухолифат учун ўз фикр-қарашларини эркин изҳор этиш шароитларини яратиб бериш.

47. Маънавий қадриятларни тиклаш қандай жараёнлардан бошланади?

- А) адабиёт ва санъатни ривожлантиришдан;
- В) шаҳар ободончилигини яхшилашдан;
- С) маданий меъморчилик обидаларини тиклашдан;
- Д) сиёсий озодликни қўлга киритишдан;
- Е) миллий ўзликни англашнинг ўсишидан.

48. Умуминсоний қадриятларга қайсиларни киритса бўлади?

- А) миллий байрам, урф-одатлар;
- В) тенглик, тинчлик, халқаро дўстлик;
- С) табиатни муҳофаза қилиш, оммавий қирғин қуролларни ишлаб чиқишни тўхтатиш;
- Д) сўз эркинлиги, виждон эркинлигини таъминлаш;
- Е) тўғри жавоб-В ва С.

49. Ўзбекистонда дин ва виждон эркинлиги қайси халқаро талабларга мувофиқ келади?

- А) исломий талабларга;
- В) христианлик тўғрисидаги халқаро битимга;
- С) фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро фактга;
- Д) миллий анъана ва урф-одатларни ҳимоя қилиш хусусидаги халқаро талабларга;
- Е) Ватикан томонидан илгари сурилган диний доктринага.

50. Мамлакатимизда фундаментализм ва диний ақидапарастликнинг пайдо бўлишига қандай шарт-шароитлар сабаб бўлди?

- А) тоталитар мафқуранинг маънавий қашшоқлиги ва фундаментализм;
- В) ислом динидаги янгича қарашлар;
- С) фундаментализмдаги ахлоқий қарашларнинг мафтункорлиги;
- Д) фундаментализмнинг халқ турмуш тарзига мувофиқлиги;
- Е) кишиларни бошқа динлардан ҳимоя қилиш эҳтиёжи.

51. Ғаразли шахслар ислом динидан қандай сиёсий мақсадни амалга оширишда фойдаланмоқчилар?

- А) ҳокимиятни қўлга олиш мақсадида;
- В) халқаро сиёсий нуфузларини ошириш мақсадида;
- С) ҳуқуқий давлатнинг маънавий асосларини яратиш мақсадида;
- Д) сиёсий ташкилотлар тузиш мақсадида;
- Е) демократик жамият куриш воситаси сифатида.

52. Аҳолининг маънавий ривожланиши тизимида маҳалла қандай мавқе эгаллайди?

- A) маънавий такомиллашув жараёнларида ҳал қилувчи ўрин тутади;
- B) халқдаги ахлоқий, маънавий муҳитни сақлаб туриш имкониятини ўзида ифодалайди;
- C) сиёсий бошқарув вазифасини бажаради;
- D) эстетик тарбия ишларини олиб боради;
- E) иқтисодий муаммоларни ҳал этиш, бандлик масалаларини ечишда асосий бўғин ҳисобланади.

53. Ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарлиги бирлаштирилган бошқарув институтининг номини айтинг.

- A) ҳокимлик;
- B) вазирлик;
- C) маҳалла;
- D) оқсоқоллар кенгаши;
- E) концерн.

54. Ўзбекистондаги демократик тараққиётнинг пировард мақсадлари нима?

- A) кучли давлат тизимини таркиб топтириш;
- B) фуқаролик жамиятини барпо этиш;
- C) бутун ҳокимиятни ўз-ўзини бошқариш органларига топшириш;
- D) конфедератив давлат тузиш;
- E) бозор иқтисодиётига ўтиш.

55. Ўзбекистон ҳарбий блоклар тузишга қандай қарайди?

- A) МДХ доирасида ҳарбий-сиёсий блокларда қатнашишни маъқуллайди;
- B) ислом давлатлари билан ҳарбий иттифоқ тузишни ёқлайди;
- C) Марказий Осиё давлатлари ҳарбий блокада иштирок этишга интилади;
- D) ривожланган ғарб давлатлари билан алоқани мустаҳкамлайди;
- E) кўшилмаслик ҳаракатининг аъзоси сифатида иш тутади.

56. Фуқаролик жамияти таркиб топгач, қандай ўзгаришлар юз беради?

- А) қонун асосидаги бошқарув кучаяди;
- В) жамоатчилик фикри асосида бошқариш йўлга қўйилади;
- С) давлат бошқаруви кучаяди;
- Д) эркинлик ва қонунга бўйсиниш уйғун амал қилади;
- Е) қонун асосида бошқарув сусаяди.

57. Сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатлар қандай вазифаларни бажарувчи демократик институт сифатида намоён бўлишлари мақсадга мувофиқ?

- А) халқ билан ҳокимиятни боғловчи бўғин сифатида;
- В) ўз манфаатларини амаллаштирувчи восита сифатида;
- С) давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи бўғин сифатида;
- Д) маҳаллий аҳоли манфаатларини ҳимоя қилувчи восита сифатида;
- Е) партия дастурларини элга ёйиш воситаси сифатида.

58. Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон сиёсатининг бош йўналиши сифатида нимани белгилаган?

- А) мамлакатнинг иқтисодий ўсишини;
- В) мамлакат хавфсизлигини;
- С) экологик муҳитни яхшилашни;
- Д) хорижий инвестицияларни жалб этишни;
- Е) МДХ мамлакатлари билан алоқани такомиллаштиришни.

59. Ўзбекистонда шакллантирилаётган миллий мафкура кимнинг манфаатларини ўзида ифода этади?

- А) давлатнинг;
- В) ишлаб чиқариш жамоаларининг;
- С) оддий инсонларнинг;
- Д) партияларнинг;
- Е) ёшларнинг.

60. Мамлакатнинг нурли келажагини яратиш мақсадларида қуйидагилардан қайси бирини биринчи галда ўзгартириш керак?

- А) жамиятни;
- В) давлат тизимини;
- С) иқтисодиётни;
- Д) онгни, тафаккурни;
- Е) моддий борлиқни.

61. Мамлакатимизда қабул қилинган халқ таълими тизимининг асосий бўғинини нима ташкил этади?

- А) ўрта умумий таълим;
- В) узлуксиз таълим тизими;
- С) касб-ҳунар коллежлари;
- Д) олий таълим тизими;
- Е) аспирантура ва докторантура.

62. Ўзбекистон ёшлари «Камолот» жамғармасининг асосий вазифалари нимадан иборат?

- А) ёш авлодни жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан камол топтириш;
- В) шарқона ахлоқ-одобга риоя қиладиган ёшларни тарбиялаш;
- С) миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қиладиган ёшларни тарбиялаш;
- Д) миллий қадриятларни тиклаш;
- Е) ҳаммаси тўғри.

63. Миллий ғоя, мафқурани шакллантиришнинг асосий шарти нимада?

- А) воқеликнинг одамлар онгига таъсирини инобатга олиш;
- В) фуқаролар сиёсий онгининг ўсганлигини;
- С) воқеликни англашда онгнинг бирламчилик хусусиятини ҳисобга олиш;
- Д) одамлар тафаккури, дунёқарашининг воқеликка нисбатан таъсирини инобатга олиш;
- Е) урф-одат ва анъаналар моҳиятини чуқурроқ англаш.

64. «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг мақсади нимага қаратилган?

- А) педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини таъминлашга;
- В) ҳар бир шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга;
- С) давлат таълим стандартларини белгилашга;
- Д) ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга;
- Е) тўғри жавоб-В ва С.

65. Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларини аниқланг.

- А) таълим дастурларини ишлаб чиқиш;
- В) юқори малакали мутахассислар тайёрлаш;
- С) таълим тизимида давлат ва жамоат бошқарувини уйғунлаштириш;
- Д) болаларнинг қобилияти, истеъдодини ривожлантириш;
- Е) давлат ва нодавлат таълим муассасаларини ривожлантириш.

66. Ҳар бир шахснинг билим олишида қандай ҳуқуқлар кафолатланади?

- А) иқтисодий;
- В) тенглик;
- С) сиёсий;
- Д) ижтимоий;
- Е) мустақил.

67. Ўзбекистон Республикаси инсон ва фуқароларининг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари қандай гуруҳларга бўлинади?

- А) шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий эркинликлар;
- В) табиий ва шахсий ҳуқуқлар, иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий, маънавий;
- С) иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар;
- Д) шахсий, маънавий, иқтисодий ва ижтимоий, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар;
- Е) тўғри жавоб-А ва С.

68. И.А.Каримов Ўзбекистоннинг миллий сиёсатини амалга оширишда қандай қоидаларга амал қилиш кераклигини айтган?

- А) давлатнинг этник сиёсати шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишда устувор бўлиши керак;
- В) давлатнинг этник сиёсатидаги бош йўл миллатлараро зиддиятларни амалий ҳал қиладиган усулларга асосланиши керак;
- С) жамиятимизнинг бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тараққиёти республикада яшаётган барча миллатларнинг манфаатларига мос бўлиши керак;
- Д) тўғри жавоб-А ва С;
- Е) ҳамма жавоблар тўғри.

69. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида таъкидланишича, нималар одил жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солади?

- А) қонунларнинг бажарилмаслиги;
- В) миллатларнинг ўзаро муносабати;
- С) жиноятчилик ва коррупция;
- Д) одил судловнинг йўқлиги;
- Е) тўғри жавоб-А ва В.

70.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланиш ҳуқуқига эга фуқаролар камида неча ёшда бўлиши керак?

- А) 35 ёшда;
- В) 30 ёшда;
- С) 25 ёшда;
- Д) 21 ёшда;
- Е) 18 ёшда.

71.Мамлакатимиздаги иқтисодий ислохотларнинг ташаббускори ким?

- А) халқ;
- В) партиялар ва жамоатчилик;
- С) давлат;
- Д) президент;
- Е) хорижий мамлакатлар банклари.

72. Ижтимоий ҳаёт соҳаларида устун куч нима?

- А) маънавият;
- В) қонун;
- С) жамоатчилик фикри;
- Д) анъаналар;
- Е) турмуш тарзи.

73. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг моҳияти?

- А) давлат манфаатларини ҳимоя қилиш;
- В) аҳолининг ночор қисмини муҳофаза этиш;
- С) ички ва ташқи сиёсатда устувор мавқе учун курашиш;
- Д) қонунларни мустаҳкамлаш;
- Е) жамоатчилик фикрини кучайтириш.

74. Ўзбекистонда бозор сиёсатига қандай ўтилмоқда?

- А) халқ анъаналари ва бой миллий меросимизга таянган ҳолда;
- В) маънавиятнинг қудратли кучига суянган ҳолда;
- С) ҳамма томонларни ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич тарзда;
- Д) «шок» - жамият ҳаётини бирваракайига ўзгартириш асосида;
- Е) турмуш тарзини ҳисобга олган ҳолда.

75. Мамлакатимизда илғор технологиялар асосидаги замонавий ишлаб чиқариш таркибига ўтишни таъминлашдан асосий мақсад?

- А) минерал ресурсларни комплекс қайта ишловчи ўзаро боғлиқ томонлар тизимини шакллантириш;
- В) тараққиётни ҳамдўстлик мамлакатлари билан биргаликда амалга ошириш;
- С) тараққиётни илғор хорижий давлатлар билан ўзаро келишилган ҳолда амалга ошириш;
- Д) иқтисодиётда аграр секторни кучайтириш;
- Е) ялпи индустриалаштириш сиёсатини қўллаш.

76. Пулнинг қадрсизланишини Марказий банк орқали камайтириш иқтисодийни соғломлаштиришда...

- A) асосий аломат ҳисобланади;
- B) асосий аломат бўла олмайди;
- C) устувор мавқе касб этади;
- D) бирламчи аҳамиятга эга;
- E) доимий кўмак бериб турувчи омил ҳисобланади.

77. Ўзбекистондан бошқа МДХ давлатлари макроиқтисодий бошқарувнинг қандай усуллари ўзларига асосий дастак қилдилар?

- A) соф ижтимоий йўналганлик усуллари;
- B) ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш усуллари;
- C) соф монетар усуллари;
- D) индустриалаштириш усуллари;
- E) коллективлаштириш усуллари.

78. Монетар сиёсат хусусиятларидан бири...

- A) хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кучайтириш ва кўшни корхоналарни қупайтиришдир;
- B) кредитга пул чиқаришни кескин оширишдир;
- C) банклараро валюта савдо-сотиғида Марказий банкларнинг валюта ташлашини кучайтиришдир;
- D) инвестиция сиёсатини юргизишдир;
- E) лизинг операцияларини бажаришдир.

79. Пулнинг қадрсизланиш жараёнининг давом этиши ишлаб чиқарувчиларни қандай иш тўтишга мажбур этади?

- A) маҳсулотни қиммат нархларда тезроқ сотишга;
- B) маҳсулотларни кўпроқ ишлаб чиқаришга;
- C) маҳсулот таннархини камайтиришга;
- D) соф маҳсулотнинг каттагина қисмидан истеъмол учун фойдаланишга;
- E) чет эл инвестицияларини тезроқ жалб этишга.

80. Девальвация усулини қўллашдан мақсад...

- A) миллий валютанинг олди-сотди нархини оширишдир;
- B) миллий валютанинг ташқи бозорда сингишига тайёрлашдир;
- C) миллий валютанинг қадрини бир оз тушириш орқали унинг конвертация хусусиятини юзага чиқаришдир;

- Д) миллий валютани ички бозорда мустаҳкамлашдир;
- Е) миллий валютанинг фақат Марказий банк орқали сотилишига эришишдир.

81. Иқтисодий барқарорлаштиришнинг ҳал қилувчи омили нима?

- А) бюджет интизомига риоя қилиш;
- В) меҳнат интизомини кучайтириш;
- С) ижтимоий ҳимояни яхшилаш;
- Д) ортиқча маҳсулот чиқаришга чек қўйиш;
- Е) четдан арзон маҳсулотлар келтириб, ички бозорни тўлдириш.

82. Ўзбекистонда қурилаётган демократик жамиятнинг ўзига хослиги асосан нимада намоён бўлади?

- А) қонун устуворлигида;
- В) жамоатчилик фикри асосида иш тўтишда;
- С) адолатпарварликда;
- Д) иқтисодиёт қонунлари устуворлигида;
- Е) сиёсий фикрлар ранг-баранглиги ва эркинлигида.

83. Инвестициянинг моҳияти нима?

- А) халқ хўжалигига узоқ муддат билан киритилувчи капитал;
- В) қисқа муддат билан берилувчи қарз;
- С) катта фоизли кредитлар;
- Д) мудофаага ажратилган бюджет маблағлари;
- Е) махсус ҳисоб-китоб рақамларидан олинувчи фойда пуллари.

84. Республикамиз меҳнат салоҳияти деганда нималар тушунилади?

- А) аҳолининг меҳнат захиралари;
- В) қишлоқдаги ишсиз аҳолининг шаҳарларга кўчиши;
- С) аҳолининг меҳнат унумдорлиги;
- Д) ишсизлик муаммосининг ҳал этилиши;
- Е) меҳнат малакасининг оширилиши.

85. Уй-жой мулкдорларининг ширкати қандай ташкилот?

- А) тижоратга асосланган ташкилот;
- В) нотижорат ташкилот;
- С) давлат ташкилоти;

- Д) хорижий инвесторлар маблағи асосида иш юритувчи ташкилот;
- Е) мерос ҳуқуқи асосида амал қилувчи ташкилот.

86. Бозор иқтисодиёти шароитида пул ва товар муносабатларида нима бирламчи?

- А) пулнинг товардан олдин юриши;
- В) товарнинг пулдан устуворлиги;
- С) товар мўл-кўллиги;
- Д) товар сифати;
- Е) пул қийматининг товар билан таъминланиши.

87. Товар қийматининг манбаини кўпроқ нима ташкил этади?

- А) сарф этилган меҳнат, харажатлар;
- В) товарнинг чидамлилиги;
- С) товарнинг моддий негизи;
- Д) ижтимоий эҳтиёжлар;
- Е) истеъмолчиларнинг анъаналари ва урф-одатлари.

88. Молиянинг вазифалари нималар?

- А) молия бюджетдан иборат;
- В) рағбатлантириш, ижтимоий ҳимоя, иқтисодий ахборот;
- С) пул хўжалигини такомиллаштириш;
- Д) молия фондларини юзага келтириш;
- Е) даромад манбаи эканлиги.

89. Ўзбекистон халқаро алоқалар ўрнатиш жараёнида қандай тамойилларга амал қилади?

- А) бирор бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмаслик;
- В) иқтисодий жиҳатдан кучли давлат билан яқинлашишга кўпроқ эътибор бериш;
- С) профессионал негизларни эътиборга олиб яқинлашиш;
- Д) этник қардошлиқ негизида бошқа давлатлар билан яқинлашиш;
- Е) мамлакатларнинг сиёсий тузумларига кўра яқинлашиш тамойилларига амал қилиш.

90. Халқаро можароларни ҳал қилишнинг энг прогрессив йўли бу:

- А) қуролли йўл билан;
- В) халқаро ташкилотлар ёрдамида;
- С) ўзаро келиша олмаётган томонлар билан қўшимча музокаралар олиб бориш;
- Д) ички ишларига аралашмаслик йўли билан;

91. Сиёсий партия устави ва дастури қаерда қабул қилинади?

- А) таъсис съезди ёки конференцияда;
- В) таъсис съездида;
- С) Адлия вазирлигида;
- Д) рўйхатдан ўтказиш вақтида;
- Е) ташаббускор гуруҳи томонидан

92. Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бошлаб

- А) икки ой муддат ичида;
- В) у тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида;
- С) уч ой муддат ичида;
- Д) йигирма кун муддат ичида;
- Е) бир ойдан тўрт ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади.

93. Сиёсий партияни рўйхатга олишни рад этиш устидан кимга шикоят қилиш мумкин?

- А) ЎзР Олий судига;
- Б) Омбудсманга;
- С) ЎзР Адлия вазирлигига;
- Д) ЎзР қасаба уюшмаси федерациясига;
- Е) ЎзР Президентига.

IX БЎЛИМ: ГЛОССАРИЙ

Авантюризм (франц. *aventure* – саргузашт, хавф) – 1) шахснинг ғаразли мақсадига эришиш учун содир этадиган ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатлари 2) шубҳали ишларга мойиллик.

Автаркия (юн. *auterkeia* – ўз-ўзидан қониқиш, *autos* - ўз ва *arkeo* – тўқ ҳолатдаман деган маънони англатади) – бир мамлакатнинг бошқа мамлакатга бўлган тобелигидан қутулиб, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўз-ўзига етарли иқтисодиёт барпо этишга қаратилган ёпиқ сиёсати. Автаркия давлатнинг суверенитетини белгилаб беради.

Аграр инқироз – амалга ошириб бўлмайдиган захираларнинг ўсишига, нархларнинг пасайиши, ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, ишлаб чиқарувчиларнинг синиши (банкрот)га олиб келувчи, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўп ва сифатсиз ишлаб чиқариш.

Агрессия (лот. *agressio* – ҳужум қилиш, тажовуз) – 1) бирор ҳудудни эгаллаш, давлат мустақиллигини тугатиш, сиёсий тизимни ўзгартириш мақсадида олиб борилган ноқонуний қуроли ҳужум, халқаро ҳуқуқларга зид равишда бир давлат (давлатлар) бошқа давлат (давлатлар)га куч ишлатиши. А. Ҳарбий, иқтисодий, психологик, ғоявий ва ҳоказо бўлиши мумкин. А.ни аниқлаш БМТ Бош Ассамблеясининг 1974 йил 14 декабрдаги резолюциясида қабул қилинган. А.га учраган давлат индивидуал ёки жамоа тарзда ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга (БМТ Низомининг 51 моддаси). Бундай ҳолда давлатнинг ҳаракатлари, агар у А.ни бошловчи бўлса ҳам, оқланади. Ҳудудни босиб олиш ёки А. туфайли эришилган бошқа ижобий ҳаракатлар ҳам қонунга зид ҳисобланади. А. ишлатилган ҳолларда БМТнинг Хавфсизлик Кенгаши баъзи ҳарбий операцияларни ўтказиш орқали ҳарбий чораларни ҳам қўллаши мумкин (БМТ қуроли кучлари шунингдек, БМТга аъзо давлатларнинг қуроли кучларини ишлатиш). БМТ Низомининг 5-моддасига мувофиқ, агрессив уруш энг оғир халқаро жиноят ҳисобланиб, репарациялар ва реститутциялар шаклидаги халқаро ҳуқуқий ва моддий жавобгарликка олиб келади. Амалга оширилиш услубига кўра А. бевосита ва билвосита бўлиши мумкин. 2) кишиларнинг жамиятда баҳамжиҳат яшаш меъёрлари ва қоидаларига зид бўлган мақсадли деструктив ҳатти-ҳаракат, ҳужум қилувчи (жонли ва жонсиз) объектларга зарар етказувчи, одамларга жисмоний зарар келтирувчи ёки уларда салбий ҳолатларни уйғотувчи таранглик, қўрқув, эзилганлик ёки хўрланганлик ҳолати ва бошқалар.

Агрессия акти – Қуйидагилар А.а. тушунчасини ифодалайди. 1) маълум бир давлат (давлатларнинг коалициялари) қуроли кучларининг бошқа давлат ҳудудига бостириб кириши ёки ҳужум уюштириши; 2) бостириб кириш ёки ҳужум қилишнинг натижаси ҳисобланган ҳар қандай ҳарбий оккупация, унинг қанча вақт давом этишидан қатъий-назар, ёки бошқа давлат ҳудудини (ҳудудининг бир қисмини) зўравонлик билан ўз ҳудудига қўшиб (бириктириб) олиш; 3) ҳар қандай бошқа давлат ҳудудига

қарши бир давлатнинг қуролли кучлари томонидан қурол-яроғ ишлатиш; 4) ҳар қандай давлатнинг портлари ёки қирғоқларини бошқа бир давлатнинг (коалицион давлатларнинг) қуролли кучлари томонидан блокада қилиниши; 5) давлат (коалицион давлатлар) қуролли кучларининг бир давлатнинг қуруқликдаги, денгиз, ҳаво кучларига ёки денгиз ва ҳаво флотларига уюштирган ҳужуми; 6) ҳар қандай давлатнинг, унинг бошқа бир давлат ихтиёрига топширган ҳудудидан ушбу давлат бошқа ҳар қандай давлатга қарши агрессия актини амалга оширишига имкон яратувчи ҳаракати; 7) давлат томонидан ёки унинг номидан қуролланган гуруҳлар ва сафарбар қўшинлар ёки ёлланган жангчиларни ҳар қандай бошқа бир давлат ҳудудига жўнатиш. Шунингдек, БМТ Низомига кўра, бошқа актлар ҳам агрессия характериға хос бўлишини БМТ Хавфсизлик Кенгаши белгилаши мумкин. Хавфсизлик Кенгаши томонидан А.а.ни қайд этиш, Кенгаш томонидан халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлашға ёки тиклашға оид чора-тадбирлар юзасидан тавсиялар ёки қарорлар қабул қилишниши мумкин. Шунингдек, Агрессия актлари Ўзбекистон Республикаси ички ва ташқи сиёсатида ҳам қаттиқ қораланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддасида, мамлакат ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, чегаралар даҳлсизлиги ва низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш қабилар мустаҳкамлаб қўйилган.

Агрессор – 1) бостириб кирувчи томон; 2) жанговар сиёсат олиб борувчи, агрессия ҳаракатларини қўлловчи давлат.

Адлия вазирлиги – ижрочи ҳокимиятнинг органи, адлия соҳасида бошқарувни амалга оширади ҳамда ушбу соҳадаги ижроия ҳокимияти органлари олиб бораётган фаолиятни мувофиқлаштиради. Адлия вазирлигининг асосий вазифалари қуйидагилар: адлия соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; шахс ва давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш, ақлий мулкни судлар фаолияти тартиби билан белгиланган ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, суд ёки бошқа ҳуқуқ органларининг жиной жазолар бўйича актларини бажариш.

Аёлларға нисбатан муносабатда дискриминациянинг барча шаклларини йўқ қилиш ҳақидаги Конвенция – 1979 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган бўлиб, 1.03.1980 йилдан имзолаш учун очик ва 3.09.1981 йилдан кучға кирган. Ҳозирда 70 га яқин давлат мазкур Конвенциянинг иштирокчилари ҳисобланади. Конвенцияға мувофиқ, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий ёки ҳар қандай бошқа соҳаларда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини аёллар томонидан амалга оширилиши, ушбу ҳуқуқларнинг қўлланилиши ёки тан олиншини сусайтириш ёки йўққа чиқаришға қаратилган, жинсига кўра ҳар қандай ажратиш, истисно қилиш ёки чегаралаш, аёлларға нисбатан дискриминация ҳисобланади. Конвенцияға мувофиқ аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиқ тамойили ҳар бир иштирокчи давлатнинг миллий Конституциясига киритилиши ва амалиётда барча зарур чоралар билан

таъминланиши керак. Иштирокчи-давлатлар қонун орқали аёллар дискриминациясини тақиқлашни, ҳар қандай дискриминацион қонун ёки одатни ўзгартириш ёки олиб ташлаш, аёллар дискриминациясини келтириб чиқарувчи ақидаларни йўқ қилишга қаратилган чоратадбирларни қўллаш, аёллар дискриминациясининг ҳар қандай актидан ҳимоя қилишни таъминлаш мажбуриятини олади. Конвенция ўз иштирокчиларига, аёлларга эркаклар билан тенг ҳуқуққа давлат лавозимларини эгаллаш, давлат органларига сайлаш ва сайланиш имкониятларини бериш орқали, уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлаш мажбуриятини юклайди.

Айланма капитал - ишлаб чиқаришда қатнашувчи ва 1 молиявий цикл давомида бутунлай сарфланадиган маблағлар.

Аккредитлаш - халқаро ҳуқуқда давлатнинг дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки бирор-бир халқаро ташкилотда доимий вакили лавозимига тайинланиши ва лавозимни бажаришга киришиши билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлар мажмуи. Аккредитлаш жараёни қуйидагилардан иборат: давлат ваколатли органи томонидан муайян шахсни ўз дипломатик вакили этиб тайинлаш тўғрисидаги ички ҳужжатни эълон қилиш, унинг хорижий давлат томонидан қабул қилинишига розилик олиш (агреман) ҳамда янги ишга тайинланган вакилнинг хизмат қиладиган давлат ваколатли органига ишонч ёрлиқларини топшириш. Бирор-бир давлатда мавжуд тажрибага асосан, дипломатик ваколатхона бошлиғи ишонч ёрлиқларини топширган пайтдан ёхуд ўз ташрифи ҳақида хабар берган ва хизмат қиладиган давлат ташқи ишлар вазирлигига тасдиқланган ишонч ёрлиқларининг нусхаларини тақдим этган вақтдан эътиборан ўз вазифаларини бажаришга киришган ҳисобланади. Давлатнинг халқаро ташкилотдаги доимий вакили халқаро ташкилотнинг ваколатли органига ваколат ёрлиғини топширган пайтдан бошлаб ўз вазифаларини бажаришга киришган ҳисобланади.

Акт (лот. - actus - ҳаракат, actum – ҳужжат. 1) ҳаракат ёки қилинган иш; 2) расмий ҳужжат.

Акция – 1) ҳаракат, бирор бир мақсадга эришишга йўналтирилган чиқиш ёки ҳаракат (масалан, сиёсий, дипломатик А.); 2) акционерлик жамияти капиталига маблағ қўйганлигини тасдиқловчи ва унинг эгасига дивиденд кўринишида фойданинг бир қисмини олишга ҳуқуқ берувчи қимматли қоғоз. Кўпчилик А. эгалари акционерларнинг умумий йиғилишларида масала ечимидаги қарор қабул қилишда овоз бериш ҳуқуқини беради.

Акциядорлик жамияти – устав жамғармаси маълум миқдордаги акцияларга бўлинган, жамиятнинг акциядорлар олдидаги мажбуриятларини тасдиқлайдиган хўжалик субъекти. Жамият ўз мажбуриятлари учун ўзига тегишли бўлган барча мол-мулклари билан жавобгар ҳисобланади. Очик турдаги акциядорлик жамияти – акциядорлари ўзларига тегишли акциялари билан бошқа акциядорларнинг розилигисиз, эркин тасарруф қила оладиган жамият. Ёпик турдаги

акциядорлик жамияти - акциялари фақат таъсисчилар орасида ёки бошқа, олдиндан белгиланган шахслар доирасида тақсимланадиган жамият.

Альтернатива (франц. – alternative, лот. – alternes - галмагал келиш) - 1) муқобиллик, икки ёки ундан ортиқ имкониятлар орасидан танлаш зарурати; 2) бир-бирини инкор этувчи имкониятлардан бирини танлаш зарурати.

Альтернатив ҳаракатлар – экология, уруш ва тинчлик, турмуш даражаси ва бошқа долзарб умумбашарий муаммоларнинг ўзига хос ечимларини топишга интилувчи янги жамоатчилик ҳаракатлари.

Анализ, таҳлил (юн. analysis – бўлиниш) - 1) бирор нарсанинг алоҳида томонлари, хусусиятлари ва ажралмас қисмларини кўриб чиқиш орқали амалга ошириладиган тадқиқот ва таҳлил орқали оламни билиш жараёнида ишлатиладиган бир усул. Фикран ёки амалда нарса ва ҳодисаларни таркибий бўлакларга бўлиш услуги; 2) ҳар томонлама кўриб чиқиш, таҳлил этиш.

Анархизм (юн. anarchia – бебошлик, ҳокимиятсизлик) - давлат бошқаруви ва институционал бошқарувнинг миллий миқёсдаги барча шаклларида батамом воз кечишга даъват этувчи ижтимоий-сиёсий оқим.

Анархия (юн. anarchia – бебошлик, ҳокимиятсизлик) - 1) давлат ҳокимияти ва алоҳида жамоалар, оилалар ва кишиларнинг ўз-ўзини бошқаришга асосланган дастлабки жамоасини истисно этувчи жамият тузилишининг ижтимоий-сиёсий шакли; 2) жамоат ҳаётини ташкил этишдаги тартибсизлик, жамият ҳаётини нотўғри ташкил этиш, унинг сиёсий ва ҳуқуқий соҳаларида қонунсизликнинг ҳукмронлиги, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада меъёрий фаолиятнинг йўқлиги.

Антимилитаризм (лот. militaris) - ички ва халқаро майдондаги қарама-қаршиликларни ҳал қилиш мақсадида қуролли зўравонликни қўллашга қарши чиқувчи ижтимоий-сиёсий қарашлар ва ҳаракатлар мажмуи.

Антисемитизм (юн. anti semit – иврит, семит) - яҳудийларга нисбатан қарши салбий муносабатларни ифодаловчи ва уларни таъқиб остига олувчи мафкура ва сиёсат. Ирқий шовинизмнинг энг ашаддий шаклларида бири.

Апартеид (африкан (бурлар) тилида apartheid – алоҳида яшаш) - ирқий камситишнинг шакли бўлиб, кишиларни ирқларга ажратиш усули; жамиятдаги айрим аҳоли гуруҳининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки уларнинг ушбу ҳуқуқларини маълум даражада чеклаб қўйиш, айрим ҳолларда ҳудудий жиҳатдан изоляция қилиб қўйиладиган ҳаракатлар. Геноциднинг баъзи бир актлари А.га киради. Замонавий халқаро ҳуқуқ А.ни инсониятга қарши жиноят деб ҳисоблайди. 1973 йилда БМТ Бош Ассамблеяси ушбу соҳадаги жиноятчиликнинг пайини қирқиш ва бунинг учун жазолаш тўғрисидаги Конвенцияни қабул қилган.

Апатрид (юн. *apatris* – ватанга эга бўлмаган) - дунёнинг ҳеч бир мамлакатада фуқаролик мақомига ёки бирор-бир давлатда яшаш ҳуқуқига эга бўлмаган кишилар.

Апелляция (лот. *appellatio* - муурожаат қилиш, шикоят қилиш) - 1) бирор шахс ёки гуруҳнинг ваколатли идора ёки давлат органи томонидан улар устидан чиқарган кўрсатма, қарор ёки ҳулосалардан норози бўлиб юқори давлат органларига шикоят қилиши. 2) Судланган шахсларнинг ёки ташкилотларнинг суд қарори ва ҳукмидан норози бўлиб, ишни тўлиғича кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлган юқори суд органларига шикоят ёки ёрдам сўрашининг шаклларида бири. 3) юқори давлат органлари ёки идораларига ёрдам ва маслаҳат сўраб шикоят қилиш. А. ҳар бир давлатнинг қабул қилган жинойт-процессуал қонунларига асосан олиб борилади. Ўз.Рда бу қонун 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган ва 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган.

Аралашмаслик – бу халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб, давлат ёки халқаро ташкилотларнинг бошқа бир давлатнинг ички ишларига бевосита ёки билвосита аралашмасликни ифодалайди.

Арбитраж (франц. *arbitrage*) - Ҳакамлар суди (махсус белгиланган ҳакамлар томонидан икки тараф ўртасидаги жанжалли ишни ажрим қилиш, кўриб чиқиш); 1.Халқаро арбитраж: бирор-бир масала устидан баҳслашиб қолган томонларнинг ўз ихтиёрлари билан сайлаган, унинг қарорини барча томонлар тан оладиган ягона арбитр ёки арбитрларнинг халқаро низолар, ўзаро қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш усули. 2.Ташқи савдо арбитражи: давлатлар ўртасидаги ташқи савдо алоқаларидаги мавжуд иқтисодий муаммоларни ва келишмовчиликларни ўзаро қабул қилинган шартнома ёки қонунлар асосида ҳал қилишга мўлжалланган ваколатли халқаро орган. 3.Давлат арбитражи: юридик ва жисмоний шахслар, давлат идоралари ва муассалари ўртасидаги жанжалли ишларни ажрим қилувчи ҳакамлар.

Ахборот инфраструктураси – 1) жамиятда ахборотни йиғиш, етказиш, сақлаш, автоматик равишда қайта ишлаш ва тарқатиш имкониятини берувчи муҳит. 2) ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш марказлари, ахборот алмашиш ва телекоммуникация каналлари, ахборотлар ва ахборот бозорини ҳимоя қилувчи тизим ва восита, алоқа линиялари мажмуи.

Ахборотнинг ишончилиги – олинган ахборотнинг объектив воқеликга мос келиши ва ундаги ҳолисоналик.

Ахборот ресурслари – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаёти ва фаолияти жараёнида олинган бирор бир шаклда ҳужжатланган маълумот. Давлатга ва давлатга оид бўлмаган а.р. бўлиши мумкин. Мулк шаклига қараб фуқаролар, давлат ҳокимлиги, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, ташкилотлар ва кўшма корхоналар тасарруфида бўлиши мумкин.

Баёнот – халқаро мунособатларда бир неча давлатнинг сиёсий партияси ёки партиялари, ҳукумати ёхуд ҳукуматларининг бир ёки бир неча давлатларга оид муҳим масалалар юзасидан ўз расмий фикрлари, қарашлари ҳамда мақсадларини, маълум ҳатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватлашлари ёки аксинча, қоралашларини, уларга эътироз билдиришларини ифодалайдиган ҳужжат.

Бактериологик (биологик) ва токсин қуроли ишлаб чиқаришни, захираларини тўплашни тақиқлаш ва уларни йўқ қилиш ҳақидаги Конвенция – Мазкур конвенция 10.04.1972 йилда имзоланган учун очилган ва 26.03.1975 йилдан кучга кирган. Ҳозирда 140 дан ортиқ давлат унинг иштирокчилари ҳисобланади. Конвенциянинг депозитар давлатлари АҚШ ва Буюк Британия ҳисобланади. Конвенциянинг фаолият мuddати чегараланмаган. Конвенциянинг иштирокчилари:

1) микробиологик ёки бошқа биологик агентларнинг ёки токсинларнинг профилактика, ҳимоя ёки бошқа тинчлик мақсадларида ишлатишга мўлжалланмаган турлари ва миқдорларини;

2) душманлик мақсадларида ёки ҳарбий тўқнашувларда шундай агентлар ва токсинларни ишлатиш учун мўлжалланган қурилмалар ва етказиб бериш воситаларини ишлаб чиқармаслик, тўпласлик, ҳар қандай йўл билан топмаслик, сақламаслик;

3) Конвенция кучга киргач 9 ой ичида ўзлари эга бўлган ёки ўзларининг назоратлари остида бўлган барча агентлар, токсинлар, қуролилар, қурилмалар ва уларни етказиб бериш воситаларини йўқ қилиш, ёки тинчлик мақсадлари йўлида ишлатиб юбориш;

4) ўзга давлатларга тақиқланган агентлар, токсинлар, қуролилар, қурилмалар ва уларни етказиб бериш воситаларини бермаслик, уларни топиларига ҳам ёрдам бермаслик, ундамаслик мажбуриятини олдилар.

Конвенция инсонларни йўқ қилувчи оммавий қирғин қуролиларининг барча хавфли турларини яратиш бўйича кейинги ишларни тақиқлаган муҳим халқаро ҳужжатдир.

Барқарор ижтимоий ривожланиш вазияти–жамиётдаги тинч-тотувлик ва уни мустаҳкамлаш учун шарт-шароитнинг мавжудлиги. Қатламлар, кучлар ва сиёсий партиялар ўртасидаги ҳамжиҳатлик вазияти Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин барқарор ривожланишга катта эътибор берилмоқда. Миллий манфаатларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш орқали жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тизими, давлат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминловчи вазият.

Барқарорлик – қатъий, турғун вазият. Барқарорлик нарса ва ҳодисаларга ҳос қонуниятли муайянликни ифодаловчи тушунча.

Бетарафлик, нейтраллик - 1) маълум томонлар, давлатлар ташкилотлар ёки субъектлар ўртасидаги тортишув, можаро, зиддиятларга қарши курашишда аралашмаслик; 2) қуроли можароларга ҳамда ҳарбий-сиёсий иттифоқларга иштирок этишни инкор этувчи давлатнинг алоҳида,

хукукий статуси ва сиёсати. Б.ни тинчлик ва ҳарбий даврларда амалга ошириш мумкин. Турли хилдаги бетарафлик фарқлари; улар: доимий (Швейцария ва Австрия томонидан халқаро тартибда қабул қилинган) келишилган, анъанавий (узоқ вақт давомида Швеция томонидан амал қилиниб келинаёпти) ижобий (ҳарбий, сиёсий иттифоқларга қўшилмаслик сиёсатини олиб бораётган, мустақил ривожланаётган давлатларнинг пайдо бўлиши, муносабати билан урушдан кейинги йилларда кенг қулоч ёйган) куролли бетарафлик (ҳарбий куч ёрдамида давлат ўз бетарафлигини ҳимоя қилишга тайёр эканлигини эълон қилади). Б. давлатга ҳужум қилинган ҳолатларда БМТнинг охириги низомига мувофиқ давлат алоҳида ёки жамоа бўлиб ўз-ўзини ҳимоя қилиш ҳукуқига эга.

Битим – 1) келишув, томонларнинг бирор-бир шароитларда ўзаро муносабатлар, ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз зиммаларига олиши; 2) ўзаро розилик, келишув.

Бозор – 1) олди-сотди молларни ва хизматлар, савдо келишувларини амалга ошириладиган жой; 2) олди-сотди молларини ва хизматларини иқтисодий муносабатлар тизими ва бунинг доирасида уларга талаб, нарх шакллари.

Ички бозор – миллий иқтисод доирасида моллар ва хизматлар айланиш минтақаси.

Дунё бозори – 1) савдо-иқтисодий муносабатлари билан боғлиқ бўлган алоҳида давлатлар бозори; 2) давлат божхона сиёсати, протекцион анъанага қарам бўлган муҳим дунё нархларига эга бўлган миллий хўжаликлар ўртасида алмашув минтақаси.

Хуфиёна бозор – 1) бозор иқтисодини гипер трофицияга дучор қилинган объектив қонунларига асосланган ва олиб сотарлик характериға эга бўлган барча ноқонуний тижорат операциялар.

Бозор иқтисодиёти – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи иқтисодий қонун-қоидалари асосида бошқариладиган тизим. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнларидаги иқтисодий муносабатларни камраб олади. Эркин ишбилармонлик, ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан мулкчилик шакллариинг кўплиги, бозор нархининг шаклланиши ва рақобат муҳити, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида шартномавий муносабатлар ва давлатнинг хўжалик фаолиятиға аралашувини чеклаш тамойилларига асосланган иқтисодиёт.

Болалар ҳуқуқлари ҳақидаги Конвенция – 1989 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган бўлиб, ушбу Конвенцияға мувофиқ ҳар бир 18 ёшгача бўлган инсон, агарда у қонун бўйича балоғат ёшиға етмаган бўлса, бола ҳисобланади. Давлатлар, ирқидан, тана рангидан, тили, дини ёки бошқа ҳар қандай вазиятлардан, шунингдек, боланинг ёки унинг оила аъзоларининг қарашлари ва эътиқодидан қатъий назар, Конвенцияға мувофиқ аъзо-давлатлар барча болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш мажбуриятини оладилар. Давлатлар барча

болаларга нафақат инсоннинг умумий ҳуқуқлари (яшаш ҳуқуқи, фикрлаш, виждон ва дин эркинликлари ва бошқалар), балки ушбу субъектнинг ўзига хослигидан келиб чиқувчи махсус ҳуқуқлар, яъни фуқаролик ва исм танлаш ҳуқуқи, ота-онасидан ажралмаслик ҳуқуқи кабиларни ҳам бериши лозим. Конвенция давлат ичидаги бола асраб олиш ва ғамхўрлик қилиш институтлари, соғлиқни сақлаш ва таълим бериш тизимларига маълум талаб ва шартлар белгилайди. Конвенцияда боланинг соғлиғига хавф солувчи ёки унинг баркамол ривожланишига зарар етказувчи ҳар қандай ишни бажариш ва эксплуатациядан ҳимоя қилишни назарда тутилган.

Буюк давлат (улкан давлат) – бошқа давлатлардан иқтисодий, ҳарбий ресурслар салоҳияти билан ажралиб турувчи ўта улкан давлат (ёки давлатлар гуруҳи).

Вазирлик - ижроий ҳокимиятни амалга оширувчи ҳокимият бўғини. Вазирликлар мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётида муҳим ўринга эга. В. турли соҳалар фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштиришни таъминлайди. В. вазир, вазир ўринбосарлари, бош бошқармалар, бошқармалар ва бўлимлардан иборат поғонавий тузилишга эга. Вазир атамаси Ўзбекистонда қадимги давлатчилик кўринишларида мавжуд бўлган. Мустақилликка эришилгач, министр атамаси в. атамаси билан алмаштирилди ва халқ сўзлашув тилидан тўлиқ ўрин эгаллади.

Валюта инқирози – валюта курсининг кескин тебранишларида, тўлов балансларининг мувозанати бузилганда, ссуда капиталининг жойлаштирилишида намоён бўлувчи валюта соҳасида келишмовчиликларнинг кескинлашуви; бунда валюта курси давлатнинг девалвация ва ревалвация шаклида аралашувининг кучайиши оқибатида, валюта чегирмаларининг киритилиши, умум қатъий иқтисодий характердаги тадбирларнинг ўтказилиши кабилар билан бирга содир бўлади.

Валюта иттифоқи - икки ёки ундан ортиқ мамлакатлар ҳудудида ягона валютанинг жорий этилиши .

Валютанинг конвертабиллиги – валютанинг ҳар қандай мамлакатда тўлов воситаси вазифасини бажара олиш хусусияти. Ҳозирги вақтда дунёнинг ўта ривожланган мамлакатлари (АҚШ, Канада, Япония ва Европа Иттифоқи) тўлиқ конвертация бўладиган валютага эга.

Валюта захиралари (инг. reserve currency – рус. валютные резервы) - Қўтилмаган вазиятлар ҳолатига, шунингдек, фойда олиш ва валюта бозорларини тартибга солиш ҳамда бошқариш учун халқаро ҳисоб-китоблар қилиш учун мўлжалланган валюта захиралари. Марказий банкда ва давлатнинг молиявий органларида ёки халқаро валюта кредит ташкилотларида хорижий валютанинг расмий захиралари.

Валюта ресурслари – конвертация қилинадиган хорижий валюта ва унинг келиш манбалари захиралари.

Ватан – 1) инсон туғилиб ўсган, унинг ижтимоий ва руҳий-маданий тикланиш жараёни содир бўлган мамлакат; 2) табиий-жуғрофий шароити,

аҳолиси, ижтимоий-маданий хусусияти билан тарихий нуқтаи-назардан аниқ бир давлатга тегишли бўлган ҳудуд; 3) инсон туғилган аниқ аҳоли пункти, жойи; 4) бирор-бир феномен, ихтиро, ижтимоий ғоя, сиёсий муассаса ва бошқалар пайдо бўлишининг бошланғич жойи (масалан Буюк Британия – парламентаризм, Ўзбекистонда - кураш, Канада - хоккей В.). Бу тушунча «юрт» тушунчасига жуда яқин ва кесишади. Юрт тушунчаси образи «В» тушунчасига қараганда кўпроқ даражада шахснинг, одамларнинг давлатга ва жамиятга тегишли эканлигини акс эттиради.

Виждон эркинлиги – фуқаронинг шахснинг динга, эркин фикрлашга, эътиқодига кўра ўз маслиҳида сўзлаш ва фаолият юритиш ҳуқуқи.

Виза – 1) мамлакатдан чиқишга ижозат, бирор мамлакат орқали ўтиш, бирор мамлакатга кириш ҳуқуқини берувчи рухсат ва шундай ижозат олинганлиги ҳақида паспортга қўйиладиган белги; 2) лавозимли кишининг ҳужжатдаги имзо қайди.

Гендер (жинсий) тенгсизлиги - иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда эркаклар ва аёллар ўртасидаги тенгсизлик. Бу бир хил ишга турлача иш ҳақи тўланиши, таълим олишда кам имкониятларга эга бўлиш, юқори мансабларга кўтарилиш ҳамда сиёсий ҳаётга иштирок этишдаги чекловлар ва бошқаларда намоён бўлади.

Геноцид жиноятини олдини олиш ва шундай жиноят учун жазо ҳақидаги Конвенция – 9.12.1948 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган. Конвенциянинг иштирокчи давлатлари Конвенциядаги низомларни амалга ошириш учун зарур қонун чиқариш ишларини амалга ошириш, жумладан,, геноцидни бажарган ёки бажариш мақсадида фитнада иштирок этган, ўзгаларни ҳам бажаришга ундаган, геноцидда суиқасдлик уюштирган ёки шу жамиятга шерик бўлган шахсларга қарши самарали жазо чораларни қўллашга мажбурдирлар.

Геосиёсат – бу давлат, минтақа ва дунё хавфсизлигининг ривожланиши тамойиллари ва жараёнларини жуғрофий, сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, экологик ва бошқа омиллар тизими таъсирини эътиборга олиб ўрганувчи фан демакдир. Хавфсизлик назариясида геостратегик ва геосиёсий минтақалар асосий тушунчалар ҳисобланади. Геосиёсат - тушунчаси хавфсизлик муаммоларини ўрганишда бирламчи ҳисобланади. Геосиёсат бошқа фанларга нисбатан ёш, янги илмий йўналиш ҳисобланади ва унинг тўлиқ шаклланиши ҳали ниҳоясига етмаган. Аммо, ҳозирги кунда дунёда содир бўлаётган ўзгаришларнинг натижасида янги замонавий тадқиқот усулларидадан фойдаланиш ва назарий жиҳатдан бой тарихий материалларни қўллаш орқали геосиёсатнинг концептуал мавқеига эътибор кучайиб бормоқда. Шунга қарамаздан, геосиёсий тадқиқотлар олиб боришнинг услубий таркибий қисмлари бошқа фанлар илмий мундарижасининг таркибий қисмларига нисбатан суст ривожланган. Бу эса, ушбу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар томонидан геосиёсат илмининг услубий асосини шакллантиришга қаратилган мақсадларининг муҳимлигини улар мавжуд

билимлар ва усуллар орқали илмий изланишлар олиб борганликлари билан изоҳланади. Давлатлар ва халқлар ҳаёти, уларнинг турли хиллиги, жуғрофий жойлашуви ва табиий муҳит омилларига боғлиқлиги билан изоҳланади.

Геостратегик минтақа – бу алоҳида давлатлар ёки давлатлар гуруҳининг турли хил қарама-қарши манфаатлари жойлашган йирик жуғрофий макон бўлиб, геостратегик минтақа ўзаро боғлиқ ва ўзаро дахлдор бўлган миллий ва минтақавий хавфсизликни ифода этади.

Кўпгина манбаларда “Геостратегик Регион” деб юритиладиган ушбу тушунча халқаро хавфсизлик ва барқарорликни кўллаб қувватлаш учун рўй бериши эҳтимоли бўлган ҳарбий таҳдидлардан огоҳ этиш ва нейтраллаштириш (Шимолий Америка, Евроосиё, Африка геостратегик минтақа ва бошқалар) бўйича чора-тадбирлар тизимини рўёбга чиқаришда умумбашарий аҳамиятга эга бўлган ер худудининг бир қисмини ифода этади.

Глобаллашув - иқтисодиёт, ижтимоий муносабатлар ва бошқа турли соҳаларда миллий давлат чегараларининг шаффофлашув жараёни.

Давлат – муайян худудда жамият ва унинг сиёсий тизимини ташкил этиш усули, ҳокимиятнинг марказий институти, жамиятнинг сиёсий ташкилоти бўлиб, маълум бир худуд ва унда яшовчи халқларни ўз ичига олади жамиятни бошқаруви тизим сифатида Д. ички тизимига эга, ўз ваколатларини амалга ошириш учун махсус органларга эга. Д. одамларнинг ва жамоат гуруҳларининг кўшма фаолияти ва муносабатларини ташкил этади, уларни йўналтиради ва назорат қилади. Д. уч асосий функция эга;

1) Ташкилий - жамият бирлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, тартибни сақлаш, муносабатларни бошқариш).
2) Специфик - Давлат сиёсатини ва миллий манфаатларини мажбурий бажаришга қаратилган сиёсатни олиб бориш).
3) Ҳуқуқий - унинг мақсади ҳуқуқий тизимни яратиш ва уни бошқариш, қонун чиқариш, ижроия ва суд ҳокимияти, давлат аппарати ваколатларини чегаралаш ва бошқаришдир. Бу функцияларнинг барчаси ички (жамият ичидаги фаолият) ва ташқи (давлатлараро муносабатлар) турларга бўлиниб, бир-бири билан ўзаро боғлиқ ва бир-бирига бевосита тобедир.

Давлат аппарати – 1) давлат ҳокимияти институтининг таркибий қисми бўлиб, унинг қарорларини тайёрлаш ва амалга ошириш билан шуғулланади. 2) давлат бошқарувининг барча босқичларидаги хизмат соҳасини амалга оширувчи муассаса, ташкилот ва уларнинг хизматчилари мажмуи.

Давлат байроғи – давлатнинг расмий белгиларидан бири. Дастак ёки боғичга бириктирилган, белгиланган ўлчам ва рангдаги, баъзан давлат герби, эмблемаси туширилган мато. Давлат байроғи баёни конституцияда қайд этилади. Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи - Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари ўтказилган XII сессиясида 1991 йил 18 ноябрь куни тасдиқланган. Ўзбекистон

Республикаси Давлат байроғига нисбатан ҳурматсизлик қилган шахс ёки ташкилот белгиланган тартибда жазоланади.

Давлат буюртмаси –хўжалик алоқаларининг давлат томонидан бевосита бошқариш шакли, товар ва хизматларни сотиб олиш, (сотиш), илмий тараққиёт, тажриба-конструкторлик ва б. ишларга буюртма, давлат ҳокимияти органлари томонидан берилади, давлат бюджетидан молиялаштирилади, умумдавлат эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бўлади.

Давлат герби – давлатнинг расмий рамзи бўлиб, муҳр, давлат органларининг бланклари, умумдавлат намунасидаги ҳужжатлар, пул белгилари ва б. кўп ҳолларда давлат байроғининг бир қисми ҳисобланади. Д.г.нинг мазмуни конституция ёки махсус қонун билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5–моддасида кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасининг Д.г. Олий Кенгашнинг 1992 йил 2 июль куни бўлган X сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат герби тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш билан тасдиқланган.

Давлат иқтисодий сектори – Мамлакат иқтисодининг давлат томонидан назорат қилинадиган қисми.

Давлат мадҳияси (юн. *hymnos* – тантанали кўшиқ) – мусикий-поэтик асар, давлатнинг расмий рамзларидан бири (давлат байроғи ва давлат герби билан бир қаторда).

Давлат мудофаа қудрати – Давлатнинг агрессиядан ҳимояланишга тайёргарлик даражаси. Д.м.қ. давлатнинг моддий ва маънавий имкониятлари билан унинг агрессияни қайтариш, миллий манфаатларни, биринчи навбатда ўз мустақиллиги, суверенитети, ҳудудий яхлитлиги, давлат бирлиги ва бошқаларни ҳимоя қилиш учун сафарбар қилишга қодир бўлган давлат ресурслари билан белгиланади. Д.м.қ. даражасининг асосий кўрсаткичлари қуйидагилар: қуроли кучлар ва мудофаа-саноат комплекси ҳолати; бошқарув самарадорлиги (давлат ва ҳарбий бошқарув); Мамлакат ҳудуди ва мумкин бўлган ҳарбий ҳаракатлар театрини тезкорлик билан жиҳозлаш; фуқаро мудофааси аҳволи; жамиятнинг ахлоқий-руҳий ҳолати; тайёрланган захираларнинг мавжудлиги ва шу кабилар. Д.м.қ. талаб даражасида қўллаб-қувватлаш, давлатнинг шу мақсадда махсус сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий, ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирларнинг тўлиқ тизимини амалга оширилишини ташкил этувчи энг муҳим вазифаларидан биридир. Халқаро ҳуқуқ, шунингдек,, давлатнинг ички меъёрий ҳужжатлари комплекси: конституция, амалдаги қонунчилик, ҳарбий доктрина ва бошқалар кўрсатилган чора-тадбирларни тинчлик пайтида амалга ошириш ва давлатни уруш вақтида ҳимоя қилиш учун ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади.

Давлат мулки – давлатга тегишли бўлган мол-мулк ёки давлат бойликлари (ер ва бошқа табиий ресурслар, ишлаб-чиқариш воситалари, транспорт, энергия тизими ва шу кабилар).

Давлатнинг иқтисодий хавфсизлиги – унинг муҳим ижтимоий вазибаларни ҳал этиш имкониятларидан, турли хил ички ва ташқи бузғунчи кучлар, молиявий ва иқтисодий тазйиклари вақтида жамиятни керакли ва етарли ҳаётий эҳтиёжлар билан таъминлаш, ундан ташқари, уруш чоғида мамлакат иқтисодини қуролли кучларни ва аҳолини барча керакли воситалар билан таъминлаш имкониятларидан иборатдир.

Давлатнинг сафарбарлик имконияти – давлатнинг эгаллаб турган барча моддий ва маънавий имкониятлари, кескин ўзгарувчан вазиятлар юзага келган шароитларда ҳаётдаги муҳим мақсадларга эришиш учун авваламбор, миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида улардан чекланган муддатда оқилона фойдалана бошлаши. Д.с.и. таркибий қисмлари қуйидагилар: хўжаликнинг барча тармоқларидаги ишлаб чиқариш қудрати, инсон ресурслари, стратегик хом-ашё ва материалларнинг захиралари, энергетика ва молиявий ресурслари ва ҳоказолар. Инсон ресурслари алоҳида аҳамиятга эга. Қуролли кучларни тўлдириш ва уларнинг жанговар қобилияти, ишлаб чиқаришнинг муҳофаа тармоғини ишчи кучи билан таъминлаш ва шу қабилар аҳолининг сони ва сифатига (уларнинг умумий маълумотга эгаллиги, профессионал, маънавий-сиёсий тайёргарлиги ва бошқалар). Д.с.т. негизини иқтисодиёт, асосан, оғир саноат ва машинасозлик, энергетика ва транспорт ташкил этади. Д.с.т. амалга ошириш мамлакат, фан-техника тараққиёти, ҳарбий жуғрофий омилларга боғлиқ.

Давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари – Ўзбекистон конституциявий тизими, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш; ижтимоий жараёнларнинг бошқарилишини таъминлаш ва миллий муносабатларни уйғунлаштириш; барча қонунлар сўзсиз ижро этиладиган ҳуқуқий, демократик, давлатнинг мустаҳкам асосини яратиш; иқтисодий салоҳиятининг ривожланиши, мамлакатнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлигини таъминлаш; тенг ҳуқуқли ва икки тарафлама фойда келтирувчи ҳамкорлик асосида халқаро алоқаларнинг самарали тизимини яхшилаш ва ривожлантириш; мамлакатнинг ҳар қандай ташқи агрессияни тўхтатиш ва қайтариш қобилиятини таъминлаш.

Давлат органи – давлат механизмнинг давлат номидан бажарилишига қаратилган функциялари, муайян тарзда ички ташкил қилинган, унга хос ташкилий-ҳуқуқий доирада белгиланган давлат-ҳокимият ваколатларини рўёбга чиқариш. Д.о. субъектларига кўра, шаклланиш усулига кўра, фаолиятини қамраб олувчи ҳудудига кўра, компетентлик характериға, компетенцияни амалга ошириш усулиға, қарорлар қабул қилишиға, масъуллигиға, фаолиятининг йўналтирилганлигиға кўра тасниф этиш мумкин.

Давлат рамзлари – ўзига хос давлат белгилари бўлган давлат герби, давлат байроғи, давлат мадҳияси.

Давлат режими – идора усули, давлат ҳокимиятининг бошқарув усули.

Давлат сирлари – сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, ҳарбий ва бошқа характердаги давлат сири ҳисобланган маълумотлар. Муҳимлик даражасига кўра «алоҳида муҳим», «бутунлай махфий» ва «сирли» турларга бўлинади. Ўзбекистон Республикасида Д.с. ҳисобланадиган маълумотлар рўйхати Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига биноан ўрганилади.

Давлат тўнтариши – куч ишлатиб конституцияга хилоф равишда амалга оширилган тўнтариш ёки конституциявий (давлат) тузимни ўзгартириш, ёки давлат ҳокимиятини ким томонидан эгаллаб олиш (ўзлаштириш). Д.т. ҳокимиятни тезлик билан ўзгартириш билан фарқланади ва одатда стратегик муҳим объектларни, яъни теле-радиостанциялар, ҳукумат бинолари, кўмондонлик пунктлари ва бошқаларни эгаллашдан бошланади. Агарда Д.т. армиянинг ҳал этувчи иштироки билан амалга оширилса, у ҳолда бу ҳаракат ҳарбий тўнтариш деб ҳам айтилади. Жиддий қарама-қаршилик ҳолларида Д.т. фуқаролар урушига айланиб кетиши мумкин.

Давлат хазинаси – бирор давлат корхонаси ва ташкилоти тасарруфида бўлмаган давлат бюджети ва бошқа давлат мулкига дахлдор маблағлар.

Давлат хизмати – давлат органлари ваколатларининг бажарилишини таъминлаш бўйича касбий фаолият.

Давлат қурилиши – конституцион ҳуқуқ нормалари билан белгиланган ва мустаҳкамланган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатлар тизими.

Давлат ҳудудининг яхлитлиги ва дахлсизлиги – Ҳозирги халқаро ҳуқуқ меъёрларининг асосий тамойили бўлиб, унга кўра давлатлар бошқа давлатнинг ҳудудига қуролли ёки бошқа тажовузлардан, уларни зўравонлик билан бўлиб юбориш, босиб олиш ёки кўчириб юборишдан сақланишлари мажбурийдир.

Даъво – ўзининг бузилган ёки баҳс юритилаётган ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун суд, арбитраж ёки ҳакамлар судига расмий мурожат.

Девальвация – Муомаладаги миллий пул бирлигининг қадрсизланиши ва бунинг натижаси ўлароқ бекор қилиниши, унинг курсини бошқа давлатлар валюталарига нисбатан тушиб кетиши демакдир (ревальвациянинг антоними).

Деградация – Ер қуррасида, маълум бир минтақада, давлатда, жамиятда ва ҳоказоларда аҳволнинг ёмонлашуви, инқирознинг юз бериши, давлатнинг ёки жамиятнинг емирилиши ёхуд бирор нарсанинг интиҳоси.

Декларация – Мамлакат ёки ҳукумат раҳбарлари ўртасида, маълум бир мамлакатларнинг ўз мустақиллиги ёки сиёсий қарашлари позицияларини ифодаловчи баённома ва баёнот.

Демарш – бир давлатнинг ташқи ишлар органининг бошқа бир давлатга ҳар хил дипломатик актларда (ариза, нота жўнатиш, меморандум, дипломатик вакилни чақириб олиш ва ҳок.) ақс эттирилган фавқулотдаги чиқиши. Д. келиб чиққан халқаро қарама-қаршиликнинг ечими меъёри дипломатик иш кетма-кетлигида топилмагандагина қўлланилади.

Дипломатия – давлатнинг ташқи сиёсатини белгилаб берувчи халқаро муносабатларнинг амалий усуллари ва амалиёти, давлат улар ёрдамида ўз ташқи сиёсатини амалга оширади.

Инфраструктура – 1) иқтисодий ва инсонлар ҳаётининг фаолиятининг умумий шартларини таъминлаб берувчи халқ хўжалиги тармоқлари мажмуи (масалан, ишлаб чиқариш инфраструктураси – транспорт, алоқа, электр энергияси таъминоти ва б. қ., ижтимоий-хўжалик инфраструктураси - савдо, йўловчилар транспорти ва алоқаси, илм-фан, соғлиқни сақлаш ва б.к.). 2) моддий ишлаб чиқариш тармоқларининг фаолияти учун зарур бўлган иншоотлар, бинолар, тизим ва хизматлар мажмуи, шунингдек, жамиятнинг ўз ҳаётининг фаолияти учун зарур бўлган шарт-шароитлар билан таъминлаш.

Инқироз – 1) келишмовчиликлар, салбий ҳодисалар ва тенденциялар бир-бири билан боғлиқ бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтиш. 2) бирор нарсанинг жиддий етишмаслиги, бирор ҳолатдаги жиддий қийинчилик; 3) манфаатдор томонларнинг асосий бойликлари, манфаати ва мақсадларига жиддий хавф юзага келтирадиган давлат ичидаги ёки халқаро вазият; 4) ҳароратнинг кескин пасайиши ва касалликнинг барча белгиларининг йўқолиши ва бу билан боғлиқ бўлган касаллик давомидаги ўзгариш.

Ислохот – прогрессив ўзгариш, мавжуд бўлган ё ижтимоий тузумни асоси сақланган ҳолда бирор-бир томондан жамият ҳаётини қайта қуриш.

Иттифоқ – 1) зич бирлик, бирлашиш; 2) давлат бирлашуви, пайдо бўлиш (масалан СССР); 3) жамоат бирлашуви, ташкилот (журналистлар И., ёзувчилар И.)

Иқтисодий барқарорлик – давлатнинг ҳар қандай иқтисодий муаммоларга нисбатан иқтисодий ҳолати бўлиб, ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари белгиланган даражадан пастга тушмайдиган давлат иқтисодининг шундай бир ҳолати.

Иқтисодий инқироз – ишлаб чиқаришнинг кескин суратларда пасайиши, ишлаб чиқариш қувватининг тўла эмаслиги, ишсизликнинг ўсиши, пул-кредит ва валюта-молия соҳасининг издан чиқиши ва шу туфайли юзага келадиган аянчли ҳолат.

Иқтисодий ислохот – давлатнинг иқтисод тизимини ёки иқтисодини бошқаришни йўлга қўйиш ва амалга оширишдаги катта ўзгаришлар. Иқтисод тизими самарасининг пастлиги иқтисодий инқирозлар пайдо бўлганда ва иқтисод одамлар эҳтиёжини қондиришга лойиқ бўлмаганда мамлакат ўз тараққиётида бошқа давлатлардан орқада қолганда юзага келган шароитлар туфайли ўтказилади.

Иқтисодий хавфсизлик – бу давлатнинг иқтисодий манфаатлари ва суверенитетини иқтисодий санкциялар, тўсиқлар орқали амалга ошириладиган иқтисодий дискриминация ва диктатлардан ҳимояланганлиги тушунилади. Ундан ташқари, иқтисодий хавфсизлик деганда, давлатнинг иқтисодий манфаатлари тизимини қайта қуриш даврида ва иқтисодий беқарор вазиятлар оқибатида вужудга келадиган хавфлардан ҳимояланиш ҳолатига айтилади.

Компания - маълум бир вақт оралиғида юзага келган муҳим вазифалар муносабати билан мавсумлар, сайловлар ва бошқаларнинг сезиларли даражада ўзгарган шартлари, ўзига хосликларини ўз ичига олган ҳолда ўтказиладиган фаолият, иш.

Капитал – 1) даромад келтириши мумкин бўлган барча нарсалар ёки инсонлар томонидан товар ва хизматлар, ишлаб чиқариш учун инсонлар томонидан яратилган ресурслар. 2) ишлаб чиқариш воситаси шаклидаги, ишга сарф этилган ҳаракатдаги даромад манбаи.

Кимёвий қурол - душман қўшини ёки тинч аҳолини кириб ташлашга қодир бўлган газлар ёки бошқа кимёвий бирикмалар.

Клиринг – ҳисоб-китобда иштирок этувчи томонларнинг ҳисобга олинган иккиёқлама талаблари ва вазифалари асосида товарлар, қимматбаҳо қоғозлар ва кўрсатилган хизматлар учун нақд бўлмаган тўловлар тизими.

Коалиция – Умумий мақсадларга эришиш умумманфаатларни ҳимоя қилиш, биргаликдаги хавфсизликни таъмин этиш учун давлатлар, сиёсий партиялар, қасаба уюшма ва бошқа ташкилотларнинг ихтиёрий бирлашуви иттифоқи.

Коллизия – 1) қарама-қарши кучлар, манфаатлар, қарашлар, интилишлар, ўй-хаёллар ёки вазифаларнинг тўқнашуви. 2) бир давлатнинг алоҳида қонунлари орасидаги фарқи ёки турли давлатлар қонунлар, суд қарорлари орасидаги келишмовчилик.

Колониализм – ривожланган давлатлар томонидан ҳарбий устунликни ишга солган ҳолда турли минтақалардаги нисбатан кучсиз мамлакатларнинг босиб олиниши ва ўзларига тобе ҳолда сақланишини ифода этувчи тушунча. Колониализм XXаср бошларида ўзининг энг юксак чўққисига етган. Бу пайтда ер юзи кучли давлатлар томонидан деярли батамом бўлиб олинган эди. Колониализм даврида тобе мамлакатларнинг моддий бойлиги талон-тарож қилинади, халқларнинг онги, тарихи ва маданий бойликларига ҳам тажовуз қилинади. Ўтган асрнинг сўнгига қадар давом этган миллий озодлик ҳаракатлари ҳамда дунёдаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт К.га жиддий таъсир кўрсатди. Мустамлака мамлакатлар бирин-кетин озодликка чиқа бошладилар. (Қ. Мустамлакачилик).

Коммюнике – халқаро характердаги воқеалар ҳақидаги расмий хабар.

Компания – иқтисодий (ишлаб чиқариш, савдо, молиявий, суғурта) фаолият олиб бориш учун зарур бўлган юридик ва жисмоний шахслар, ишбилармонлар уюшмаси. Қ. юридик шахс мақомига эга.

Компенсация – кўрилган зарарни, ҳаражатларни қоплаш, қарзни қайтариш, ўрнини қоплаш, товон тўловлари мажмуи.

Компетенция – 1) аниқ давлат органи ёки амалдор шахсининг, унинг давлат органлари тизимидаги ўрнини аниқлаб берувчи ҳуқуқлари ва бурчларининг юридик жиҳатдан белгиланган ваколатлари мажмуи. 2) у ёки бу соҳадаги билим ва тажрибалар.

Компромисс – тўқнаш келаётган турли манфаатлар, фикрлар вакиллари орасидаги, ўзаро ён бериш йўли билан эришилган келишув. Давлатлар у ёки бу ҳолатлардаги халқаро қийинчиликлар пайтида сиёсий партиялар эса парламентдаги сиёсий ишлар қарори бўйича алоҳида шахслар – ўзларининг юридик ёки иқтисодий қийинчиликларида унга мурожаат қилишади. Баъзан замонавий ҳужжатларда компромисс (муроса) консенсус ҳам дейилади.

Консерватизм – 1) барча эскирган, йўқолиб кетган нарсаларга содиқлик; 2) ижтимоий ҳаёт, илм-фан ва санъатда юз бериши зарур бўлган тараққиёт омилига қарши ҳаракат. (Қ. Сиёсий консерватизм).

Консолидация – давлат, ижтимоий гуруҳ ва ташкилотлар уриниши, ҳаракати имконияти ва қарашининг қўшилиб кетиши, бирлашиши, бирикиши билан изоҳланади.

Консорциум – бир ёки бир неча мамлакатларнинг мустақил, ишбилармон тузилмалари (фирма, компания)нинг фойдали буюртмалар олиш ва уларни биргаликда бажариш, йирик қамровдаги ишлаб чиқариш, кредит-молия ва маркетинг операцияларини ўтказиш, саноат қурилишидаги йирик глобал лойиҳаларни рўёбга чиқариш учун вақтинчалик бирлашуви (келишуви). Консорциум тузишнинг асосий мақсади – товарлар ва хизматлар бозорида, бирлашган фирма ва компанияларнинг рақобатлаша олиш имконияти даражасини кўтариш.

Конституция – давлатнинг олий юридик кучга эга бўлган асосий қонуни. Конституция сиёсий ва иқтисодий тизимни мустаҳкамлайди, фаолиятнинг ташкилий тузилиши ва тамойилларини, қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимиятлари органлари ваколатларининг бўлинишларини, фуқаролар асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларини қатъий белгилайди. Конституция миллий хавфсизлик таъминлаш тизимсининг асосий ҳуқуқий базасини ташкил этади.

Конституциявий монархия – давлат бошқарувининг шакли, унда анъанавий давлат бошлиғи, монарх ҳокимияти давлатнинг асосий қонуни – конституция билан чекланади. Буюк Британия, Япония, Скандинавия давлатлар ва ҳоказоларни мисол келтириш мумкин.

Консул – ўзга давлатнинг бирор-бир шаҳри ёки ҳудудида ўзининг давлати ва унинг фуқароларининг юридик ва иқтисодий манфаатларини

химоя қилиш учун доимий вакил сифатида тайин этиладиган дипломатик бошқарманинг амалдор шахси.

Контингент – бирор-бир муносабатда бир хил гуруҳ ёки категорияни ташкил этувчи шахслар мажмуи.

Конфедерация – 1) баъзи масалалар бўйича ўз фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида бирлашган давлатлар иттифоқи шакли. Конфедерацияга кирувчи давлатлар ўз мустақиллигини тўлиқ сақлаб қолишади ва ундан эркин тарзда чиқиб кетиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар. 2) бирор-бир ижтимоий бўлган ташкилотларнинг бирлашмаси.

Конфликт – субъектларнинг қарама-қарши манфаатлари, мақсадлари, қарашларининг тўқнаш келиши, жиддий зиддият, кескин баҳс. Конфликт субъектлари сифатида индивидлар, ижтимоий уюшмаларига бириктирилган кичик ва катта гуруҳлар, давлат ёки давлат бирлашмалари бўлиши ҳам мумкин. Конфликтнинг антагонистик ва агонистик турлари мавжуд. Агонистик конфликтни бошқариш имкониятини бой бериш, уни антагонистикка ўтишга сабаб бўлади ёки аксинча, ўзаро муроаса йўллари излаш, аввалига антогонистик конфликтнинг кескинлигини камайишига, кейин эса муроаса тактикасининг ривожланиши натижасида унинг агонистик конфликтга айланишига олиб келади. Турли соҳаларда бўлиб ўтувчи конфликтлар, агар улар халқаро, миллат ва элатлараро, жамоалараро, диний, демографик, минтақавий ва яққол муносабатларга тааллуқли бўлса, сиёсий маъно касб этиши мумкин. Характерига кўра конфликтлар қуролли ва қуролсиз бўлиши мумкин.

Концепция – бирор соҳани ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли лойиҳа ёки соҳа тараққиётини асослаб беришни ўз ичига олган қарашлар мажмуи. К. тор доирада эмас, балки турли соҳаларни ўз ичига қамраб олган микёси билан фарқланади, унда ривожлантиришнинг йўналишлари ҳамда асослари белгилаб қўйилади. Шу нуқтаи назардан К. фақат ҳаракат режасини ўз ичига олган дастурлардан фарқли ўлароқ кенг қамровли стратегик дастур дейиш мумкин.

Куч ишлатмаслик – инқироз ва можароларни ҳал қилишда зўравонликни, ҳарбий кучларни қўлламаслик, ҳақлиги ҳамда маҳсулдорлигини асослайдиган концепция, тамойил, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий меъёрлар, технология ва услубиятлар мажмуаси. К.и. диалог, давлатлараро ишонч, муроаса, музокара, келишув шартномалари ва битимлар тузишда, умумий ҳаракатлар дастурида ва ҳ.да устунликни ифодалайди.

Легаллаштириш – 1) бирор-бир ташкилотнинг фаолият юргизишига руҳсат бериш, унинг қонунийлашиши; бирор-бир акт, фаолиятига юридик куч бериш; 2) ҳужжатда мавжуд бўлган имзоларнинг ҳақиқий эканлигини тасдиқлаш.

Легитимлик – бирор-бир фаолият, фаолият юритувчи шахс, ҳодиса ва фактни жамоатчилик томонидан тан олинishi. Бирор-бир соҳанинг

легитимлиги, унинг юридик расмийлаштирилган қонунийлигини англатади. Давлат ҳокимиятининг легитимлиги халқ билан давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатлардаги уйғунликда акс этади. Легитимлик давлат ҳокимиятига нисбатан қўлланилганда маълум муддатда эришиладиган босқич эканлигини таъкидлаш зарур. Мамлакатдаги куч ишлатувчи органлар шахсий таркибининг ортиб бориши сиёсий ҳокимият легитимлигининг пасайиб бораётганлигини билдиради. Ҳар қандай қонуний ҳокимиятнинг легитимлигини таъкидлаш қийин ва айти пайтда легитим бўлган ҳокимият қонуний тусда бўлмаслиги ҳам мумкин.

Либерал – 1) эркин фикрловчи, ҳурфикр; баъзан ортиқча кўнгли бўшликка мойил одам; 2) либерализмнинг издоши ва тарафдори демакдир.

Либерализм – халқаро муносабатларни тадқиқ қилишдаги асосий мактаблардан бири. Инсоннинг ҳамкорликка, тинчликка интилиши; адолат ва ахлоққа асосланганлиги тўғрисидаги тасаввурлардан келиб чиқади. XX асрнинг биринчи ярмида «идеализм» деб ном олди. Либерализм – парламент тизими тарафдорлари, шахс ва ишбилармонлик эркинликларини ўзида мужассам этган ижтимоий-иқтисодий оқим. Либерализм Ғарб сиёсий маданиятидаги етакчи ғоялар маданияти ҳисобланади.

Либерализация – давлат бошқаруви, назоратининг қатъий чегараланишларидан озод бўлиш ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг эркинлаштирилиши омилидир.

Мамлакат аҳолиси - маълум бир давлат ҳудудида яшовчи одамлар. У ўша мамлакатнинг фуқаролари ҳамда мамлакатда яшайдиган чет эл фуқаролари, фуқаролиги йўқ шахслар (апатридлар) ва иккита фуқароликни олган (бипатрит) шахслардан иборат бўлади.

Мамлакат мудофааси – мамлакатни уюштирилиши мумкин бўлган ҳарбий агрессияни қайтаришга тайёрлашга оид, миллий манфаатлар ва хавфсизликка таҳдид солувчи қуролини низоларнинг олдини олиш ва пайини қирқишга оид сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, ижтимоий, ҳуқуқий, ахлоқий-руҳий ва бошқа умумдавлат тадбирлари тизими. М.м. куйидагича таъминланади: стратегик (шу жумладан, ядровий) ўзини тийиш; мамлакат мудофааси учун зарур ва етарли бўлган қуролини кучлар ва қурол-аслаҳалар, мудофаа-саноат комплекси, давлат сафарбарлик имкониятлари; мамлакат аҳолисининг (жанговар) сафарбарлик тайёргарлиги; халқ маънавий-ахлоқий салоҳиятининг мустаҳкамлиги.

Манфаат –1) амалга оширишга ундайдиган далиллар билан асосланган, тан олинган эҳтиёжлар; 2) ижтимоий ҳаракатларнинг реал сабаби. Манфаатнинг объектив асоси, маълум бир жамиятдаги иқтисодий муносабатлардир. Таснифлашда манфаат умумийлигига кўра (шахс, гуруҳ, жамият манфаати), объектнинг характериغا кўра (миллий, партиявий ва б.), тан олиншига кўра (стихияли ва ишлаб чиқилган

дастур асосида характерланувчи), амалга ошириш имкониятига кўра (реал ва тахминий), жамият тараққиётининг объектив тенденциясига бўлган муносабатига кўра (прогрессив, реакцион, консерватив) ва бошқа маълум асосларга кўра манфаатнинг шакллари ажратилади. 3) шахснинг бирор предметга нисбатан қизиқарли, кадрли нарса сифатидаги муносабати.

Менежмент – 1. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва даромадни кўтариш мақсадида уни бошқаришнинг шакли, мажмуи, тамойили, усул ва воситалари. 2. Ишлаб чиқариш жараёни фаолияти ва истеъмолчи билан ишлаб чиқарувчининг ўзаро алоқалари инсоний муносабатларни бошқариш тўғрисидаги фан.

Меҳнат ресурслари – меҳнат фаолиятида иштирок этиш учун барча жисмоний ва руҳий имкониятларга эга бўлган мамлакат аҳолисининг қисми.

Миграция – 1) Кўп ҳолларда иқтисодий ва сиёсий барқарорлик туфайли турар жой, иш ўрнининг ўзгариши билан боғлиқ кўчиш, аҳолини кўчириш. Кўчишнинг қайтмайдиган, вақтинчалик, мавсумий, доимий ўзгариб турадиган турлари мавжуд; 2) хайвонларнинг кўчиб юриши.

Миллат – Ўзлигини англаган, ўз руҳиятига эга одамларнинг тарихий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий жиҳатдан шаклланган бирлиги. Миллат ягона тил, ҳудуд, ягона иқтисодий минтақа, умумий маданият, миллий анъаналар, миллий бойлик, миллий кадрият, миллий манфаатларни биргаликда ҳимоя қилишнинг шаклланиш жараёни маҳсулидир. Миллатнинг шаклланиш жараёни ва у томонидан қилинган ҳатти-ҳаракатлар сиёсий ташкилотларнинг турли шаклдаги давлатларнинг юзага келишига сабаб бўлади. Миллат – турли элатлардан иборат, бироқ ягона мамлакат ҳудудида узоқ давр мобайнида яшаши натижасида ҳудудий, иқтисодий, турмуш ва маданий анъаналарнинг янгидан шаклланиши жараёнида пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Миллат тушунчаси герман-роман тилларида асосан «миллат-давлат» маъносида қўлланилади. Яъни «миллат» таърифи, кўпроқ сиёсий жараёнга тааллуқли бўлиб, асосан, давлатчиликка эга бўлган миллатларга хосдир. Рус тилида эса «Нация» таърифи – кўпроқ тарихий-ижтимоий этник жараён билан боғлиқ. Дунё илмий адабиётида ушбу таъриф кўпроқ давлат суверенитетига яқин, яъни давлат тушунчаси билан боғлиқ деб қаралади. Мисол учун, К.Ҳоллис ўзининг «Парламент ва унинг суверенитети» номли асарида Буюк Британиянинг давлат суверенитети ёритишда миллий суверенитет ҳақида гапиради. «Миллат» сўзини «давлат» маъносида БМТ номланишида ҳам кўришимиз мумкин. Совет олимлари эса «миллий» сўзи тагида баъзи бир ижтимоий воқеликнинг этник ва этносиёсий томонларини тушунганлар. Ҳозирги адабиётларда «миллат» тушунчаси «давлат» синонимида ишлатилишига қарамасдан, баъзи ҳолатларда бу парадигма ишлатилиб келмоқда.

Миллатлараро тўқнашув - турли миллатларнинг қарама-қарши манфаатлари орасидаги тўқнашув. Улар кўпинча кўп миллатли

давлатларда содир бўлади, кўп ҳолатларда ўзга давлатлар, ўзганинг миллий манфаатлари учун, шу каби тўқнашувларни юзага келтирадилар. Алоҳида ҳолатларда миллатлараро тўқнашув, қуролли тўқнашув шаклида бўлиб ўтади.

Миллатчилик – бир миллат ёки элатнинг бошқа бир миллат мафкураси, руҳияти, ижтимоий ҳаёти ҳамда сиёсатига тобе бўлиши оқибатида пайдо бўладиган радикал қарашлар мажмуи. Миллатчилик миллат, элатнинг бошқасидан устунлиги ҳамда миллий ўзгачалиги асосида келиб чиқади ва миллий адоват, ишончсизлик ва можароларни авж олишига сабаб бўлади. Миллатчилик кўп миллатли (майда этник гуруҳларга эга) мамлакатларга хавф туғдиради ва унинг турмуш-тарзига путур етказиб, инқирозлар, қонли уруш ва можароларни келтириб чиқаради. Миллатчилик - миллий хавфсизлик, халқаро барқарорлик ва тинчликка таҳдид солувчи жиддий хавфлардан бири.

Миллий даромад – маълум бир вақтда моддий ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари томонидан янгитдан белгиланган қийматнинг миқдори; мамлакатнинг умумий иқтисодий ўсиш кўрсаткичи, унда кенгайтирилган ишлаб чиқаришнинг маълум даврдаги натижалари ўз ифодасини топади. Миллий даромаднинг миқдори миллий хавфсизликни таъминлаш тизимининг шаклланиши, фаолияти ва ривожланиши имкониятларини белгилаб беради.

Миллий манфаат - шахс, жамият ва давлатнинг прогрессив таракқиётидаги ҳаётий муҳим манфаатлар йиғиндиси тушунилади. Бошқача айтганда, Ўзбекистон миллий манфаатлари бу – фуқаро, жамият ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тузилмасидан, иқтисодий ҳаёт даражасидан, тарихий-жуғрофий жойлашувидан, миллий ва маданий урф-одатлардан келиб чиққан объектив эҳтиёжлардир. Миллий манфаатлар жуда мукамал тузилмадан ташкил топган бўлиб, улар турли хил кўринишлар асосида гуруҳланадилар. Улар ижтимоий аҳамиятига қараб – ҳаётий муҳим ва иккинчи даражали, фаолиятининг давомийлиги бўйича – доимий ва вақтинчалик даражаларига ажраладилар. Манфаатлар ижтимоий фаолиятнинг кўп қирралилиги ва кўп жиҳатлилигига асосланиб: иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, технологик, информацион, экологик соҳаларда акс этадилар. Миллий манфаатларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, асосан, давлатнинг зиммасига юклатилган. Миллий манфаатлар асосида давлатнинг бошқарув идоралари ва институтлари томонидан шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини ҳимоялаш истак ва мақсадларини акс эттурувчи давлат сиёсати мақсадлари ишлаб чиқарилади ва шакллантирилади. Мақсадлар эса қуйидагича вазифаларни ҳал этилиши билан амалга оширилади. Мазкур вазифаларни ечиш юзасидан давлат бошқарув идоралари томонидан, мамлакат раҳбарияти томонидан махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Миллий манфаатлар моҳияти миллий кадриятлар асосида белгиланади. Давлат бошқарув идора ва

институтлари томонидан уларнинг чоралари устуворлиги белгиланади. Шундай қилиб, давлат бошқарув идоралари томонидан миллий хавфсизликни таъминлашда давлат сиёсатининг мақсадлари ишлаб чиқилади ва шакллантирилади. (Қ. Миллий қадриятлар ва мақсадлар).

Миллий мақсадлар – бу миллий қадриятлар асосида вужудга келган миллий манфаатларни амалга ошириш, уларни ҳимоя қилиш борасидаги шаклланган устувор вазифалар. М.м. миллий манфаатлардан фарқли равишда сиёсатни шакллантиришда етарли даражада ҳаракатчан ҳисобланади. Ўзбекистон ташқи ва ички сиёсатини шакллантиришнинг умумий методологиясини ишлаб чиқиш жараёнида – миллий мақсадларни миллий манфаатлар ва қадриятлар, уларни амалга ошириш ва ҳимоя қилишда улар билан ўзаро боғлиқликда шаклланишни муҳим ҳолат деб эътироф этиш лозим. Бу эса ўз навбатида, Ўзбекистон миллий хавфсизлигини таъминлаш сиёсатини мустаҳкамлашда ва амалий йўналиш беришда ёрдам беради. Миллий мақсадлар – миллий манфаатларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш юзасидан давлат, жамият ва фуқаролар фаолиятининг асосини ташкил этувчи йўналишлар (муайян мақсадга қаратилган йўриқномалар). Миллий манфаатлар билан қиёслаганда, улар ташқи ва ички сиёсат шаклланишининг янада ҳаракатчан элементи ҳисобланади.

Миллий муносабатлар - миллий-этник тараққиёт субъектлари, миллат, миллатга мансублик, миллий гуруҳлар ва давлат тузилиши ўртасидаги муносабат. М.м.ларнинг асосий муаммосини – тенгҳуқуқлик ва тобелик; иқтисодий ва маданий тараққиёт даражалари турлилиги; миллий ихтилоф, адоват, жанжаллар.

Миллий муроса – қаршилиқ кўрсатиш, қарши чиқиш, томонларнинг низоларини бартараф этиш, миллий келишув ва тинчликни ўрнатиш ҳамда жипслашув йўлидаги ижтимоий-сиёсий жараён.

Миллий одат – мамлакат аҳолиси учун одатий ҳисобланган стереотип усул ва ўзини тўтиш услуби. М.о. одамлар учун маълум маънода қадрият бўлиб, уларга риоя этиш эҳтиёж тизимида киради.

Миллий суверенитет - ХМ назарияси ва халқаро ҳуқуқдаги асосий тушунчалардан бири. Давлатнинг ўзига тегишли бўлган ҳудудда тўла ҳукмронлик қилишни ва ташқи сиёсатни мустақил амалга оширишни назарда тутди.

Миллий хавфсизлик - бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаёт фаолияти давомида унинг ҳаётини муҳим манфаатларида, халқаро муносабатларда тенг ҳуқуқли ва мустақил иштирокини таъминлашда, суверен ва прогрессив ривожланишида, ички барқарорликни таъминлашда таҳдид солаётган ташқи ва ички хавф-хатарлардан ҳимояланиш ҳолати англашилади. М.х. берилган ушбу таъриф унинг ижтимоий табиатини кенгроқ қамраб олган бўлиб, шахс, жамият, давлат хавфсизлигининг умумийлик диалетикасини ҳисобга олган ҳолда миллий хавфсизликни минтақавий ва глобал хавфсизлик билан ўзаро боғлиқлигини очиқ беради.

Ҳар бир давлат минтақавий ва халқаро муносабатларнинг мушкул тизимида иштирок этган ҳолда, ўз навбатида ички алоқалар тизимига эга бўлади. Шунинг учун, миллий хавфсизликни таъминлашда ички ва ташқи омиллар алоҳида аҳамият касб этади. Ҳозирги ривожланиш даврида улар орасида ички омиллар муҳим ҳисобланади. Ички омиллар тушунчасида эса сиёсий, ижтимоий-иқтисодий барқарорлик асосий рол ўйнайди. Умуман олганда, миллий хавфсизлик деганда миллий кадриятлар, манфаатлар, ҳаёт фаолияти учун таҳдид солаётган реал ташқи ва ички хавфларнинг олди олилинган давлат ҳолатига айтилади. Яъни шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини амалга оширилишини таъминлашдир. Бошқа сўзлар билан изоҳлаганда, миллий хавфсизлик бу – фуқаро, ижтимоий гуруҳлар, жамият ва давлат, миллий кадриятлари ва миллий ҳаёт тарзининг иқтисодий, сиёсий, экологик, ҳарбий, ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланишига айтилади. «Миллий хавфсизлик» тушунчаси хавфсизлик тушунчасининг барча турларини камраб олган. Собиқ совет тузуми даврида «миллий хавфсизлик»нинг тушунчаси сифатида «давлат хавфсизлиги» назарда тутилган эди. Бугунга келиб эса шахс ва жамият манфаатларининг давлат манфаатига бўлган янги муносабати оқибатида бу тушунча янги маъно касб этди. «Миллий хавфсизлик» тушунчасини мафкуралаштириб бўлмайди, у ўзаро тартиб асосида ташкил топган жараён ҳисобланади. У хавфсизликни таъминловчи субъектлар томонидан ҳимояланаётган барча хавфсизлик турларини ўз ичига бирлаштиришга имкон яратади. Бугунги кунда «Миллий хавфсизлик» тушунчасидан ҳам халқаро, ҳам ички ишларда кенг фойдаланиш имкони яратилди. Шахс хавфсизлиги, жамият хавфсизлиги ва давлат хавфсизлиги – бу миллий хавфсизлик тизимининг асосий таркибий қисмлари ҳисобланади. Юқоридагилардан ташқари «миллий хавфсизлик» тушунчаси Ўзбекистон қонунчилигига асосан, «ҳаёт, соғлиқ, ҳуқуқ, шахс эркинликлари, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилиш, жамият ва давлат хавфсизлиги»; «ядровий хавфсизлик», «радиацион хавфсизлик», «табiiй офат, фалокатлар ва антропоген ҳодисалардан шахс, жамият ва давлатнинг ҳимояланиш ҳолати» каби тушунчаларни ўз ичига камраб олади. Бугунги шароитлардан келиб чиққан ҳолда, «миллий хавфсизлик» таърифи Ўзбекистонга нисбатан ишлатилиши тўғри ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистондан ташқари, бошқа кўп миллатли давлатлар «давлат хавфсизлиги» таърифи ўрнига «миллий хавфсизлик» термини билан ифодалядилар. Чунки «миллий хавфсизлик» тушунчаси остида давлат ҳудудида мавжуд барча миллатларни ўз ичига камраб олган жамият тушунилади. Миллий хавфсизлик таърифининг асосий тушунчаси – миллат, шахс, жамият ва давлатдан иборат.

Миллий хавфсизликка ички таҳдид – манбаси мазкур давлат ҳудудида жойлашган таҳдид. И.т.: иқтисодий ва сиёсий тузилмаларнинг, жиноятчи гуруҳларнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши олиб борган ҳаракати киради. Агарда хавф-хатарлар манбаси шу

давлатнинг ўзида ёки унинг ўз фуқароларидан келиб чиқса, бу таҳдидлар ички деб тан олинади.

Миллий хавфсизликка ташқи таҳдид – манбаси миллий чегаралардан ташқарида жойлашган таҳдидлар. Т.т.: чет эл разведка ва махсус хизматларининг фаолияти; ахборот тарқатиш соҳасида давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик; иқтисодий тузилмалар рақобати; табиий офатлар ва фалокатлар киради. Агарда хавф-хатар бошқа давлат ёки унинг фуқаролари томонидан бўлса, унинг қаерда жойлашишидан қатъий назар бу хавфлар ташқи хавфлар деб тан олинади.

Миллий хавфсизлик мақсадлари – миллий хавфсизликни таъминлаш йўлидаги фаолиятнинг асосланган йўналишлари. Улар фаолиятнинг турли соҳаларида миллий манфаатлардан (сиёсий, иқтисодий, ҳарбий, информацион, экологик ва бошқалар), уларни ҳимоя қилиш эҳтиёжидан ва улар учун ички ва ташқи хавфларга қарши ҳаракатдан, шунингдек, давлатнинг реал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда давлат ҳокимиятининг олий органлари томонидан амалга оширилади. Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш – давлат миллий хавфсизлик сиёсатини муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шарт-шароитидир.

Миллий хавфсизликни таъминлаш – миллий хавфсизлик соҳасига оид зарур қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, улар асосида миллий хавфсизликка реал ва потенциал таҳдиднинг вужудга келишидан огоҳлантириш, унинг олдини олиш, пайини қирқиш ва унга қарши таъсир кўрсатиш мақсадида комплекс адекват чора-тадбирлар тайёрлаш ва амалга оширишга йўналтирилган вазиятнинг ҳолати ва тараққиётининг тизимли таҳлили, баҳоси ва истиқболи.

Миллий хавфсизлик таҳдиди– бу миллий манфаатларни амалга оширишга ғов бўладиган, шунингдек, миллий кадриятларга ва миллий турмуш тарзига зарар етказишга бевосита имконият яратувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг йиғиндиси. М.х.т. шахс, жамият ва давлат манфаатларига суиқасд деган маънони англатади. Манфаатларга таҳдид ҳаёт фаолиятимизнинг ҳар бир жабҳасида мавжуд. Мисол учун, шахс ва жамиятнинг кадриятлари даражасининг йўқолиши ёки пасайиши инсонлар орасида яхшилик, савоб, ҳақиқат каби тушунчаларни йўқолиб бориш хавфини туғдиради. Бу эса миллий кадриятларга катта зарар келтиради. Хавфсизлик таҳдидларини турларига қараб туркумлаш – аниқ хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таҳдидларни олдини олиш чора-тадбирларини яхшилашга ёрдам беради ва миллий хавфсизликни таъминлашнинг амалий фаолиятида муҳим рол ўйнайди. Бу борада хавфсизлик турларини аниқлашда қуйидаги мезонлар алоҳида ўрин тутуди: хавф-хатар манбасининг келиб чиқиши; таҳдиднинг шаклланганлик даражаси; инсон фаолияти соҳаларидаги ва йўналишларидаги таҳдидларнинг хусусиятлари ва характерлари; таҳдидларнинг субъектив баҳосининг даражаси. М.х.т. ички ва ташқи

тахдидларни ўз ичига олади. Улар объектив ва субъектив сабабларга эга бўлиб, ҳаётга тадбиқ қилишнинг мумкинлиги жиҳатидан реал, потенциал ва сохта таҳдидларга бўлинади, ҳаракат кўламига кўра улар умумбашарий, минтақавий, субминтақавий давлат ва маҳаллий характерда бўлиши мумкин.

Миллий хавфсизлик тизими – шахс, жамият, давлат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Конституцияси ва ҳуқуқи доирасида сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, ҳарбий ва бошқа характердаги чораларни амалга оширишда барча махсуслашган органлар, кучлар, ресурслар ва воситалар йиғиндиси. Унинг асосий функцияси миллий хавфсизликка хавф туғдирувчи ҳолатлар ҳақида маълумотлар олиш ва баҳолаш, хавфсизлантириш бўйича масалаларни ишлаб-чиқиш ва ижрочиларга етказиш, хавфни йўқотиш, нейтраллаштириш ёки минимум даражага туширишда аниқ ҳаракатлар олиб боришдан иборат. У ўзининг алоҳида кадриятлари ва устувор йўналишларига эга бўлиб, уларнинг иерархияси миллий хавфсизликни – минтақавий ва халқаро хавфсизлик туркумига тегишлилиги билан белгиланади. Ундан ташқари, ундаги ҳар бир элемент ўзининг устуворликларига эга бўлади. Масалан, агарда шахс учун бундай устуворликлар унинг ҳуқуқ ва эркинликлари бўлса, жамият учун эса – моддий ва маънавий кадриятларни сақлаш ва кўпайтириш, давлат учун эса – ички барқарорлик, ҳудудий яхлитлик, суверенитет бўлиб ҳисобланади.

Миллий хавфсизликнинг умумий назарияси – сиёсий, ижтимоий, ҳарбий, иқтисодий, техникавий, гуманитар ва бошқа фанларнинг амалий жиҳатларини ўз ичига олган ҳамда турли характердаги ташқи ва ички омилларга комплекс таъсир этиш шароитларида шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг мазмун-моҳиятини, методлари, шакллари, органлари, кучлари ва воситаларини татбиқ этишга йўналтирилган билимлар соҳаси.

Миллий ўз-ўзини англаш – миллий этник жамиятнинг тарихи, замонавийлиги, тараққиёт истиқболларининг дунё ҳамжамятида тутган ўрни ва роли тўғрисидаги тушунчаларнинг хусусиятлари, мазмун ва моҳиятини ифодаловчи қарашлар ва муносабатлар мажмуидир.

Миллий кадриятлар - бу шахс, жамият ва давлатнинг хавфсиз ҳаёт кечириш ва прогрессив тараққиётидаги эҳтиёжларини қондирувчи восита, ҳодиса ва предметлар йиғиндисидир. Ўз навбатида миллий кадриятлар туркумига мамлакат халқларининг моддий, интеллектуал, маънавий бойликлари киради. Миллий кадриятлар – шахс, жамият ва давлат ижтимоий кадриятларининг йиғиндиси бўлиб, у ҳар бир миллатни халқаро муносабатларда мустақил субъект бўлишига хизмат қилади. Ижтимоий кадриятлар бир қанча бўлимларга бўлинади: глобал кадриятлар (барча кадриятларни яшашини таъминлаш шароити); миллий кадриятлар (шахс, жамият, давлат, моддий ва маънавий кадриятларнинг йиғиндиси); моддий (ишлаб чиқариш моддий муҳитида инсон

фаолиятини шакллантириш); маънавий (маънавий соҳада инсон фаолиятини шакллантириш); этник кадриятлар (маълум бир этноснинг моддий ва маънавий кадриятлар йиғиндиси). Ижтимоий кадриятлар моҳиятини англаш учун, албатта, уларни табақалаш лозим. Улар миллий кадриятларнинг мазмун- моҳиятини тушунишга ва шахс, жамият, давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари тизимига таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Кадриятлар фаолият услуби бўйича – объектив, субъектив, табиий ва ижтимоий, доимий ва вақтинчалик, индивидуал ва ижтимоий, жамоат ва давлат бўлимларга ажраладилар. М.қ. – инсон фаолиятини ижтимоийлашуви билан боғлиқ. Ижтимоий кадриятларнинг бошқалардан ажраб турувчи хусусияти – бу уларнинг кўпроқ ҳаракатчанлиги, ўзгарувчанлиги ва бевосита инсон манфаатлар доираси ва таъсирида бўлганлигидир. Ижтимоий кадриятлар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга – умуминсоний жиҳатлар устунлик қилган кадриятлар (ишлаб чиқариш, техника ва меҳнат). Бу гуруҳда меҳнат биринчи даражали кадрият бўлиб, табиий ва моддий салоҳият натижасида инсон, жамият ва давлатнинг яратган бойлигидир. Бу кадриятсиз инсон, ва жамият нафақат прогрессив тараққиётга, балки мавжудликка ҳам эришмаган бўларди. Иккинчи гуруҳга – маҳаллий характерга эга бўлган кадриятлар. Уларга – ижтимоий алоқалар, идеаллар, маънавий маданият киради. Шундан келиб чиқиб, кадриятлар шахс, жамият ва давлат гуруҳларига бўлинади. Кўрсатиб ўтилган ижтимоий кадриятлар моддий ва маънавийга ажраладилар. Миллий кадриятлар – 1) халққа тааллуқли бўлган ва унинг ахлоқий мавжудлиги ва тараққиётининг асосини ташкил этувчи маънавий ютуқлар; 2) миллат учун муҳим ва жиддий аҳамиятга эга бўлган жиҳат ва хусусиятлар. 3) инсонга ҳаётий позициясини, ўта қалтис вазиятларда ўзини тута билишни танлашга имкон берадиган фундаментал меъёрлар. М.қ.лар - миллий кадрият - миллий хавфсизликнинг муҳим қирраларидан бири, миллий бойликнинг узвий қисми. Тоифаланиш ва М.қ.ларнинг йўқолишига олиб борувчи миллий хавфсизлик сиёсати халқ учун мақбул эмас. Ўз миллат кадрияти бўлмаган миллат ёки элат йўқ.

Миллий ғоя – шахснинг шаклланиши, давлат ва жамиятнинг тараққиёт истиқболи, вазифаси ҳамда мақсадлари тўғрисидаги муҳим, асосий тушунчалар мажмуи.

Молия вазирлиги – ижрочи ҳокимият органи бўлиб, давлатнинг ягона молия сиёсатини олиб боришни таъминлайди, мамлакатда молия ташкилотлари томонидан умумий бошқарувни амалга оширади. Шу мақсадда Молия вазирлиги республика молия вазирлигининг ҳамда субъектларга тегишли молия органларининг фаолиятини ягона молиявий-бюджет тамойилини ишлаб чиқиш ва режалаштириш, ижтимоий-маданий доира молиялаштириш тамойилларига, ҳудудда ижтимоий-иқтисодий мажмуани ривожланиш учун молиявий асос яратиш тамойилларига йўналтиради

Монархия – давлат бошқарувининг шакли бўлиб, унда олий давлат ҳокимияти бошлиғи ягона бир шахсга наслдан наслга ўтиб келаётган монархга, шоҳга, қиролга, императорга, султонга ва амирга ўтади.

Мониторинг – қандайдир объектлар, жараёнлар, ҳодисаларнинг (табиий атроф-муҳитнинг, низоли томонлар фаолиятини) ҳолатини доимий кузатиш, улар ҳақида маълумот тўплаш, баҳолаш ва башорат қилиш.

Монополия – 1) фаолиятни амалга ошириш учун давлат, корхона, ташкилот ёки жисмоний шахсга бериладиган истисно ҳуқуқ; 2) Ишлаб чиқаришнинг муҳим қисмини ва маълум товарларнинг (товарлар гуруҳи, хизмат) сотишни ўз қўлига оладиган йирик корпорация (компания), булар унга бозорда ўз ҳукмронлигини ўрнатиш, монопол нарх белгилангунга қадар истеъмолчиларга шартларини қабул қилдириш имконини беради.

Мустақиллик – шахс, жамият ва давлатнинг миллий бойликларини, миллий қадрият ва миллий манфаатларини ҳимоялаш орқали қафолатланган сиёсий, иқтисодий ва маънавий мустақилликнинг барқарор ҳолати.

Мухожир (emigrant - эмигрант) – иқтисодий, сиёсий, диний ёки бошқа сабабларга ўзга мамлакатда яшаётган ва ўз мамлакатдан чиқиб кетган киши.

Мухолифат, оппозиция (қарама-қаршилик) - 1) бир сиёсат (қараш, ғоя)нинг бошқа бирига қарши қўйилиши; 2) ўзгача фикрга қарши чиқиш; 3) расмий сиёсат оқимига қарши одамлар гуруҳи (сиёсий партия, жамоа ҳаракати).

Наркобизнес – наркотик моддалар сотиш, муомалага қўйиш ва ноқонуний тайёрлаш билан шуғулланувчи уюшган жиноий фаолият. Н. ижтимоий-сиёсий ҳамда криминоген вазиятларни беқарорлаштирувчи жиддий омил, миллий, ҳудудий ва глобал хавфсизликка таҳдид солувчи манбадир. Н. бугунги кунда дунёда энг глобал муаммога айланди.

Нота – бир давлат ҳукуматининг бошқасига расмий ёзма равишда дипломатик муносабатлари.

Панисломизм – бутун дунё мусулмонларининг руҳий бирлиги тўғрисидаги тасаввурга асосланган диний-сиёсий мафкура.

Панславизм – славян мамлакатларида этник асосда славян халқларини славян мамлакатларидан бирида ёки бир гуруҳида вужудга

келадиган ижтимоий, сиёсат ва бу муаммоларни ҳал қилиш учун бирлаштиришга интилишга асосланган ижтимоий-сиёсий оқим.

Пантуркизм – туркий элатларни бирлаштириш, туркий лаҳжаларда сўзловчи барча элатлар яшайдиган ягона туркий давлат тузиш ғоясига асосланган ижтимоий-сиёсий оқим.

Парламентар республика – олий ҳокимият парламентга тегишли бўлган давлатни бошқаришнинг республика шакли. Парламент ҳокимият олдида сиёсий жавобгарликни шакллантиради давлат бошлиғи бўлиб қоладиган президентни сайлайди. Президент қоидага кўра ўз ваколатларини бош вазир томонидан бошқариладиган ҳокимиятнинг таклифи билан амалга оширади.

Регресс (инг. regression) - юқоридан пастга ўтиш даражасига тўғри келадиган ривожланиш тури (муассаса даражасининг пасайиши, у ёки бу вазифаларни бажариш қобилиятининг йўқолиши, олдинги шакл ва тузумга қайтиши ва шунга ўхшаш) тараққиёт (прогресс)нинг акси.

Резервация – миллий зулмга йўлиққан давлатнинг туб аҳолисини зўрлаб жойлаш учун ажратилган (қоидага кўра яшаш учун ноқулай) худуд.

Репрессия – бостириш, оддини олиш мақсадида амалга ошириладиган жазолаш тури бўлиб, оммавий қамашлар, сургунлар тарзида амалга оширилади.

Республика – давлат ҳокимиятининг барча олий органлари умуммиллий вакиллар ташкилоти томонидан ё сайланиши ёки шаклланиши ва шахсларнинг шахсий ва сиёсий ҳуқуқларга эга бўлиши. Ҳозирда Р. учта асосий тури: парламент, президент, яримпрезидент (аралаш) мавжуд.

Референдум – давлат ёки жамият ҳаётида қонун қабул қилишда, амалдаги қонунда, янги Конституцияни қабул қилишда, Конституцияга ўзгартиришлар киритишда ва бошқа муҳим масалалар юзасидан жамият фикрини овоз бериши йўли билан аниқлаш. Р. умуммиллий, маҳаллий, конституциявий ва қонуний, мажбурий (конституция ва бошқа конституциявий ҳуқуқий акт билан назарда тутилган заруратлар) ва факультатив (давлат органлари ва сайлов корпуси эркига қараб ўтказилиши).

Саммит – 1) давлат бошлиқларининг учрашуви, келишуви; 2) олий даражада икки ёки бир неча давлатлар делегацияларининг учрашуви, келишуви.

Сепаратизм (separatismus – сепаратизм, айирмачилик) - сиёсий йўналиши у ёки бу қисмининг бутундан ажратиб (бўлиш) олишга қаратилган ҳаракат. Амалда автономия, кичик миллатлар, вилоятлар ва аҳолининг алоҳида гуруҳлари интилиши тарзида пайдо бўлади.

Сиёсий хавфсизлик – хавфсизликни таъминлашда миллат имкониятлари, унинг давлат идоралари томонидан мустақил равишда давлат тизими муаммоларининг ҳал этилиши, шахс ва жамият манфаатлари борасида мустақил ташқи ва ички сиёсат юритишдан иборат

бўлади. Яъни сиёсий хавфсизлик бу сиёсий суверенитетни мустақкамлиги, жамиятнинг сиёсий барқарорлигидир. Бу сиёсий барқарорлик эса давлат томонидан фуқаро ва шахслар манфаатлари асосида – турли хил ижтимоий гуруҳлар манфаатлари мувозанатини таъминлаш сиёсий тизимни шакллантириш орқали эришилади. Халқаро муносабатлар тизимида сиёсий суверенитет барқарорлигига ва жамиятнинг сиёсий барқарорлигига эришмасдан давлатнинг сиёсий хавфсизлигига эришиб бўлмайди.

Синдикат - ишлаб-чиқаришда юридик мустақиллигини сақлашда (нархлар, ашёни сотиб олиш, маиший маҳсулот ва шу кабилар) умумий тижорат фаолиятини интенсифлаштирадиган ташкилотларнинг бирлашиш шаклларида бири.

Сионизм (zionismus) - яҳудий халқи манфаатларини ифодалайдиган ва ҳимоя қилишни даъво қиладиган ғоявий, илмий ва сиёсий ҳаракат. С. Бутунжаҳон Сионистик Ташкилоти (БСТ) томонидан бошқарилади. БСТ 1897 йилда ташкил этилган бўлиб, қарорголари Исроил ва АҚШда жойлашган. Дунёнинг 40дан ортиқ мамлакатида фаолият юритади.

Совуқ уруш - 2-жаҳон урушидан кейинги Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ҳарбий ва сиёсий адоват (конфронтация) ни ифодалайдиган атама, илк бор 1940 й.лар охирида қўлланилган.

Статус - 1) ташкилот ёки муассаса низоми, мақоми; 2) давлат белгиси, атрибути, рамзи ва шу каби ҳолати. Статус – маълум пайтда бўлиб турган вазият, ҳолат шахснинг юридик ҳолат мақоми, давлат органи, жамоат ва халқаро ташкилотни аниқлайдиган барча қонунлар ва мажбуриятлар.

Статус-кво – йиғилган, мавжуд ёки мавжуд бўлган муайян пайтлар. Сиёсий, ҳуқуқий ёки бошқа ҳолатларни сақлаш.

Стратегия - ҳар қандай стратегия шароити ва диалектикасини қуйидагилар белгилаб беради: а) кимгадир ёхуд нимагадир сезиларли таъсир; б) узоққа борувчи таъсир воситалари ва услублари; в) мақсадни истиқболли динамик аниқлаб олиш. Умуман стратегия истиқболли мақсадга эришишда фан ва санъатни боғловчи узоқ муддатли ахлоқ йўналиши сифатида таърифланиши мумкин.

“Тараққиётнинг Ўзбек модели” - Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакатидир. Бу заминда табиий бойликлар, унумдор ер, қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий, инсоний ва маънавий салоҳият мавжуд. Энг муҳими, бу диёрда меҳнатсевар ва истеъдодли халқ яшайди.

Ўзбекистон — ўзига хос мустақил тараққиёт йўлини танлаб олган давлат. Бу йўл — жаҳонда ўзбек модели деб тан олинган ривожланиш йўлидир. Унинг рационал мағзи жамиятни инқилобий тарзда эмас, балки эволюцион — тадрижий равишда ислоҳ этишни назарда тутлади.

Истиқлолнинг дастлабки йилларида Президент Ислам Каримов раҳбарлигида ислоҳотлар стратегияси ишлаб чиқилди. Бунда тараққий топган мамлакатларнинг бозор муносабатларига ўтиш тажрибаси, мамлакатимиз бошдан кечирган тарихий синовлар ва уларнинг сабоқлари,

халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи асос қилиб олинди. Шу тариқа юртбошимиз томонидан жамиятни ислоҳ этишнинг чуқур илмий асосланган қуйидаги машҳур беш тамойили вужудга келди:

Биринчи тамойил. Иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги. Иқтисодий ислохотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, у бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Ички ва ташқи иқтисодий муносабатлар мафкурадан ҳоли бўлиши лозим.

Иккинчи тамойил. Давлат — бош ислохотчи. У ислохотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериш, янгилашиш ва ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши лозим.

Учинчи тамойил. Жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонуннинг устуворлиги. Демократик йўл билан қабул қилинган Конституция ва қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчи тамойил. Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда, кучли ижтимоий сиёсат юритиш. Бозор муносабатларини жорий этиш билан бир вақтда, аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни, болалар ва кексаларни ижтимоий ҳимоялаш юзасидан олдиндан таъсирчан чоралар кўрилиши лозим.

Бешинчи тамойил. Бозор иқтисодиётига объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, тадрижий асосда, пухта ўйлаб, босқичма-босқич ўтиш.

Ушбу тамойиллар Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўлининг асосини, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади. Уларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни, энг муҳими, бозор муносабатларини изчил жорий этишни таъминламоқда.

Тараққиётнинг ўзбек модели - халқимизнинг миллий давлатчилик анъаналари, кадриятлари ва менталитетига таянгани, айтиш вақтда, жамиятни ислоҳ этиш борасидаги дунё тажрибасининг илғор ютуқларига асослангани туфайли халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилмоқда.

Ташқи Ишлар Вазирлиги (ТИВ) – мамлакатнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан алоқаларида давлат бошқарувини амалга оширувчи ижрочи ҳокимият органи. Миллий хавфсизлик, суверенитет, ҳудудий яхлитлик ва мамлакатнинг халқаро доирадаги ташқи манфаатларини дипломатик воситалар орқали ҳимоя қилишни таъминлайди.

Ташқи сиёсат - дунё давлатлари билан ўзаро муносабатларда маълум бир давлат томонидан амалга ошириладиган устувор тамойил ва ҳаракатлар мажмуаси.

Ташқи хавфсизлик – бу бир давлатнинг миллий манфаат ва кадриятларга, ҳаёт тарзига ташқаридан келаётган хавф-хатардан ҳимояланишга айтилади. Ташқи хавфсизликнинг бузилиши нафақат ҳарбий, куч ишлатиш йўли билан, балки бу давлат ҳудуди орқали

ноқонуний равишда хомашё, маҳсулот, валюта, санъат ва бошқа кадриятларни олиб ўтиши ва олиб кирилиши, кўпорувчилик ва бузғунчилик ахборотларини тарқатиш билан ҳам амалга оширилади. Давлатнинг ташқи хавфлардан ҳимоялаш икки муҳим асосда олиб борилиши лозим: зарур ва керакли мудофаа потенциалини кўллаб-қувватлаш, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий, мудофаа, экологик ва бошқа барча соҳаларда барқарор халқаро муносабатлар тизимини шакллантириш (Халқаро ҳамжамият билан барча соҳаларда ҳамкорлик олиб бориш). Ҳозир халқаро муносабатлардаги вазиятнинг ўзига хос хусусиятлардан бири ҳам, бу ҳарбий кучдан фойдаланиш ва уни қўллаш тушунчаси йўқолиб бораётганлигидир. Аксинча, миллий манфаатларни ҳимоя қилиш ва таъминлашда бошқа соҳалардаги (иқтисод, сиёсат, дипломатик, илмий-техникавий ва бошқа) усуллар ва имкониятлардан фойдаланиш устуворлиги намоён бўлмоқда.

Таҳдид – 1) зарар етказишнинг бевосита имконияти, қонун билан муҳофаза қилинадиган мулкка, кадриятга ва манфаатга тажовуз қилиш; 2) шахс, жамият ёки давлатга нисбатан жисмоний, моддий ёки бошқа зарарнинг ҳар қандай шаклда ифодаланиши. Таҳдид хавфга қараганда турли субъектларнинг қарама-қаршилигидан келиб чиқадиган кескинликнинг янада юқорироқ даражаси, у бевосита хавфдан юзага келади, унинг ривожланишининг якуни ҳисобланади. «Таҳдид» туркуми миллий хавфсизлик назариясида «ҳаётий муҳим манфаатлар» туркуми каби катта аҳамиятга эга. Ўз вақтида миллий хавфсизликни таъминлаш тизими томонидан таҳдидларни пайқаш, белгилаш эса шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини амалий жиҳатдан ҳимоя қилишда катта рол ўйнайди. Таҳдидларнинг хусусияти ва даражасини аниқлаш – чекланган ресурслардан оқилона фойдаланган ҳолда миллий хавфсизликни таъминлаш вазифаларини ҳал этиш услублари, усуллари, уларни бартараф этиш бўйича асосий фаолият йўналишини белгилаб беради. «Таҳдид» таърифида айнан бир-бирига ўхшаш бўлмаган хавфлар назарда тутилади. Хавф-хатарлар ўзининг моҳияти, кўриниши бўйича жуда кенг тармоққа эга бўлган тушунча. Албатта, агар гап табиат муҳити тўғрисида бўлса, таҳдид хавфни келтириб чиқаради ёки хавф орқали намоён бўлади. Ижтимоий муҳитда эса хавфсизлик субъектларининг қарама-қаршилиги натижасида ҳосил бўлган таҳдидлар – бу хавф-хатар орқали намоён бўлмайди, балки, бир хавфсизлик субъектини иккинчи хавфсизлик субъекти манфаатларига зарар келтириши мумкин бўлган имкониятлари ва ғаразли мақсадларнинг йиғиндиси.

Теллуракратия ва талассократия - Геосиёсатдаги асосий қоида ер юзасининг жуғрофий тузилиши ҳамда цивилизацияларнинг тарихий типларга бўлинишида ифодаланган фундаментал дуализмни тасдиқлашдан иборатдир. Мазкур дуализм “теллуракратия” (куруқлик кучи) ва “талассократия” (денгиз кучи)нинг бир-бирига қарама-қарши қўйилишида тасвирланади. Бундай қарама-қаршиликнинг моҳияти тарихда савдо

цивилизацияси (Карфаген, Афина) билан ҳарбий-авторитар цивилизацияси (Рим, Спарта)нинг ўзаро муносабатларида ифода этилади. Бошқача айтганда бу «демократия» ва «идеократия» ўртасидаги дуализмдир.

Гарчи давр тақозосига кўра ўзгариб турган бўлсада дастлабки пайтлардан бошлаб мазкур дуализм ўзаро душманлик ёки бошқача айтганда уни ташкил қилган қутбларнинг қарама-қаршилиги хусусиятига эга. Шундай қилиб, жамиятларнинг бутун тарихи икки унсур, яъни «суюқ», «оқувчи» бўлган «сув» ва «қаттиқ», «доимий» бўлган «қуруқлик» атрофида рўй берган жараёнлардан иборат. «Теллурократия», яъни «қуруқлик кучи» заминнинг муқимлиги ва асосий хусусиятларининг барқарорлиги билан характерланади. Цивилизация даражада у (яъни теллурократия) кишиларнинг йирик уюшмалари, халқлар, давлатлар, империялар бўйсунадиган ўтроқлик, консерватизм, қатъий юридик меъёрларда намоён бўлади. Қуруқликнинг қаттиқлиги халқларнинг маданий ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатади, жумладан, ижтимоий анъаналарнинг барқарорлиги ва ахлоқий қоидаларнинг мустаҳкамлиги ана шу хусусият остида шаклланади. Қуруқликда, яъни, асосан, ўтроқ ҳаёт кечирувчи халқларга индивидуализм, ишбилармонлик руҳи ёт бўлиб, уларда ижтимоийлик руҳияти ва иерархиянинг мавжудлиги ҳосилдир.

“Талассократия”, яъни “Денгиз кучи” эса бунга тескари қоидаларга асосланган цивилизация бўлиб, у динамик, ҳаракатчан ва техник ривожланишлар тарафдоридир. Унинг устувор йўналишлари кўчманчилик (асосан, денгизда сузиш назарда тутилмоқда), савдо, индивидуал ишбилармонлик руҳидан иборат. Шахс жамоанинг ҳаракатчан вакили бўлганлиги туфайли олий кадрият ҳисобланади. Бунда маънавий ва ҳуқуқий меъёрлар бир-бири билан аралшиб, нисбий ва ҳаракатчан бўлиб қолади. Цивилизациянинг бу тури тез ривожланади, ташқи маданий хусусиятларини осон ўзгартиради, лекин ички ўзлигини ўзгартирмасдан сақлайди. Инсоният тарихининг асосий қисми ҳар иккала йўналишнинг маълум чекланган ҳудудлар шароитида, аммо “теллурократия”нинг умумжаҳон миқёсидаги устунлиги шароитида ривожланган. Ер (қуруқлик) унсури бутун цивилизацияга ўз таъсирини ўтказди, “сув” (денгиз, океан) унсури эса айрим пайтларда ва ҳудудлардагина намоён бўлади. Қуруқлик ва сув дуализми маълум бир вақтгача жуғрофий жиҳатдан денгиз қирғоқлари, дарё ҳавзаларида ва бошқа ҳудудлар доирасида қолиши мумкин. Қарама-қаршилик сайёранинг турли жойларида, турли шаклларда ривожланади.

Ер юзасидаги халқларнинг тарихи сиёсий тузумларнинг секинлик билан ўсиб кенг қамровга эга бўлганлигини намоён этади. Давлат ва империялар шу тарзда пайдо бўлади. Ушбу жараён геосиёсий даражада инсоният тарихида макон омилининг кучайганлигини англатади. Давлатлар ва империяларнинг йирик сиёсий бирлашмалари универсал цивилизациялар даражасига чиққани сайин ер ва сув унсурларининг бирлиги ва рақобатини янада ёрқинроқ ифода этади. Маълум бир пайтга

келиб (антик даврда) “Макиндер харитасида” ифодаланган етарлича барқарор манзара шаклланади. Теллурократиянинг чегараси шимолий-шарқий Евросиёнинг (умумий чегараси Русия империяси ёки собиқ Советлар давлати ҳудудига мос бўлган) ички минтақавий қисмини ўз ичига олади. Талассократия Евросиё қитъасининг қирғоқлари, Ўрта ер денгизи, Атлантика океани ва Евросиёни жануб ва ғарбдан ювиб турувчи денгизларни ўз ичига олган.

Тенглик – одамларнинг жамиятдаги ўрни, уларнинг миллати, жинси, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқаларидан қатъий назар бир хиллигини таъминлайдиган сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари, тенг имкониятлари.

Терроризм - Сиёсий қўрқитиш, зўрлаш ёки тарғибот мақсадида тинч аҳолига нисбатан куч ишлатиш ёки шунга таҳдид қилишни англатади.

Терроризмга қарши кураш операцияси – қуролли кучларнинг қисмлари ва бўлинмаларининг, бошқа қўшинлар, шунингдек, давлат хавфсизлигини таъминлашга мутасадди, масъул бўлган органларнинг ўта хавфли ва йирик террористик тузилмалар ва ташкилотлар фаолиятини тўхтатиш юзасидан мақсадлари, вазифалари, жойи ва вақтига кўра келишилган ва бир-бирига боғлиқ ҳаракатларининг мажмуи. Шунингдек,, бу операция «Контртеррористик операция» ҳам дейилади.

Техноген таҳдид – инсон ишлаб-чиқариш фаолиятининг натижаси, шунингдек, корхоналарда содир бўладиган аварияларнинг аҳолига ва унинг яшаш муҳитига жисмоний, кимёвий ва механик таъсири.

Умуминсоний қадриятлар – бутун инсониятнинг тажрибасини ифодаловчи ва қандайдир фарқланишлар бўлишидан қатъий назар барча одамлар учун муштарак бўлган дунёқарашнинг идеаллари ёки ахлоқий нормалар.

Унитаризм – қандайдир федератив бирликлар (штатлар, ерлар ва шу қабилар)нинг давлат таркибида мавжудлиги кўзда тутилмаган давлат қурилишининг шакли (феодализмдан фарқли ўлароқ). Унитар давлат таркибида алоҳида мухтор миллий давлат ташкилотлари, жумладан,, ўзининг кўпгина давлатчилик белгиларига эга ташкилотлар бўлиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасида таркибида Қорақалпоғистон Республикасининг мавжудлиги.

Урбанизация – жамият ҳаётида шаҳарларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий маърифий роли ошиб боришининг тарихий жараёни.

Фавқулодда вазият – одамларнинг нобуд бўлиши, улар соғлигига ёки ўраб турган табиий муҳитга зарар етиши, катта миқдордаги моддий талофотлар ва одамларнинг ҳаёт фаолияти шароитларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган ёки келтириб чиқарган авария, хавфли табиий офат, талофат, табиий ёки бошқа кулфат (шунингдек, душман томонидан қирувчи воситаларни қўллаш) оқибатида вужудга келган

маълум бир ҳудуддаги ҳолат. Таъсир этувчи омилларнинг тарқалиш зонасининг кўламига боғлиқ ҳолда Ф.в.лар қуйидагиларга бўлинади: локал (ишлаб чиқариш ёки ижтимоий соҳага мўлжалланган объект ҳудуди доирасида), маҳаллий (аҳоли пункти, шаҳар, туман доирасида), территориал (худудий) (ЎР субъекти ҳудуди доирасида), регионал (ЎРнинг иккита субъекти ҳудуди доирасида) ва трансчегаравий (Ф.в.нинг таъсир этувчи омиллари Ўзр чегараларидан ташқарига чиқиши ёки Ф.в. хорижда содир бўлган ва ЎзР ҳудудига тааллуқли бўлиши мумкин).

Фашизм (итал. *fascismo, fascio* - боғ, боғлам, бирлашма) – ғарбда ХХ асрнинг биринчи чорагида пайдо бўлган сиёсий оқим. Ф. ўрта мулкдорлар ҳамда синфсиз катламни ўзига оғдирган ҳолда ирқчилик, шовинизм, зўравонлик, шахсга сиғиниш, шахс ҳаётини тўла назоратга олиш, мамлакатни тўла милитарлаштириш, давлатни тўлақонли ҳокимиятини тарғиб қилади. Турли демагогик усуллардан фойдаланган ҳолда халқни ташқи агрессияга чорлайди ва халқаро хавфсизликка жиддий хавф туғдиради. Масалан, айнан Ф. партия раҳбарлари Иккинчи Жаҳон Урушининг ташаббускорлари бўлганлар. Германия, Италия ва Чилида фашистик режимлар бўлган ва улардан дастлабки иккисига Иккинчи Жаҳон Уруши тугаши билан барҳам берилган бўлса, Чилида 1973 йилда фашистик режим ҳокимият тепасига келган. Бугунги кунда фашистик характердаги режимларнинг пайдо бўлишига қарши кураш давом этаётган бўлсада, неофашистик оқимлар ҳам мавжуд. (К. Неофашизм).

Федерация (лот. «*foederare*» - иттифоқ бўлиб мустаҳкамлаш) – давлат тузилиши шаклларида бири. Федератив давлатлар мураккаб тузилишга эга давлатлар деб ҳам юритилади.

Феминизм – аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларини эркаклар билан тенглаштириш учундир.

Фирма – инглизча “*firm*” сўзидан кириб келган бўлиб «тижорат ташкилоти» тушунчасининг синоними. Асл негизи лотинча кучли, ишончли маъносини англатади. Ишлаб чиқариш, савдо, транспорт, банк ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи корхона, компания, ташкилот ҳам Ф. деб аталиши мумкин. Ф. мустақил фаолият юритади ва устав фондига эга.

Фонд биржаси (stock exchange) – чет эл валютаси, қимматли қоғозлар билан олди сотди қилувчи махсус бозор. Асосий функциялари: вақтинча эркин пул маблағларининг бир ярмарка ёки тармоқдан бошқасига ўтишни таъминлайдиган ташкилот.

Фундаментализм – атамаси илк бор расмий равишда 1908 йилда АҚШнинг Калифорния штати протестантлари тузган «Христиан динининг фундаментал тушунчалари конференцияси» томонидан қўлланилган.

Хавфсизлик – 1) ўзига нисбатан тажовузларга қарши чиқиш, хавф-хатар ва дўқ-пўписалардан ҳимояланганлик ҳолати; 2) объект

мавжудлигининг барқарорлик ҳолати ва унда тинчликни таъминлашга бўлган ҳаракатлар мажмуи; 3) хавф омилларини келтириб чиқарувчи ҳар қандай ҳаракатлар учун сарф бўладиган харажатларни чегаралаш билан боғлиқ бўлган тушунчалар. Х. тушунчаси объектив ҳолатда аниқ тарихий характерга эга бўлган «табиат – инсон – жамият» тизими билан яқин алоқада бўлган мушкул ижтимоий воқелик ҳисобланади. Хавфсизлик категорияси мутлоқ эмас, балки у ўзининг мантиқий моҳиятини аниқ объектлар ёки инсон фаолияти доираси билан бўлган мулоқотда ифодалайди. Шунинг учун, амалий эҳтиёжларда умумий қилиб, «хаёт фаолияти хавфсизлиги» тушунчасини қўлланилиши мақсадга мувофиқ. Хавфсизлик - “Хавфсизлик” тушунчаси “Миллий манфаатлар” категорияси билан чамбарчас боғланган. Шу билан бирга хавфсизлик миллий манфаатлардан келиб чиқади. Миллий суверенитет, давлатнинг худудий яхлитлиги, аҳолисини муҳофаза қилиш кабилар шундай манфаатларки, уларга эришиш учун мурсога боришдан кўра урушга рози бўлади.

Бошқача айтганда миллий хавфсизлик бу давлат ва миллатнинг ҳаётий муҳим манфаатларини таъминлашга қаратилган стратегия. Муаммога классик, реалистик ёндашув шуни тақозо этади.

Халқ – 1) Мамлакатнинг барча аҳолиси. 2) Меҳнат қилувчи омма; 3) Тарихий, этник жамоаларнинг (миллат, элат) турли хил шакли, Халқаро ҳуқуқий тизим субъекти.

Халқаро уюшган жиноятчилик - бутун дунё бўйлаб бир-бири билан ўзаро алоқада бўлган уюшган жиноятчилик синдикатларини ўз ичига оладиган тушунча .

Халқаро хавфсизлик – бу халқаро муносабатлардаги кафолатланган барқарорлик, дунё ҳамжамиятининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий соҳаларидаги мустаҳкам адоватни, ҳарбий низолар ва урушларнинг олдини олиш шароитлари шаклланган ҳолати. Миллий хавфсизликни ҳимояланиш даражаси тўғридан-тўғри халқаро хавфсизлик билан боғлиқ. Халқаро хавфсизлик ўз ичига миллий ва минтақавий хавфсизлик туркумларини мужассам қилган. Халқаро хавфсизлик – миллий хавфсизликдан фарқли равишда давлат хавфсизлигини бошқа давлатлар хавфсизлиги билан мураккаб боғлиқлигини эътироф этади.

Халқаро хавфсизлик тизими – халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва унинг асосида ташкил қилинган орган, куч ва механизмлар орқали иккита ёки ундан ошиқ мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлаш яхлитлиги.

Христианлик – эрамининг I асрида Фаластинда пайдо бўлган ва Исо Масихга илоҳий инсон, дунёни қутқарувчиси сифатида ишонч билан бирлашувчи уч асосий тармоққа – католицизм, православ ва протестантликка бўлиниб кетган уч жаҳон динларидан бири (ислом ва буддизм билан бир қаторда); Х.нинг асосий диний таълимоти Библия-Инжил ҳисобланади (энг аввало Янги Аҳд). Библия икки қисмга –қадимги Аҳд ва янги Аҳдга бўлинади («аҳд» сўзи Худонинг инсонлар билан

махсус алоқасини билдиради. Қадимги Аҳд (яъни Товрот ва Забур) Исо Масих туғилишидан аввал, янги Аҳд (яъни Инжил) Исо Масих туғилгандан кейин биринчи асрда ёзилган.

Хунта – 1) ҳокимиятни ноқонуний қўлга киритган ва диктаторлик усуллари билан бошқараётган фитначилар гуруҳи; 2) баъзи бир лот Америкаси мамлакатларида ижроия ҳокимият органи; 3) Испания, Италия ва Лот. Америкаси мамлакатларида жамоат ва сиёсий ташкилотлар, бирлашмаларнинг номи.

Хусусий мулк – Энг қадимги ва кенг тарқалган мулк хусусий шаклдаги мулк бўлиб, у асосан, айрим шахслар билан боғлиқдир. Алоҳида фуқаро ёки оила, юридик шахснинг ер ҳовлисига қурилишлар билан уй-жой, маиший хизмат кўрсатиш, савдо ва бошқа тадбиркорлик фаолиятида бинонинг, иморатлар ҳамда пул воситалари, акциялар, облигациялар ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар мулки. Хусусий мулк асосий ўринни эгалламагунча ва давлат мулки устунлиги йўқ қилинмагунча барибир иқтисодий тараққиётнинг объективлиги нисбатан сунъийликнинг устунлиги мавжуд бўлаверади.

Хуфёна иқтисодиёт – жамият томонидан назорат қилинмайдиган таксимот, айрибошлаш товар-материал бойликларнинг истеъмол ва хизмат кўрсатиш соҳалари. Давлат бошқарув органлари ва жамоатчиликдан яшириладиган алоҳида фуқаролар, ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги мулкчиликнинг мавжуд шаклларидаги ғаразли равишда ўз манфаати учун шахсий ёки гуруҳлар манфаати учун фойдаланиладиган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (ўғирликлар, ғаразли мансабдорлик ва хўжалик жиноятлари, наркобизнес, қимор ўйинлар, фоҳишабозлик, босқинчилик, қароқчилик, шахсий мулкни ўмариш, рэкет; амалдаги рўйхатга олиш тизимида ва ҳисоботда реал воқеалик сифатида ўз ифодасини топган фактик натижалар, иқтисодий субъектлар ўртасидаги шахсий муносабатларда ва улар ўртасидаги бевосита алоқаларда ва ҳоказолардаги маълум бир асосга эга бўлган нофармал ўзаро ҳаракатлар).

Цензура – юқори инстанциялар томонидан исталмаган ёки зарарли деб тан олинган ғоялар ва маълумотларнинг тарқалишига йўл қўймаслик ёки уларни қисқартириш мақсадида расмий ҳокимиятлар томонидан нашрий маҳсулотларнинг чоп этилиши ва тарқатилиши, пьесалар, кино асарлари, радио ва телекўрсатувлар, баъзида эса шахсий ёзишмалар мазмунининг назорат қилиниши. Цензуранинг икки тури мавжуд: олдиндан ва кейин амалга ошириладиган цензура. Олдиндан амалга ошириладиган Ц.да китобларни нашрдан чиқариш, пьесалар намойиш этиш ва бошқалар учун рухсат олиш зарурати тушунилади; Кейин амалга ошириладиган Цензура чоп этилган, нашрдан чиққан, қўйилган пьесалар ва бошқаларни баҳолаш ва белгиланган талабларни бузган шахсларга нисбатан чекловчи ёки ман қилувчи чоралар кўришдан иборат. Замонавий демократик давлатларнинг барчасида натижаси жазоланадиган цензура мавжуд, яъни ахборот воситаларида обрўсизлантирувчи муайян шахс ёки

давлат структурасига қарши иш қилгани ва уйдирма маълумотлар тарқатгани учун жавобгарликка тортиш (жарима солиш, мусодара қилиш ва нашрларни ман қилиш, тиражни арест қилиш ва бошқалар).

Централизм – қўйи турувчи ва маҳаллий органларнинг юқори органларга қатъий итоат этишига асосланган ягона марказдан бошқариш тизими.

Шахс – бу инсонни жамият ёки жамоа аъзоси сифатида тасвирловчи, мустақкам ижтимоий аҳамият касб этган тизим. Шахс ўзига хос мустақил онг, ирода ва характерга эга бўлган индивиднинг ва бирламчи инсон мавжудотининг мустақил фаолияти. Индивиднинг ижтимоий ҳаёт жараёнидаги фаолияти – унга шахс таърифни беради. Шахс хавфсизлиги - ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий меъёрларнинг шаклланиши, жамоат ташкилотлари ва институтларини ташкил топиши билан амалга оширилади.

Шахсга сиғиниш – сиёсий ёки диний ҳокимият иерархиясида юқори мансабларни эгаллаб турувчи шахсни ҳаддан ташқари кўкларга кўтариш, гоҳ-гоҳида илоҳийлаштириш; йўлбошчиликнинг роли ва вазифаларини максимал даражада кўтариб баҳолаш.

Шериклик – у ёки бу масала юзасидан ягона позицияни ишлаб чиқишдан иборат бўлган турли субъектлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг бир тури, шунингдек, қисқа муддатли, айна вақтдан белгиланган ушбу субъектларнинг манфаатларини ифодаловчи, сиёсий дастурларнинг қатор муҳим масалаларда мос келишига асосланган узоқ муддатли ўзаро ҳаракатларни ташкиллаштириш. Шерикларнинг ҳар бири томонидан улар фаолиятининг асосий аспектларида нисбий мустақилликнинг сақланиб қолиши шерикликнинг спецификаси ҳисобланади.

Шовинизм – французча, chauvinisme, Наполеон I босқинчилик сиёсатининг мухлиси, француз ҳарбий кўмондонларидан Н.Шовен (Chauvion) номидан олинган бўлиб, бошқа миллатларни менсимасликни ўз миллатининг уларга нисбатан устунлигини асослашга қаратилган ғоявий-назарий қарашлар тизими. Халқаро муносабатларда шовинизм атамасининг моҳиятини бошқа миллатларнинг жаҳон тарихида тутган ўрнини менсимасликка интилади. Шовинизм кўп сонли халқларнинг кўп миллатли доирасида, шунингдек, уни ўраб турган жўғрофий-сиёсий маконда ҳам ўзининг мутлоқ ҳукмронлигини ўрнатиш учун кураши намоён бўлади, ҳарбий кучга ишонувчи (таянувчи) ҳаддан ташқари, гипертрофлашган ватанпарварлик. Ультранационализм ва авторитаризм элементларини ўз ичига олади.

Шок терапияси (иктисодиётда) – иқтисодиётни соғломлаштиришга йўналтирилган бир қатор салбий оқибатларни (нархларнинг ўсиши, инфляция, бандликнинг пасайиши ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатларни) ўз ичига олувчи радикал чора-тадбирларнинг мажмуаси.

Штат – ижтимоий-сиёсий маънода бўлиб баъзи мамлакатларда (АҚШ, Мексика) штатлар ўз конституцияларига эга. Штат тепасида сайланадиган ёки тайинланадиган губернатор туради. Унинг ваколатлари баъзи жиҳатдан давлат бошлиғининг ваколатларига ўхшаш бўлади. Штатларнинг қонун чиқарувчи органлари, одатда, икки қаторли бўлади. Бироқ штат мустақил давлат эмас. 1) қатор федератив давлатларда ўз-ўзини бошқарувчи маъмурий-худудий бирлик; 2) юридик маънода қандайдир муассаса, ташкилот ходимларининг доимий таркиби; 3) ходимларнинг миқдорий таркиби, уларнинг функциялари, муассасанинг структуравий бўлинмалари ва шу кабилар тўғрисидаги жадвал, низом.

Экологик инқироз – атроф-муҳитнинг табиий ресурслар (сув, ҳаво, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси)дан ваҳшийларча фойдаланиш ва атроф муҳитнинг ифлосланиши натижасида юзага келган, инсониятнинг мавжудлигига хавф солувчи мушкул аҳвол.

Экологик таҳдид – инсон фаолияти ва табиий талофатлар натижасида экотизим барқарорлиги ва ишончлилигини бузилишининг бевосита имкониятидир. Бу эса ўраб турган табиий муҳитни ортга қайтариб бўлмайдиган ўзгаришларга олиб келиши мумкин.

Экологик хавф – инсон фаолияти, техноген омилларнинг таъсири, табиий ва антропоген авариялар ва кулфатлар, ҳарбий низолар ва бошқалар натижасида табиий атроф-муҳит учун салбий оқибатларнинг юзага келиши имконияти.

Экологик хавфсизлик – бу биосфера ва табиий муҳитнинг экологик параметрларини, атмосфера ҳолатини, гидросфера, литосфера, космосфера, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг бузилиши таҳдидларини инсон ҳаётидаги барча фаолиятидан қайта тиклаш имкониятлари бўлмаган табиий бойликларни йўқолиб бориши хавф-хатарларини олдини олишга қаратилган хавфсизликнинг туридир. Экологик хавфсизликнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу хавфсизлик тури алоҳида давлатларнинг ҳаракатлари билан амалга ошмайди. Балки бу жараён бутун жаҳон ҳамжамияти фаоллигини талаб этади. Экологик хавфсизлик бошқа хавфсизлик турларидан, жумладан, миллий хавфсизликдан фарқи унинг бутун башариятга тегишлилиги билан изоҳланади. Экологик яхлитликка эътиборсиз бўлган муносабат, охир оқибатда биосфера учун тузатиб бўлмайдиган вазиятни келтириб чиқаради. Бунинг натижасида эса ҳар бир халқнинг тинч, осойишта ривожланиши ва сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарор тараққиётига жиддий таҳдид солади.

Экологик ҳалокат – маълум бир минтақа микёсларида, атроф-муҳитда кучли ноқулай ўзгаришларга, оғир иқтисодий оқибатларга, аҳоли ва тирик мавжудотларнинг оммавий қирилишига олиб келувчи табиий ёки антропоген характердаги табиат аномалияси. Табиий характердаги табиий аномалияга узоқ вақт давом этган қурғоқчилик, жониворларнинг оммавий қирилиши ва бошқалар, антропогенга эса атом электр станцияларидаги авария, танкер ҳалокати кабилар кириши мумкин.

Юқорида келтириб ўтилганидек, Орол муаммоси ҳам экологик ҳалокатнинг бир туридир.

Экспансия (лот. expansio – кенгайтириш, ёйиш, тарқатиш) - кучли давлатларнинг дипломатик иқтисодий ва ҳарбий усуллар билан ўз таъсири доирасини бошқа мамлакатларга ёйишга қаратилган сиёсати. 1) иқтисодий усуллар (масалан капитални олиб чиқиб кетиш) сингари ноиқтисодий усуллар (янги территорияларни қурол ишлатиш йўли билан қўлга киритиш, сиёсий, дипломатик, диний ва босимнинг бошқа турлари) билан ҳам амалга ошириладиган турли бирлашмалар, гуруҳлар, давлатлар ҳукмронлигининг, таъсир доирасининг кенгайиши, тарқалиши; 2) ниманингдир дастлабки чегарасидан чиқиб кетиши, кенгайиши, тарқалиши.

Экспорт – ташқи бозорларда сотиш учун товар пулларни чет элга чиқариш. Экспорт таркибига бошқа давлатларда қайта ишлаб чиқариш учун олиб чиқиладиган моллар, махсус экспорт учун мўлжалланган товарлар киради.

Экспорт назорати – оммавий қирғин қуроллари, уларни етказиш воситалари, қурол-яроғнинг ўзгача турлари ва ҳарбий техникани яратишда қўлланиши мумкин бўлган товарлар, ахборотлар, ишлар, хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш тартибида. Мамлакатлар томонидан белгиланган қонунлар мажмуи ва меъёрий ҳуқуқий актларни амалга ошишини таъминловчи чора-тадбирлар комплекси. Асосий мақсади: мамлакат миллий мафаатларини ҳимоя қилиш ва иқтисодиётини жаҳон иқтисодига интеграцияси учун шароит яратиш.

Экспорт ресурслари – ташқи бозорга чиқариш учун мўлжалланган маҳсулот, хизматлар, алоҳида иш турлари молиявий воситалар.

Экспроприация – 1) давлатнинг мулкни ёки шахсий мулкни давлат томонидан давлатнинг мулкни мажбуран ёки номажбурий олиб қўйиши. Мажбурий ёки номажбурийлигига қараб, у икки турга бўлинади: конфискация ва реквизиция (ҳеч қандай тўловсиз ёки тўлаш орқали) тортиб олиш; 2) ўзганинг шахсий мулкни, қимматбаҳо нарсаларини қонунга хилоф тарзда тортиб олиш, қўлга киритиш, ўмариш, талончилик.

Электорат – сайловларда маълум бир сиёсий партияга (сиёсий лидерга) овоз берувчи сайловчилар давраси; маълум бир сайлов округи ёки мамлакат сайловчиларининг мажмуи.

Элита (франц. elite – энг сара) – Элита ҳақидаги назариялар даставвал Афлотун, Арасту қарашларида баён қилинган бўлиб, XX аср бошларида В.Парето, Г.Моско, Р.Михелье таълимотида систематик равишда тадқиқ этилган. Жамият иерархиясида, фанда, маданиятда, ҳарбий соҳада ва бошқалардаги олий ижтимоий гуруҳлар.

Эмансипация – тобеликдан, итоатгўйликдан, зулмдан, иримчиликдан озод бўлиш; мустақилликни ва тенг ҳуқуқликни қўлга киритиш.

Эмбарго (испан. embargo – тақиқлаш, чеклаш) - 1) ўз хатти-ҳаракатлари билан бутун дунё тинчлигига ва халқаро хавфсизликка таҳдид солувчи давлатларга нисбатан иқтисодий ва молиявий босимнинг репрессив чораси сифатида қўлланиладиган товарлар ва валюталарни, шунингдек, тижорат ва савдо-иқтисодий фаолиятнинг бошқа турларини мамлакатга олиб киришни ва ундан олиб чиқиб кетишни тўлиқ ёки қисман ман қилиш. Э. аксарият ҳолларда иқтисодий характерга эга бўлади. Э. қўллаш ҳаминша ҳам адолатли бўлишини таъкидлаш қийин. Геосиёсий рақобат натижасида қудратли давлатлар тазйиқи остида айрим давлатларга нисбатан Э. Бир ёқлама қўлланилишини кузатиш мумкин. Бунга қудратли давлатларга нисбатан деярли ҳеч қачон Э. қўлланилмаслигини ёки нефть кўп бўлган, аммо ўз мустақил сиёсатини юритишга ҳаракат қилган айрим заиф мамлакатларга нисбатан бундай тақиқлашни қўлланилишини мисол келтириш мумкин.

Эмигрант (лот. emigrare – чиқиш) - ўз давлати фуқоролигини тарк этган ёки бошқа бир давлатга бутунлай яшаш учун кўчиб кетган шахс.

Эмиссия - қоғоз пулларнинг ғазнахона ёки бошқа давлат молия органлари томонидан муомалага чиқарилиши. Пул эмиссияси деганда, нафақат пул белгиларини чиқариш, балки муомаладаги нақд пул ва нақд бўлмаган пулларнинг бутун массаси тушунилади.

Эркинлик – 1) табиат ва жамият ривожланиши қонунларини тан олиш асосида субъектнинг ўз озодлигининг пайдо бўлиш имкониятлари; 2) умумий сиёсий ҳаёт ва жамиятнинг бутун фаолияти ва унинг аъзолари билан боғлиқ бўлган чекланишлар йўқлиги; 3) давлатда инсон ҳолатини аниқлайдиган ҳуқуқий нормалар.

Этник тозалашлар - этник ва ирқий асос (мансублик) ларга кўра фуқароларнинг таъқиб қилиниши, кўчирилиши ёки ўлдирилиши.

Этнос – турли жамоалар (қабила, элат) томонидан қайд этилган одамларнинг мустаҳкам ижтимоий гуруҳининг тарихий пайдо бўлиши.

Эътиқод (ишонч, иймон) – кишилар фаолиятининг ўйланган, турғун сабаблари бўлиб, уларнинг хатти-ҳаракатларида, қилган ишларида ва хулқ-атворида юзага келади. Эътиқод ўзида учта ҳолатни босиб ўтади: а) билим, ғоя, назария, (яъни ақлий ҳолат); б) билимларга берилган баҳони, муносабатни (яъни баҳолаш ҳолати); в) ўзлаштирилган билимларни ўз хатти-ҳаракатига татбиқ этиш. Буларнинг замирида сиёсий, фалсафий, эстетик, табиий фанларга оид ва инсоннинг бошқа қарашларининг тартибга солинган тизими ётади.

Ядровий кучлар – қуролланишда ядро кучларига эга бўлган ҳарбий шаклланишнинг (кўшинлар, қисмлар, бирлашмалар) номи. Қўлланишда стратегик тезкор-тактик ва тактикка бўлинади.

Қадрият – 1) ўраб турган дунё объектларининг хусусиятлари билан эмас, балки уларнинг инсон ҳаёти ва фаолияти соҳасига, манфаатларига, ижтимоий муносабатларига жалб қилинганлиги билан белгиланадиган инсон, гуруҳ умуман жамият учун ижобий ёки салбий аҳамиятга эга

тушунча; 2) бу аҳамиятни ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар, идеаллар, кўрсатмалар билан ифодаланган баҳолаш усуллари ва мезонлари; 3) нархи; 4) катта нархга эга бўлган нарса; Қ.нинг қуйидаги турлари мавжуд: универсал (муҳаббат, истиқболли ҳурмат, хавфсизлик, билим, миллийлик, озодлик, саломатлик ва бошқаларга дахлдор) Қ.; моддий ва маънавий; ижобий ва салбий; индивидуал (шахсиятга оид), ички гуруҳларга оид (сиёсий, диний) ва умуминсоний қадриятлар.

Қадриятлар – борлиқ ва жамият, нарсалар, воқеалар, ҳодисалар, инсон ҳаёти, моддий ва маънавий бойликларнинг аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча.

Қайта қуриш – 1) хўжалик юритишнинг шакл ва усуллари жиддий ўзгаришлар билан олиб бориладиган ижтимоий-иқтисодий тизимдаги чуқур ўзгаришлар; 2) совет иқтисодиёти, сиёсати, мафқураси ва маданиятини умуминсоний идеаллар ва қадриятларга мувофиқлаштиришга олиб келишга оид КПСС ва СССР раҳбарлиги (80-йилларнинг иккинчи ярми – август 1991 й.) фаолияти.

Қўшилмаслик ҳаракати - совуқ уруш даврида, асосан, ривожланаётган давлатлар томонидан, ўзларининг умумий манфаатларини ҳимоялаш ва бир-бири билан рақобат қилаётган буюк давлатлар иттифоқи таъсирига тушиб қолмаслик мақсадида тузилган ҳаракат.

Ҳарбий ислоҳот – ўзгарган ички ва ташқи шароитлари мослигига қаратилган давлат ҳарбий ташкилотининг (қуrolли кучларини, ҳарбий бошқариш органларини мудофаа ва озиқ-овкат мажмуаси ва у билан боғлиқ бўлган давлат бошқаруви) барча миқдорий ва сифатий ўзгариши. Ҳ.и. геосиёсий вазият ўзгариши билан, ҳамда давлатнинг дунёдаги ўрни ва роли, унинг янги сиёсий вазифалари, қуrolли кураш усули ва янги воситаларнинг пайдо бўлиши, иқтисодий тушунчалар билан ўтказиш, ишлаб-чиқариш даражасининг ўзгариши ва бошқалар; булар давлат ҳокимиятининг олий органлари томонидан олиб борилади ва қонунда ҳарбий низом ва бошқа ҳужжатларни юридик томондан мустаҳкамлашдир.

Ҳарбий иқтисод –1) давлатнинг мудофаа эҳтиёжини таъминловчи халқ хўжалигининг махсус қисми; 2) ушбу таъминотнинг қонуниятлари тўғрисидаги назарий фанлар тизими.

Ҳарбий-иқтисодий ресурслар – урушнинг тайёргарлиги ва олиб борилиши манфаатларида қўлланиладиган моддий, ижтимоий ва молиявий ресурслар; ҳарбий иқтисод доирасида амалга ошади. Ҳар бир давлат ресурслари чекланган бўлганидан Ҳ.и.р. тақсимлаш илмий асосланган бўлиши шарт, мумкин бўлган чегарадан чиқиши, тарқалиши тескари натижаларга олиб келиши мумкин (мамлакат иқтисодининг бутунлай кучсизланиши). Ҳ.и.р.ни самарали эффеkтив қўллашда муҳим восита бу уларнинг тақсимланиши бўйича илмий асосланган қарорнинг мавжудлигидир.

Ҳарбий-иқтисодий хавфсизлик – бу иқтисодий хавфсизликнинг давлат мудофаасини таъминлаш муаммолари билан боғлиқ бўлган қисмидир. Ҳарбий-иқтисодий хавфсизликнинг таъминланиши давлатнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Бу хавфсизлик турини унинг кенг ва тор маъносига қараб ажратиш мумкин. Ҳарбий-иқтисодий хавфсизлик кенг маънода – бу давлатнинг миллий манфаатлари ҳимоясини кафолатлаш ва иқтисодий, ҳарбий тажовуз шароитида халқ хўжалигининг барқарор фаолиятини таъминлаш даражасида давлатнинг тинчлик даврида миллий хавфсизликнинг иқтисодий ва ҳарбий соҳалари ўртасида оптимал мувозанатни ушлаб туришга айтилади. Ҳарбий-иқтисодий хавфсизлик тор маънода – бу ҳарбий-иқтисодий қарама-қаршилик шароитида барқарор фаолиятни ва унинг мустақиллигини кафолатловчи ва ҳарбий-иқтисодий эҳтиёжларнинг онгли мудофаа даражасини таъминловчи мудофаа-хўжалик мажмуининг ривожланишини англатади. Ҳарбий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш ўз ичига бир бирига ўзаро боғлиқ икки жиҳатни; ҳимоя ва хужумкорликни қамраб олиши зарур ва ҳарбий-иқтисодий хавфсизликни таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишда бу икки жиҳатдан фойдаланиш зарур ва муҳим омил ҳисобланади.

Ҳарбий хавфсизлик – бу халқаро муносабатлардаги, давлатлараро алоқалардаги ва давлатнинг мудофаа имкониятларининг шундай ҳолатики, бунда уруш хавфи минимал даражага олиб келинган бўлади. Ҳарбий хавфсизликнинг таърифидан келиб чиққан ҳолда унинг ташқи ва ички соҳаларини кўришимиз мумкин.

Ҳарбий хавфсизликка таҳдид – қурол-яроғ ишлатиш йўли билан мамлакатнинг озодлигига, мустақиллигига суверенитетига, давлат бирлигига, ҳудудий яхлитлигига, унинг миллий мулкига, миллий кадриятлари ва манфаатларига қаратилиши мумкин бўлган таҳдид; ҳарбий баёноتلар; намоёнкорона ҳаракатлар, шантаж, босим, ҳарбий воситаларни ишлатиш йўли билан амалга ошириладиган ҳатти-ҳаракатлар, тасодифий ҳарбий тўқнашувлар, шунингдек, тасодифий ядро урушининг юзага келиш имконияти. Унинг манбалари қуйидагилар: экстремистик-экспансив мақсадларда ҳарбий тазйиқ қўллашнинг мумкинлигини тан олинишидан келиб чиқадиган ҳарбий доктриналар ва ҳарбий сиёсат; бошқа давлатлар ҳарбий қудратининг уларнинг мудофаа эҳтиёжларидан ортиқ даражада кучайиши, ядро қуролининг мавжудлиги ва ядро уруши хавфининг сақланиб қолиши; ядровий имкониятни қўлга киритишга интилаётган бир гуруҳ давлатларнинг мавжудлиги; ҳарбий-сиёсий нотинчликнинг кескинлашуви (минтақавий ва умумбашарий); ҳарбий-сиёсий кескинлик ўчоқларининг ва қуролли низоларнинг давлат чегарасида ва унинг ҳудудида мавжудлиги; ҳарбий разведкалар фаоллигининг ўсиши; ҳарбий хавфсизликка оид шартномаларнинг бузилиши ва ҳ.к.

Худудий мудофаа – давлат худудидаги объектлар ва коммуникация тармоқларини душман ҳужумидан, унинг террористик ва диверсион ҳаракатларидан ҳимоя қилиш, шунингдек, ҳарбий ҳолатни белгилаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошириладиган ҳарбий ва умумдавлат чора-тадбирларининг (асосий) узвий қисми.

Ҳукумат инқирози – сиёсатининг таназзулга юз тўтиши ёки мамлакат аҳолисининг унга нисбатан ишончсизлик билдириб ҳукумат истеъфосини талаб қилиши ва ҳукуматнинг бирор бир вазифани уддалай олмаслиги оқибатида ҳукуматнинг қисман ёки тўлиқ истеъфога чиқиши.

Х БЎЛИМ: РЕЙТИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ

**Ўқув йилида “ЎзДЖҚНваА” фани бўйича
(барча йўналишлари учун) талабалар билимининг рейтинг
назорат кўрсаткичлари**

1- модуль

Баҳо	Аудитория			Мустақил иш	Жами
	Жорий	Оралик	Жами		
“5”	16,9-19,6	7,2-8,4	24,1-28	10,4-12,0	35-40
“4”	13,8-16,8	6,0-7,1	19,8-24	8,5-10,3	29-34
“3”	10,3-13,7	4,6-5,9	15,4-19,7	6,5-8,4	22-28

2- модуль

Баҳо	Аудитория			Мустақил иш	Жами
	Жорий	Оралик	Жами		
“5”	18,8-22	8,2-9,5	27,0-31,5	11,7-13,5	38,7-45
“4”	15,8-18,7	6,8-8,1	22,6-27	9,6-11,6	32-38,6
“3”	12,8-15,7	4,7-6,7	17,5-22,5	7,5-9,5	25-31,9

Якуний назорат

Баҳо	Якуний назорат	Жами
“5”	12,9-15	86-100
“4”	10,7-12,8	71-85
“3”	8,3-10,6	55-70

Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси
ва амалиёти фанидан ўқув-услугий мажмуа
Тошкент ахборот технологиялари
университети ИваБ факультети илмий-
услугий кенгаши йиғилишда (2007 йил 19
ноябрь, -сон мажлис баённомаси) муҳокама
этилиб, босишга тавсия этилди.

Тузувчи: ф.ф.д. Туленова Г.Ж.
Муҳаррир: .Каримова Г.Р.